



С.С.САҲОБИДДИНОВ

# ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИ



*На узбекском языке*

**Сирож Сахобиддинович Сахобиддинов**

**СИСТЕМАТИКА РАСТЕНИЙ**

(от низших растений до высших)

Издание третье, переработанное и дополненное

Учебное пособие для студентов  
высших учебных заведений

*Издательство «Ўқитувчи»*

*Ташкент — 1976*

Редактор Ф. Гофурова

Бдиний редактор Х. Ахмаджонов

Мукова рассоми Э. Валиев

Тех. редактор Э. Вильданова

Корректор Д. Нуритданова

Тервішга берилди 25/IV-1976 й. Босишга рухсат  
этанди 21/X-1976. Коғоз № 1. 60X90<sup>1</sup>/<sub>1</sub>. Физ. б. л. 14.0.  
Нашр л. 15,06. Тиражи 10000.

«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30,  
Шартинома 66-76. Баҳоси 42 т. Муқоваси. 24 т.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия  
ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг Тошкент  
полиграфия комбинати, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30, 1976 №  
Зак. № 360.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Совета  
Министров УзССР по делам издательства, полиграфии и  
книжной торговли. Ташкент, Навои, 30.

© «Ўқитувчи» нашриёти, Т., 1976

C 21006 № 289  
353 (06)-76 85-76

## АВТОРДАН

Ўзбек тилида ўсимликлар систематикасига оид бирор дарсларлик ёки қўлланманинг йўқлиги ва унга эҳтиёж катталиги туфайли ушбу қўлланма олий ўқув юртларининг программасига мослаб ёзилди.

Қўлланмани ёзишда ўсимликлар систематикасига доир русча дарсларлик, қўлланма ва муҳим мақолалардан фойдаланилди. Расмлар мавжуд дарсларлардан олинди.

Ушбу қўлланмани яратишда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясинаг ҳақиқий аъзолари биология фанлари доктори проф. К. З. Зокиров, биология фанлари доктори проф. Е. П. Коровин; В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг профессори, биология фанлари доктори А. Музаффаров, доцент И. И. Гранитов ва доцент {М. Орифхонова,} Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг профессори, биология фанлари доктори М. К. Каримов ҳам қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам бердилар. Автор уларга чуқур миннатдорчилик билдиради.

*Автор.*

## УЧИНЧИ НАШРИГА СҮЗ БОШИ

Китобнинг ушбу нашрини тайёрлашда биринчи ва иккинчи нашрида учраган баъзи камчиликларни бартараф қилиш билан бирга, бактериялар бўлимига анча ўзгаришлар кирптилди, расмлар сони оширилди ва қўлланмадаги эски материаллар янгилари билан алмаштирилди. Тубан ўсимликлар классификацияси П. А. Генкель, Л. В. Кудряшовларнинг 1964 йилда ва М. В. Культиасовнинг 1955 йилда, Н. А. Комарницкий, А. А. Урановларнинг 1962 йилда нашр этилган дарслик ва қўлланмаларига монанд қилиб берилди. Баъзи мулоҳазаларга кўра «Юқори ўсимликлар» бўлими «Гулли ўсимликлар» билан биргаликда нашр этилиши маъқул топилди.

Таксономик категория терминлари «Халқаро ботаника номенклатураси кодекси»нинг кўрсатмасига мувофиқ бўлим (тип), синф, тартиб (ажодд), оила, авлод, тур ва оралиқ, таксонлар халқаро илмий номларининг охирни муайян ва аниқ қўшимча билан тугаши лозим. Шунга кўра, таксонлар латинча-ўзбекча номларининг охирни қўлланмада «Халқаро ботаника номенклатураси кодекси»<sup>1</sup> талабига мувофиқ қайта ишланди. Кодекснинг кўрсатмасига кўра «тип» термини ўрнига «бўлим» сўзи киритилди.

Ўсимликлар маҳаллий ва латинча номларининг кўрсаткичи ҳам қўшилди.

<sup>1</sup> Ж. «Совет мактаби», 1966, № 5. Систематик категорияларнинг терминологияси ҳақида.

## КИРИШ

«Ботаника» сўзи грекча «ботанэ» сўзидан олинган бўлиб, лугавий маъноси кўкат, сабзавот демакдир. Ботаника умуман ўсимликлар ҳақидаги фан. Ҳозирги замон ботаника фани гоят кенг тармоқлидир. У ўсимликларнинг ташқи ва ички тузилишини, келиб чиқишини тасвиirlаб системага солади, ўсиш, ривожланиш ва ҳаётий процессларини, тарқалиш қонунларини, ташқи муҳит билан бўладиган ўзаро муносабатларини, ўсимликлар дунёсидан ҳар тарафлама фойдаланиш ҳамда уларни қўриқлаш ўйларини ўрганади.

Ботаника саноат, хўжалик ва турмушнинг жуда кўп соҳалари билан, чунончи, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, медицина ва бошқа тармоқлар билан узвий боғланган. Бинобарин, ботаника фанининг энг муҳим вазифаси ўсимликлар дунёсини ҳар тарафлама ва чуқур тасвиirlаб системага солиш асосида уларнинг маҳсулдорлитини ошириш, кишилар ихтиёрига бўйсундириш, уларнинг ўсимлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда табиий ўсимлик бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш, кўпайтириш ва муҳофаза этиш тадбирларини белгилашдан иборат.

Ҳозирги пайтда қуруқлика, чучук сувларда, денгиз ва океанларда ўсаётган ўсимлик дунёси узоқ тарихий ривожланиш маҳсулидир. Маълумки, ўсимликларсиз бошқа тирик мавжудотлар яшай олмайди. Ўсимликлар қуруқлика, сувда, ҳавода ва тупроқ остида тарқалган. Ҳозир фанга ўсимликларнинг 500 мингга яқин турлари маълум. Ўсимликлар турли шароитда: сувсиз саҳроларда, музли баланд тоғларда, кўл, денгиз ва океанларда ўсади, ҳавода ҳам учрайди. Сув ўтлардан хлорелла, бактерия ва пўпанак замбуруғларнинг спораси 33 км баландликда ҳам тарқалган.

Ўсимликлар систематикаси ботаниканинг энг муҳим ва катта бир қисми бўлиб, унда ўсимликлар дунёсининг келиб чиқиши, бир-бири билан қариндошлик даражаси, ўзаро муносабати ва тарихий ривожланишига қараб классификация қилинди, яъни қа-

димги геологик даврлардан бошлаб, ҳозиргача етиб келган барча ўсимлик группаларига бўлиниб, эволюцион тараққиёт нуқтаси назаридан системага солинади. Шундай қилиб, ўсимликлар систематикаси филогенетик система яратиш борасида иш олиб боради, ўсимлик турларини тўла ҳисобга олади, яъни уларнинг рўйхатини тузади ва характеристерли белгиларини тасвирлайди, таксонларга: туркум, онла, тартибларга ажратади.

Ўсимликлар систематикасининг вазифаси ўсимликлар дунёсини ўрганиб системага солиш билан чекланмайди, бошқа фанлар каби, амалий масалаларни ҳал этиш, жамиятнинг ўсимлик маҳсулотларига бўлгаян эҳтиёжини қондириш учун ҳам хизмат қиласди.

КПСС Марказий Комитети XXV съезди резолюциясида «Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ўстиришни ва унинг кўпроқ барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларга ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг зарур давлат резервларини яратиш учун деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлигини ҳар томонлама оширишни таъминлашдан иборат»<sup>1</sup>— дейилган.

Бу борада ўсимликлар систематикаси ҳам бошқа фанлар каби ўзининг эришган муваффақиятларипи жамият эҳтиёжига, ҳалқ манфаатига хизмат қиласидиган илгор фанга айланди.

Бепоён Ватанимиз бениҳоя табиий бойликларга эга. Мамлакатимизда «яшил бойликлар»— озиқ-овқат, турли ем-хашак ўсимликлари, каучук, гуттаперча, эфир мойи, тўқимачилик саноати учун хом ашё, бўёқ, ошловчи моддалар берувчи ўсимликлар ва витамин ҳамда дори-дармон олинадиган хилма-хил қимматбах ўсимликлар бехисобдир. Фойдали ўсимликларнинг янги турларини топиш, улардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, маданий ўсимликларнинг ҳосилини муттасил ошириш, яхши навлар яратиш систематикларнинг вазифасидир.


<sup>1</sup> 1976—1980 йилларда СССР ҳалқ хўжалигини ривожлантиришинг асосий йўналишлари. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1976.

## ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИННИГ ҚИСҚАЧА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўсимликлар систематикаси бошқа фанлар каби, кишиларнинг ҳаёттй талабларини қондириш йўлида қилинаётган меҳнати на-тижасида вужудга келди. Ҳозирги замон ўсимликлар системати-каси узоқ кузатиш ва текширишлар даврини кечирди. Ўсимликларни классификация қилиш соҳасидаги уринишлар кишилик жамиятининг ilk давридан бошланди. Дастрраб, кишилар ўсим-лик турларини фойдали белгиларига қараб ҳар хил гуруҳларга, чунончи озиқ-овқат бўладиган, доривор ва бўёқ учун ишлатида-диган ҳамда заҳарлilarига бўладилар. Ўсимликлар системати-касига доир ёзма ҳолдаги дастрлабки маълумотлар қадимги Грецияда, Римда яшаган табиатшунос олимларнинг асарларида учрайди.

Машҳур грек философи ва табиатшунос олимни Аристотель (эрэмиздан аввалги 384—322 йиллар) ўсимликларни ўрганиш ва кўпайтириш билан ҳам шуғулланган. У ўсимликлар ҳақидаги барча маълумотларни тўплаб, 100 дан ортиқ ўсимлик турларни таърифлаб берди. Аристотелнинг «Ўсимликлар назарияси» номли китоби бизнинг давримизгача етиб келмади. Шу сабаб-дан у томондан тузилган ҳайвонлар классификацияси машҳур бўлса ҳам, бироқ ўсимликлар классификацияси устида ишла-гани ҳозирча номаълум. Аристотелнинг шогирди Теофраст (эрэмиздан аввалги 371—286 йиллар) ўз устози ишини давом эттириди. Теофраст ўсимликлар ҳақидаги маълумотларни тўп-лаб, уларни ўрганди ва ўз классификациясини яратди. Унинг ўн томли «Ўсимликларнинг табиий тарихи» деган китобида 450 га яқин ўсимлик турлари тасвиранади. Теофраст ўсимликларнинг ҳаёттй формаларига ва экологик хусусиятларига эътибор қилган ҳолда уларни дараҳт, бута, чала бута ва ўт ўсимликлари каби гуруҳларга бўлди. Маданий ўсимликларни ёввойи ўсим-ликлардан ажратди. Теофраст ўсимликлардан фойдаланишга, уларни сунъий шароит таъсирида ўзgartириншга, ўсимликларни маданийлаштириш методларига, мева ва сабзавотлар ҳосилини оширишга алоҳида эътибор берди. Бу ўткир идрокли табиатшу-носни кўпчилик олимлар «ботаника фанининг отаси» деб ҳисоб-лайдилар.

Рим олимларида Плинний Старший (эрэмиздан аввалги 79—23) «Табиат тарихи» деган 9 томли йирик асарининг 6 томини ўсимликларга бағишлади. Плинний Старший таҳминан 1000 та



Аристотель

ма бўлиб келди; бу қўлланма ботаника ва медицина тарихида муҳим ўрин тутади.

Ўсимликлар ҳақида, хусусан уларнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида кўп маълумотлар тўплланган бўлса ҳам, лекин уларнинг илмий классификацияси кейинроқ ишланади. Чунки Ўйғониш даврига қадар ботаника ва шу жумладан, систематика соҳасидаги ишлар Теофраст, Диоскорид каби олимларнинг асарларини изоҳлаш билан чекланди. Ўрта асрнинг феодал тузуми ҳукмронлик қилган оғир, кулфатли йилларида дин-хурофт жуда авж олди, барча фанлар ва шу жумладан, ботаника фани ҳам тараққий этишдан ва юксалишдан вақтинча тўхтади.

Бироқ Ўрта асрда яшаган ва жаҳон фанига жуда катта ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва машҳур олим Абу Али ибн Синонинг (980—1037) дастлаб 1020 йилда нашр этилган «Алқонуни фит тиб», яъни «Медицина қонунлари»<sup>1</sup> номли беш томли ажойиб асари фаннинг тараққий этишига туртки бўлди.

Бу асар медицинанинг барча соҳасини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ўша замондаги медицина фани ва Ўрта Осиё, Эрон, Арабистон, Европа ҳамда антик дунё медицинаси эришган муваффақиятларни ўз ичига олади. Ибн Сино бу китобида ўз тажрибалари ва кузатувларини баён этди. Китобнинг иккичи қисми дори-дармон сифатида қўлланадиган ўсимлик, ҳайвон

ўсимлик турини тасвиirlаб, улар ҳақида маълумот берди. У асосан, доривор ўсимликларни, шунингдек, 30 та олма навини ва бошқа фойдали ўсимликларга оид мавжуд маълумотларни таърифлаш билангина чекланди. Нерон даврида Римда яшаган Плинийнинг замондоши грек слими Диоскорид (янги эранинг 79-йилида вафот этган) ўзининг «Доривор моддалар» деган китобида доривор ўсимликларнинг 600 га яқин тури ҳақида ёзади, улардан 400 тасини қисқача таърифлаб, ўсадиган ва тарқалган ерларини баён қиласди.

Диоскориднинг асари ўсимликлар классификациясининг принципиал асосларини ишлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, у 15 аср мобайнида бирдан-бир ягона ва қимматли қўллан-

<sup>1</sup> Бу китоб номини қисқартиб «қонун» деб ҳам юритилади.


ва минерал моддаларга бағишлигади, 400 дан ортиқроқ дөривор ўсимликлар таърифланиб, уларнинг шифобахш хусусиятлари кўрсатилади.

«Қонун»нинг лотин тилига қилинган таржимаси XV асрда 16 марта, XVI асрда 20 марта нашр этилди. «Қонун» XVII асрнинг охирларигача Европа-нинг барча университетларида врачлар учун медицинадан асосий қўлланма бўлиб келди. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг «Фан» нашриёти томонидан «Қонун» ўзбек ва рус тилларига ҳам таржима қилиниб, унинг I томи 1954, V томи 1960 йилда нашр қилинди.

Бу китоб ботаника фанининг ривожланишига ҳам таъсир этди, чунки Ўрта аср ва Ўйғониш давридаги ботаниклар ҳам ўз асарларида унга таянгандар, ундан кўп мисоллар олганлар.

XVI асрдан бошлаб гиёҳномалар (травниклар) ҳам пайдо бўла бошлади. Гиёҳномаларда кўпинча дөривор ўсимликлар тасвирланди, уларнинг турли маҳаллий номлари ва расмлари берилиб, фойдаланиш йўллари кўрсатилди. Худди шундай биринчи китоб — гиёҳнома 1532 йилда Страсбургда Отто Бруфельс (1488—1534) томонидан чиқарилди. Шундан кейин Фарбий Европада талай гиёҳномалар нашр этилди. Масалан, Германияда Корд (1486—1535), Лепоним Бокк (1498—1554), Швецарияда Конрад Геснер (1516—1565), Италияда Антонио Брававала (1500—1555), Андреа Цезальпин (1519—1603), Голландияда Ремберг Додоней (1517—1585), Лобель (1538—1616) ва бошқаларнинг гиёҳномалари пайдо бўлди. Бироқ гиёҳномаларда келтирилган ўсимликлар маълум бир илмий системага солинмаган бўлиб, ишлатилишига ёки фойдали ва заарли белгиларига қараб (масалан, дөривор ўсимликлар, озиқ-овқатга ишлатиладиган ўсимликлар, техника экинлари, заҳарли ўсимликлар кabi) гуруҳларга бўлинган эди.

Шу давларга келиб ботаника боғлари ҳам барпо қилина бошланди. Университетлар ва айрим шахслар томонидан дөривор ўсимликлар боғи ташкил этилади. Шундай ботаника боғлари дастлаб Италияда — 1309 йили Салернода, 1333 йили Венецияда, сўнгра Германияда, Франция, Голландия, Англияда ташкил этилди. Уларнинг бир нечтаси кейинроқ машҳур ва ил-



Абу Али ибн Сино

мий аҳамиятга эга бўлган ботаника боғларига айланди. Бу боғларда чет эллардан келтирилган ва хўжалик аҳамиятига эга бўлгац турли ўсимликлар ўстирилди. Россияда биринчи ботаника боғи Пётр I нинг фармони билан Москвада 1706 йили доривор ўсимликлар пайкали сифатида ташкил этилди. Кейинроқ у Москва университети ихтиёрига ўтди. 1805 йилдан бошлаб ботаника боғига айлантирилди.

Ҳозир СССР Фанлар Академияси ботаника институтига қарашли, Ленинграддаги академик В. Л. Комаров номидаги бош ботаника боғи ҳам 1714 йилда доривор ўсимликларнинг пайкали сифатида ташкил этилган. Узбекистон ССР Фанлар Академиясининг ҳозирги ботаника боғи ҳам 1921 йилда кичик ботаника боғи сифатида ташкил этилган эди.

XVI—XVII аср тасвирий ботаниканинг гуллаган даври бўлди, чунки шу даврдаги ботаниклар асосий диққатни ўсимликларни тасвирлашга қаратдилар. Ўсимликларга оид жуда кўп материал тўпланди ва ўрганилган ўсимлик турларининг сони тобора ортиб борди. Теофраст вақтида ўсимликларнинг 450 тури маълум бўлган бўлса, XVII асрда тасвирланиб аниқланган ўсимликларнинг сони 6 мингга етди.

Ўсимликларга мансуб жуда кўп хилма-хил материаллар тўпланиши натижасида ботаниклар бу материалларни ўзлаштириш, уларни аниқлаб маълум системага солиш учун урина бошлидилар. Ўсимликлар систематикасини яратиш, мавжуд ўсимликларни тартиби солиб, уларни класификациялаш ўша даврдаги барча ботаникларнинг зиммасига тушган муҳим вазифалардан бири бўлди.

Италиялик ботаник Андреа Цезальпин (1519—1603) биринчи бўлиб, илмий асосда ўсимликлар дунёсининг системасини яратади. У 1583 йилда нашр этилган «Ўсимликлар ҳақида 16 китоб» номли асарида ўсимликларнинг 1500 турини тасвирлайди, шуларнинг қарийб ярми шахсан ўзи тўплаган ўсимликлар бўлиб, уларнинг бир қанчаси янги, Цезальпингача тасвирланмаган турлари эди. У ҳар қайси турни қисқача таърифлаб, ўсимликлар бир бутун организм деганояни илгари суради.

Цезальпин ўз системасида ўсимликлар дунёсини аввало иккни бўлимга: 1) ёғочли ўсимликларга (дарахт ва бута), 2) чала бута ва ўт ўсимликларига бўлди. Уларни эса ўз навбатида XV синфга ажратди. Синфларга бўлганда мева, уя ва уруғлар сонини ҳамда муртак тузилишини асос қилиб олди. Синфдаги кичик гуруҳларни эса, гулининг тузилишига, тугунчасининг остики ва устки қисмдан иборат бўлишига қараб белгилайди. XV синф ўз ичига моҳ напоротник, қирқбўғим ва замбуруғларни олади. Цезальпин буларни яхши ривожланмаган ўсимликлар билан юксак тузилган ўсимликлар ва ўлик табиат ўртасидаги оралик ўринини эгалловчи ўсимликлар деб ҳисоблайди, чунки Цезальпин ҳам Аристотель сингари ўсимликларни такомиллашмаган ҳайвон деб қарап эди. Лекин Цезальпин ажратган баъзи бир синф-

лар ҳозирги замонда мавжуд бўлган табиий группаларга тўғри келади. Масалан, X синф говзабондошлар ва лабгулдошлар оиласидан ташкил топган бўлса, XI синф фақат мураккаб гуллилар оиласидан иборат. Бироқ кўпчилик синфлардаги ўсимликлар ўзаро кескин фарқ қилади. Масалан, VII синфга атиргулдошлар, рўяндошлар ва итузумдошлар оиласи киритилган. Бу унинг системаси сунъий система эканлигидан далолат беради.

Цезальпин системаси сунъий система бўлишига қарамай, систематиканинг тарихий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Цезальпиннинг система яратишдаги асосий хизмати шуки, у аввало ўсимликларни барча поя, илдиз шаклларига қараб классификациялаш мумкин эмаслигини, ўсимликларниң қайси группага мансуб эканлигини аниқлашда уларнинг кўзга ташланган тасодифий белгиларига эмас, балки объектив белгилардан мева ва уруғ тузилишига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини кўрсатди. Цезальпиннинг «Ўсимликлар ҳақида 16 китоб» деган асари босилиб чиққандан кейин, яъни 1583 йилдан бошлаб, шу сингари умумий система яратишга катта эътибор берилди.

Швед ботаниклидан Каспар Баугиннинг (1560—1624) хизматлари ҳам диққатга сазовордир. Бу теран билимли, ғоят доно олим ботаника соҳасидаги қирқ йиллик иши даврида 6000 ўсимлик турини танқидий равишда кўздан ўтказди, уларни аниқ қилиб тасвирлади, номлардаги мавжуд чалкашларни бартараф қилди. Ўша даврда ботаниклар орасида ўсимликларга ном бериш принциплари соҳасида ҳамжиҳатлик йўқ эди. Тасвирланган ва номи бор ўсимликлар бошқалар томонидан қайтадан тасвирланиб янги ном билан аталарди. Натижада бир тур бир неча номга эга бўлиб қоларди. К. Баугиннинг мақтовга сазовор иши шуки, у синоним номлар чигилини мумкин қадар бартараф этишга уринди, бошқаларга нисбатан ўсимлик турларини қисқа ва аниқ ном билан таърифлади. Ўсимликларни авлодларга ажратиб, тур ва формаларни авлодга боғлади. Авлоднинг номи кўпинча бир сўздан, турнинг номи одатда бир қанча сўздан таркиб топади. Авлод ва унга қарашли таксон бир сўздан иборат бўлган пайтларда у бинар номенклатура, яъни қўш ном би-



Жон Рей

лан аталар эди. Шунга кўра систематикага туркум ва тур ҳақидаги тушунчани дастлаб К. Баугин киритган.

Инглиз ботаникларидан Жон Рей (1623—1705) «Ўсимликлар тарихи» номли асарида (1686) биринчи марта ўсимликлар дунёсини спорали (яширин никоҳли) ва гулли (очиқ никоҳли) ўсимликларга бўлиб, гулли ўсимликларни эса бир паллалилар ва икки паллалиларга ажратди. Уларни ўз навбатида 33 синифга бўлди. У биринчи бўлиб систематикага «тур» терминини киритди. Тирик табиатгагина хос ва унинг бир кўрниши бўлган турга таъриф берди. Унинг таърифика тур — маълум бир уруғдан чиқадиган, ўзаро насл берадиган ва ўхшашлигини сақладиган индивидлар йиғиндинидан иборат. Экиб ўстириш натижасида турни ўзгартириш мумкинлигини баён қилди. К. Баугин сингари Жон Рей ҳам авлод билан тур тушунчалари ўртасида фарқ борлигини фаҳмлади, турни икки сўз билан ифодалаш учун уринди.

Жон Рей классификациясининг принципларини француз ботаниги Турнефор (1656—1708) ривожлантириди. Турнефор жанубий Европа, Қичик Осиё ва Африка мамлакатлари бўйлаб саёҳат қиласи, ўсимликларни ўрганади ва кўп гербарийлар тўплайди, уларни аниқлайди ҳамда тасвирлайди. Турнефорнинг ўз она тилида ёзган ва 1694 йилда нашр этилган «Ботаника элементлариз» номли асари ўсимликларнинг гул тузилишига асосланган. У гулли ўсимликларни гултожисининг тузилишига қараб 18 синифга бўлди. Аввало тожибаргиз ва тожибаргиларга, тожибаргиларни эса бир тожибаргли ва кўп тожибаргиларга ажратди. Бир тожибаргиларга кўнғироқгулдошлар, печакдошлар ва лабгулдошлар оиласига мансуб ўсимликларни, кўп тожибаргларга эса айиқтовондошлар, атиргулдошлар каби оила вакилларини киритади. Турнефор гулнинг вазифасига эътибор бермайди, ўсимликларда жинсий органлар мавжудлигини тан олмайди. Турнефор системасининг бошқа сунъий системалардан фарқи шуки, у ўсимликлар дунёсини синф, отряд, сесия, авлод каби тўрт аъзоли систематик категорияларга бўлди.

Турнефор ва ундан олдин ўтган ботаникларнинг системаларини Р. Я. Камерариус (1665—1721)нинг «Ўсимликлар жинси» ҳақидаги (1694) тадқиқотлари ва И. Кельрейтер (1733—1806) нинг дурагайлаш соҳасидаги текширишларини ўткир зеҳили ва зўр талантли машҳур швед ғибиатшуноси Карл Линней (1707—1778) ўз ишларida маълум даражада такомиллаштириди. Карл Линней ва унинг асарлари систематикага тез ривожланшига катта таъсир кўрсатди. Систематика соҳасидаги дастлабки иши 1735 йилда нашр этилган «Табиатнинг системаси» (*Sistema naturae*) номли асарида қисқача баён қилинган. 1736 йили чиқсан «Ботаника асослари» (*Fundament botanici*) китоби асосан ботаниканинг терминологиясига бағишиланади. Бу асарида Линнейга қадар ботаниклар томонидан қўлланилган,

ҳамда шахсан ўзи фанга кирилган 1000 га яқин ботаникавий терминлар ҳақида гапирилади. 1751 йили босилган «Ботаника фалсафаси» (*Filosophia botanici*) номли асарида тур ҳақидаги таълимоти баён қилинади. 1753 йилда унинг «Ўсимлик турлари» (*Species plantarum*) номли машҳур асари бунёдга келади. Линней шу асарида ўсимликлар дунёсининг системасини тўла-тўкис беради, ўша замонда маълум бўлган 10000 чамасидаги ўсимлик турларини бинар номенклатурани қўллаган ҳолда тасниф этади.

Линней систематикага 1) тур онг маҳсулоти бўлмай, у табиатдаги объектив ҳодиса эканлигини; 2) тур тирик табиатнинг асосий яшаш формаси, унинг реал ва бошланғич элементар бирлиги эканлигини белгилашни; 3) ўсимликларни тасвир этиш техникасини анилашни; 4) систематикага бинар номенклатурани, яъни ўсимлик номларини икки сўз билан авлод ва тур номларини қўшиб бирга аташни; 5) амалда фойдаланишга қулай бўлган мавжуд ўсимликларни гуруҳларга (оталиклар сонига асосланган) бўлишни киритиб, сунъий системани яратди.

Линней системаси гулдаги оталикнинг сонига, уларнинг гулда қандай жойлашганлигига асосланган.

Линней ўсимликлар дунёсини чангларнинг сонига қараб 24 синфга, синфларни эса ўз навбатида, тартиб, авлод ва турларга бўлади:

- I синф — 1 оталикли ўсимликлар,
- II синф — 2 оталикли ўсимликлар,
- III синф — 3 оталикли ўсимликлар,
- IV синф — 4 оталикли ўсимликлар,
- V синф — 5 оталикли ўсимликлар,
- VI синф — 6 оталикли ўсимликлар,
- VII синф — 7 оталикли ўсимликлар,
- VIII синф — 8 оталикли ўсимликлар,
- IX синф — 9 оталикли ўсимликлар,
- X синф — 10 оталикли ўсимликлар,
- XI синф — оталигининг сони 11—19 гача бўлган ўсимликлар,
- XII синф — оталиги 20 ва ундан ортиқ бўлган ўсимликлар, бу ўсимликларда оталиклари гулкосага жойлашган,



Карл Линней

XIII синф — оталиги 20 дан ортиқ бўлиб, оталиклари гул ўрнида жойлашган ўсимликлар.

XIV синф — оталиги тўртта, уларнинг иккитаси узун, иккитаси қисқа бўлган ўсимликлар.

XV синф — оталиги олтига, уларнинг тўрттаси узун, иккитаси қисқа бўлган ўсимликлар.

XVI синф — оталик иплари ўзаро қўшилиб ўсиб, дастачани ташкил этган ўсимликлар.

XVII синф — оталиклари иплари билан ўзаро қўшилиб, иккича дастача ташкил этган ўсимликлар.

XVIII синф — оталиклари иплари билан ўзаро қўшилиб, уч ва ундан ортиқ дастача ташкил этган ўсимликлар.

XIX синф — оталик чангдонлари ўзаро қўшилиб, най ташкил қилиган ўсимликлар.

XX синф — оталиклари устунча билан қўшилиб ўсан ўсимликлар.

XXI синф — бир уйли, яъни эркак ва урғочи гуллари бир тупда жойлашган ўсимликлар.

XXII синф — икки уйли, яъни эркак ва урғочи гуллари айрим тупда жойлашган ўсимликлар.

XXIII синф — гуллари айрим ва иккиси жинели бўлган ўсимликлар.

XXIV синф — яширин «никоҳиллар», гул ҳосил этмайдиган ўсимликлар (сув ўтлари, замбуруғлар, моҳлар, қирқбўғимлар, папоротниклар каби спорали ўсимликлар).

Бу система ўсимликларнинг хилма-хил белгиларидан фақат оталигининг сонига унинг эркин ёки қўшилиб ўсишига ва жойланishiiga асосланган. Линней системаси ўсимликларнинг қариндошлик даражасига, ўзаро ўхшаш бўлган бир қатор белгиларирига асосланмай, балки биргина оталигининг сонига, жойланishiiga қараб белгилангани учун бу сунъий система деб аталади. Бу системада ўзаро ҳеч яқинлиги бўлмаган, узоқ қариндош бўлган ўсимликлар бир синфга кириб қолган. Масалан: иккиси оталиклилар синfigа ғалладошлар оиласидан қизилқиёқ ва тилқирқар, лабгулилардан мавроқ,райхон, зайдундошлардан шунг, сирень ва бошқалар кирган. Шоли, шакарқамиш эса шолғом, турплар билан бирга олтичи синфга киритилган.

Линней системаси сунъий бўлишига қарамай, ўз замонаси учун катта аҳмиятга эга бўлди ва ботаника фанининг ривожланишида мухим рол ўйнади. Бу система ўзининг соддалиги ва қулавилиги билан кишиларни турли-туман ўсимликлар билан танишишга, ўсимликлар дунёсининг рўйхатини тузишга ёрдам берди.

Линней системаси дастлаб турлар ўзгармайди деган метафизик тасаввурга асосланган эди. Унинг фикрича, худо қанча ўсимлик ва қанча ҳайвон турлари яратган бўлса, ер юзида шунча ўсимлик ва шунча ҳайвон турлари мавжуд бўлади. Кейинчалик, Линней турларнинг ўзгарувчанлигини тан олади ва унга иқор

бўлди, табиий система яратиш зарур эканлигини кўрсатиб ўтади. У «сунъий система»дан фақат табиий система вужудга келганича фойдаланди. Биринчи система ўсимликларни фарқ қилиш учун бўлса, иккинчиси эса ўсимликлар табиатини ўрганиш учун хизмат қиласи деб ёзди. Шунга кўра, у ўсимликларни аниқ таърифланмаган ҳолда 67 та табиий тартибга бўлди.

XVIII аср охиrlаридан бошлаб, систематика тарихида янги давр, яъни биринчи босқичи бўлган сунъий система даври тугаб, иккинчи босқичи табиий система яратиш даври бошланди.

Табиий система тузишина дастлаб француз олимларидан Антуан Лоран Де-Жюссье (1740—1836) бошлаб берди. У ўсимликларнинг ташқи ўхшашликларига қараб, айрим группалари орасида қариндошлик муносабатлари борлигини пайқайди ва бу қариндошлик уларнинг тузилиши бир хилда бўлганлиги натижаси эканлигидан дарак беради деб қарайди.

А. Де-Жюссье табиий системасининг асосий ва прогрессив томони шундаки, бу системада ўсимликларнинг бир қанча белгиларига асосланиб, уларнинг ўзаро табиий қариндошлиги кўрсатилган. 1789 йилда А. Де-Жюссьенинг «Табиий оилалар бўйича жойлашган ўсимлик авлодлари» деган машҳур асари нашр этилади. Бу асарида у ўсимликлар дунёсини уруғбаргларининг бўлиши ва бўлмаслигига қараб, уч катта бўлимга ажратди:

1. *Уруғбаргизлар* (*Acoyledones*) — барча тубан ўсимликлар (моҳлар, папоротниклар).

2. *Бир уруғбаргилар* — *Monocotyledones*

3. *Икки уруғбаргилар* — *Dicotyledones*

А. Де-Жюссье икки уруғ баргиларни, ўз навбатида, тожибаргиз, бир тожибаргли ва кўп тожибаргиларга бўлди. Яна юқорида кўрсатиб ўтилган бўлимлардаги ўсимликларни 15 та синф ва 100 та оиласа бўлиб, уларнинг ҳар қайсиини биринчи марта батафсил тасвирлайди. Бундан ташқари, у систематикага систематик категория, оила терминини ҳам киритди. Унинг иши кейинчалик яратилган табиий системалар учун катта хизмат қилди ва систематикада буюк бурилиш ясади. Шундан кейин бошқа ботаниклар янги табиий система тузиш ва ўсимликларни классификация қилиш принципларини батафсил ишлаб чиқиш устида иш олиб борадилар. 1841 йилда машҳур рус ботаниги медицина — хирургия академиясининг профессори П. Ф. Горяиновнинг (1796—1865) «Ботаника асослари» номли дарслиги нашр этилади.

Хўжайра ҳақидаги таълимот асосчиларидан бўлган П. Ф. Горяинов бу дарслигига шахсан ўзи ишлаган табиий системасини баён этади. Систематиканинг назарий проблемаларига ва табиатининг эволюцион тараққиёти масаласига тўхталиб, ўсимликлар дунёсини 4 та катта груплага: 1) споралилар (лишайниклар, моҳлар, папоротниклар); 2) соҳта уруғилар (саговниклар, ни набаргилар, казуаринлар); 3) дон мева — уруғилар (бир паллали ўсимликлар); 4) чин уруғилар (икки паллали ўсимликлар).



Ф. Гогянинов

лар) га бўлади. У замбуруғ ва сувўтларни ўсимликлар билан ҳайвоналар орасидаги ўринни ишғол этувчи организмлар гурӯҳига киритади. П. Ф. Горянинов ўз системасига тарихий тараққиёт принципини асос қилиб олди. У биринчи марта рус тилида ёзилган ва замбуруғларга бағишланган асарнинг ҳам авторидир.

XIX асрнинг 20—30-йиллардаги рус ботаник-систематикларининг энг талантли вакилларидан М. А. Максимович (1804—1883) ҳам систематикага катта ва муҳим ҳисса қўшиди. Максимовичнинг фикрича, ўсимликлар системаси табиатда мавжуд бўлган ҳаққоний қонуниятларни ўзида акс этти-

риши лозим. У (1827) «Ўсимликлар оламининг системалари ҳақида» деган асар яратади. Бу асарда Де-Жюссье системасига танқидий назар билан қараб, унинг системасини табиийдан кўра кўпроқ сунъий системага яқин туради деб таърифлади ва ундаги нуқсонларини кўрсатди. Максимович систематикада қариндошлик ва ўхшашлик деган терминларни аниқлаш зарур эканлигини уқтириб ўтди.

У Жюссье томонидан гултождаги тожибарлар сонини систематик белгилар сифатида қабул қилинишига қатъий норозилик билдириди ва ўз асарларида ташқи мұхит таъсирида ўсимликларнинг ўзгарувчанлигини, тур хилларининг пайдо бўлишини, улардан янги турларнинг келиб чиқишини кўрсатди. Бироқ рус тилида ёзилганидан унинг ажойиб фикр ва қашфиётлари барчага баробар маълум бўлмай қолди.

Женевалик машҳур ботаник Огюстен Пирам Де-Кандолнинг (1778—1841) асарлари ҳам табиий системанинг ривожланишида ижобий роль ўйнади. О. Де-Кандоль «Ботаниканинг элементар назарияси» номли (1813) асарида ўсимликлар дүнёсини морфологик белгиларидан ташқари, яъни органларининг анатомик тузилишини ҳам ҳисобга олган ҳолда икки катта бўлимга: 1) найчали ўсимликлар ва 2) найчасиз ўсимликларга бўлди. Найчали ўсимликларни аввало бир паллали ва икки паллалиларга, икки паллалиларни ўз иавбатида оддий ва қўш гулқўргониларга бўлади. Бир паллалиларни эса икки синфга: бир паллали очиқ никоҳлилар (очиқ уруғлилар) ва бир паллали яширип никоҳлилар (папоротник, қирқбўғим, плаунлар) синфига

ажратди. Иккинчи бўлум — найчалиларга фақат ҳужайралардан иборат бўлган ўсимликларни киритиб, уларни ҳам иккисинуга: 1) барглиларга (барг пояли ва қаттанали моҳлар) ва 2) баргсизларга (лишайниклар, замбуруғлар, сувутлар) бўлди. Баргсизлари айни замондаги таллофитлардир. Де-Кандоль системаси Жюссье системасидан кейинги иккинчи табиий система ҳисобланади. Баъзи нуқсонлар бўлишига қарамай, систематика тарихида катта роль ўйнайди.

Де-Кандолнинг «Ўсимликлар дунёсининг табиий системаси» номли асари 1818 йилдан нашр этила бошланди. Унинг вафотидан сўнг, бу асарлар нашрини ўғли Альфонс Де-Кандоль давом эттириди ва набираси Козимир Де-Кандоль нашр эттириб тамомлади.

Де-Кандолнинг асарлари 17 томдан иборат бўлиб, 194 оиласи ўз ичига олади. Де-Кандоль системаси бошқаларникига ўхшаш филогенетик изоҳдан узоқ, ўсимликларнинг морфологияси га асосланган система бўлса-да, Жюссье ва бошқаларнинг системасига нисбатан бир қадам олға силжиш эди. Бир қанча йирик флористик асарлар Де-Кандоль системаси асосида яратилди. Унинг бир неча томли «Ўсимликлар дунёсининг табиий систематикасига муқаддима» деган асари Қювьенинг «Ҳайвонот дунёси» деган иши зоологияда қандай рол ўйнаган бўлса, бу ҳам шундай муҳим рол ўйнади.

Шотландиялик ботаниклардан Роберт Браун (1773—1858) биринчи бўлиб, 1827 йили уруғ куртаги тугунча ичидан бўлмай, очиқ (яланғоч) ҳолда жойлашган ўсимликлар ҳам борлигини аниқлади. Шу гуруҳ ўсимликларнинг уруғ куртаги тугунча ичидан жойлашган, ёпиқ уруғлилардан ажратиш учун унга очиқ уруғлилар деган ном беради ва Де-Кандоль системасини такомиллаштириб ўзининг системасини яратади.

XVII асрда ўсимликлар анатомияси, эмбриологияси, биохимияси, физиологияси ва палеонтологияси га бағишлиланган асарлар пайдо бўла бошлади. Бу асарлар янги яратилаётган система га шубҳасиз таъсир этади. Микроскопнинг ихтиро этилиши оддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган хилма-хил майда ўсимликларни топишга, уларнинг ички ва ташқи тузилиши билан батафсил танишишга имкон берди. XIX асрнинг биринчи ярмида немис олим Гофмейстрнинг (1824—1877) эмбриология соҳасида олиб борган илмий тадқиқот ишлари систематикада кескин бурилиш ясади. Маълумки, Гофмейстр 1851 йилда тухум ҳужайрани топди. У гулли ўсимликлар билан спорали ўсимликлар орасида филогенетик фарқ йўқлигини, хусусан, папоротниксимонлар, очиқ уруғлилар билан ёпиқ уруғлиларнинг ўзаро боялигигини, уларнинг ҳаммасида ҳам насллар галланиши мавжуд эканлигини ҳамда тузилиш ва тараққий этиши бир хиллиги ишботлади.

Гофмейстер кашф этган илмий фактлар немис ботаниги Александр Брауннинг (1805—1877) системасида яхши ифодаланди.

1864 йилда А. Брауннинг эмбриология принципларига асосланган системаси вужудга келди. У барча ўсимликларни уч бўлимга, уларни ўз навбатида бўлимча ва синфларга ажратди. Қуйидা А. Браун системасини келтирамиз.

### А. Браун системаси

- I — бўлим — *Bryophyta* (мохсимонлар).
- 1 — синф — *Thalloidea* (сувўтлар, лишайниклар, замбуруғлар).
- 2 — синф — *Thallophyllodea* (харалар, мохсимонлар).
- II — бўлим — *Cormophyta* (бўғимлилар, плаунлар, папоротниклар).
- III — бўлим — *Anthophyta* (гулли ўсимликлар).
- 1 — бўлимча — *Gymnospermae* (очиқ уруғлилар).
- 2 — бўлимча — *Angiospermae* (ёпиқ уруғлилар).
- 1 — синф — *Monocotiledones* (бир палладилар).
- 2 — синф — *Dicotyledones* (икки палладилар).

А. Браун системасида гулли ўсимликлар тўғри ажратилган ва ўзига муносиб ўрин ишғол этган. А. Браун системасидаги бир паллади ва икки палладилар синфи ҳозирги замон системаларида ҳам сақланган.

1883 йилда Австрия ботаниги А. В. Эйхлер (1839—1887) нинг шу тақлиддаги системаси бунёдга келди. Эйхлер системаси Де-Кандоль, Бронъяр ва А.Браун системасидаги ғояларни ўзида мужассамлаштирган. Эйхлер ўсимликлар дунёсини дастлаб икки гуруҳга, гуруҳларни бўлимларга, уларни ўз навбатида синфларга бўлади:

### Эйхлер системаси

| Гурӯҳлар                            | Бўлимлар  | Синфлар  |
|-------------------------------------|---|--|
| I. Cryptogame<br>(Очиқ уруғлилар)   | <i>Thallophyta</i><br>(тубан ўсимликлар)<br><i>Bryophyta</i><br>(мохлар)  | <i>Algae</i> — Сувўтлар<br><i>Fungi</i> — Замбуруғлар<br><i>Hepaticae</i> — Жигарсимон<br>мохлар<br><i>Musci</i> — Поя баргли<br>мохлар  |
| II. Phanerogame<br>(Ёпиқ уруғлилар) | <i>Pteridophyta</i><br>(папоротниксимонлар)<br><i>Gymnospermae</i><br>(очиқ уруғлилар)<br><i>Angiospermae</i><br>(ёпиқ уруғлилар) | <i>Equisetineae</i> — Қирқбў-<br>гимлар<br><i>Lycopodineae</i> — Плаунлар<br><i>Filicineae</i> — Папоротниклар<br><i>Gymnospermae</i> — Очиқ<br>уруглилар<br><i>Monocotyledoneae</i> — Бир<br>палладилар<br><i>Dicotyledoneae</i> — Икки<br>палладилар |

Бу системада ёпиқ уруғлилар бўлими бир паллали ва иккича паллалилар синфига бўлинади. Эйхлер ёпиқ уруғлиларни айрим тожибаргли ва биринчан тожибарглиларга ажратади, биринчан тожибарглиларни айрим тожибарглиларга нисбатан юксак босқичга қўяди, муракабгуллилар оиласини энг такомиллашган оила деб ҳисоблайди.

Эйхлер системаси кейин бунёдга келадиган барча филогенетик системаларга асос бўлди.

XIX асрдаги табиий системанинг тарафдорлари ҳам сунъий системанинг мухлислари каби, тур доимий, у ўзгармайди деган фикрда эдилар. Шунинг учун ҳам, улар фақат ўсимликларнинг тузилиш планини ўрганишга уриндилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс XVI асрдан XVIII асргача бўлган даврни табииёт фанларининг метафизик тараққий этиш даври, деб айтган эди. Шу даврдаги олимларнинг аксари чиндан ҳам метафизика тузогига илинган эдилар. Маълумки, метафизика табиат ва ундаги тирик мавжудот, ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар ўзгармайди, тараққий этмайди, улар қотиб қолган, деб талқин этади.

Табиий системанинг тараққиётида машҳур табиатшунос эволюцион таълимотга биринчи бўлиб асос солган француз олими Жан Батист Ламарк (1744—1829) ҳам катта рол ўйнади.


Ламарк илмий фаолиятининг дастлабки даврида ботаника, кейинроқ эса зоология соҳасида иш олиб борди. У 1778 йилда «Франция флораси» деган уч томлик китобини нашр эттириди. Бу китоби билан у тезда шуҳрат қозонди. 1809 йилда Ламаркнинг «Зоология философияси» деган машҳур асари босилиб чиқди, ушбу асарида органик дунё тараққиёти тўғрисидаги ўз фикрларини батафсил баён этди.

Ламарк, ердаги ҳаёт дастлаб мураккаб шакллардаги кўришида бўлмай, балки жуда содда формада бўлиб, ҳозирда яшашётган ва мураккаб тузилишга эга бўлган ўсимлик ва ҳайвон турлари эса тирик табиатнинг тўхтовсиз ўзгариши ҳамда узоқ тараққиёт даврларини ўтиши натижасида пайдо бўлган, деб тўғри таъкидлайди.

Ламарк ҳам XVIII асрнинг эволюционистларида рус олими



Ж. Б. Ламарк



Чарльз Дарвин

Афанасий Кавернин (1750—1778)<sup>1</sup> каби, ўз таълимотида «атроф-теваракдаги ҳаёт шароитининг ўзгариши ўсимлик ва ҳайвон организмини ўзгартиради, бу ўзгариш аломатлари наслдан-насга ўтади», деган хulosага келди ва буни далиллар билан исботлади.

Ламарк табиятда бўладиган барча ўзгаришларни «ажойиб мўъжиза натижаси бўлмай, балки табият қонунлари асосида содир бўлади», деган тўғри фикрда бўлган. Ламарк систематикага тамомила янги нарсани, яъни тарихий принципни ва ўсимликларни аниқлашда кенг қўлланиладиган дихотомик таблица методини киритди.

Дастлабки системаларниң яратилишидан тортиб, то Де-Жюссьенинг «Ўсимлик авлод-

лари» (*Genera plantarum*) номли асари бунёд бўлишигача бўлган давр сунъий система даври деб аталади. А. Де-Жюссьенинг 1789 йилда нашр этилган асари, систематиканинг иккичи даври, яъни табиий системанинг ривожланишига асос солади.

1859 йилда инглиз олими Чарльз Дарвиннинг (1809—1882) «Табиий танланиш ўёли билан турларнинг пайдо бўлиши» деган машҳур асарининг босилиб чиқилиши биология фанида катта ижобий воқееликка сабабчи бўлди. Шундан кейин систематиканинг учинчи даври филогенетик систематика даври бошланади. Бу асарнинг вужудга келиши билан табиёт фанларида, шу жумладан, ботаника систематика фанида буюк ўзгариш рўй берди. Дарвин таълимоти метафизика тузогига тушган олимларга, айниқса дин ва хурофтотга қақшатқич зарба берди, кишиларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартирди ва биология фанининг тараққиётида янги давр очди.

Дарвин назариясининг асосий гояси — табиий танланиш ва сунъий танлашдан иборат. Тирик табиятдаги организмларнинг тузилиш ва яшаёт шароитига мосланиши, организмлардаги фойдалари ўзгаришлар, танланиш ўёли билан вужудга келган.

Дарвин ишига марксизм-ленинзм классиклари фоят катта баҳо берганлар. В. И. Ленин «Халқ дўстлари нима ва улар со-

<sup>1</sup> Каверниннинг туғилган ва ўлган йили таҳминийдир.

циал-демократларга қарши қандай курашадилар» деган асарида шундай деб ёзади: «Дарвин ҳайвонот ва ўсимликларнинг турларини ҳеч нарса билан боғланмаган, тасодифий пайдо бўлган, «худо яратган» ва ўзгармас турлар деб қарашга хотима бериб, турларнинг ўзгарувчанлигини ва улар ўртасидаги ирсиятни исбот қилиб, биологияни биринчи марта ўлароқ тамомила илмий асосга қўйган...»<sup>1</sup> Дарвин таълимоти систематиканинг янги учинчи даври, яъни филогенетик ёки эволюцион систематиканинг бошланишига сабаб бўлди.

Филогенетик системанинг вазифаси ўсимликларнинг ривожланиши, тараққиётини, келиб чиқишини, кўп сонли ўсимлик вакилларининг ўзаро ўхашалик, қариндошлик муносабатларини ифодалайдиган эволюцион генеалогияни<sup>1</sup> «шажара» системасини яратишдан иборатdir. Бундай система яқинлилик, ўхашалик деган сўзлар реал аҳамиятга эга бўлади. А. В. Эйхлер 1880 йилда Дарвиндан кейин «Ўсимликлар системаси — шажара дарахтига, систематика эса ўсимликлар дунёсининг тараққий этиш тарихига айланди», деб ёзади.

Филогенетик систематиканинг вазифаси сон-саноқсиз ва хилмá-хил бўлган ўсимлик турларини тўплаб, уларнинг белгиларидан биттасини олиб системалаш бўлмай, балки палеонтология, морфология, эмбриология, солиштирма анатомия, биохимия, физиология, экология, генетика ва география каби фанларнинг барча маълумотларига асосланган ҳолда уларнинг ўзаро яқинликларини ифодалайдиган система яратишдан иборат.

Хозирги замон систематикаси ўз моҳияти билан филогенетик системадир. Чет эл ботаниклиридан Энглер, Веттштейн, Галлир, Бесси, Пуля Гетчинсон системалари, рус ҳамда совет олимларидан И. Н. Горожанкин, Н. И. Кузнецов, Н. А. Буш, М. Б. Козо-Полянский, А. А. Гроссгейм, А. Л. Тахтаджяннинг системалари анча машҳур бўлиб, кенг тарқалган. Биз ана шу системалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш.

Даниялик ботаник Ё. Вармингнинг (1841—1924) 1891 йилда нашр этилган «Ўсимликлар систематикаси»<sup>2</sup> деган қўлланмасида ўсимликлар дунёсини қўйидаги беш гуруҳга бўлади:

- I. Thallophyta (тубан ўсимликлар)
- II. Bryophyta (моҳсимонлар)
- III. Pterophyta (папоротниксимионлар)
- IV. Gymnospermae (очиқ уруғилар)
- V. Angiospermae (ёпиқ уруғилар).

Варминг биринчи гуруҳни: 1) сувўтлар; 2) шилимшиқ замбуруғлар; 3) замбуруғларга бўлди. Замбуруғларни эса ўз нав-

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асаллар, Ўздавнашр, I-том, 1947, 143-бет.

<sup>2</sup> Бу китоб С. Ростовцев ва М. Голинкинлар таржимасида, 1993 йилда рус тилида нашр этилган.

батида уч гурухчага бўлди. Сув ўтлари гурухасини 6 синфга бўлди. Бешинчи гурухни эса бир паллали ва икки паллалиларга ажратди.

Австриялик олим Г. Веттштейн (1863—1931) 1896 йилда нашр этилган систематика бўйича қўллашмасида ўсимликлар оламини 7 поғонага, шу асарнинг 1935 йилдаги қайта нашрида эса 9 поғонага бўлди:

I поғона — Schizophyta (*увоқлилар*)

II поғона — Monadophyta (*хивчинилар*)

III поғона — Myxophyta (*шилимишиқсимонлар*)

IV поғона — Conjugatophyta (*маташувчилар*)

V поғона — Baccillariophyta (*диатом сувўтлар*)

VII поғона — Phodophyta (*қизил сувўтлар*)

VII поғона — Phodoophyta (*қизил сувўтлар*)

VIII поғона — Euthallophyta (*яшил сувўтлар ва замбуруглар*)

IX поғона — Cystophyta (*поябаргли ўсимликлар*).

IX поғона архегонийли ва гулли ўсимликларни ўз ичига олади. Архегонийли ўсимликлар моҳлар ва папоротниксимонларга, гулли ўсимликлар эса ўз навбатида очиқ уруғли ва ёпиқ уруғлиларга бўлинади. Веттштейн системасидаги 8 та поғона Варминг системасидаги тубан ўсимликлар гуруҳига тўғри келади.

Кеңг тарқалган филогенетик системалардан бирни Эйхлернинг шогирди ва эволюцион фитогеографиянинг асосчиси, немис ботаниги А. Энглер (1844—1930) системасидир. Энглер ўз системасини даставвал 1887 йилда, «Ўсимликлар системасидан конспектив курс» деган китобида баён этди. Бу асарнинг тўлдирилган ва мукаммаллаштирилган 11- нашри 1936 йилда босилиб чиқди. Китобнинг сўнгги нашрида Энглер ўсимликлар дунёсини 13 бўлимга бўлди:

1- бўлим — Sehizophyta (*увоқлилар*)

2- бўлим — Phytosorcodinae (*шилимишиқсимонлар*)

3- бўлим — Phagellatae (*хивчинилар*)

4- бўлим — Dinofiliagellatae (*перидиниясимонлар*)

5- бўлим — Heterocontae (*ҳар хил хивчинилар*)

6- бўлим — Conjugatae (*маташувчилар*)

7- бўлим — Chlorophyta (*яшил сувўтлар*)

8- бўлим — Charophytae (*харасимонлар*)

9- бўлим — Phaeophyceae (*қўнғир сувўтлар*)

10- бўлим — Phodophyceae (*қизил сувўтлар*)

11- бўлим — Eumicetes (*замбуруглар*)

12- бўлим — Archegoniatae (*архегонийилар*)

13- бўлим — Embryophyta Siponogamia (*эмбрион найчали ўсимликлар*).

Шу 13 бўлимнинг 11 таси тубан ўсимликлардан, қолган 2 таси юқори ўсимликлардан иборат.

Энглер системаси бошқа филогенетик системалардан ўзининг такомиллашганлиги, ўсимликларни кўтариувчан тарзда

жойланиши билан фарқ қилади. Унинг системаси ҳозирги замон ўсимликлари билан бирга, йўқ бўлиб кетган ўсимликларни ҳам ўз ичига олади. Энглер «Ўсимликларнинг оиласиди» деган машҳур асарида филогенетик системани янада ривожлантириди. Унда ҳозирда маълум бўлган ўсимликлардан 298 оила ва бир қанча туркум ва турларни тасвирлади. Энглер системасининг кенг тарқалишига асосий сабаб шуки, бу системада фақат катта таксонларгина эмас, туркумлар ҳам батафсил ишланилган ва тасвирланган. Энглер системаси шунинг учун ҳам машҳурки, у Кью гербариисидан тортиб жаҳоннинг барча катта гербарийларида қўлланилади. Булардан ташқари, ҳозирги вақтда нашр этилаётган ўсимликлар флораси ҳақидаги аниқлагичларидаги («СССР флораси») ва («Ўзбекистон флораси») материаллар ҳам Энглер системаси асосида берилган. Кейинги вақтларда палеоботаника соҳасида топилган янги фактлар ва материаллар, Энглер системасининг айрим жойлари ҳозирги замон систематикасининг талашибига жавоб беролмаслигини ва антифилогенетик эканлигини кўрсатмоқда.

Филогенетик система соҳасида катта тадқиқот ишлари олиб бориб, ботаника фанига катта ҳисса қўшган рус классик ботаникларидан И. Н. Горожанкин (1848—1904) 1897 йилда ўз системасини яратди. У ўсимликлар дунёсини жинсий органларни тузилишига қараб 3 та катта бўлимга бўлди:

I. Oogoniaeae (садда ёки оогониали ўсимликлар).

II. Archegoniateae (архегониали ўсимликлар).

III. Gulesceatae (оналикли ўсимликлар).

1 бўлим, ўз навбатида, 2 синфга: 1) Algae — сувўтлар ва 2) Fungi — замбуруғларга; II бўлим, 3 синфга: 1) Вгуорфыта моҳсимонлар; 2) Pteridophyta — папоротникларга ва 3) Archispermae қадимги уруғли ўсимликларга ёки Gymnospermae очиқ уруғлилар 2 синфга: 1) Monocotiledoneae — бир паллалилар ва 2) Dicotiledoneae — икки паллалиларга бўлинади.

Тубан ўсимликларга қарашли ўсимликларнинг танаси поя, барг, илдизларга ажралмайди. Урғочи жинсий органи бир хужайрали оогонийдан иборат.

Архегонийларда урғочи жинсий орган — кўп ҳужайрали архегоний, оналикли ўсимликларда эса оналиктан иборат.

Атоқли ва ўтқир зеҳни систематиклардан профессор Н. И. Кузнецов (1864—1932), 1914 йилда ўзининг оригинал системасини яратди: У ўсимликлар дунёсини тўрт гуруҳга ёки босқичга бўлди:

I. Amoeboidae (амёбасимонлар).

II. Oogoniaeae (тубан ўсимликлар).

III. Archegoniateae (архегонийлар).

IV. Anthophyta (гулли ўсимликлар).

Бу система тузилиши жиҳатидан юқоридагига ўхшаб кетади ва фақат амёбасимонлар гуруҳининг қўшилиши билан ҳамда гулли ўсимликлар бўлимини бир ва икки паллалилар синфида

ажратмасдан, ўзича қолдирилиши билан фарқ қилади. Олим бир паллалилар билан икки паллалилар орасида катта тафовут йўқ деб қарайди.

Шунингдек, Ленинград университетининг машҳур профессори Н. А. Буш (1869—1941), ўзининг 1924 йилда иашр этилган «Ботаникадан умумий курс» деган қўлланмасида ўсимликлар дунёсини тубандаги 11 бўлимга ажратди:

- I. *Mucohphyta* (шилимишқлар).
- II. *Schizophyta* (увоқлилар).
- III. *Chlorophyseae* (яшил сувўтлар).
- IV. *Charaphyta* (харалар).
- V. *Phaeophyta* (қўнғир сувўтлар).
- VI. *Rhodophyta* (қизил сувўтлар)
- VII. *Fungi* ва *Lichenes* (замбурурглар ва лишайниклар).
- VIII. *Bryophyta* (мохлар).
- IX. *Pteridophyta* (папоротниклар).
- X. *Gymnospermae* (очиқ уруғлилар).
- XI. *Angiospermae* (ёпиқ уруғлилар).

Н. А. Бушнинг 1949 йилда босилиб чиққан «Юқори ўсимликлар систематикаси» номли асари ҳозирги замон филогенетик системаларидан бўлиб, унда гулли ўсимликлар систематикаси ба-тафсил баён қилинган. Буш системасида гулли ўсимликлар бир паллали ва икки паллалиларга ҳамда икки паллалиларни эса, айрим тожибаргли ва биринкан тожибарглиларга бўлмайди, чунки у ҳам Кузнецов сингари гуллиларни бир ва икки паллалиларга бўлишини асоссиз деб билади. Бу белгилар ўсимликларнинг чин систематик табиятини яққол кўрсатмагани учун кейинниги вақтларда совет ботаниклари профессор Б. М. Козо — Полянский (1890—1957) ва СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси проф. А. Л. Тахтаджян (1910 йилда туғилган)лар томонидан система ишланилди. Буларнинг системаси голландиялик Галлир ва англиялик Гетчинсон системасидек, фақат юксак ўсимликлар систематикасига бағищланган. Улар системаси стро- билар ёки эуантос («Чингул») назарияси асосида тузилган.

Козо-Полянский системаси 1922 йилда эълон қилинди. Унинг системаси гул шаклларининг келиб чиқишига асосланган. Ботаниклар орасида бу система Галлир системаси сингари кенг тарқалмаган.

Ленинград университетининг профессори морфолог, систематик ва палеоботаник А. Л. Тахтаджяннинг системаси «Ботанический журнал»нинг 1950 йил 2-сонида босилиб чиқди. У юксак ўсимликларни тубандаги тип (бўлим) ва синвларга бўлди:

1-тип. *Psilopsida* — *псилофитлар* (*Psilophytinae*) синфидан иборат.

2-тип. *Bryopsida* — жигарсизмон *мохлар* (*Hepaticae*) антоце-рослар (*Anthocerotae*) ва поябаргли *мохлар* (*Musci*) синфида бўлиниади.

3-тип. *Lycopsidea* — *плаунлар* (*Lycopodineae*) синфидан иборат.

Шыны дондо - рифбек-лонгынинин ғарынин  
дөсчүкчөлөрүн түшүнпәр  
шына дондо - рифбек-лонгынин  
дөсчүкчөлөрүн түшүнпәр

Ташын дондо - рифбек-лонгынин үчүнүн  
бөсчүнүн дөсчүнүн түшүнпәр

Compositae

Boraginales

Rubiaceae

Urticaceae

Juglandaceae  
Lecythidaceae  
Bignoniaceae

Fagales  
Ceratiales  
Tricocaceae

Pasquierales  
Hydrostachyales

Meliales  
Parietales

Anacardiales  
Risales  
Aristolochiales

Ligustrales  
Plantaginaceae

Hippocrateales  
Tiliaceae


Myrsinales  
Holmgreniales  
Thelypteridales

Fagales  
Salicales  
Casuarinales  
Piperaceae

Principales  
Santalales  
Pandanales  
Rubiaceae

Cyperales  
Succowiales  
Pteridales

Schismatophorales  
Euphorbiaceae  
Malpighiales  
Sapindales  
Annonales  
Araliales  
Arecaceae



1-

расм. Еңик Үрүеліларнан А. А. Гроссегем филогенетик системасынның схемасы.



A. A. Grossgäym

1948) системаси диққатга сазовордир (1-расм). Бу фанда мұлақо янги ва прогрессив система бўлиб, биринчи марта 1945 йилда «Ботанический журнал»нинг 5-сонида босилиб чиқди. Гроссгейм ўз системасида шакара дарахти схемасининг шох-шаббалири проекциясини бўйига қараб эмас, кўндалангига, ясси — текис шаклда тасвирлади. Бу эса ўсимлик белгиларини етарли даражада ва яққол кўрсатиб беришга кенг имконият туғдидари.

Бу схемада бирин-кетин келган учта айланма бор. Бу айланмалар гулли ўсимликларнинг тараққиётидаги З босқичга тўғри келади. Тартиб (аждод) ва оиласлар эса айланмада ўзларининг тараққиёт босқичларига қараб жойлашган. Тартиблар катта-кичик доиралар шаклида тасвирланган. Тартибларнинг катта-кичиклиги тўғрисидаги тасаввурни автор шу тартибга қарашли турларнинг сони билан белгилаган. Турли чизиқлар воситаси билан тартибларнинг географик тарқалиши, чангланиш йўллари ва овқатланиш усуллари ҳам яхши кўрсатилган. Тартиблар йигинидиси ўз навбатида шохчалар, шохчалар эса 11 та пофонадан иборат.

Гроссгеймнинг фикрича, гулли ўсимликлар группасининг тараққиёти ҳам монофилитик йўл билан борган, шунингдек, айланма шаклида келтирилган уч группанинг тараққиёт йўли ҳам турлича бўлган.

Гроссгейм гулли ўсимликларнинг тараққиётини уч босқичга бўлади:

1- босқич. Бу босқичдаги ўсимликларнинг гули унчалик ихтиносланмаган, дастлабки ва ибтидоий гуллар бўлиб, ундаги

4- тип. *Tmesopsida* — *псилотумлар* синфиға.

5- тип. *Sphenopsida* — қирқгимлар синфиға.

6- тип. *Pteropsida* — *папоротниклар*, очиқ уруғилар ва ёниқ уруғилар синфиға бўлиниди.

Систематикага Тахтаджян «телемофита» терминини киргизди ва юксак ўсимликлар теломли ўсимликлар (*Thelomophyta*) деб юритиладиган бўлди. Бўлимлар, моҳсимонлардан ташқари оиласларгача ишланилган, 1956 йилда босилган «Высшие растения» номли монографик асарида материаллар шу система бўйича баён этилади.

Совет ботаниги академик А. А. Гроссгеймнинг (1888—

уругчи апокарп тиңда тузилган, гул аъзолари белгисиз, кўп сонли гулқўргони ташқи ва ички айланмага ажралмайди.

2- босқич. Бунга гули муҳитга бир оз мослашган ўсимликлар киради. Гули муайян белгили бўлса ҳам, бироқ гул қисмларининг сони ҳам доирасининг сони ҳам кўп (кўпинча бешта). Уругчиси синкарп, тугунчаси устки қўшгулқўргонли, кўпинча айрим тожибаргли.

3- босқич. Бу босқичдагиларнинг гул қисми ва органлари ташқи муҳитга мослашган, кейинроқ соддалашган, гул белгилари ўзгармас, одатда, доира сони тўрттага қисқарган. Гул қисмлари ҳам камайган. Уругчиси қўшилиб ўсан, яъни синкарп. Тугунчаси ости, гулқўргонининг ташқи муҳитга мосланиши натижасида, уидан фақат бир доира қолган ёки гулқўргон бутунлай йўқолган.

Гроссгейм даставвал пайдо бўлган кўп мевалилар тартибини примитив гулли ўсимликлар сифатида олади. У ўз системасида гулли ўсимликларни 67 тартиб ва 305 оиласа бўлади. Гулли ўсимликларнинг сони, академик Гроссгейм тахминича, қарийб 300 мингга етади.

Гроссгейм системаси илфор идеяли, прогрессив система бўлишига қарамай, ҳозирча у, филогенетик системанинг дастлабки режаси шаклидадир. Чунки унинг системасида келтирилган ша жарадаги поғона етарли даражада асосланмаган ва тўлиқ тасвирланмаган.

Мавжуд филогенетик системаларнинг барчаси ҳам маълум камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Ҳозирги замон ботаника фанининг талабига тўлиқ жавоб берадиган филогенетик система йўқ. Уни яратиш диалектик материализм методлари билан қуролланган совет ботаникларининг кечикириб бўлмайдиган вазифасидир.

### ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎСИМЛИҚЛАР СИСТЕМАТИКАСИННИГ МЕТОДЛАРИ

Систематика фанининг методологик негизи диалектик материализмдир. Диалектик материализм илмий дунёқараш бўлиши билан бирга, табиатни ўрганишнинг муҳим илмий методи ҳамдир. Ўсимликлар систематикаси ўз тадқиқотларида диалектик материализмнинг қондаларига асосланган ҳолда бир қанча айрим ёрдамчи методларни ҳам татбиқ этади.

Систематика ибтидоий даврда маълум бир системадан фойдаланиш билан чекланган бўлса, айни замонда хилма-хил методлардан фойдаланади. Ўсимликлар классификацияси уларнинг морфологиясига асосланган бўлса, филогенетик система ўсимликларнинг морфогенезига, ички тузилишига, индивидуал тараққиётига, физиологик ва биохимик хусусиятларига, географик тарқалишига, ташқи муҳит билан бўлган ўзаро муносабатларига асосланади. Ҳозир систематикада асосан қўйидаги ёрдамчи методлар кенг қўлланилади.

*1. Солиширма морфология методи.* Бу метод систематиканинг тараққиёт даврида вужудга келган ва барча системалар учун, шу жумладан, филогенетик система учун ҳам асосий метод бўлиб хизмат қилган. Бу методнинг асосий маҳияти ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органларининг морфологик хусусиятларини таққослаб, чуқур ўрганиш йўли билан уларнинг оила, авлод ва турларини аниқлаш, ҳар хил систематик категориялар ўргасидаги ўхшашлик ҳамда яқинлик муносабатларини белгилаш, системадаги ўринни кўрсатишдан иборатdir.

Органларнинг келиб чиқишини ўрганиш юзасидан морфология эришган муваффақиятлар шу метод асосида систематикага татбиқ этилади. Барча сунъий системалар, шунингдек, Энглер, Вейтштейн, Кузнецов ва бошқаларнинг табиий системалари ҳам худди шу асосда яратилган.

*2. Анатомия методи.* Бу метод ўсимлик органларининг анатомик тузилишига асосланган аниқ ва объектив методларданadir. Анатомик метод воситасида катта ва кичик таксономик бирликлар аниқланади. Масалан, гулли ўсимликлар бўлимими найтолалари боғламишининг жойланишига қараб, бир паллали ва иккни паллалиларга ажратиш мумкин. Ўтказувчи боғламларда, найтолаларида трахеидлар бўлиши, шу ўсимликнинг қадимий эканлигини кўрсатади. Бу метод фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ҳар хил ўсимлик маҳсулотларини аниқлашда ҳам кенг қўлланилади. Анатомик текшириш натижасида турли доривор ўсимликларни, уни, кепак қайси ўсимликлардан тайёрланишини ва хашакларнинг қандай ўсимликлар оиласига ҳамда унинг қандай турга ёки ўсимлик навларига мансублигини ҳам аниқ билиш мумкин.

Козо-Полянский соябондошлар оиласи системасини ишлаш вақтида бу методдан кенг фойдаланди ва ўсимликлар мевасининг анатомик тузилишига қараб, уларнинг бир турини иккичисдан осонлик билан фарқ қилиш мумкинлигини кўрсатди. Шунингдек, А. Тахтаджян, В. Александровлар ҳам ўз тадқиқотларидан бу методни қўллаб зўр ютуқларга эришдилар.

*3. Эмбриология (онтогенетик) методи.* Бу метод филогенетик систематиканинг ривожланиши учун ғоят қимматбаҳо материал бўлди. Бу метод билан турли ўсимлик органларининг айrim тараққиёт даврлари ва турли систематик группадаги ўсимликларнинг ривожланиш йўллари ўрганилади. Бу метод воситасида билан моҳлар, папоротниксимвонлар ва очиқ уруғлиларда насллар алмашинуви мавжуд эканлиги аниқланаб, спорали ўсимликлар билан уруғли ўсимликлар орасида аниқ қариндошлик муносабати борлиги ҳал этилган. Шу метод ёрдамида рус олими академик Навашин томонидан гулли ўсимликлардаги қўш оталаниш ҳодисаси топилган.

*4. Палеонтология методи.* Бунда морфологик ва анатомик методларни татбиқ этилиш йўли билан қазилма ўсимликларни ўрганилади. Қазилма ўсимликларни ўрганиш систематикада кат-

та аҳамиятга эга. Агар геологик даврларда ҳалок бўлиб кетган ўсимликларнинг қолдиқлари йўқолмасдан, тўла сақланиб қолганда эди, бу метод қадимги даврларда яшаган ўсимликларнинг тараққий этиш манзараларини батафспил кўрсатиб берган бўлар эди. Палеонтология методи ўсимликларни ўрганишдаги бошқа методлар аниқлаши керак бўлган томонларини ойдинлаштириб бериша катта рол ўйнайди ва ўйнамоқда.

Масалан, силур давридаги псилофитларнинг топилиши папоротниксимвонлар шаҳобчаларининг келиб чиқишини аниқлади ҳамда вегетатив органларнинг пайдо бўлишини ҳал қилди; шунингдек, тошкўмир давридаги уруғли папоротникларнинг, бенититларнинг топилиши, уруғли ўсимликларнинг келиб чиқиши масаласини ойдинлаштириди. Бу метод катта систематик бирликларда бўлим, синф ва тартибларни белгилашда муҳим рол ўйнайди.

5. *География методи.* Хар бир тур, авлод ёки бошқа систематик категориялар ўзининг маълум тарқалиш территорииясига, яъни ареалига эга. Турнинг табиий ареали шу тур ўсаётган ташқи муҳит шароитини, турнинг ташқи ва ички тузилишининг ва тарихини акс эттиради. Яқин қариндош турлар бир-бирига туташ бўлиб ўсади, туташ ареалга эга бўлиб, яшаб ўтган формалар билан ўзаро боғланган бўлади. Аксинча, бир-биридан узоқ бўлган турларнинг ареаллари туташ бўлмай ва яшаб ўтган формаларга ҳам эга эмас. Демак, турларнинг тарқалиши уларнинг тарихий тарқалиши билан боғлиқ.

Турнинг ареалларини аниқлаш учун шу тур ўсадиган жойлар (пунктлар) картага маълум белгилар билан туширилади. Тарқалган пунктларнинг четдагилари нуқталар, чизиқлар билан бирлаштирилса, шу турнинг ареали ҳосил бўлади. Бу метод систематикдан монографиялар ёзишда ва саноат аҳамиятига эга бўлган ўсимликларни ўрганишда кенг кўлланилади.

6. *Экология<sup>1</sup> ёки экологоморфология методи.* Бу метод турнинг географик тарқалишида бўлган майдада систематик бирликларни аниқлашда муҳим рол ўйнайди, чунки кўпгина майда турлар ўзларининг морфологик белгилари билан эмас, балки экологияси билан бир-биридан фарқ қиласиди. Ўсимлик ўсаётган территория катта бўлганда, шубҳасиз, у ернинг яшаш шароити ҳам хилма-хил бўлади. Шунинг учун тур ўзининг ареалидаги сатҳини ёпласига эгалламай, муҳитга ва ўзининг биологик хусусиятига ҳамда жойни паст-баландлигига қараб, ўрин ишғол этади. Бу метод ўхшаш турларни аниқлашда катта рол ўйнайди.

7. *Тератология методи.* Бу метод билан ўсимликларнинг камчилик ва нуқсонлари ўрганилади ва айрим органларининг келиб чиқиши аниқланади.

8. *Биохимиявий метод.* Бу метод ўзаро яқин турлар орга-

<sup>1</sup> Экология — организмнинг ташқи муҳит билан бўладиган ўзаро муносабатини ўрганувчи фан.

нізмидаги ўхшаш моддаларни ўрганишга асосланған. XIX асрда ўсимликларнинг химиявий таркиби билан уларнинг систематик мавқелари орасыда қандайдыр бөгланиш борлиги күрсатылған эди. Бир қатор ўсимликларни текшириш бу фикрнинг тұғры эканлигини күрсатди. Масалан, лабгулдошлар оиласи эфир мойларига, дуккақдошлар оиласи оқсил моддаларга, мураккабгулдошлар оиласи инулинга, бутгудошлар оиласи эрозинга ва замбуруғлар хитинга бой эканлиги күпдан бері аниқланған.

Тұңғизтароқдошлар (*Dipsocaceae*) оиласига хос бўлган дипсакай илгари шу оиласа мансуб морина (*Morina*) авлодида учрамайды. Морина авлоди морфологик томондан тұңғизтароқдошлар оиласига қарашиб бўлса ҳам, аммо дипсаканга эга бўлмаганлиги сабабли, у алоҳида *Moripaceae* оиласи қилиб ажратылған.

Химиявий моддалар ўсимликларнинг тараққиёт даврларига ва яшаш муҳитларининг ўзгарувчанлигига қараб ўзгариб турады. Шу билан бирга, бир турда топилған модда унга яқин бўлган иккинчи турда ҳам бўлади, деб фараз қилиш мумкин. Масалан, алкалоид салсолин черкасада ва салсола (*Salsola*) авлодининг бошқа турларида ҳам учрайди ёки эфедрин алкалоидини олсак, у эфедрин авлодининг ҳамма турнда озми кўлми мавжуд.

9. *Иммунитет методи.* Ўсимлик тур ва авлодларини ҳар хил юқумли замбуруғ, бактериоз ва вирус касалликларига турли даражада берилувчанлик хусусиятлари ва унга бардош бера олиши ўсимликларнинг иммунитетлiği деб аталади. Ўсимликларнинг иммунитет хусусиятлари, маълум даражада, уларнинг ирсий хусусиятлари ҳисобланади. Бу ҳодиса тур ва авлодларнинг табиий ва тарихий тараққиёти билан боғланған. Иммунитет методи систематикага янги метод сифатида биринчи марта академик Н. И. Вавилов томонидан киритилған.

Ўсимликларнинг қариндошлиқ, ўхшашлик даражаларини замбуруғ, бактериоз ва вирус касалликларига чидамли ва чидамсиэликларига қараб аниқлаш мумкин. Масалан, ғўзани олсак, унинг баъзи турлари ва навлари гоммоз касаллигига чидамли бўлиб, бошқа бир турлари чидамсиэдир. Буғдой ва бошқа ғалла ўсимликларда ҳам шундай ҳодисани кўриш мумкин.

10. *Серодиагностика методи.* Бу метод иссиқ қонли бирор ҳайвон қонига бошқа ҳайвон организмидан олинған оқсил экстрактини юборицдан иборат. Юборилған оқсил экстракти ҳайвон организмидә иммунитет ҳосил бўлишида вужудга келган моддалар билан қўшилиб, чўкма ҳосил қиласи. Ҳайвондан бу чўкма олиниб, унга ўсимликлардан олинған оқсил моддалар қуйилса, бунда ҳам чўкма ҳосил бўлади. Одатда, қуён қонига ўсимликтин қуритилған барги, пояси ёки бошқа қисмидан олиниб тайёрланған оқсил экстракти юборилади. Маълум вақт ўтгач, тажриба қилинаётган ҳайвон қонидан олиниб зардоб (сиворотка) тайёрланади. Шу зардобга ҳар хил ўсимлик турларидан

тайёрланган тоза оқсил экстракти қўйилади. Қўйилишда тезда чўкма ҳосил бўлса, бу ҳол шу тур ҳайвон қонига юборилган ўсимлик тури билан қариндошлиқ муносабати борлигини кўрсатади. Реакциянинг суръати ва физиологик эритмадаги чўкманинг суюқ ёки қуюқлигига қараб, уларнинг қариндошлиқ даражаси аниқланади, аммо бу метод билан ўсимлик турларининг ғоят яқин қариндошлиқ белгиларини конкрет кўрсатиб бўлмайди.

Бу метод асосида ботаник Мец ўсимликлар дунёсининг схематик системасини тузди. Бу система ўсимликларнинг морфологик белгиларига асосланиб тузилган системаларга ўхшаб кетади. Унинг системаси морфологик асосда тузилган системага анча ўхшайди. Бироқ Мецнинг фикрича, серодиагностика методининг тўғрилиги нисбийдир. Масалан, қарағайлар оиласидаги оқсил моддалар литрумдошларнинг оқсил моддасига ўхшайди. Маълумки, литридумдошлар оиласи қарағайлар оиласидан, яъни очиқ уруғлилардан жуда узоқ туради.

11. *Гибридологик метод*. Бу метод ўсимликларнинг систематик форма, тур ва авлодларини, шунингдек, бошқа систематик бирликлар билан ўзаро чатиштириш орқали уларнинг қариндошлиқ даражасини аниқлашга асосланган. Тур ичida, систематик томондан яқин бўлган турлар орасида чатиштириш анча осон бўлиб, натижада нормал насл вужудга келади. Авлод ва оиласидарро чатиштириш қўйинроқ бўлади. Умуман, систематик мавқелари жуда узоқ бўлган ўсимлик формалари ўзаро чатишмайди ва дурагай ҳам ҳосил қўлмайди.

Гибридологик метод улуғ табиатшунос олим И. В. Мичурин томонидан мукаммал ишланилган ва кенг қўлланилмоқда.

12. *Экспериментал метод*. Бу метод систематикада XIX асрнинг ўрталаридан қўлланила бошлаб, кейинги вақтларда тобора кенг ёйилмоқда. Бу метод билан турлардаги белгиларнинг ўзгараслиги ёки ўзгарувчалигини ва шу турнинг ўз оиласига қайдаражада лойиқ эканлигини аниқлаш мумкин. Шунингдек, экспериментал метод ёрдамида, янги пайдо бўлган белгиларнинг ирсий ва ирсий эмаслигини, бир турларнинг бошқа турларга айланниши ёки айланмаслигини аниқласа ҳам бўлади.

Бу метод ўсимлик навлари ва турлари орасидаги ўзгаришларни, уларнинг табнати ва келиб чиқишини тўғри аниқлаб, шунингдек, ўзгаришларни истаган томонга қараб йўналтиришига имкон беради. Экспериментал метод объектив метод бўлишига қарамай, ҳали систематиканинг ҳамма соҳаларида эндигина ўзига муносиб ўрин олмоқда.

Баён этилган бу методлардан ташқари, систематиканинг яна бир қанча методлари бор. Уларга тўхтамай, шулар билан чекланамиз. Юқорида келтирилган методларнинг ҳар бири айrim ҳолда ўзича мустақил аҳамиятга эга бўла олмайди, албатта. Демак, ҳар бир метод юзасидан олинган маълумот ва фактлар бир-бири билан таққослаб кўрилганда ва ўзаро боғланилгандагина муайян бир кучга эга бўлади.

## СИСТЕМАТИК БИРЛИКЛАР (ТАКСОНЛАР) ВА ҮСИМЛИКЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ

Фаннинг барча соҳаси бўйича турли илмий материаллар ва қизиқарли фактлар тўпланилади. Текширилиши ва аниқланиши зарур бўлган мазкур объектлар одатда классификациялаш йўли билан муайян бир тартибга солинади.

Систематикада сон-саноқсиз бўлган үсимлик турларини одатда ўхшаш белгиларига, қариидошлиқ даражаларига, озиқланишига ва келиб чиқишига қараб ҳар хил бўлган бир-бирига бўйсунадиган катта ва кичик ҳажмли тўдаларга бўлинади. Шунингдек, тўда ёки гуруҳлар таксонлар ёки **систематик бирликлар, систематик категориялар** деб айтилади.

Хозирги замон систематикасида қўйидаги (систематик бирликлар) ёки таксонлар кенг миқёсда қўлланилади:

*Бўлим* — *Divisio*

*Синф* — *Classis*

*Тартиб* — *Ordo*

*Оила* — *Familia*

*Авлод* — *Genus*

*Тур* — *Species*

Баъзан, шу таксон ёки систематик бирликларни яна кичикроқ ҳажмда бўлган категорияларга бўладилар. Бу ҳолда шу систематик бирликтининг охирига «ча» қўшимчаси қўшилади. Масалан, синф-синфча, оила-оилача, тур-турча ва ҳоказо.

Бу систематик бирликларнинг ҳажми катталашган сари унга тобе үсимликларнинг белгилари умумлашиб, ноаниқ бўла бошлайди, яъни абстрактлашади. Аксинча, систематик категориялар қанча кичрайса, уларнинг белгилари шу қадар конкретлашади ва ойдинлашади. Масалан, тубан үсимликлар гуруҳи деганимизда танаси дифференциаллашмаган, яъни поя, барг ҳамда илдизларга ажралмаган, асосан сув муҳитида яшайдиган 200 мингдан зиёдроқ турларни ўз ичига олган, аксари, увоқ, фақат микроскоп ёрдамидагина кўриш мумкин бўлган үсимлик индивидларининг тўдасини кўз олдимизга келтирамиз. Агар ғўза авлоди десак, у ҳолда, анча конкрет аломатларга эга бўлган, бошқа үсимликлардан бир қанча белгилари билан фарқ қиласидиган, масалан, узун толали ва ингичка толали ғўза ҳамда жайдари ғўза каби турлар йиғиндисидан иборат үсимликларни тасаввур этамиз.

Систематикада асосий энг кичик систематик бирлик ёки таксон турдир (*Species*). Тур үсимликлар оламининг эволюцион процессида муайян бир босқичдир. Турлар доимий бўлмай, ҳамиша ўзгаради ва ривожланади. Тур ташки муҳит билан ўзаро боғланган, эволюция процессада юксалади, қарниди, ҳалок бўлади ва янги турлар ҳосил қиласиди.

Тур ҳақидаги дастлабки тушунчани систематикага Жон Рей киритган. Жон Рей таърифича, тур бирор үсимлик уруғидан

пайдо бўлган, ўзаро ўхшаш индивидлар йиғиндиқидан иборат. К. Линней турни систематикадаги асосий таксономик бирлик сифатида қабул қилган. Аммо Линней ҳам, Жон-Рей каби, турни батафсил таърифлаб, унга аниқ тушунча бермаган. Линнейнинг фикрича, тур ота-онадан келиб чиқсан, бир-бирига гоят ўхшаш индивидларнинг йиғиндиқидир, турлар ўзгармайди, деб у катта хатога йўл қўйди.

К. Линнейнинг бу хатосига Каверзнев, Радишев, Ламарк ва бошқалар эътибор қилдилар. Линнейга қарама-қарши ўлароқ, Ламарк органик дунёни эволюция ва тарихий тараққиёт процессининг натижаси деб тўғри англаб, турлар ўзгармайди, деган нотўғри диний ва хурофий тушунчанинг реакцион моҳиятини фош қилди.

Ламаркнинг турлар ўзгарувчан, деган фикри Чарлз Дарвин томонидан янада ривожлантирилди. Дарвин турларнинг ҳосил бўлиши узоқ табиий тарихий процесслар натижаси эканлиги ҳақида таълимот яратди. У ўз таълимотида ҳозир мавжуд бўлган турларнинг ҳаммаси бир вақтда вужудга келган бўлмай, бирин-кетин пайдо бўлганиларини аниқ фактлар билан кўрсатди.

Бироқ, Дарвин тарихий тараққиёт процессини бир томонла-ма тушунди. У ўз назариясида, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига олиб боришини муқаррар қонуний ҳодиса деб қарамади.

Дарвин тараққиёт процессини бир тарафлама англаши нати-жасида, турнинг реаллигини инкор этди ва тур билан тур хил-лари орасидаги муносабатни нотўғри тушунди.

Дарвин бундай деб ёзган эди: «Юқорида айтилган ҳамма гаплардан равшанки, «тур» термини қулайлик учун, бир-бирига яқин ва ўхшайдиган индивидларнинг группаларини ифодалаш учун йилаб топилган ихтиёрий (мажбурий бўлмаган) термин-дир. Бу термин белгилари камроқ фарқ қиласидиган ва ўзгариб турадиган формаларни ифода қилувчи «тур хили» терминидан катта фарқ қилмайди, деб ҳисоблайман. Шунинг сингари, «тур хили» термини ҳам индивидуал фарқларга нисбатан, қулайлик учун ва ихтиёрий равишда қўлланилади»<sup>1</sup>.

Дарвин назариясида «тур хили» бошланғич тур бўлиб, «тур» нинг ўзи эса кескин ажралиб турадиган тур хилидир.

Турни систематикада ва амалий иш процессида ажратиш гоят зарурлигини кўзда тутиб, кўпгина олимлар Дарвинданд ке-йин турга аниқлик киритишга уриндилар.

Тур ҳақидаги таърифлар ва фикрлар жуда хилма-хил бўлиб, айрим нуқсон ва кামчиликлардан холи эмас.

Тур ва турнинг ҳосил бўлиш масаласини ҳал этишга рус ва совет олимлари буюк ҳисса қўшдилар. Бу борада дарванизм-

<sup>1</sup> Ч. Дарвин. Происхождение видов. Сельхозгиз, 1937, 149-бет.



К.А. Тимирязев

нинг Россиядаги оташин ташвиқотчиси К. А. Тимирязевнинг (1843—1920) роли жуда катта. У бундай деб ёзган эди: «яъни табиий тарихий тур мавхум тушунчами, ёки реал фактми, деган саволга бу сўздаги икки хил маънога мувофиқ икки хил жавоб беришмиз лозим. Аниқ ва қатъий белгиланган ва ҳамиша бир равишда қоладиган ўзгармас бир нарса деб билинган тур табиатда йўқ; бунинг тескариси бўлган даъвони қилмоқ, схоластик «реалист»ларнинг эски хатоларини такрорлаш бўлади. Лекин, бу билан бир қаторда ва бу холосадан бутунлай айрим ва мустақил ҳолда, бир мушоҳада қилган вақтда турлар ҳақиқатан бор

дэйишимиз керак ва бу факт ҳали тушунтирилгани йўқ, уни энди тушунтириш керак»<sup>1</sup>.

Тимирязев турнинг реал факт эканлигини ўз асарларида аниқ кўрсатади.

Ламарк, Дарвин ва бошқа буржуа олимлари ҳам тур ҳақида мунтазам, тўғри таълимот яратга олмадилар.

Тур ва турларнинг келиб чиқиши масаласи ҳақида аниқ диалектик материализм қонунларига асосланган мунтазам назария биринчи марта совет олимлари томонидан яратилди.

Иирик совет ботаник систематиқларидан академик В. Л. Комаровнинг 1940 йилда шу масалага бағишлиланган «Тур ҳақида таълимот» номли машҳур асари босилиб чиқди. В. Л. Комаров (1859—1945) бу асарида турни бундай деб таърифлайди: «Тур — яшаш учун кураш таъсири остида танланиш орқали тирик мавжудот оламидан ажралган ва умумий авлоддан келиб чиқадиган насллар йиғиндиси бўлиб, шу билан бирга, эволюцион процессининг босқичидир».

Илгор совет биология фани тур масаласини тўғри ҳал қилди ва бошқа қатор совет олимлари дарвинизмни органик олам эволюциясини тушунтириб берувчи фанни кишилар манфаатига, ҳалқ хўжалигига хизмат қилувчи ва органик олам эволюциясини идора этувчи фанга айлантиргилар.

Тур ўзининг тарқалган ареалида ташқи муҳит шароитининг


<sup>1</sup> К. А. Тимирязев. Чарлз Дарвин ва унинг таълимоти, Узбекистон ССР Давлат ўқув-педагогика нашриёти. Т., 1939 й.

ўзгарувчанлиги натижасида бир хилда турмайды, у үзлуксиз ўзгариб туради. Шу йүснинда янги турча (*Subspecies*) тур хили (*Varicetes*) ва формалар (*Phorma*) пайдо бўлади. Тур хиллари турнинг ареали ичига ўзига хос ареал ишғол этмайди.

Турларнинг дифференциацияланиши натижасида, кўпинча жуда майда, кўп сонли, ирсий белгиларга эга бўлган экологик кичик систематик бирликлар комплекси ҳосил бўлади. Француз олимни Жордан (1814—1897) бутгуллилар оиласидан баҳори крупка (*Draba verna*) ни катта-кичиллиги, туки, розетка баргларицинг характеристери, шохланиши, тожибаргларининг шаклларига кўра бир-биридан фарқ қиласидиган 200 та майда турлардан иборат эканлигини аниқлади. Жорданнинг бу тажрибасидан кейин, шундай майда элементар турларни унинг ҳурмати учун Жордан деб аташадиган бўлди. Ўз ичига элементар турларни оладиган дастлаб Линней томонидан тасвирланган тўплама турларга Линнеон деб ном бериш расм бўлди.

Кишиларнинг ўсимликлар дунёсига актив таъсири қилиши натижасида маданий ўсимликлар орасида дифференциация процесси анча тезлашди. Масалан, ҳозирги картошкагул (*Dahlia verabilis*) нинг нави 10 мингдан ортиқроқ ҳисобланади. Юмишоқ буғдои (*Triticum vulgare* ёки *T. aestivum*) нинг нави уч минга етади; фақат Ҳиндистонда экиладиган шоли (*Oryza sativa*) нинг нави, академик Комаровнинг кўрсатишicha, 2200 га боради; олма (*Malus domestica*) нинг нави 2000 га; картошка (*Solanum tuberosum*) нинг нави эса 1000 га етади.

Ўсимлик турларини бир-бiri билан солиштириб, уларнинг ўзаро яқинлик ва ўхшашлик белгиларини топиш мумкин. Ташки тузилиши билан бир-бирига жуда яқин бўлган бундай турлар бир туркум (*genus*) ни ташкил этади. Масалан, дашт ва адирларда ўсадиган оқ гулхайри (*Althaea nudiflora*), боғларда ва ҳовлиларда экиладиган қора гулхайри ёки қора гул қатма-қат (*Althaea rosea*) билан солиштирилса, уларнинг барг, гул тузилиши ва мева тузилиши бир хилда эканлигини пайқаш қийин эмас. Асосан, улар биринчисининг гули оқ, иккинчисиники аввал пушти, кейинроқ қорамтири бўлиши билан бир-биридан фарқ қиласиди.



В. Л. Комаров

Тўқайларда ўсадиган баҳмал гул ёки қуёнчиқўт (*Althaea officinales*) ҳам оқ ва қора гулхайриларга ўхшайди; аммо улардан гулининг майда ва пушти рангли бўлиши, бўйи ва баргининг кичикроқ бўлиши билан ажралади. Буларнинг ҳар қайсиси ҳам алоҳида тур ҳисобланади ва бошқа шунга ўхшаш турлар билан қўшилиб, гулхайри (*genus*) авлодини ташкил этади; чунки бу турлар орасида яқин қариндошлик аломатлари яққол кўзга ташланади.

Бир авлодга кирган турлар келиб чиқиши ва ташқи қўриниши жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлади. Бундан ташқари, улар, кўпинча, бир-бири билан осон чатишади. Масалан, толлар, тераклар, олмалар авлоди ва бошқалар ана шундай авлодларданdir.

Авлод бир-бирига яқин турлардан ташкил топган иккинчи даражали систематик категория бўлиб, тур билан биргаликда систематикадаги асосий таксон ҳисобланади. Авлодларнинг баъзилари орасида ҳам ўзаро ўхшашлик, қариндошлик белгилари борлигини аниқлаш қийин эмас. Масалан, итузум (*Solanum*), қалампир (*Capsicum*), пақ-пақ (*Phisalis*), тамаки (*Nicotiana*), бангидевона (*Datura*) авлодларини олсак, уларнинг гул тузилишлари бир-бирига жуда ўхшайди. Буларнинг ҳаммасида ҳам гул бешта косабарг, бешта бирикиб ўсган тожибарг ва бешта оталикдан иборат.

Ўзаро яқин ва ўхшаш бўлган авлодлар тўпланиб, ўзидан катта бўлган систематик категория оиласи (*Familia*) ташкил қиласди. Масалан, итузум, пақ-пақ, қалампир, помидор, бангидевона, мингдевона ва тамакилар авлоди бирлашмасида итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласи келиб чиқади.

Оилаларга қарашли турларнинг сони авлодларнига нисбатан кўпроқ бўлади. Чунки оилалар авлодлар йигиндисидан ташкил топади. Итузумдошлар оиласига 1700, атиргулдошлар оиласига 2220, лабгуллилар оиласига 3500, ғалладошлар оиласига 6 700, архидейдошлар оиласига 15000 дан зиёдроқ тур киради.

Оилаларга қарашли авлодларнинг сони ҳам турличадир. Масалан, қирқбўғимдошлар (*Egusetaceae*) ва гинкгодошлар (*Ginkgoceae*) оиласи фақат бир авлоддан иборат. Толдошлар оиласи эса иккита, дуккаклилар (*Leguminosae*) оиласига 550, мураккабгуллилар (*Compositae*) оиласига эса 800 дан ортиқроқ авлод киради.

Оилалар ўртасида ҳам яқинлик аломатларини топиш мумкин, ўзаро яқин бўлган оилалар тўпланиб тартибларни (*Ordo*) ташкил қиласди. Масалан, магнолиядошлар (*Magnoliaceae*), зиркдошлар (*Berberidaceae*) ва айшқотовондошлар (*Ranunculaceae*) каби оилалар кўп мевалилар (*Polycarpica*) тартибини ташкил этади.

Келиб чиқиши жиҳатидан ва умумий аломатлари ўзаро яқин бўлган тартиблар тўпланиб, синфларни (*Classis*) ташкил қиласди.

*Ошқовоқдошлар* (Cucurbitaceae), *печакдошлар* (Convolvulaceae), *дүккаклилар* (Leguminosae) ва шунга ўхашаш бошқа бир қанча оилаларнинг уруғларида муртакда иккита уруғ-палла барг бўлади. Улар икки баргли ўсимликлар икки уруғпалла барглилар ёки икки паллалилар (Dicotyledoneae) синфини ташкил этади. Ўзга, ловия, мош, қовун, тарвуз каби ўсимликлар ана шундай икки паллалилар синфининг вакиллари дидр. Аксинча, муртагида битта уруғпалла барги бўлганлар бир уруғпалла барглилар ёки бир паллалилар (Monocotyledoneae) синфини ташкил қиласди. *Галладошлар* (Gramineae), *пиёздошлар* (Liliaceae), *пальмадошлар* (Palmae) ва шунга ўхашаш бошқа оилаларга мансуб бўлган ўсимлик турлари бир паллалилар синфига яққол мисол бўлади. Масалан, буғдой, маккажӯхори, лола, бойчек, пиёз, чучмўма ва бошқалар.

Бир паллалилар синфи ҳам, икки паллалилар синфи ҳам гулли ўсимликлардир. Улар гуллайди, уруғчиси оталангандан сўнг уруғ ва меваларга айланади. Бу икки синф бирлашиб, гулли ёки уруғли ўсимликлар бўлиммини (Divisio), бўлимлар эса ўсимликлар дунёсини ташкил этади.

Ўсимликлар дунёсини аввало таркибидаги ўсимликларнинг келиб чиқиши, илдизининг бирлигига, табиий тарихий тараққиёт йўлларйнинг ўхашалигига, ривожланиш даражасига қараб, бир қанча бўлимларга бўлиш мумкин, масалан, бактериялар, кўк-яшил сувўтлар, яшил сувўтлар, қизил сувўтлар, замбуруғлар, очиқ уруғлилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир бўлим, ўз навбатида, эволюцион процесс натижасида дифференциациялашади ва бир қанча тармоқлар, синфлар пайдо қиласди. Синфлар эса бир қанча тартибларни, тартиблар оилаларни ўзи ичига олади. Оилалар юқорида баён қилганимиздек бир қанча авлодларнинг, авлодлар турларнинг, турлар эса ўзаро ўхаш тур хилларининг, тур хиллари эса индивидларнинг йиғинидпсидан иборат бўлади.

## ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НОМЛАРИ МАСАЛАСИ

Систематиканинг вазифасига ўсимлик турларини аниқлаш ва тасвирлашдан ташқари яна уларга илмий номлар бериш масаласи ҳам киради. Ўсимликларнинг илмий номлари қадимдан латин тилида юритилади. Латин тили ботаникадан ташқари яна зоологияда ва бошқа бир қанча фанларда ҳам халқаро тил сифатида ишлатилади; бунинг асосий сабаби бор. Маълумки, ўсимликларнинг маҳаллий номлари турли ерларда турличи юритилади. Мисол учун Узбекистондагина эмас, бошқа республикаларда ҳам кенг тарқалган русча номи подорожник ланцетолистный деб аталаған ўсимликни олайлик. Бу Марғилонда—бўзчи, Кувга районида — илонтили, Тошкентда — зуттурум деб аталади ва ҳоказо. Еки русча ширица загнутая деган ўсимликни олсак, у

Тошкентда — ёввойи гултожихўрөз, Андижонда — эшак шўра, Фарғонада — мачин, Марғилонда — мажит, Қирғизистонинг Уқўргон районидаги тожиклар орасида мачитак деб юритилади. Ўсимликларнинг маҳаллий номлари билан боғлиқ бўлган шу каби аҳволни бошқа миллатлар орасида ҳам учратиш мумкин. Бу ҳол ўсимлик турларини аниқ билиб олиш ишларини ғоят қинналаштиради. Шунинг учун ҳар бир ўсимлик тури тасвириланган бўлиши билан бирга, аниқ бир илмий номга эга бўлиши ҳам шарт.

Линней яшаган даврдан бошлаб, ўсимликлар номини ҳам, ҳайвонлар номини ҳам бинар номенклатура билан, яъни икки сўздан ташкил топган қўшном билан айтиш расм бўлган. Қўшном ўсимлик турларини биридан иккинчисини фарқлашга, улар орасидаги фарқни ажратса олишга катта ёрдам беради.

Бинар номенклатурадаги қўш сўзининг биринчиси ўсимликнинг қайси авлодга мансублигини, иккинчиси эса индивиднинг қайси турга мансуб эканлигини кўрсатади. Масалан, *Salix alba*-да биринчи сўз *Salix* — тол авлоднинг номи, иккинчи сўз турнинг номи бўлиб, «оқ» демакдир. Русча ива белая ўзбекча оқ — тол бўлади. Бинар номенклатура қўлланганда аввал турнинг, сўнгра авлоднинг номини айтишга тўғри келади.

Бундан ташқари, ҳар бир ўсимлик қўшномининг охирига шу турни биринчи бўлиб аниқлаган ва тасвирилаган автор фамилиясининг бош ҳарфи ёки фамилияси қисқартириб ёзиб қўйилади. Масалан, *Morus alba* L. ёки *Iuniperus seravschanica* Kom. Биринчи ўсимлик қўшномининг охиридаги «L» ҳарфи оқтурга илмий номни биринчи марта Линней берганлигини, иккинчи қўшномнинг охиридаги «ком» сўзи эса қизил арчага илмий ном дастлаб академик Комаров томонидан берилганини кўрсатади.

Ўсимлик номларини унификациялаш мақсадида халқаро миқёсда латинча ёки грекча бинар номенклатура қўлланилади. Лекин, шу билан бирга, ўсимлик турларининг маҳаллий номларини эътибордан четда қолдирмай, уларни ҳам қўллаш лозим, чунки ўсимликларнинг маҳаллий номларини билиш амалий ва назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Маҳаллий номлар фаолияти ўсимликлар билан бевосита ёки қисман боғланган агрономлар, боғбонлар, ботаник ресурсшунослар, врачлар, биолог ўқитувчиларнинг ишларида катта ёрдам беради.

Ҳажми жиҳатдан тур ва авлоддан катта таксон оиласари номлари латинча бош келишикнинг кўплиги шаклида ёзилади, одатда, охири *aceae* билан тугайди. Масалан:

пиёздошлар — *Liliaceae*

атиргулдошлар — *Rosaceae*

толдошлар — *Salicaceae*

итузумдошлар — *Solanaceae* ва ҳоказолар.

## ТУБАН ВА ЮҚОРИ ЎСИМЛИКЛАР

Хозирги замон систематикасининг вазифаси маълум бўлган барча ўсимлик турларини кўтариувчан тарзда, яъни содда ўсимликлардан мураккаб ўсимликларнинг келиб чиққанлигини кўрсатадиган, эволюцион тараққиётини ифодалайдиган система, яъни филогенетик система яратишдан иборат. Лекин, ўсимликларни ана шу талабларга тўла жавоб берадиган, ўзаро яқинликларни яққол кўрсатадиган қилиб гуруҳларга бўлиш, яъни классификациялаш ҳозирча мумкин эмас, чунки ҳали ўсимликларнинг айрим томонларини ойдинлаштирадиган кўпгина факлар мавжуд эмас. Бинобарин, ўсимликлар классификацияси уларнинг фақат яқин бўлган ўхшаш аломатларига қараб эмас, балки ташқи қиёфасига ва вегетатив органларининг тузилишига қараб ҳам тузилади.

Ўсимликлар дунёсини катта систематик группаларга бўлишда, уларга характеристика беришда озиқланиш усуллари ҳам эътиборга олинади. Ўсимликлар дунёси озиқланишга қараб иккни группага бўлинади.

**1. Автотроф ўсимликлар.** Бу группа ўсимликлари анорганик моддалар ҳисобига яшайди. Улар, ўз навбатида, яна иккига, яъни фототроф ва хемотроф ўсимликларга бўлинади. Фототроф ўсимликлар (хлорофилли) анорганик моддаларни тайёрлаш учун зарур бўлган энергияни қуёш нуридан олади. Хлорофилли ўсимликларнинг анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қилиш процесси фотосинтез деб аталади. Хемотроф ўсимликлар группасига кирувчилар озиқланиши учун зарур бўлган энергияни химиявий реакция натижасида ҳосил бўлган энергия ҳисобига олади. Бу процесс хемосинтез деб аталади. Бу ҳодисани Фанда биринчи марта 1887 йилда рус олими С. Н. Виноградский (1856—1953) кашф этади. Хемотроф ўсимликларга темир, олтингугурт бактериялари ва азот тўпловчи бактериялар киради.

**2. Гетеротроф ўсимликлар.** Гетеротроф озиқланувчи ўсимликларда фототроф ўсимликлар учун хос бўлган яшил пигмент—хлорофилл бўлмайди. Гетеротроф ўсимликлар тайёр органик моддалар ҳисобига яшайди. Буларга замбуруғлар, деярли барча бактериялар ва юксак ўсимликларнинг зарпечак, шумғия каби баъзи вакиллари киради. Булар ҳам, ўз навбатида, сапрофит ва паразитларга бўлинади. Сапрофитлар группасига, асосан, замбуруғлар, қисман бактериялар киради ва улар ўлик органик моддалар ҳисобига озиқланади. Паразитлар эса ўсимлик ва ҳайвонлар ҳисобига яшайди. Кўпчилик бактериялар, замбуруғлар ҳамда гулли ўсимликлардан зарпечак, девпечак, шумғия кабилар паразитлик йўли билан озиқланувчиларга киради.

Баъзи ўсимликлар ҳар иккала йўл билан ҳам озиқлана олади. Масалан, кўк-яшил сувўтлар ва яшил сувўтларнинг баъзи вакиллари, автотроф бўлишидан қатъи назар, сапрофит йўл билан ҳам озиқланади. Гулли ўсимликларнинг чала паразит ва-

килларидан погремок, маръянник, линария ва шу сингарилар иккала йўл билан (фототроф ва гетеротроф) озиқланади.

Озиқланиш усулларидан энг қадимгиси сапрофит типидаги озиқланышдир. Академик А. И. Опариннинг ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисидаги мунтазам назариясига мувофиқ, ерда организмлар бирданига пайдо бўлмасдан, аввало, оддий органик моддалар ҳосил бўлган, улар кейинчалик вужудга келган жуда содда тузилган сапрофит организмлар учун озиқ манбаи бўлиб хизмат қилган. Дастрраб ҳосил бўлган сапрофит организмларниң таналари мураккаб тузилган, ҳозирги организмларники каби ҳуҗайра қисмларига бўлинмаган.

Ўсимликлар дунёсини уларнинг вегетатив тузилишига, кўпайиш хилларига, озиқланиш усулларига қараб, икки катта гурӯҳга, тубан ўсимликлар (*Thalloionta*) билан юқори ўсимликлар (*Cortobionta*) гурӯҳларига ажратиш мумкин. Бу икки гурӯҳ ўсимликлар дунёсининг иккита катта табиий тараққиёт йўлини ташкил қиласди.

Тубан ўсимликлар келиб чиқиши жиҳатидан примитивдир. Уларнинг танаси поя, барг ва илдизларга бўлинмаган бўлиб у қаттана ёки таллом деб аталади.

Одатда, бу гурӯҳ ўсимликларнинг вакиллари бир ҳужайрали, колонияли ва кўп ҳужайрали тузилишга эга бўлиб, кўпинча сувда яшайди. Кўпчилик вакиллари паразит ёки сапрофит озиқланади.

Тубан ўсимликлар юқори ўсимликларнинг бошланғич ва қадимги узоқ тартибидир.

Юқори ўсимликлар анча ёш ўсимликлар бўлиб, улар узоқ тарихий тараққиёт процесси натижасида тубан ўсимликлардан келиб чиқсан, кўп ҳужайрали анатомик тузилиши мураккаб, танаси поя, барг ва илдизларга ажралган, ер бетида ҳаво муҳитида яшашга мувофиқлашган асосан фототроф ўсимликлардир.

Улар айни замонда қарийб бутун ер юзини қоплаб олган ҳар хил манзаралар ҳосил этган қудратли ва ҳукмон ўсимлик ҳисобланади.

Юқори ўсимликлар табиатда ҳам, кишилар ҳаётида ҳам жуда катат ва муҳим рол ўйнайди, чунки озиқ-овқат ўсимликларнинг энг муҳимларидан буғдой, шоли, маккажӯхори, картошка; мева ўсимликларидан олма, анжир, нок, узум, шафтоли ва бошқалар; тола берувчи ва техника ўсимликларидан фўза, зифир, каноп ва бошқа шу кабилар юқори ўсимлик вакилларидир. Булардан ташқари, яна юқори ўсимликлардан қурилиш материаллари, дори-дармон моддалари тайёрланади, ҳайвонларнинг асосий емехашак базаси бўлиб хизмат қиласди. Тубан ўсимликлар ҳам табиатда маълум аҳамиятга эга, чунки ўсимликлар томонидан ҳосил бўладиган органик моддаларнинг ўндан тўққиз қисмини шулар яратади, моддалар алмашинувида актив иштирок этади, индивидларининг кўплиги жиҳатидан юқори ўсимликлардан устун туради.

## **ТУБАН ЎСИМЛИКЛАР**

Тубан ўсимликлар содда тузилишга эга бўлган бир ҳужайрали, колонияли ёки кўп ҳужайрали ўсимлик формаларидан иборат қадимги ўсимликлардир. Юксак ўсимликлар эса шу тубан ўсимликлардан келиб чиқсан.

Тубан ўсимликларнинг дастлабки вакиллари бактериялардан — темир бактерия ва кўк-яшил сувўтлардан микроколеус қолдиқлари протерозой эрасидаги турроқ чўкмаларида қазилма ҳолда учрайди. Булар эрамиздан 2—2,5 млрд. йил муқаддам пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Таллофита ерда энг олдин пайдо бўлган ўсимлик формаларидан эканлигини палеоботаника фани салмоқли фактлар билан тасдиқлайди.

Палеозой эрасининг бошларида тўнгич юксак ўсимликлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Уша даврга мансуб бўлган тубан ўсимлик қолдиқлари тузилиши билан ҳозирги тубан ўсимликлардан фарқ қиласайди. Шунинг учун тубан ўсимликларни палеозой эрасидан ҳам илгари вужудга келган ва уша даврдаги асосий ўсимлик формалари фақат тубан ўсимлик вакилларидан иборат бўлган, деб хуоса чиқариш мумкин. Тубан ўсимликларнинг тузилиши, тараққий этиши ва ҳаёт формалари ҳамда талай фактлар яшаш жойи сув муҳитида вужудга келган деб қатъий айтишга имкон беради.

Тубан ўсимликларнинг ҳозир яшаётган вакилларининг тузилиши ҳам примитив (содда), кўпинча, бир ҳужайрадан иборат бўлиб, қадимги аждодларининг тузилишидан ортиқча фарқ қиласайди, бу эса уларнинг сув муҳитида вужудга келганинги тасдиқлайди. Маълумки, сувдаги муҳит ва яшаш шароит қуруқликдагига қараганда бир хиллиги билан фарқ қиласади. Турроқ юзаси, температураси, турроқдаги ҳавонинг химиявий таркиби сувдаги шароитга нисбатан турли-тумандир.

Ҳозирги замонда яшаётган тубан ўсимликларнинг тури 200 000 дан ортиқ. Ҳозир Ўзбекистонда уларнинг 3000 дан ортиқ тур ва формалари аниқланган. Тузилиши ва ташқи шароитга бўлган талаби уларнинг кўпчилик турларининг ҳозирги замон шароитига мувофиқлашганлигини кўрсатади. Тубан ўсимликлар юқори ўсимликлар яшай олмайдиган жойларда ҳам яшай олади. Масалан, гулли ўсимликлар ўса олмаган баланд тоғларда, қор тагида, ғоят иссиқ булоқларда, ҳатто ҳавода, турли хил субстратларда яшаб, нормал ҳаёт кечира олади. Тубан

ўсимликлар ҳар хил температура шаронтида яшашга мослашган, масалан күк-яшил сувўтларнинг талай вакиллари температураси  $70^{\circ}$  дан ошадиган иссиқ булоқларда бемалол яшайди. Улар баъзан вегетатив органларининг батамом қуриб қолган бўлишига қарамай, озгина нам билан яна тиклана олади. Бунга табиатда кенг тарқалган лишайниклар ёрқин мисол бўла олади.

Улар ҳар қандай ноқулай шаронтга чидамли бўлишидан ташқари, яна актив вегетатив кўпайиш қобилиятига ҳам эга. Тубан ўсимликларнинг бу хусусияти уларнинг ер юзида осонгина тарқалишига, янги территорияларни тез эгаллашга, ўз қиёфасини ўзгартирмай, янги формаларга айланмай, узоқ вақтларгача ўз турларини сақлаб қолишига имкон беради. Тубан ўсимликларнинг озиқланиши усуллари ҳам уларга табиатда кенг тарқалиш учун имконият туғдиради; чунки юқорида кўрсатганимиздек, тубан ўсимликларнинг вакиллари автотроф ёки гетеротроф озиқланишдан ташқари симбиотроф усулда ҳам озиқлана олади.

Тубан ўсимликлар ҳар хил муҳитга мосланишига қарамай, уларнинг ҳаёти сув билан боғланган, жумладан, уларнинг жинсий кўпайиши, озиқланиши ва ҳоказолар намликининг етарли бўлишига боғлиқдир.

Тубан ўсимликлар табиатда ва одамлар ҳаётида катта рол ўйнайди. Улар ўлик органик моддаларни анерганик моддаларга айлантиради, яъни минераллаштиради. Бу процесс, асосан, бактериялар ва замбуруғлар иштирокида боради. Юқори ўсимликлар учун ғоят зарур бўлган ҳаводаги эркин азотдан ҳосил бўладиган тупроқдаги азот бирималари ҳам бактерияларнинг фаолияти натижасида вужудга келади.

Тубан ўсимликларда содир бўладиган моддалар алмашинуви туфайли улардан табиатда (ҳавода, сувда, тупроқда) учрамайдиган турли моддалар ажralиб чиқади. Масалан, баъзи бактерия ва замбуруғлар ульмин кислота ишлаб чиқаради, хлорофилли сувўтлар сув, тупроқ ва ҳавога ўзларидан кислород чиқаради. Хилма-хил чириш ва ачиш процесслари ҳам тубан ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти билан чамбарчас боғланган. Нон пишириш, вино, спирт тайёрлаш, силослаш, тузлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тубан ўсимликларнинг баъзилари конлар ва тоғ жинсларини бунёдга келтиради. Масалан, олтингугурт бактерияси табиатда соғ олтингугурт конини яратади. Диатом сувўтлар ҳалок бўлгандан кейин уларнинг скелетларидан диатомит ёки трепель деб аталадиган тоғ жинслари вужудга келади. Сапропеллардан даволаш аҳамиятига эга бўлган балчиқлар ҳосил бўлади. Тубан ўсимликларнинг баъзилари инсон ва ҳайвонлар учун озиқ-овқат, саноат учун хом ашё манбай бўлиб хизмат қиласиди.

Умуман олганда табиатдаги тубан ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти чексиз катта ва хилма-хилдир. Улар хўжалликка ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, ўсимликлар томонидан ҳосил бўладиган органик моддалар-

нинг 10% и сувўтларнинг фаолияти туфайли вужудга келади. Сувўтлар балиқларга ҳамда сувдаги бошқа ҳайвонларга овқат манбаси, қишлоқ хўжалиги учун ўғит бўлиб хизмат қиласди. Сувўтларнинг вакилларидан ламинария шунингдек, замбуруғлар ва лишайникларнинг баъзи турлари кишилар учун овқат бўлади ва улардан дори-дармонлар тайёрланади. Тубан ўсимликларнинг баъзилари турли ачиш процессларини вужудга келтиради.

Тубан ўсимликлар кўлчилик ўсимликлар ва ҳайвонларда, ҳатто одамларда ҳам учрайдиган касалликларга ва уларнинг тарқалишига ҳамда талай маҳсулотларнинг бузилишига сабабчи бўлади.

Тубан ўсимликлар ўзларининг тузилиши ва ҳаёт кечириш усуслари билан ўсимликлар дунёсининг ғоят турли-туман эканлигини яққол ифодалайди, чунки улар орасида кўз илғамайдиган жуда майда бир ҳужайрадан иборат бўлган вакиллари билан бир қаторда *макроцистис* (*Macrocistis*) га ўхшашиб, бўйининг узунлиги 70 м, (эски ҳисобга кўра) 200—300 м қиёфаси билан юксак ўсимликларга ўхшайдиган мураккаб тузилишга эга бўлган, яъни танаси «поя», «барг» ва «илдиз»ларга ажралганилари ҳам учрайди. Масалан, ламинария, диктиота, ульва ва бошқалар. Бундай ўсимликларнинг ташқи қиёфаси юқори ўсимликларга ўхшаса ҳам, аммо улар ички тузилиши билан катта фарқ қиласди. Денгиз сувўтлардан каулерпанинг катталиги бир метр бўлишига қарамай, ҳужайрасиз тузиленган. Унинг тўсиқсиз танаси гўё яхлит, гигант бир ҳужайрадан иборат. Замбуруғлар танаси гифалар йиғиндиндисидан тузиленган ва мицелий деб аталади.

Ухашлик ва яқинлик белгиларига ва тубац ёки юксаклигига, озиқланиш усусларига, рангига қараб, тубан ўсимликларни бир неча бўлимга бўлиш мумкин. Бу бўлимлар орасида ғоят содда тузилишга эга бўлган уч гурӯҳ ўсимлик бор. Булар хивчинилар, увоқилар (бактериялар ва кўк-яшил сувўтлар) ва амёбасимонлардир. Буларнинг тузилиши ғоят содда бўлганидан, улар систематикада энг содда ҳайвон ва ўсимликлар дунёсининг бошлангичи деб қаралади.

Хивчинилар бир қатор хусусиятларига кўра, ўсимликларга ҳам, ҳайвонларга ҳам ўхшаб кетади, шу сабабдан, уларни ўсимликлар билан ҳайвонлар ўртасида турувчи оралиқ организм деб ҳисоблайдилар.

Хивчинилар денгизлар, дарёлар ва тупроқда кенг тарқалган, содда тузиленган, биологик хусусияти жиҳатдан хилма-хил, бир ҳужайрали, баъзан, колонияли организмлардир. Хивчинилар цитоплазмадан ўсиб чиқсан бир, икки ёки ундан кўп бўлган хивчинилари воситасида сувда актив ҳаракат қиласди. Булар орасида рангиз ва тайёр органик моддалар билан озиқланувчи гетеротроф формалари ҳам мавжуд. Шу сингарилар зоологияда *садалар* (*Protozoa*) бўлимининг флагеллата синфиға киритилади. Яшил рангилари (хлорофиллар) фотосинтез процессида ҳо-

силилган маҳсулотлар ҳисобига мустақил яшайди. Аввал систематикада хивчиниллар ўсимликлар дунёсининг мустақил бир бўлими бўлиб ҳисобланган. Аслида эса хивчиниллар ҳеч қандай мустақил систематик категорияни ташкил этмайди. Келиб чиқиши ва эволюцион тараққиётин билан улар тубанларнинг бир неча мустақил бўлими, группаларга ажралиб кетадиган содда организмлардир. Хивчиниллар, ўз навбатида, ўзидан ҳам содда тузилган организмлардан келиб чиқкан.

Хивчиниллар группасининг эволюцияси натижасида уларнинг бир тармоғидан ҳайвонот дунёси, иккинчи тармоғидан ўсимликлар дунёси келиб чиқкан деб қаралади.

Ер юзида дастлаб пайдо бўлган организмларнинг қандай тузилганини тўғрисида ҳозирча тўла-тўқис маълумот йўқ.

А. И. Опариннинг ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тадқиқотларига кўра, энг биринчи пайдо бўлган организмларнинг танаси ҳужайра қисмларига ажралмай, яхлит бўлиб тузилган.

Амёбасимон организмлар сапрофит озиқланувчи, маълум бир шаклга эга бўлмаган, пластидлари ҳам йўқ, шилимшиқсимон, кўп ядроли протоплазмалар уюмидан иборат амёбага ўхшаб ҳаракат қилувчи мавжудотdir. Бу группа ҳам оралиқ бўлиб, бунга ўсимликлар дунёсидан шилимшиқсимонлар, ҳайвонлар дунёсидан илдизоёқлилар киради. Бироқ буларни ядро ва хивчиниларнинг бўлишига, тузилишининг соддалигига қарамай, ўсимликлар дунёсининг келиб чиқишидаги бошланғич группа деб айтиш ярамайди.

Учинчи группага тузилиши жиҳатдан фоят содда бактериялар киради. Бактериялар бир ҳужайрали, аммо, типик ядроси бўлмаган, ўзидан ҳам соддароқ тузилган организмлардан вужудга келган.

Бактерияларга кўк-яшил сувўтлар бирмунча яқин турди. Бактерияларда ҳам, кўк-яшил сувўтларда ҳам ҳужайра протопласти дифференциациялашмаган, уларда ядро яхлит бўлмайди ва жинсий кўпайиш ҳам кузатилган эмас<sup>1</sup>. Лекин кўк-яшил сувўтларда хлорофилл бор, бактерияларда эса хлорофилл бўлмайди, бироқ улар орасида, баъзан, хлорофиллга яқин, бактериохлорофилл деб аталадиган яшил рангли бўёққа эга хиллари ҳам учрайди.

Тубан ўсимликларнинг келиб чиқиши, тараққиёт йўллари, озиқланиш усуслари ва вегетатив органларининг тузилишига, ҳатто рангларига қараб ҳам уларни бир неча бўлимларга ажратилади. Бу соҳадаги уринишлар, изланишлар ва тадқиқотлардан сўнг кейинги чорак аср мобайнида тубан ўсимликлар бўлимларга қуидагича бўлинди.

**Бактериасимонлар — Bacteriophyta**

<sup>1</sup> Кейинги вақтларда ичак тайёқчаси бактериасида (*Escherichia coli*) жинсий процесс рўй беришлиги аниқланган.

*Күк-яшил сувўтлар* — Cyanophyta  
*Хризомонадасимонлар* ёки тилла ранг сувўтлар — Chrysophyta  
*Пиррофитсимонлар* — Pyrrhophyta  
*Эвгленасимонлар* — Euglenophyta  
*Яшил сувўтлар* — Chlorophyta  
*Ҳар хил хивчинлилар* ёки сарғииш яшил сувўтлар — Heterothaeae ёки — Xanthophyta  
*Диатом сувўтлар* — Diatomae ёки — Bacillariophyta  
*Қўнғир сувўтлар* — Phaeophyta  
*Қизил сувўтлар* — Rhodophyta  
*Шилимшиқсимонлар* — Myxophyta  
*Замбурурглар* — Fungi ёки Mycophyta  
*Лишайниксимонлар* — Lichenophyta  
Биз, бу бўлимлар билан танишишни бактериясимонлардан бошлиймиз, чунки улар тузилишининг соддалигидан ташқари, энг қадимги кекса организмлар формасидир.

## БАКТЕРИЯСИМОНЛАР БЎЛИМИ—ВАСТЕРИОРНУТА

Бактериясимонлар турли-туман тирик мавжудотлар орасида энг содда тузилган, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган организмлар бўлиб, уларни биринчи марта бундан 300 йил муқаддам Антон Левенгук топган эди. Бактерияларни фақат микроскоп остида, ёки улар кўп миқдорда кўпайиб, уйилиб, колония ҳосил қилганда оддий кўз билан кўриш мумкин.

Бактериялар жуда майдо, бир ҳужайрали, баъзан ипсимон ёки ипсимон шохланган колонияли организмлар бўлиб, табиатда кенг тарқалган. Бактерияларнинг хилма-хил турлари, фаолияти, улар вужудга келтирадиган турли-туман ўзгаришлар ва ҳоказолар билан микробиология фани шуғулланади.

Бактерияларнинг ҳужайраси ниҳоятда кичик бўлганидан уларни ўрганиш қийин, чунки катта-кичикилиги микроилар билан ўлчанади<sup>1</sup>. Бактерияларнинг энг йириги — олtingугурт бактерияси, катталиги 50 микрондан ошмайди. Кўпчилик таёқчасимон бактерияларнинг узуслиги 1—5  $\mu$ , йўғонлиги 0,5—1  $\mu$  орасида бўлади.

Катталиги 0,2 микрондан ошмайдиган шарсимон бактериялар ҳам бор. Бундай бактерияларни оддий (2000 марта гача катта қилиб кўрсатадиган) микроскоплар билан кўриб бўлмайди. Уларни фақат электрон микроскопдагина кўриш мумкин.

Электрон микроскоп 1932 йилда кашф этилган, тоят мураккаб тузилган бўлиб, оддий микроскоплар сингари ёруғлик нурларидан эмас, электрон нурларидан фойдаланилади, кўриладиган объексларни 20 000 марта, экранда эса 100 000—200 000 марта катта қилиб кўрсатади. Электрон микроскопда фильтрдан ўтиб кетувчи вирусларни ҳам кўриш мумкин.

*Бактерия формалари.* Бактериялар ҳужайраларига қараб, асосан, уч гурухга бўлинади (2-расм): 1) шарсимон бактериялар — кокклар; 2) таёқчасимон ёки цилиндрисимон бактериялар — бациллалар; 3) букилган бактериялар — спириллалар.

Бу гуруҳлар орасида ҳар хил оралиқ формалари ҳам бор. Масалан, кокклар бир-биринга қўшилмаган майдо айрим ҳужайралардан иборат бўлса, микрококк деб аталади ёки бўлинниш натижасида ҳосил бўлган янги бола ҳужайралар жуфтлашганича қолса, диплококк, агар энига ва бўйига бўлинниш натижаси-

<sup>1</sup> Микрон ( $\mu$ ) — 0,001 мм.


да келиб чиққан ҳужайранинг бола ҳужайралари ажралмай, тўртталигича қолса, тетракокк деб аталади. Ҳужайралари узунасига қўшилиб, маржонга ўхшаш шакл олса, стрептококк, ҳужайра бўйига, энига ва ёнига қараб бўлинниши туфайли пакетга ўхшаш шакл олса, сарцина дейилади.

Таёқчасимон формалар ҳам, ўз навбатида, ҳар хил бўлиши мумкин. Аввало, улар узун-қисқалигига қараб ҳам турлича бўлади. Таёқчасимон бактерияларнинг споралар ҳосил қўлмайдиганлари чин бактериялар, спора ҳосил қўлувчилари эса бациллалар деб аталади. Булар ҳам, ўз навбатида, турли формаларни вужудга келтириши мумкин. Масалан, ҳужайралари ўзаро жуфт-жуфт бўлиб қўшилиши натижасида диплобактериялар ва диплобациллалар, таёқчалар узунасига қўшилишиб, занжир ҳосил қиласа, стрептобактериялар ва стрептобациллалар вужудга келади.

Букилганлардан ҳам ҳар хил формалар ҳосил бўлади. Букилиши жуда кучсиз, вергул шаклида бўлса, **виброн**, букилиши икки марта қайтарилган бўлса, **спирилла**, жуда ингичка бўлиб, гажаксимон бир неча марта букилган бўлса, **спирохета** деб аталади.

Бактерияларнинг шарсимон ва цилиндричесимон формалари жуда кўп тарқалган. Бактериялар орасида бир ҳужайралилар билан бир қаторда ипсимон колонияли формалари ҳам учрайди. Шунингдек, танаси қатор жойлашган ҳужайралардан иборат кўп ҳужайрали формалари ҳам бўлади; уларни қоплаб олган шилимшиқ парда ўзаро бириткириб ва мустаҳкамлаб туради.

**Бактерияларнинг ҳужайра тузилиши.** Бактерияларнинг ҳу-



2-расм. Бактерияларнинг турли формалари.

а) кокклар; б — диплокклар; в — тетракокклар; г — стрептококклар; д — сарциналар; е — бациллалар; ж — спириллалар; з — вибронлар; и — ипсимон формалари; к — олтингугурт бактериялари.

жайраси ниҳоятда кичик бўлганилигидан, уларнинг ички тузилишини ўрганиш табииёт фанининг энг қийин масалаларидан бири эди.

Электрон микроскоп ихтиро этилиши билан бу соҳада илмий тадқиқот ишларини кенг кўламда олиб боришга имконият яратилди.

Кўпчилик бактериялар ҳужайраси рангсиз, баъзилари бўёқли бўлади. Масалан, *purpur* ва *ажойиб* бактерия (*Bacterium productosum*) лар қон рангидан бўлади.

Бактерияларнинг ҳужайраси тузилиши жиҳатидан юқори ўсимликлар, сувўтлар ва замбуруғлар ҳужайрасининг тузилишидан анча фарқ қиласди. Бактериялар ҳужайраси плазмолиз ҳолатида аниқ кўринадиган юпқа, аммо анча пишиқ тузилган пўст ва унинг ичидағи ярим суюқ цитоплазмадан иборат. Пўстнинг химиявий таркиби, асосан, азотли ва азотсиз моддалардан иборат бўлиб, бошқа ўсимликларники каби унга целлюлоза мутлақо кирмайди. Унинг таркибида азотсиз моддалардан липоид ва гемицеллюлоза, азотли моддалардан эса хитин моддалари учрайди.

Бактерияларнинг баъзи турлари тараққиёт цикларининг маълум даврида пўстларида шилимшиқ капсула (найча) ҳосил қиласди. Капсулали бактериялар бир томчи тушга солиниб, ёруғ жойда қаралса, аниқ кўринади. Капсула ҳамма вақт бактериянинг ўзидан ажралади. Баъзи хилларининг пўстини бўкиши натижасида, шилимшиқ модда чиқади, капсулалар ҳам худди шу тарзда вужудга келади. Пўстнинг бўкиши билан унинг ташқи қавати шилимшиқ моддаларга айланади. Улар бактерия ҳужайраларини биректириб, зооглия номли шилимшиқ колония ҳосил қиласди. Бунга трихобактериялардан *кладотрикс* (*Cladotrix*), миксобактериялардан *хондромицес* (*Chondromyces*) *бегиатоа* (*Beggiatoa*) ва бошқалар мисол бўла олади (3- расм). Табиатда кенг тарқалган миксобактериялар таёқчасимон формали колония ҳосил қиласди. Пўст ичидаги рангсиз цитоплазма бўлади, устки



3 - расм. 1 — кладотрикс (*Cladotrix*); 2 — кладотрикснинг зооспоралар ҳосил қилини (жуда катта қилиб кўрсантилган); 3 — миксобактериялардан *хондромицес* (*Chondromyces*) ининг мева ҳосил қилини; 4 — *бегиатоа* (*Beggiatoa*) ичидаги олтингугурт томчилари нинг кўрниши; 5 — тўсиклари кўрининб турган олтингугуртсиз *бегиатоа*.

қисми зичлашган бўлиб, чала ўтказувчи мембрана ролини ба- жаради. Цитоплазманинг таркиби ғоят мураккаб бўлиб, модда- лар алмашинуви натижасида ҳамиша ўзгариб туради. Химиявий анализларга кўра цитоплазма танасининг 20 дан 80% га яқин қисми нуклеопротеидлардан иборатdir.


Бактерияларниг турларига қараб, цитоплазмада ҳар хил ферментлар бўлади. Бактерия ҳужайраси қариганида баъзан вакуолалар вужудга келади. Вакуола ичидаги цитоплазма билан доимо ўзаро муносабатда бўлиб турадиган ва ҳар хил кислотали ҳужайра шираси бўлади.

Чигил муаммолардан бирини бактерияларда ядронинг бор-йўқлиги масаласидир. Баъзи олимлар бактерияларда ядро мавжудлигини кузатганлар. А. А. Имшенецкийнинг тадқиқотлари бактериялар цитоплазмасида ядро таркибига кирувчи асосий модда тимонуклеин ёки дезоксирибонуклеин (ДНК) кислотасининг кўп миқдорда бўлишини аниқлади. А. А. Имшенецкийнинг фикрича, ядро моддалари (нуклеопротеидлар) цитоплазмада сочилган, диффузия ҳолатида бўлиб, ядро бактерияларниг юкори босқичдаги вакилларидан — миксобактерияларда учрайди. Тубан бактерияларда ядро кўк-яшил сувўтларники каби сочилган ҳолда бўлади. Бактерияларниг ҳаммасида ҳам ядронинг бўлавермаслиги, уларниг дастлаб пайдо бўлган содда тузилишдаги ор-ганизмлар эканлигини кўрсатади.

Бактерияларниг кўпчилиги рангсиз. Баъзи бир турларининг цитоплазмасидагина яшил ва қизил пигментлар бўлади. Шунингдек, рангли формалари фотосинтезлаш қобилиятига эга. Масалан, яшил рангли хлоробактерияларда хлорофилга яқин бактериохлорофилл бор, пурпур бактерияларда ҳам бактериохлорофилл бўлиб, у қизил пигмент билан ниқобланган запас озиқ моддалардан иборат. Бактериялар ҳужайрасида қўр сифатида турли запас озиқ моддалар тўпланади. Чуонончи, оқсиллар, волютин доналари (полифосфатлар), гликоген шаклида карбон сувлар, гранулёзалар, ёғ томчилари ва бошқалар. Бактерия ҳужайрасидаги шу моддаларниг ҳаммасини сифат микрохимиявий реакцияси билан аниқлаш мумкин.

**Бактериялар ҳаракати.** Бактерияларниг баъзи турлари мустақил ҳаракат қилиш қобилиятига эга; улар хивчинлари ёрдамида ҳаракатланади. Хивчинлари битта, иккита, тўртта ёки бир қанча бўлиб, ҳужайрасининг бир учидаги айрим ва тўп бўлиб жойлашади ёки сиртини бутунлай ўраб олади (4-расм). Хивчини битта бўлса, монотрих, иккита бўлиб, ҳар учидаги биттадан жойлашса, амфитрих, тўп бўлиб жойлашганлар эса лофотрих деб аталади. Хивчинлар ҳужайра танасини ҳамма томондан ўраган бўлса, перитрих деб аталади.

Бактерияларниг актив ҳаракати уларниг ҳайвонот дунёсига бирмунча яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Линней бактерияларни ҳайвонот дунёсига киритган. Бироқ, уларниг бошқа бир қанча белгилари типик ўсимлик эканлигини яқзол



4-расм. Бактерия хивчиниларининг типлари.

кўрсатади. Хивчинлари маълум даврда ҳосил бўлиб, сўнгра йўқолиши ҳам мумкин. Бактерияларнинг ҳаракати ташқи мұхит шароитига, температура, озиқ моддалар ва бошқа факторларга боғлиқ.

*Бактерияларнинг кўпайши.* Бактериялар оддий бўлининш йўли билан, яъни ҳужайрасининг икки янги бола ҳужайрага айланishi билан кўпаяди. Ҳосил бўлган бола ҳужайра қулай шароитга тушса, у ҳам тезда ўсиб, яна бўлининши такрорлайди.

Яшаш шароити қулай бўлса, бактериялар ҳужайраси ҳар 20–30 минутда бўлиниб туради.

Бактерияларнинг озиқланиши ва ривожланиши учун шароит етарли бўлганда катталиги икки микрон бўлган бир ҳужайрасидан бир суттада оғирлиги 4000 тоннага етадиган насллар йигиндиси вужудга келади. Шунингдек, бактериянинг бир ҳужайраси беш сутка тўхтовсиз кўпайишни давом эттиrsa, удан ҳосил бўлган бактериялар ер шаридаги барча океан ва дengizлардаги сув ҳавзаларини ишфол этиши, ҳатто у ерларга сифмаслиги ҳам мумкин. Бактерияларнинг мислсиз кўпайиб кетмаслигига сабаб шуки, биринчидан, бактерияларнинг моддалар алмашиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар уларнинг ўзи учун заҳарли таъсир кўрсатади, иккинчидан, озиқ-овқатлар етарли бўлмайди ва учинчидан, бир тур бактерия иккинчи тур бактерияга қарши курашади ва, натижада, уларнинг бир қисми ҳалок бўлади.

Бактерияларнинг баъзилари гонидийлар ҳосил қилиш йўли билан ҳам кўпаяди. Гонидийлар майда куртакчалардан иборат бўлиб, она ҳужайрадан ажралиб бўлинади. Ҳар қайси қисми ўсиб ва ривожланиб, мустақил бактерияга айланади; бактерия-

ларнинг, шунингдек, ғоят увоқ бўлганлари бактериал фильтрдан ўтиб кетади. Шу хилдаги бактериялар фильтрдан ўтувчи бактериялар дейилади, улар ҳам вируслар сингари фильтрдан ўтиб кетади.

*Споралар ҳосил қилиши.* Микроорганизмларнинг талай турлари тараққиёт циклининг маълум даврида споралар ҳосил қиласди. Бактерияларнинг спора ҳосил қилиши фақат бацилла авлодига хос. Бактерияларнинг спораси кўпайиш учун эмас, балки турни ноқулай шароитдан сақлаш учун хизмат қиласди, чунки споралар ҳосил бўлиш билан индивидлар сони кўпаймайди. Споралар вегетатив ҳужайраларга нисбатан ноқулай шароитга жуда чидамли бўлади. Бактерия ҳужайраси спорага айланishi олдидан протопластидаги сувнинг бир қисми қуриб, концентранади ва зичланади, усти жуда мустаҳкам пўст билан ўралади.

Ҳар бир бактерия ҳужайрасидан фақат битта спора ҳосил бўла олади. Шунинг учун бу процессни кўпайиш деб атаб бўлмайди. Бу эса бактерия индивидининг ноқулай шароитдан сақланишга мосланишидир.


Споралар ҳар хил ноқулай шароитга жуда чидамли бўлади. Масалан, баъзи бактерияларнинг споралари сувда бир неча соат қайнатилганда ҳам  $150^{\circ}$  иссиқликда ҳам, жуда паст ( $-200^{\circ}$ ) температурада ҳам, шунингдек, турли химиявий заҳарли моддалар таъсир қилинганда ҳам ҳалок бўлмай яшайверади.

Бактериялар спорали яшаш қобилиятини ноқулай шароитда 10 йиллаб сақлай олади ва қулай шароитга тушиши билан устидаги қалин пўсти ивиб тушиб, ичидаги бактериялар ҳаёт фаолиятини янгидан бошлайди. Спора ўзининг ҳаёт фаолиятини бошлаши олдидан бўқади (шишади), пўстидаги тешикча ҳосил бўлади, шилимшиқланади ва сўнгра ёрилади, кейин ўсиб нормал ҳужайрага айланаб, яна бўлинниш йўли билан кўпая бошлайди.

Бактерияларнинг ҳамма турлари ҳам спора ҳосил қиласвермайди. Масалан, кокклар ҳеч қачон спора ҳосил қилмайди. Бундай бактериялар ноқулай шароитда, вегетатив ҳужайраларнинг тинчлик ҳолатига ўтиши деб аталадиган формада яшайди.

Ультрабинафша нурлар бактерияларга салбий таъсир этиб, уларни ҳалок қиласди. Шунинг учун қуёш нури тик тушадиган ёрларда бактериялар кам бўлади ёки деярли бўлмайди.

*Бактерияларнинг ривожланиши ва ўзгарувчанлиги.* Бактерияларнинг ривожланиши ва ўзгарувчанлиги ташқи муҳитга боғлиқ. Организм билан ташқи муҳитнинг бир бутунилиги барча тирик мавжудот учун хосдир. Бактериялар индивидуал тараққиёт даврида тубандаги уч босқични ўтади: 1) озиқланиш ва бунинг натижасида ўсиш даври; 2) озиқланиш ва ўсиши туфайли ҳажмининг ортиши натижасида бўлинниши ва колониялар ҳосил қилиш даври; 3) споралар ҳосил қилиш ёки тинчлик ҳолатига ўтиш даври.



5-расм. Тугунак бактериялар (*Bacillus radicicola*) нинг ривожланиши даврида ҳужайрада руй берадиган ўзгарувчанликлар (ўртасида тугунакли илдиз). а — таёқасимон; б — шохланган ва вакуолали шакллари; в, г — кокклар; е, д — хивчинли формалари.

рофиллсиз организм бўлганидан бўлганидан мустақил вужудга келтираолмай, тайёр овқат ҳисобига озиқланади. Шунинг учун уларни **гетеротроф бактериялар** деб аталади. Гетеротроф бактерияларнинг кўп қисми ўлик органик моддалар ҳисобига яшагани учун **сапрофит бактериялар** деб ҳам аталади. Сапрофитларнинг кўплари оқсил моддалар ҳосил қилиш учун анорганик моддалардан фойдаланади.

Сапрофит бактерияларнинг баъзи хиллари бошқа сапрофит организмлар озиқ сифатида қабул қила олмайдиган нефть, керосин, тошкўмир, торф ва шу каби бирималарни бузиб, улардан овқат сифатида фойдалана олади.

Бактерияларнинг тирик организмлар ҳисобига озиқланувчи турлари **паразитлар** деб аталади. Улар одам, ҳайвон ва ўсимликлар тўқимасининг сиртқи ёки ички қисмидаги жойлашиб, мурракаб тирик органик моддалар ҳисобига яшаб, турли юқумли касалликларни тарқатади. Ўсимликларда бактериялар орқали тарқалган касалликларни **бактериоз** деб аталади.

Бактериялар орасида мустақил озиқланувчи автотроф турлари ҳам учрайди. Автотроф бактерияларнинг баъзилари фотосинтез процессида иштирок этади. Улар ўзига керакли углеродни яшил ўсимликларга ўхшаб қўёш энергиясидан фойдаланган ҳолда карбонат ангидрид ҳисобига олади. Буларга бактериохлорофилл пигменти бор яшил бактериялар ва бактериопурпурин бўғи бор пурпур бактериялари киради.

Хемотроф бактериялар карбонат кислотани ўзлаштиришда химиявий энергиядан фойдаланади. Бундай бактерияларнинг

Бактериялар индивидуал тараққиёт давомида ўсиш шароити ва ёшига қараб ўз формаларини бир қадар ўзгартиради. Тугунак бактериялардан (*Bacillus radicicola*) бунга яққол мисол бўлади (5-расм). Ёшлигида ҳужайраси кичик таёқча шаклида (а), қариганида шохланган (б) бўлади. Тугунаклар лат еса ҳужайрада вакуолалар вужудга келади (в), сўнгра коккларга айланади (в, г). Кокклардан тупроқда эркин ҳаракат қилувчи хивчинли формалар бунёдга келади (д). Хивчинлилар тупроқда силжиб, бошқа илдизга ўтади, у ерда ҳам тугунаклар ҳосил қиласи.

#### **Бактерияларнинг озиқланниш усули.**

Бактериялар хлорофиллсиз организм бўлганидан мустақил вужудга келтираолмай, тайёр овқат ҳисобига озиқланади. Шунинг учун уларни **гетеротроф бактериялар** деб аталади. Гетеротроф бактерияларнинг кўп қисми ўлик органик моддалар ҳисобига яшагани учун **сапрофит бактериялар** деб ҳам аталади. Сапрофитларнинг кўплари оқсил моддалар ҳосил қилиш учун анорганик моддалардан фойдаланади.

Сапрофит бактерияларнинг баъзи хиллари бошқа сапрофит организмлар озиқ сифатида қабул қила олмайдиган нефть, керосин, тошкўмир, торф ва шу каби бирималарни бузиб, улардан овқат сифатида фойдалана олади.

Бактерияларнинг тирик организмлар ҳисобига озиқланувчи турлари **паразитлар** деб аталади. Улар одам, ҳайвон ва ўсимликлар тўқимасининг сиртқи ёки ички қисмидаги жойлашиб, мурракаб тирик органик моддалар ҳисобига яшаб, турли юқумли касалликларни тарқатади. Ўсимликларда бактериялар орқали тарқалган касалликларни **бактериоз** деб аталади.

Бактериялар орасида мустақил озиқланувчи автотроф турлари ҳам учрайди. Автотроф бактерияларнинг баъзилари фотосинтез процессида иштирок этади. Улар ўзига керакли углеродни яшил ўсимликларга ўхшаб қўёш энергиясидан фойдаланган ҳолда карбонат ангидрид ҳисобига олади. Буларга бактериохлорофилл пигменти бор яшил бактериялар ва бактериопурпурин бўғи бор пурпур бактериялари киради.

Хемотроф бактериялар карбонат кислотани ўзлаштиришда химиявий энергиядан фойдаланади. Бундай бактерияларнинг

анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қилиш процесси **хемосинтез** дейилади.

Хемосинтез процессини биринчи марта 1887 йилда машхур рус микробиологи С. Н. Виноградский (1865—1953) кашф этган.

Нитрификаторлардан — *нитробактер* (*Nitrobacter*); *нитроцомонас* (*Nitrocomonas*); олтиңгүгүрт бактерияларидан — *бэггиатоа* (*Beggiatoa*) ва темир бактерияларидан ариқларда, сойларда ва кичик каналларда учрайдиган *лептотрикс* (*Leptothrix*) ва шу кабилар хемотроф бактериялар жұмласыга киради. Буларнинг тайёр органик моддаларга мұхтожлиги бўлмайди ва зарур органик моддаларни анорганик моддалардан синтез қиласы.

Тупроқда кўп тарқалган азотобактер ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб, тупроқни юқори ўсимликлар учун зарур бўлган азот бирикмалари билан бойитади. Дуккакли ўсимликлардан беда, себарга, мөш ва ловияларнинг илдизида яшовчи тугунак бактериялардан *ризобиум* (*Rizobium*) ҳам шу сингари вазифани бажаради. Шунинг учун дуккаклилар оиласининг вакиллари, одатда, таркибида азот кам бўлган тупроқларда ҳам bemalol яшай олади.

Бактерияларнинг кислородга бўлган муносабатлари ҳам ҳархилдир. Кўпчилик бактериялар кислород етарли даражада бўлган мұхитда нормал ҳаёт кечиради. Бундай бактериялар **аэроббактериялар** дейилади. Аксинча, бактерияларнинг кислород бутунлай бўлмаган ёки жуда оз миқдорда бўлган жойларда ҳам bemalol яшай оладиганлари **анаэроб бактериялар** деб аталади. Буларнинг эркин кислородга эҳтиёжи бўлмайди.

**Бактерияларнинг табиатда тарқалиши.** Бактериялар бошқа организмларга қараганда бенижоя кенг тарқалган; улар ер шарининг барча қисмида: ҳавода, сувда, тупроқда, ернинг чуқур қатламларida, тоғларнинг баланд музли чўққиларида, денгиз тагларida, ўсимлик, ҳайвон маҳсулотларида ва организмларнинг тирик ва ўлик тўқималарида учрайди.

Бактериялар асосан гетеротроф организм бўлганидан, органик моддага бой мұхитларда, хусусан, ифлос сувларда, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўлик жасадлари каби субстратларда кўпроқ яшайди. Улар қулай шароитга дуч келиши билан жуда тез кў-



Н. Виноградский

паяди ва атрофга тез тарқалади. Бактериялар тупроқда ниҳоятда кўп бўлади. Тупроқ турли органик ва минерал моддаларга жуда бой ва доимо маълум миқдордаги намлиkkка эга бўлганлигидан бактериялар учун энг қулай муҳит ҳисобланади. Бир г тупроқда бир неча миллиард бактериялар бўлади. Масалан, чириндиси кўп қора тупроқнинг 1 г да 10 млрд бактерия бор. Агар ҳайдаладиган бир гектар ердаги тупроқнинг оғирлиги 3000 т бўлса, шунинг 10 тоннасини тирик бактериялар ташкил этади. Ўрта Осиёдаги бўз тупроқли бедапояларнинг ризосфера-сида (илдиз теварагида)ги 1 г тупроқда 50—100 млн бактерия яшайди.

Тупроқдаги бактерияларнинг сони температурага ва мавсумга қараб ҳам ўзгариб туради. Улар ёз вақтида анча кўпайиб, қиши фаслида камаяди.

Бактерияларнинг тупроқда жуда сероб бўлишининг асосий сабаби уларни ҳалок қиливчи қуёш нурининг тупроқ ичига чуқур ўта олмаслигидир. Бактериялар зах ва нам ерда жуда тез кўпаяди. Бинобарин, сув бактерияларнинг яшаши учун энг қулай муҳитдир. Аммо, булоқ ва артезиан қудукларнинг суви ер бетига чиққунча бактериялардан тоза бўлади. Оқар сойлардан олинган 1 см<sup>3</sup> сувда бир неча юз, ифлос сувларда эса бир неча ўн минглаб бактериялар бўлади. Кўлмак ва ювинди сувларнинг 1 см<sup>3</sup> даги бактериялар сони юз миллионларга етади.

Бактериялар яшайдиган муҳитлар орасида ҳаво бирмунча нисбий тоза бўлади. Бу эса ультрабинафша нурларнинг бактерияларга ҳамиша таъсир этиб туриши натижасидир. Бироқ шамол пайтларида бактериялар чаңг билан ҳавога аралашиб, уни ифлослайди. Энг тоза ҳаво денгиз ва тоғ чўққиларидағи ҳаво ҳисобланади. Серчанг шаҳар кўчаларида, одамлар гавжум жойларда бактериялар янада кўп бўлади.

Ўсимлик, ҳайвон ва кишилар танасида ҳам жуда кўп бактериялар учрайди. Паразит бактериялар ўсимлик, ҳайвон ва кишилар танасига ўтиб, уларда турли касалликларни туғдиради. Салрофит бактериялар кишиларнинг бурун ва оғиз бўшлиғида, хусусан, тиш кавакларида (масалан, спирохета дентиум) ва ичакларда кўплаб яшайди.

**Бактерияларнинг табиатдаги ва кишилар ҳаётидаги роли.** Бактерияларнинг табиатдаги ва кишилар ҳаётидаги ролининг чеки йўқ, шуласиз табиатда моддалар айланмайди ҳам, ҳаёт ҳам бўлмайди дейиш мумкин. Бактериялар хлорофиллсиз организм бўлганидан уларнинг кўп қисми гетеротроф озиқланади: ўз ҳаётин процесслари учун зарур бўлган энергияни ўлик ва тирик органик моддалар ҳисобига олади. Бактериялар мазкур моддаларни парчалаб, оддий моддаларга айлантиради ва шу процессда ҳосил бўлган энергия ҳисобига озиқланади. Ҳар йили тупроқда ва сув ҳавзаларида жуда кўп миқдорда органик моддалар тўпланади. Булар бактериялар фаолияти натижасида парчаланиди ва минераллашади. Бу процесс кетма-кет бўладиган бир

нечта даврдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсисида ўзига хос бактерия турлари иштирок этади. Ҳар хил бактерияларнинг бирлашган фаолияти натижасида органик моддалар бутунлай минераллашади, яъни анорганик моддаларга айланади.

Органик моддаларни анорганик моддаларга айлантириш бактерияларнинг асосий хусусиятларидан бўлиб, ана шу процесс натижасида табиатда моддалар айланиши давом этади. Маълумки, яшил ўсимликлар қўёш нуридан фойдаланиб анорганик моддалар ( $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$ ) дан органик моддалар ҳосил қиласди. Гетеротроф бактериялар эса, аксинча, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўллик моддаларини бузади, парчалайди ва минераллаштиради. Натижада яна яшил ўсимликнинг нормал ҳаёти учун зарур бўлган карбонат ангидрид ва турли минерал тузлар вужудга келади. Гетеротроф бактериялар бўлмаганда эди, ер юзи ҳайвон жасадлари, ўсимликларнинг қолдиқлари билан лиқ тўлган бўлар эди ва ҳавода карбонат ангидриднинг етишмаслиги натижасида яшил ўсимликларнинг фотосинтез процесси ва, шу билан бирга, ер юзидағи ҳаёт ҳам тўхтаган бўлар эди.

Муайян турдаги бактерияларнинг фаолияти натижасида, табиатда турли органик моддалар бузилади ва парчаланади. Шунингдек, азотсиз органик моддаларнинг, яъни углеводларнинг бактериялар фаолияти натижасида парчаланишини ачиш деб аталади. Ачиш процесси «кислородсиз ҳаёт»дан иборат бўлиб, у табиатда ҳам, кишилар ҳаётида ҳам жуда муҳим рол ўйнайди.

Ачишнинг турлари кўп. Унинг энг муҳим хиллари қўйидаги лардир:

1. *Сут кислотали ачиш.* Бу процесс (*Lactobacterium acidophyllum*, *L. bulgaricum*, *streptococcus lactus*) — каби бактерияларнинг иштирокида боради. Шакарнинг парчаланиб, сут кислотага айланишини тубандаги схема билан ифодалаш мумкин:




Бу процессда шакардан карбонат ангидрид чиқмаган ҳолда иккι молекула сут кислотага айланади, ҳосил бўлган сут кислота бўлак чиритувчи бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қиласди.

Бу процессдан сут маҳсулотларини ишлашда, чунсанчи простокваша, кефир, қатиқ, пишлоқ, творог тайёрлашда фойдаланилади. Ҳосил бўлган сут кислота сутнинг оқсили, яъни казенини ивитади. Сут кислотали ачиш помидор, бодринг, карамларни консервалашда, ем-ҳашак ўсимликларидан силос бостиришда ҳам кенг қўлланилади, чунки ҳосил бўлган сут кислота, уларнинг узоқ сақланишига хизмат қилишидан ташқари, помидор, бодринг, карамга ва бошқа шунингдек тузланадиган меваларга алоҳида маза беради.


2. *Мой кислотали ачиш.* Бу процесс 1861 йилда Пастер томонидан аниқланган бўлиб, у табиатда кенг тарқалган тупроқ,

түнг, сут ва сиркада ҳам учрайдиган, катталиги 3—12  $\mu$  чамасида йирик спора ҳосил қиласидиган анаэроб бактериялар иштирокида рўй беради. Мой кислотали ачишда Clostridium butericum, C. pasteurianum ва бошқа бактериялар фаол қатнашади, парчаланиш процесси тубандагича боради:




Бу тенглама фақат процесс охирида ҳосил бўлган маҳсулотнигина яққол кўрсатади, холос. Аслида, процесс жуда мураккаб боради. Ачишда ҳосил бўлган мой кислота бошқа бактерияларниг озиқланши учун қимматли мoddадир. Мой кислотали ачиш натижасида кўпинча овқат маҳсулотлари бузилади. Узоқ турби қолган ёғнинг аччиқ-такир бўлиб қолиши ана шундандир.

*Сирка кислотали ачиш.* Бу процесс спора ҳосил қиласидиган бактериялар фаолияти натижасида содир бўлади. Буни кўпроқ сирка кислота бактерияси (*Acetobacter xylinum*, *Ac. aceti*, *Bacterium aceti*) ва бошқалар вужудга келтиради. Бундай процесс натижасида вино ёки сув қўшилган спиртлар тубандаги тенглама бўйича сирка ва сувга айланади:



Субстратда спирт тугагандан сўнг бактериялар сирка кислотани оксидлашга киришиб, уни карбонат ангидрид ва сувга айланади:



Овқатга ишлатиладиган юқори навли сиркалар эса спирт ёки виноларни ачитиш йўли билан тайёрланади.

*4. Пектин мoddаларининг ачиши.* Бу процесс ёғ кислотани ачитувчи бактериялар типидан бўлган (*Clostridium pectinovorum*, *Cl. felsinum*) ва бошқаларниг иштирокида бориб, органик кислоталар; водород ва карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Бундай хил ачишда ўсимликнинг ҳужайралараро мoddалари парчаланиб, тўқима ҳужайраларида яна мацерация ҳодисаси рўй беради. Бу процесдан толали ўсимликлардан, масалан, зигир, каноп ва бошқаларниг лосини (хом тола) олишда фойдаланилади.

Юқорида тўхталиб ўтилган барча ачиш процесслари табиатда ва қишлоқ хўжалигига, кишиларниг кундалик ҳаётида катта аҳамиятга эга; чунки бундай процесслар натижасида яшил ўсимликлар учун зарур бўлган карбонат ангидрид органик мoddалардан ажралиб, қайтадан яна ҳаво таркибига доимо ўтиб туради.


Азотли органик мoddаларниг бактериялар томонидан парчаланишига чириш деб аталади. Чириш процессида турли бак-

териялар фаол иштирок этиб, қўланса ҳидли газлар ҳосил бўлади. Масалан, бактерияларнинг бир тури оқсил молекуласини аммиак ( $\text{NH}_3$ ), водород сульфид ( $\text{H}_2\text{S}$ ), карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) ва сувга ( $\text{H}_2\text{O}$ ) ажратса, бошқалари оқсилини альбумоза, пептонларгача парчалайди. Улар, ўз навбатида, бошқа бактериялар томонидан яна парчаланади. Чириш процессидан териларнинг юнгини туширишда фойдаланилади.

Чириш натижасида углерод, хусусан, азотли мoddалар бир шаклдан иккичи шаклга ўтиб, табиатда узлуксиз айланиб туради. Автотроф бактериялар бевосита қўёш нуридан ёки қўччилиги химиявий энергиядан фойдалangan ҳолда органик мoddаларни мустақил равишда тайёрлайди. Буларнинг баъзи турлари тупроқда яшагани ҳолда эркин азотни ўзлаштира олади. Шу гурухга мансуб бактериялар катта биологик аҳамиятга эга. Дуккаклилар оиласининг илдизларида тугунак ҳосил қилувчи бактериялардан (*Rhisobium radicicola*; *Bacterium radicicola*) яшайди (6-расм). Ризобиум дуккакдошлар оиласига мансуб турлар илдизида яшаб, улар билан симбиоз ҳаёт кечиради<sup>1</sup>. Ризобиум радицикола углеводни илдиз ҳужайрасидан, танасининг тузилиши учун зарур бўлган азотни эса ҳаводан олади. Тугунак бактериялар ҳосил қилган азотли бирикмадан уларда яшаётган ўсимликлар ҳам фойдаланади. Илдиз билан бактерия ўртасидаги муносабат муракаб симбиоз ҳаётдан иборат.


Тугунак бактериялардан ташқари, тупроқда яна ҳаводаги эркин азотни ўзлаштирувчи бошқа хил бактерия турлари ҳам мавжуд. Шунингдек, бактериялардан бирини тупроқдан соғ ҳолда биринчи марта 1894 йили С. Н. Виноградский ажратиб олди ва унга *Clostridium Pastera* (*Clostridium Pasterianum*), деб ном берди (7-расм, а).

Бу бирмунча йирик, 3—4  $\mu$  узунликдаги таёқчалардан иборат бўлиб, спора ҳосил қилади, ҳар хил тупроқларда анаэроб ша-




6-расм. Нўхат илдизидаги тугунак бактериялар (*Rhisobium radicicola*)

<sup>1</sup> Туганклар дуккакдошлар оиласидан ташқари яна жийдадошлар, откаштандошлар ва қайнандошлар оиласининг баъзи вакилларида, масалан, жийдада, жизғанак, откаштан, олҳа илдизларнда ҳам бўлади.



*α*



*б*



7-расм. *а* — клостродиумнинг спорали урчуқсимон ҳужайраларнинг тұдаси; *б*—азотобактер (*Azotobacter*) нинг ҳужайра тұдасы.

роитда яшайды (5- расм, а). Клостродиум лаборатория шароитида сарф қилинган 1 г шакар ҳисобига 1—5 мг әркін азотни ўзлаштиради. Орадан 6 йилдегі үтгач, 1901 йили голландиялық олим Бейерлик томонидан әркін азотни тұпловчи, спорасыз, ҳужайраси йирикроқ бұлған азотобактер (*Azotobacter chroococcum*) ҳам топилди (7- расм, б). Бу бактерия әркін кислород етарли бұлған жойда яшаши ва ҳужайрасининг чүзиқ шарсымон бўлиши билан клостродиумдан фарқ қиласади. Азотобактер клостродиумга нисбатан азотни күпроқ тұплайды. 1 г шакар ҳисобига 2—12, ҳатто 20 мг гача азот тұплай олади. Азотобактер туркумининг турлари әркін азотни ўзлатыришда, ерни азотта бойитишда ва тупроқнинг унумдорлигини оширишда бошқа азот тұпловчи бактериялар билан бир қаторда жуда катта аҳамиятта этади.

Тупроқда яшаб, у ердаги аммиакни нитрит ва нитрат кислотагача оксидловчи бактериялар ҳам хемотроф бактерияларга киради. Улар оксидлашдан ҳосил бұлған энергияни углеводларни ўзлаштириш учун сарф қиласади. Бу процессининг табиати С. Н. Виноградский томонидан батафсил ўрганилган ва унга нитрификация деб ном берилген.

Нитрификация иккى фазадан иборат бўлади. Биринчи фазада *нитрозомонас* (*Nitrosomonas*) бактерияси аммиакни нитрит кислотагача оксидлайды. Иккинчи фазада эса *нитробактер* (*Nitrobacter*) нитрит кислотаны нитрат кислотагача оксидлайды.


Реакция қуйидагича бўлади:



Тупроқда ҳосил бўлған нитрат кислота минерал тузлар билан нейтраллашиб, селитрага айланади.

Тугунак бактериялар тупроқда гектарига 100—400 кг азотли тузлар түплайди. Бактериялар иштирокидаги табиатдаги нитратлы тузларнинг молекуляр азоттагача парчаланиши денитрификация деб аталади. Денитрификация ҳодисаси деҳқончилик учун зарарли бўлиб, у *хромобактер денитрификанс* (*Chorobacter denitrificans*), *ахромобактер стимцери* (*Achromobacter stimzergi*), *псевдомонас флуоресценс* (*Pseudomonas fluorescens*) ва бошқалар иштирокидаги боради.

Хемосинтез йўли билан озиқланувчи бактерияларга ипсимон колонияли бактериялардан олтингугуртли бактерия *бэггиатоа* (*Beggitoa*) ҳам киради. Улар таркибида водород сульфид ( $H_2S$ ) бўлган сувларда яшаб, уни олтингугуртга қадар оксидлайди. Бу процесс тубандагича боради:




Соф олтингугурт томчи ҳолида бактерия ичида тўпланади. Водород сульфид етарли бўлмаган тақдирда, у олтингугуртни сульфат кислотага қадар оксидлайди:




Шундай қилиб, олтингугуртли бактериялар яшил ўсимликларнинг озиқланиши учун ярамайдиган, заҳарли водород сульфидни юқори ўсимликлар осон ўзлаштирадиган сульфат кислотага айлантиради.

Хемотрофларга темир (II)-гидроксид кўп бўлган ҳавзаларда, булоқ, ариқ, зах канал ва кўлларда яшайдиган темир бактериялари ҳам киради. Буларнинг фаолияти натижасида темир (II)-гидроксид темир (III)-гидроксидга айланади. Бу модда занг рангидаги бўлиб, темир бактерия танасининг шишимшиқ филодида тўпланади. Найчаси темирга тўйиши билан танасидан ажралиб, сув тагига чўкиб, юлқа занг парда ҳосил қиласи. Бунда содир бўладиган оксидланиш процессини тубандаги тенглама билан ифодалаш мумкин:



Темир бактерияларидан *лептотрикс* (*Leptothrix*) сувларда кенг тарқалган. Найчаси, яъни филофи тушиб кетган ҳолда шакли шохланмаган ипчалардан иборат (8-расм). Кўпайиши ҳаракатли ёки ҳаракатсиз овалсимон гонидиялар ҳосил қилиш йўли билан боради. Булар кейин ўсиб, янги ипларга айланади.

Процесс сўнггида ҳосил бўлган энергия, олтингугурт бактерияларда бўлгани каби,  $CO_2$  ни ўзлаштириш ва органик моддаларни синтезлаш учун сарф қилинади. Украинадаги машхур Кривой-Рог темир кони темир бактерияларининг фаолияти натижасида ҳосил бўлган.



8-расм. Темир бактериялари: А — лептотрикс (*Leptothrix*) кладотрикс (*Cladotrichx*) нинг шохланганлиги — кренотрикс (*Crenotrichx*); чламидотрикс (*Chlamydotrichx*)

ли касалликлар **бактериоз** дейилди. Патоген бактериялар сил, вабо, тиф, дизентерия ва шу каби бошқа юқумли касалликларни ҳам тарқатади.

Бактерияларнинг баъзи турлари яшаш процессида ўзи учун заарсиз, аммо, бошқа тур бактерияларни ўлдирувчи кучли вирулент, яъни заҳарли химиявий моддалар ишлаб чиқаради. *Клостридиум ботулинум* (*Clostridium botulinum*) деган бактерия ботулин деган заҳар ишлаб чиқаради. Бу модданинг 1 грамми 5 млн кишини ҳалок қилиши мумкин. Кишини ҳалок этадиган доzasи 0,15 гамма (бир гамма ёки микрограмма 0,001 граммга тенг).

Машҳур рус олим И. И. Мечников бактериялар орасида бундай қарама-қаршилик, яъни антагонизм борлигини ва бу процессдан юқумли касалликларни даволашда фойдаланиш мумкинлигини ўтган асрдаёқ кўрсатган эди. Хилма-хил антибиотик дориларнинг (пенициллин, грамицидин, синтомицин, биомицин ва бошқаларнинг) кашф этилиши И. И. Мечников фикрини тўла тасдиқлади. Кейинги вақтларда совет микробиологи Г. Ф. Гаузе тупроқда яшовчи баъзи спорали бактериялар йиринг ҳосил қилувчи бактерияларнинг ўсишини тўхтатувчи моддалар ишлаб чиқаришни аниқлади. Шундай моддалардан **грамицидин** деб аталувчи антибиотик дори ажратиб олинди; бу дори турли касалликларни даволашда кенг қўлланилмоқда.

**Бактериофаглар ва вируслар.** 1886 йилда машҳур рус микробиологи Н. Ф. Гамалея ҳайвонларда бўладиган мол ўти деган юқумли касалликни текшириб, ажойиб ҳодисани аниқлади.

Н. Ф. Гамалея дизентерия бактериялари дизентерия билан касалланган кишининг ахлатидан олиниб фильтратга солингдан уларнинг эриб кетиши ва эритувчи модда озаймасдан, тобора кўпайиб боришини кузатди. Дизентерия бактерияларини эритган муҳитдан бир томчи олиб, бошқа суюқ озиқли муҳитга тे-

Ерости бойликларидан торф, тошкўмир, нефть, селитра ва шу сингари конларининг ҳосил бўлиши ҳам бактериялар фаолияти билан боғлиқ.

Патоген бактериялар. Гетеротроф бактерияларнинг кўп турлари паразит ҳолда ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайрасида яшайди ва уларда турли касалликларни вужудга келтиради, ҳатто, баъзан ҳалок қиласи. Бундай бактериялар **патоген бактериялар** деб аталади. Усимликларда бактериялар орқали тарқаладиган юқумли касалликларни ҳам тарқатади.

ғизилганда, у ерда ҳам әритувчи модда күпайди. Н. Ф. Гамалея дизентерия бактериясининг эришига әритувчининг таркибидаги, оддий микроскоп билан кўриб бўлмайдиган ва кўпайиш қобилиятига эга бўлган микроорганизмлар сабаб эканлигини<sup>\*</sup> аниқлади ва уларга **бактериофаглар** деб ном берди.

Ҳар бир бактериянинг ўзига хос бактериофаги бўлади. Баъзи олимлар бактериофагларни тирик мавжудот қаторига қўшмайдилар. Улар бактериофагларни бактерияларнинг эриши натижасида тўпланган моддалардир, деб ҳисоблайдилар.

Электрон микроскопнинг кашф этилиши бактериофаглар табиатини ўрганишга катта ёрдам берди.

Кейинги вақтда олиб борилган текширишлар бактериофагларнинг тирик организм эканлигини кўрсатди. Электрон микроскопда текширилганда уларнинг думалоқ ёки чўзиқроқ шаклдаги формалари борлиги аниқланди. Ҳатто, баъзи олимлар бактериофагларда бактерияларга ўхшашиб хивчинилар бор эканлигини ҳам аниқлаганлар. Бактериофаг бактерияларнинг ҳужайраси ичига кирмасдан, унинг устидан әритиши электрон микроскоп ёрдамида кузатилган.

Бактериофаглар медицинада дори сифатида кенг қўлланилади. Бактериофаглар тупроқ бактерияларида ҳам яшайди. Улар дуккакли ўсимлик илдизларнинг теварагида ҳам бўлади.

**Вируслар.** Чечак, қизамиқ, грипп каби юқумли касалликларни тарқатувчилар узоқ вақтгача номаълум бўлиб келди. Бундай касалликларни тарқатувчиси 1892 йилда машҳур рус ботаниги Д. И. Ивановский (1864—1920) томонидан кашф этилди. Д. И. Ивановский 1892 йилда тамаки ўсимлигининг юқумли мозаика касаллигини текшириб, тубандаги фактларни аниқлади. У мозаика касаллиги билан заарланган тамаки баргидан олинган ширани жуда ҳам майда бактерияларни ушлаб қолувчи фильтрдан ўтказиб, олинган фильтратни соғ тамакига тегизганда, шу фильтратдан тамаки касалланганлигини кузатди.

Шундай қилиб, Д. И. Ивановский ва Н. Ф. Гамалея жаҳон фанида биринчи бўлиб бактериялардан фарқ қиласидиган мавжудотлар ҳам борлигини аниқладилар.Faқат электрон микроскоп билан кўриш мумкин бўлган ва шаклланмаган бундай мавжудотлар ультрабактерия, ультравирус, яъни фильтрдан ўтувчи вирус ёки тўғридан-тўғри, вирус деб атала бошланди.

Вируслар бактериялардан қўйидаги белгилари ва хусусиятлари билан фарқ қиласиди: 1) улар жуда кичик бўлади; 2) бактерияларни тутиб қолувчи жуда майда тешикли фильтрлардан ҳам ўтиб кетади; 3) тирик организм ҳужайрасидан ташқарида яшамайди; 4) уларга антибиотик ва бошқа моддалар таъсир эта олмайди; 5) вирусларда моддалар алмашиши ҳам, уни ташкил этган моддаларнинг тузилиши ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Вируслар шарсизмон, кубсизмон, қисқа ва узун таёқчасимон шаклларда бўлади. Вирусларнинг энг майдаси  $10-15 \text{ м} \mu$  (мил-

лимикрон<sup>1</sup>) катталика бўлиб, ҳаммаси паразит ҳолда яшайди. Вирусларнинг химиявий таркиби, асосан, нуклеопротеидлардан иборат. Вируслар кристалланиш қобилиятига эга. Улар ғоят примитив тузилган, яъни танаси ҳужайра пўсти, ядро, пластида ва бошқаларга ажралган эмас. Вируслар ўз хоссалари жиҳатидан ўлик ва тирик материя ўртасидаги оралиқ звено ҳисобланади.

Ҳозир ўсимлик ва ҳайвонларнинг бир қанча вирус касалликлари аниқланган. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг вируслар билан касалланиши — **вироз** деб аталади. Ўсимликлар орасида вирус касаллиги жуда кўп тарқалган. Масалан, галла ўсимликларидан сули, буғдой касаллиги, помидорнинг столбур касаллиги ва бошқалар ана шундай касалликлардандир. Столбур касаллиги помидорга қўй печакдан ўтади. Бу касалликка учраган помидор ғоят майда ва қаттиқ бўлиб ўсади. Шунинг учун ҳам уни еб бўлмайди. Касалликка йўлиқдан ўсимликни дарҳол йўқотиш зарур, акс ҳолда, касаллик тарқалиб кетади.

### Бактериялар классификацияси

Бактерияларнинг 3000 дан зиёд тури бор. Булар ниҳоятда майда бўлганидан морфологиясини тўғри аниқлаш ҳам, кўпинча, классификациялаш ҳам ғоят қийин.

Бактериофитлар 4 синфа: I — типик бактериянамолар; II — миксобактериянамолар, III — спирохетанамолар ва IV — актиномицетнамоларга бўлинади.

### I- СИНФ. ТИПИК БАКТЕРИЯНАМОЛАР—EUBACTERIOMYCETES

Бу ҳажми ва хилма-хиллиги жиҳатидан бактерияларнинг энг катта синфи ҳисобланади. Бунга бактерияларнинг гетеротроф, автотроф ва симбиотроф озиқланувчи, бир ҳужайрали ва бошқа кўпгина группалари киради. Тузилиши содда, типик ядролари йўқ. Ҳужайра пўсти юпқа, аммо зич, шу туфайли шакллари ўзгармай, доим сақланади, характеристери белгиларидан бири кўпчиллик тартибларининг ривожланиш процессида хивчинили даврларнинг бўлиш ва эндоген спораларининг мавжудлигидир. Кўпайиши бўлиниш ва куртакланиш ўйли билан боради. Айримларида баъзи тадқиқотчилар жинсий кўпайишнинг конъюгация тчиши кузатганлар.

Бу синф ўз навбатида 4 тартибга бўлинади:

#### 1-тартиб. Чин бактериякабиллар—Bacteriales

Бу тартибга ҳужайра шакли ҳар хил бўлган, номлари асосан ҳужайра формаларига қараб берилган микрококк (*Miccoscoccus*),

<sup>1</sup> 1 мк — 0,001 мм.

*стрептококк* (*Streptococcus*), *сарцина* (*Sarcina*), *бацилла* (*Bacillus*), *бактерия* (*Bacterium*), *вибрион* (*Vibrio*), *спирilla* (*Spirilla*) сингари авлодлар киради.

## 2-тартыб. Хламидобактериякабилар—*Chlamydotobacteriales*

Бу тартибга келиб чиқиши жиҳатидан күк-яшил сувұттарға яқын, күп ұжайрали, ипсимон, автотроф озиқланувчи темир бактериялар киради. Масалан, *кладотрикс* (*Cladotrichix*), *лентотрикс* (*Leptothrix*), *кренотрикс* (*Crenothrix*) авлодлари ұмда әркін сузіб юрувчи ипсимон олтингугурт бактериялардан *беггіатоа* (*Beggiatoa*), ипсимон, аммо субстратта бириккан *тиотрикс* (*Thiotrichix*) авлодлари ұмда ифлосланған сувларда оқимтири пахмоқ ёки юпқа парда ұссол әтүвчи *сферотилус* (*Sphaerotilus natans*) авлодлари киради.

## 3-тартыб. Тиобактериякабилар—*Thiobacteriales*

Буларға бир ұжайрали, шарсімон, таёқчасимон ва урчұқсімон танаңыда олтингугурт томчилари түплөвчи олтингурут бактерияларининг вакиллари киради. Масалан, ранги қызыл *хроматиум* (*Chromatium*), *тиокапса* (*Thiocapsa*) ва рангсиз *ахроматиум* (*Achromatium*), *тиофиза* (*Thiophysa*) ва бошқалар. Булар водород сульфидли сувларда яшайды.

## 4-тартыб. Микобактериякабилар—*Mycobacteriales*

Бу тартиб вакиллари бир ұжайрали, таёқчасимон, сал шохланадиган, бўлинниш ва куртакланиш йўли билан кўпаядиган, хивчинли стадияси бўлмайдиган паразит ва сапрофит бактериялар бўлиб, табиатда кенг тарқалган. Бунга касаллик тарқатувчилиридан: сил бактерияси (*Mycobacterium tuberculosis*), мохов бактерияси (*Mycobacterium leprae*), бўғма бактерияси (*Cogulobacterium diphtheriae*) ва бошқалар, сут кислотали ачишда иштирок этадиган *лактобактериум* (*Lactobacterium*) ва шу сингари талай сапрофит бактериялар киради. Микобактериякабиларни баъзи микробиологлар актиномицетларга қўшади.

## II СИНФ. МИКСОБАКТЕРИЯНАМОЛАР—*MYCOBACTERIOMYCETES*

Бу синфга таёқчасимон, хивчинисиз, кўпчилигига ядро бўлган бактериялар киради. Ҳужайра пўсти майин бўлганидан ҳаракат қылганда шакли ўзгаради. Ҳужайрасининг учидан чиқадиган шиллимшиқ модда воситасида сирғаниб олд томонга силжийди. Кўпчилигининг тараққиёт даврида аниқ, рангли банд ва бошчадан иборат бир неча таёқчасимон ұжайрали цистада мева тана вужудга келади.

Миксобактериялар табиатда кенг тарқалған. Улар тупроқда, гүнгә ва сувда яшайды, моддалар айланишида иштирок этади.

Миксобактериялар целлюлозани оксидлайды. Тупроқ ва сув ҳавзаларида йил сайин түпланиб борадиган үсімлик қолдиқлары шу бактерияларнинг фаолияти натижасыда чириди. Баъзан, улар зарар ҳам етказади, чунки айрим турлари кутубхоналарда узоқ вақтлардан берни сақланиб келаётган газета ва китоб қоғозларини емиради, той пахталарни бузади.

Бу синф бир тартиб ва 5 оиласдан иборат. Бунга целлюлозани кучли парчаловчи ва тупроқда яшовчи цитофага (*Cytophaga*), целлвибрио (*Cellvibrio*) ва гүнгә яшовчи сорангиум (*Sorangium*), полиангийум (*Poliangium*) авлодлари киради.


### III СИНФ. СПИРОХЕТАНАМОЛАР—SPIROCHAETOMYSETES

Бу синф вакилларининг ҳужайраси ингичка, аммо узун ва майян, учи ўткир, пармасимон буралған, илон сингари ҳаракат қиласидиган бактериялар бўлиб, уларнинг қарийб барчаси паразит ҳолда яшайди. Булар орасида сапрофитлар ғоят сийрак учрайди. Паразит вакилларига захм касалини тарқатувчи оқ спирохета (*Treponema pallidum*), юқумли сарик касали бактерияси лептоспира (*Leptospira*), қайталама тиф бактерияси боррелия рекулантис (*Borrelia reculantis*) ва бошқалар, заарарсиз сапрофитларига тиш кирида яшайдиган боррелия букатис (*Borrelia buccalis*) киради.

### IV СИНФ. АКТИНОМИЦЕТНАМОЛАР—ACTINOMYSETES

Актиномицетлар ўзида ҳам бактериялар, ҳам замбуругларнинг белгиларини қисман мужассамлантирган жуда майда организмлардир. Тузилиши жиҳатидан бактериялардан юқори туради. Актиномицетлар типик бактериялардан шохланниши ва ҳаракатли даврни кечирмаслиги билан фарқ қиласиди. Вегетатив танаси тўсиқсиз мицеллийдан иборат. Мицеллийининг или замбуруғларницидан ингичка бўлиб (кўндаланг кесими 0,3—1,0 м), узунлиги баъзан 600 микронга боради ва шуъласимон шохлангани учун бу организмлар актиномицетлар ёки шуълали замбуруғлар деб аталади. Актиномицет латинча сўз бўлиб, актиношувла, яъни нур, мицес — замбуруғ демакдир.


Протопластининг тузилиши тубан бактериялариниң ўхшайди. Улар цитоплазма ва ядрога ажралмайди, типик ядрои ҳам бўлмайди. Вегетатив ва жинссиз йўллар билан кўпайди. Вегетатив кўпайишида мицеллийси уваланиб бўлакчаларга ажралади. Жинссиз кўпайиши споралар воситасида бўлади. Споралар субстратдан ер бетига чиқсан, ҳаво ранг, малла ранг, кул ранг, пушти ёки ер устки мицеллийлардан чиқсан спорабандларда етишади (9- расм, А, Б, В). Баъзиларининг спорабандлари спирал ёки пармасимон буралған, бошқалариники эса тўғри ёки бир оз



9-расм. Актиномицет спорабандларининг турли шакллари: А — түғри; Б — спиралспорабандлар.

тўлқинсизмон бўлиб букилган. Спораси шарсимон, овал, таёқчалик сизмон шаклларда бўлиб, сегментация ва фрагментация йўли билан ҳосил бўлади (10-расм, А, Б). Сегментацияда, спорабандда кўндалангига тўсиқлар вужудга келади ва бир қанча ҳужайраларга ажralади, етилиши билан узилиб тарқалади. Фрагментацияда эса спорабандда тўсиқлар бўлмайди, протопласти шарсимон ва таёқчалик сизмон шаклдаги айрим қисмларга бўлиниб, пўст билан қопланади. Умумий пўст парчаланиб, йиртилгандан сўнг ичидан споралар чиқади, споралари замбуруғларникига ўхаш униб, гифаларга айланувчи 1—3 та ўсимта чиқаради.

Актиномицетлар табиатда ғоят кенг тарқалган. Улар тупроқда, сувда, ҳавода, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларида яшайди. Хусусан, кўпроқ тупроқда учрайди. Бир г тупроқдаги актиномицетлар спорасининг сони юз мингдан тортиб миллионларга боради. Тупроқ микрофлорасининг 20—30% и актиномицентлардан иборат. Актиномицетлар чириндига бой тупроқдаги биомассасининг миқдори гектарига 500 кг дан ошади. Актиномицетлар бактериялар билан бирга табиатда моддалар айланishiда муҳим рол ўйнайди. Кўпчилиги сапропофит бўлиб, тупроқдаги органик моддаларни парчалашда актив қатнашади.



10-расм. Актиномицетлар спорасининг ҳосил бўлиш йўллари:  
1 — фрагментация, 2 — сегментация

Актиномицетлар таъсирида жийда, жизғинак, ольха ва откаштанинг илдизларида ҳам дуккакдошларни кига ўхшаш тугунақлар ҳосил бўлади. Актиномицетларнинг паразит турлари ҳам бор. Улар ҳайвон, баъзан, одамларнинг оғиз бўшлиғида, жагида яшаб, актиномикоз (сўлиқ) касаллигини, ўсимликларда эса қўтири ва бошқа касалликларни вужудга келтиради. *Актиномицес скабиес* (*Actinomycetes scabies*) картошка тугунағидаги картошка қўтири касаллигини вужудга келтиради.

Ҳозирги пайтда кўп тадқиқотчиларнинг диққат эътибори ҳар хил антибиотиклар ишлаб чиқарадиган актиномицетларни ўрганишга қаратилган.

Маълум антибиотиклардан стрептомицин, биомицин, террамицин, колимицин, мономицин, нистатин ва шунинг кабилар актиномицетлардан олинган. В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>8</sub>, В<sub>12</sub> витаминалари ҳам шуларга мансуб турларнинг маҳсулоти ҳисобланади. Баъзи турлари ўсимликка заарли бўлган, бошқалари эса, аксинча, ўсишини активлаштирадиган моддалар чиқаради.

**Бактерияларнинг келиб чиқиши.** Бактериялар Ер шарининг содда тузилган энг қадимги ва гетеротроф организмлари бўлиб, қазилма ҳолда кембрийдан олдинги чўқмаларда ҳам топилган. Кембрий даврига қадар ҳосил бўлган оҳактошларда ҳозирги микроКокус бактериясига ўхшаш тошчалар қолдиги чиқкан.

Бактериялар тузилиши жиҳатидан кўпроқ кўк-яшил сув ўтларга яқин туради. Иккала бўлимнинг ҳужайра протопласти протоплазма ва ядроларга ажралмайди. Кўпайиши эса фақат ҳужайрасининг иккига бўлиниш йўли билан боргани учун бу икки бўлим қўшилиб, увоқлилар деб ҳам аталади. Шундай бўлишига қарамай, улар талай белгилари билан бир-бирларидан фарқ қиласди. Масалан, кўк-яшил сув ўтларнинг протопласти четки қатлам ва марказий танага бўлинган, бактерияларда бу ҳол кузатилмайди. Кўк-яшил сув ўтларнинг ҳаммаси хивчинисиз, типик бактериялар эса хивчинидир. Бактерияларнинг спораси протоплазмадан эндоген йўл билан, кўк-яшил сув ўтларнинг спораси эса вегетатив ҳужайранинг барча қисмида ҳосил бўлади. Ипсимон бактериялар ва азотобактер ташқи кўриниши билан кўк-яшил сув ўтларга жуда яқин туради. Масалан, ипсимон колонияли олтингугурт бактериялардан *беггиятоа* (*Beggiatoa*)нинг танаси бир қатор рангиз таёқчасимон ҳужайралардан тузилган бўлиб, центроплазмада йигилади. Кўк-яшил сув ўтлар автотроф организм бўлишига қарамай, баъзан улар орасида гетеротроф йўлига ўтиб, ўлик органик моддаларни қабул қила оладиган турлари ҳам учрайди.

Кўк-яшил сув ўтлар бўлимига 50 оила, 150 авлод ва 1400 туркиради. Улар ғоят примитив тузилган бир ҳужайрали, колонияли ва кўп ҳужайрали сув ўтлардан иборат. Кўп ҳужайралилари ипсимон, или ҳужайралар йиғиндисидан иборат бўлиб трихома деб аталадиган шилемишқ парда билан қопланган. Иплари тўғри ёки шохланган бўлиб, соxта ёки чин шохланишга эга.

Кўк-яшил сувўтларнинг 1400 турининг қарийб ярми Ўзбекистонда учрайди. Булар чучук сувларда, қисман денгизларда, ҳозузларда, ариқларда кенг тарқалган. Улар тошли қояларда, сувининг иссиқлиги  $80^{\circ}$  га етадиган булоқларда, қор ва музлар тагида, қуёш нури тушмайдиган тупроқнинг устки ва ички қатламларида, дараҳт пўстлоқларида ва талай ўсимлик турлари билан симбиоз ҳолда яшайди. Кўк-яшил сувўтларнинг фаолияти натижасида тупроқда органик моддалар тўпланади, бъязи тур бактериялар билан бирга ҳаводаги эркин азотни ўзлаштиради. Кўк-яшил сувўтларнинг хивчинлари бўлмайди, споралар ҳосил қилимайди, актив букилади ва субстратда ҳаракат қиласади. Шунга кўра, олtingугурт бактериялари хлорофилларини йўқотиш йўли билан кўк-яшил сувўтлардан келиб чиқсан, деб тахмин қилиш мумкин.

Миксобактериялар билан актиномицетлар орасида яқинлик белгилари мавжудлиги шубҳасиз, улар ўртасида қариндошлиқ аломатлари борлигини биринчи марта рус микробиологи Н. А. Красильников ўтказган экспериментлари билан исботлаб, актиномицетларни замбуруғлардан ажратиб, бактериясимонлар бўлимига киритди. Чин бактериялар дастлабки рангиз гетеротроф организмлардан келиб чиқсан, кейинги тараққиёт ва эволюцион йўллари турлича бўлиб, яшил, пурпур, (тўқ қизил), темир бактериялари каби турлари ҳам фототроф, ҳам хемотроф озиқланишга мослашиб кетган деб тахмин қилинади. Энг қадимги шарсимон вакили микрооккус сингариларидан бактерияларнинг таёқчасимонлари, улардан эса ипсимонлари келиб чиқсан. Ипсимонлардан ер бетида хивчинларини йўқотиб, эмбрионларини ҳаво оқимида тарқатишга қайтадан мосланиш йўли билан миксобактериялар келиб чиқсан. Спирохеталар эса тузилиши жиҳатидан трипаназомага ўхшайди. Улар бир ҳужайрали содда ҳайвонларнинг флагеллатага ўхшашиб синфидан келиб чиқсан бўлиши мумкин. Бактериялар қадимги геологик даврларда яшаган дастлабки содда организмларнинг узоқ тарихий тараққиёт процессининг маҳсулотидир. Келиб чиқиши томонидан бошқа бўлимлар билан қарийб боғланиши йўқ.

## ҚЎК-ЯШИЛ СУВЎТЛАР БЎЛИМИ—СУАНОРНУТНА


Қўк-яшил сувўтлар анча примитив бўлиб, ҳужайра тузилишнинг соддалиги, протопластининг дифференциацияланмаганини билан бошқа сувўтлардан фарқ қиласди. Буларнинг кўк-яшил деб аталишига сабаб шуки, уларнинг ҳужайрасида яшил хлорофилл, яна кўк фикоциан, қизил фикоэритрин ва олов рангли каротин пигментлари бор. Бу пигментларнинг ўзаро миқдорий нисбатларига қараб, кўк-яшил сувўтлар тўқ яшил, кўк-яшил, қорамтири-яшил, бинафша, сарғиш-яшил, баъзан, қорамтири, ҳатто қора кўкимтири рангда бўлади. Бундан ташқари, улар бошқа сувўтлардан ўзининг оригинал ҳужайра тузилиши билан ҳам фарқ қиласди. Ҳужайраси пўст ва протопластдан иборат, лекин протопласти цитоплазма хроматофор ва ядроларга ажралмайди.

Ҳужайра пўсти пектин моддасидан тузилган, баъзан хитин ҳам учрайди, кўпинча бўкиб, шилимшиқланади. Шунингдек, бир ёки бир неча ҳужайралари қўшилиб, шилимшиқ филоф ичидаги колония ҳосил қиласди. Протопластида вакуолалар мутлақо бўлмайди.

Протопласти ташқи ва марказий қисмларга бўлинади. Ташқи қисми периферия қатлами ёки хроматоплазма деб, марказий қисми марказий тана ёки центроплазма деб аталади. Хроматоплазмада турли бўёқлар: хлорофилл, фикоциан, каротин, қизил сувўтларга хос фикоэритрин бўлиб, унга ҳар хил, кўпроқ кўк-яшил ранг беради. Центроплазма рангсиз бўлиб, унинг таркибида ядро учун ниҳоятда характерли бўлган ДНК, нуклеин, тимонуклеин кислота бўлади.

Ташқи қатлам хроматоплазма морфологик тузилиши жиҳатидан хроматофорга ўхшамаса ҳам, фотосинтез функциясини бажаради, чунки унда сочилган ёки эриган ҳолда хроматофор бўлади. Қўк-яшил сувўтларда крахмал ҳосил бўлмайди. Фотосинтез маҳсулоти сифатида хлорофиллсиз организмлар учун хос бўлган полисахаридлардан — гликоген, оқсиллардан волютий тўпланади. Гликоген майдага шарсимон шаклда бўлиб, тупроқ ҳосилдорлигини оширади.

Қўк-яшил сувўтларнинг ҳужайраларида баъзан ичи газ билан тўлган бўшлиқ бўлади. Бу сохта ёки газли вакуола деб аталади. Шунингдек вакуолалар планктон вакилларининг бутун вегетацион даврида, бентосларида эса ҳаётининг айрим пайтларида ҳосил бўлади.



11-расм. 1 — осциллария (Oscillaria) ҳужайрасининг тузилиши:

а — марказий тара; б — хроматофорли пуст кисми; 2 — хроококк (Chroococcus); 3 — осциллария; 4 — гермогонийли зигбия (Zyngobia); 5 — анабена (Anabaena); г — гетероциста; е — спораси, чапда унинг ўсими; ф — носток (Nostoc); д — умумий кўришиши; в — гетероциста иплари.

Кўк-яшил сувўтлар фақат вегетатив ва жинсиз йўл билан қўпаяди. Буларда хивчили ҳаракатли давр бўлмайди. Жинсий қўпайиш процесси уларда шу вақттача кузатилган эмас. Бир ҳужайрали вакилларда она ҳужайра энига ҳам, бўйига ҳам бўлинади. Унинг ҳосиласи, яъни бола ҳужайралар, баъзан, ажалиб кетмай, икки ёки тўрт ҳужайрали колония ҳосил қиласди. Бунга хроококк (Chroococcus), глеоканса (Glaeocopsis) ва бошқалар мисол бўлади. Колонияли ва ипсимон вакилларининг қўпайиши танасининг бўлинеш йўли билан боради. Бундан ташқари, яна гермогонийлар ёрдамида, яъни иплари участканинг 2—3, кўпинча, бир қанча муночоқсимон ҳужайраларга бўлинishiдан ҳосил

бўлган бўлакчалар воситаси билан ҳам кўпаяди. Гормогоний шилемшиқ қиндан сирғаниб чиқиб сувда сузиб юриб, кейин тўхтайди. Усиб, янги ипсимон таначага айланади. Ипсимон формаларидан анабена, ривулярия ва бошқаларнинг илларида ҳар хил масофада пўсти сарғиш яхши ривожланган ва икки қават йирик, ўлик ҳужайралар, яъни гетероцист учрайди. Шунингдек, ипсимон вакилларининг баъзиларида, или гормогонийларга, асосан, гетероцист қисмидан ажралади (11-расм). Бундан ташқари, 'кўк-яшил сувўтларнинг ипсимон, қисман колонияли вакиллари вегетатив ҳужайраларидан бактерияларга ўхшаш споралар ҳам ҳосил қиласди. Спорага айланувчи ҳужайра запаси озиқ моддаларга бойиб, ўз пўстини қалинлаштиради ва бу билан ноқулай шароитга чидамлилиги ортади. Қулай шароит вужудга келиши билан яна ўсиб, ипсимон талломга айланади.]

Кўк-яшил сувўтлар асосан микроскопик ўсимлик бўлиб, факат шилемшиқ колонияларини оддий кўз билан кўриш мумкин. Кўк-яшил сувўтларнинг содда тузилган, бир ҳужайралиларига *хроококк* (*Chroococcus*) яқол мисол бўлади (11-расм, 2). Бу чучук сувларда, нам ерларда ва зах деворларда, дараҳт қобиқларида яшаб, уларга кўк-яшил тус беради. Унинг танаси битта шарсимон ҳужайрадан иборат бўлиб, бўйига ҳам, энига ҳам бўлина олади. Бўлинини натижасида ҳосил бўлган бола ҳужайралар тарқамай, юпқа шилемшиқ парда билан ўралиб, икки ёки тўрт ҳужайрадан иборат колонияни ҳосил қиласди.

\* Ипсимон формаларининг вакили сифатида осцилларияни (*Oscillaria*) ёки осциллаторияни (*Oscillatoria*) олиш мумкин (11-расм, 3). Осциллария кўлмак сувли ариқ ва ҳовузларда водопровод сувлари тушадиган жойларда кенг тарқалган сувўт бўлиб, сув тагида, баъзан зах бетида, ерларда кўк-яшил парда ҳосил қиласди. Осциллариянинг кўк-яшил ипсимон талломи қисқа, цилиндрик, бир хилда бўлган, бир қатор бўлиб жойлашган, ўзаро плазмодесмалар билан қўшилган ҳужайралардан иборат. Осциллариянинг қатор ҳужайралар йигиндиси трихом деб аталади. Унинг трихомаси парда билан ўралмайди ва учи букилиб, актив ҳаракат қиласди. Гормогонийли бошқа турларнинг трихомаси тиниқ ва зич, шилемшиқ моддадан ташкил топган, қин билан ўралган бўлади. Осциллариянинг ёриққа қараб ҳаракат қилиши ижобий фототаксис деб аталади.

Гормогонийли ипсимон формаларининг вакили сифатида лингбияни (*Lyngbia*) олиш мумкин (11-расм, 4). Лингбия осциллария турларига ўхшайди. Улар орасидаги фарқ шундаки, лингбия иллари шилемшиқ қин ичидаги жойлашган бўлиб, осцилларияда эса бундай қин бўлмайди, у ялангоч бўлади.

Ипсимон формаларининг яна бир вакили сифатида анабена (*Anabena*)ни олиш мумкин (11-расм, 5). Анабена сўзининг лугавий маъноси «бетида сузувчи» демакадир. Анабена сувда яшайди, иссиқ кунларда жуда тез кўпаяди, сув бетини юпқа парда шаклида қоплаб, унга кўк тус беради. Анабенанинг ипида сарғиш

ұлук ұжайралар, яъни гетероцисталар бўлади. Шу ердан ипи қисмларга ёки гормогонийларга ажралиб узилади. Анабелада споралар ҳам ҳосил бўлади. Спораси, одатда, вегетатив ұжайралардан анча йирик бўлиб, баъзан гетероциста ёнида вужудга келади.

Ипсимон формали ҳамда йирик колонияли вакилларига *носток* (*Sphaeromonostoc prupiforme*) киради (11-расм, 6).

Колониясининг катталиги ёнғоқдай, шарсимон, шилимшиқ моддадан иборат. Шилимшиқ модда ичида ностокнинг кўп марта букилган ва шарсимон ұжайралардан тузилган, чувалган ҳолдаги ипсимон танаси жойлашади. Ностокнинг ипсимон танаси маржонга ўхшайди. Носток ҳам гетероцисталарга эга бўлиб, ипи бўлакларга ажралиш ўйли билан кўпаяди. Кўп ұжайрала-ри спораларга ҳам айланади. Носток кўлларда, тоғ сойларида, тошларда, қояларда учрайди. Тузилиши билан ностокка ўхшаш йирик колонияли, жанубий районларда кўп тарқалган ва қуруқликда яшайдиган бошқа тури *строносток* (*Stronostoc commispe*) нинг колонияси бошида шарсимон, кейинчалик лентасимон, жингалак ва қорамтири бўлиб, кўпроқ дашт ва чўлларда учрайди.

Кўк-яшил сувўтлар табиатда кенг тарқалган ва аҳамияти катта ўсимликлардир. Улар чиқарган шилимшиқ моддаларда тупроқдаги азотобактерлар ва клостириумлар яшайди. Кўк-яшил сувўтларнинг баъзи бирлари тупроқ ичида яшаб, эркин азотни ўзлаштириб, тупроқ унумдорлигини оширади. Ўзбекистонда буларнинг ҳозирча 17 тури мавжудлиги аниқланди. Улар минерал субстратда ҳам яшащ қобилиятига эга. Кўк яшил сувўтлар турли оҳактошларда яшаб, уларнинг аста-секин нурашига сабаб бўлади. Кўк-яшил сувўтлар минерал тупроқлардан иборат жойларда пионер ўсимлик сифатида яшаб, у ерда органик моддалар тўплаб, бошқа юқори ўсимлик вакилларининг ўсиши учун замин тайёрлади. Улар сапропель<sup>1</sup> ва даволаниш учун ишлатиладиган балчиқларни ҳосил қилишда иштирок этади. Кўк-яшил сувўтларнинг баъзи хиллари ғоят иссиқ бўлган, 70—80° ли булоқ сувўларидан ҳам яшайди. Кўк-яшил сувўтларнинг бир қанчаси бошқа ўсимликлар билан симбиоз ҳаёт кечиради, баъзилари замбуруфлар билан қўшилиб, лишайниклар ҳосил қиласиди. Анабена азолла декоратив папоротниклардан ҳисобланган кичкинагина ўсимлик азолланинг ҳаволи тўқимаси ичида у билан симбиоз ҳаёт кечиради. Носток турлари эса ҳар хил жигарсимон моҳларда, сувда ўсуви лимна ўсимликларида, саговник дарахтининг илдизида, кунария дарахтининг пояларида симбиоз ҳолда яшайди.

Кўк-яшил сувўтларнинг келиб чиқиши. Кўк-яшил сувўтлар келиб чиқиши жиҳатидан, ҳозирги маълум яшил ўсимликларнинг энг примитивидир. Унинг бошқа ўсимликлар билан боғла-

<sup>1</sup> Баъзи оқмайдиган сув ҳавзалари тагида ўсимлик ва ҳайвонлар чирин-дисидан ҳосил бўлган, ишлаш ўйли билан турли маҳсулот олинадиган чўккан яйда сапропель деб аталади.

ниши ҳозиргача аниқланган эмас. Кўк-яшил сувўтлар хивчинли ҳаракатчан даврга эга бўлмаслиги ва уларда фикоциан ва фико-эритрин пигментларининг бўлиши билан қизил сувўтларга ўхшайди. Бироқ қизил сувўтларнинг ҳужайра протопластлари ядро ва хроматофорга аниқ ажралган. Шунга қарамай, бу икки бўлим орасида узоқ қариндошлик бўлиши мумкин.

Умуман, кўк-яшил сувўтларнинг бошقا бўлимлар билан бўлган қариндошлиги ҳозирча аниқланмаган, шунинг учун ҳам улар ўсимликлар дунёси шажарасининг ўзидан мураккаброқ тузилган ўсимликлар гурӯҳини бермаган мустақил бир тармоғи ҳисобланади.

Кўк-яшил сувўтлар ҳужайрасининг тузилиши жиҳатидан бактерияларга ғоят яқинлашади. Бу иккала бўлимда ҳам ҳужайра протопласти протоплазма, хроматофор ва ядрога бўлинмаган, жинсий кўпайиш ҳам кузатилмаган. Улар фақат бўлиниш ва увоқланиш йўли билан кўпаяди. Бинобарин, кўк-яшил сувўтларни бактерияларга ўхшаш, ҳужайрасиз тузилишга эга бўлган дастлабки организмлардан келиб чиққан, қадимий яшил ўсимликлар деб ҳисоблаш керак. Бу фикрни бактерияларнинг қазилма ҳолдаги изларининг кембрийгача бўлган давр чўкмаларида топилганлиги ҳам тасдиқлайди.

## ХРИЗОМОНАДАСИМОНЛАР ЁКИ ТИЛЛА РАНГ СУВҮТЛАР БҮЛИМИ—CHRUSOPHUTA


■ Тилла ранг сувүтлар бир ҳужайралы, колонияли, баъзан ипсизмон кўп ҳужайралы бўлиб, асосан, чучук сувларда, камдан кам денгизларда яшайди. Ҳужайраси радиал тузилган 1—2 та хивчинли, ҳаракатчан бўлиб, баъзан, ёлғон оёқлар ҳосил қиласди. Булар орасида ҳаракатсиз формалари ҳам учрайди. **Баъзиндарида бирмунча қум тупроқлашган пўст ёки оҳак тошли совут ҳосил бўлади.** Советлиларнинг сиртида тиканаклар ёки игначалари бўлади. Бу уларнинг муҳим систематик белгилари ҳисобланади. **Тилла ранг сувүтларнинг ҳужайраси ичидаги дисксимон кўпинча иккитадан хроматофори бўлади.** Фотосинтез маҳсулоти сифатида запас ҳолда лейкозин ва ёғ тўпланади. Бу сувүтларнинг тилла ранг ёки сарғиши қўнғир бўлиши, хроматофорида хлорофилдан ташқари фикохризин пигментининг (сарғиши — лютеин, қўнғири — фикоэритрин) бўлишидан дарак беради.

Тилла ранг сувүтлар миксотроф озиқланиш йўлига ҳам ўта олади. Шу билан бирга, улар орасида хроматофори бўлмаган рангсиз формалари ҳам учрайди. Рангсизлари тайёр органик моддалар билан озиқланади, баъзилари ҳайвонларга ўхшашиб оқатларнинг қаттиқ бўлакчаларини ёлғон оёқлари ёрдамида тутиб еб, уларни ҳазм қиласди. Тилла ранг сувүтларнинг яна ҳарактерли белгиларидан бири, кеч кузда ҳужайра ичидаги қалин пустли, қум тупроқли эндоген циста ҳосил қилишидир. Циста тинчлик давридан сўнг қайтадан қулай шароитга тушиши билан униб зооспораларга айланади.

Кўпайиши ҳужайрасининг икки қисмга бўлининиши ва 1—2 хивчинли зооспоралар ҳосил қилиш йўли билан боради. Колонияли хилларида эса бунёдга келган бола ҳужайралар тарқалиб кетмайди, уюлиб янги колония ташкил этади.

Хризофита бўлимига 5 синф, 175 авлод ва 400 тур киради (12-расм). Булар асосан органик моддалар билан ифлосланмаган чучук сувли ҳавзаларда кенг тарқалган бўлиб, улар баҳор ва кузда яхши ривожланади.

Тилла ранг сувүтларнинг бир ҳужайралы вакилларидан чучук сувли ҳовузларда, кўлларда ва шолипояларда учрайдиган *хромулина* (*Chrysophulina*) кенг тарқалган. Хромулинанинг танасида битта хивчин ва 1—2 та тилла ранг хроматофори бўлади. Ҳужайранинг бўйига қараб бўлининишидан ҳосил бўлган бола ҳужайра бир оз яшагач, у ҳам бўлининиши давом эттиради. **Хромулина** тилла ранг сувүтларнинг иккитадан бўлмаган рангсиз формалари ҳам учрайди.



12-расм. 1 — синура (*Synura*); 2 — малломонас (*Mallomonas*); 3 — хромуллина (*Chromulina*); 4 — динобрион (*Dinobryion*); 5—6 гидрурус (*Nydrurus*).

мулина нокулай шаронтга дуч келганды ҳаракатдан тұхтайди, хивчининиң жүротады ва цистага айланады. Буларнинг вакили **малламонада** (*Mallomonada*) бир хивчинли тоза сувларда яшайды. Пүсти қаттық бўлиб, усти кремнийли узун игнчалар билан қолланган.

Колонияларига **синура** (*Synura*), **динобрион** (*Dinobryion*) мисол бўлади. Колонияси микроскопик, доимо ҳаракатда бўлади.

**Синура** (*Synura*)нинг колонияси тухумсимон, узун ва қисқа иккита хивчинли, пўсти кремнезёмлашган, тиканакли, 10—20 та ҳужайра йиғинидисидан иборат, айланиб қимирлаб турувчи, шарчадан тузилган.

**Динобрион** (*Dinobryion*) колонияси гўё бакалчасимон катакча (совут) лардан ташкил топган, шохланган, гўзал бутачадир. Бакалчалар (совут) ичидаги 1—2 та хроматофори ва нотенг иккита хивчини, дуксимон ялангоч ҳужайраси бўлади. У бўлининш ўйли билан кўпаяди. Бакалчадаги ялангоч ҳужайра иккига бўлинади. Уларнинг бирини ўз жойида бакалча ичидаги қолади, иккинчиси эса сузиб чиқиб, бакалчанинг четига ёпишади ва ривожланиб янги бакалча (совут) ҳосил қиласи. Шу тарзда динобрион колониясининг шохчалари кўлайиб бораверади. Бакалчадаги барча ҳужайраларнинг хивчинлари бирлашиб ҳаракат қиласи ва ўз ўқи атрофида айланиб, сузади. Уларнинг бундай ҳаракати динобрион, яъни ҳаракат қилувчи моҳ деган номни олишига сабаб бўлган.

Субстратга бирикиб яшовчи ўтрок колонияларига **гидрурус** (*Nydrurus*) мисол бўла олади. Гидрурус тез оқар сувларда, баланд тоғ сойларида, шимолда эса Арктикада учрайди. Ийлнинг совуқ фаслларида тоғ этакларидан пастга ҳам тушади. Гидруруснинг қорамтири шилимшиқ колонияси юмшоқ сершоҳ, бўйи 10—

20 см бутача бўлиб, ост томони билан субстратга бирекиб ўсади. Гидрурус колониясининг шохлари ичидаги шилимшиқда йирик хроматофори, юмалоқ хивчинисиз ҳужайралари эркин ҳолда жойлашади. Бу ҳужайралар бўйига бўлинниб, бир-биридан узоқлашади. Ҳосил бўлган ҳужайра ҳисобига колония ўсади ва шохланади. Баъзан, ҳаракатсиз ҳужайралар бўлинишидан ҳосил бўлган бола ҳужайралардан ҳаракатчан бир хивчинли, шакли учбурчак зооспоралар етишади. Зооспора шилимшиқ ичидан циқиб, сувда бир қанча вақт сузиб, сўнгра олд томони билан субстратга бирикади, хивчинини йўқотиб, бўлина бошлайди, ўзидан шилимшиқ моддалар чиқаради ва янги колонияга айланади. Гидрурус шилимшиғи бадбўй ҳидли бўлади.

Тилла ранг сувўтларга кокколитофоралар (*Coccolithophorales*) тартибига қарашли кокколитофора (*Coccolithophora*) авлоди ҳам киради. Булар ғоят увоқ, бир ҳужайрали, икки хивчинли, асосан, океандаги планктонлар бўлиб, уларнинг қазилма ҳолдаги қолдиқлари кембрый чўқмаларидан топилган.

Хризофита сувўтларнинг қадимгиларидан бўлиб, кокколитофоралар сингари вакилларининг қолдиғи кембрый чўқмаларида учрайди. Булар билан диатом ва ҳар хил хивчинли сувўтлар ўртасида маълум даражада қариндошлик бўлиши мумкин, чунки шу сувўтларнинг ҳаммасида ҳам фотосинтез натижасида крахмал ҳосил бўлмайди, запас озиқ модда сифатида ёғ тўпланиди. Хризофиталарнинг субстратга бириккан ипсимон колониялари қўнғир сувўтларнинг ипсимон формаларига яқинлашади.

## ПИРРОФИТАСИМОНЛАР БҮЛИМИ—PURROPHUTA

Бу бўлимга мансуб сувўтлар микроскопик, асосан бир ҳужайали, колонияли, кўпинча икки хивчинли ва эркин сузувчи ўсимликлар бўлиб, чучук сувларда ҳам, денгизларда ҳам кенг тарқалган. Бу сувўтлар диатом сувўтлар билан бирга асосий денгиз планктонлари ҳисобланади. Баъзи турлари кечаси денгиз сувларига ёруғлик сочади. Булар орасида гоҳо ипсимон ва кам шохланган формалари ҳам учрайди. Ҳужайраси дорзовентрал тузилган, яъни орқа томони қорин томонидан фарқ қиласи. Асимметрик тузилганилари ҳам учрайди. Ҳужайрасида пўст бўлмайди ёки икки палладан иборат совутга ўхшаш целлюозали пўсти бўлади. Хроматофори цитоплазманинг четларида жойлашади. Хроматофорида хлорифилдан ташқари пиррофилл, перидинин деган қўшимча пигментлар бўлади.


Шу тифайли, уларнинг ранги қўнғир ва сарғиш бўлади. Ассимиляция маҳсулоти сифатида крахмал, баъзан ёғ тўпланади. Ёғ кўпроқ денгизларда яшовчи турларига хос.

Бу сувўтлар орасида рангсиз формалари ҳам учрайди. Шунингдек, айримларида хлорофилл ўрнида лейкопласт бўлади. Баъзиларида хивчин ва пўст бўлмайди, ҳужайраси эса бутунлай ялангоч ёки пеликула билан ўралган бўлади. Булар ҳайвон ва ўсимлик қолдиқларининг бўлакчаларини ютиб озиқланади. Баъзилари турли умуртқасиз ҳайвонларда экто ва эндопаразитлик билан ҳаёт кечираади.

Пиррофитасимонлар 150 авлод ва 1100 турдан иборат. Буларнинг ҳажм жиҳатдан энг каттаси, яъни турларга энг бойи перидинеялар синфи ҳисобланади. Бу синфа қарийб 1000 тур киради. Шулардан 45 тури Узбекистонда яшайди.

Пиррофиталарнинг автотроф озиқланувчи вакилларига мисол қилиб, ҳамма ердаги чучук сувларда учрайдиган *перидиниум* (*Peridinium*) ва *церациум* (*Ceratium*)ларни кўрсатиш мумкин (13-расм).

*Перидиниум* (*Peridinium*) авлодига 200 дан зиёд тур киради. Унинг чўзиқ шарсимон ҳужайраси кўп бурчакли, устида нақши бор целлюоза билан қопланган. Ҳужайрасида протоплазма, ядро ва кўп сонли хроматофорлари бўлади. Тебранувчи вакуолалари бўлмайди, кўпчилик турларида эса қизил кўзчалари ҳам учрамай, иккита хивчини бўлади. Булар ҳужайра сиртида бўйига ва энинга қараб кетган эгатчаларининг бир-бирини кесиб ўтган



13-расм. Перидинеялар:

— *Перидиниум* (*Peridinium*); 2 — *цератиум*; 3 — *ноктилука* (*Noctiluca*); 4 — *ноктилуканинг зооспораси*

жойидан чиқади. Хивчинларининг бири буралган кўндаланг эгатда ётади, иккинчиси тўғри ҳаракат қилганида орқасида чўзилиб туради.

Перидиниум бўлинеш йўли билан кўпаяди, совутидаги протопласт иккита тенг яланғоч бола ҳужайрага ажралади. Яланғоч бола ҳужайра — протопласт совути ичидан чиқиб, сузиб юриб аввал хивчин, пўст, кейин совут ҳосил қиласади. Баъзан совут ичидаги протопласт қалин пўст ҳосил қиласади ва цистага айланади. Циста ўсиш хусусиятини узоқ вақт, 16 йил ва ундан ортиқ сақлай олади.

*Цератиум* (*Ceratium*) авлодига кирувчи турларининг характерли белгиларидан бири 3—4 та шохсимон ўсимталарининг бўлишидир. Битта энг узуни олд томонида, қолган 2—3 та ўсимтаси дум томонида жойлашади.

Кўпайиши совутининг иккига бўлинеш йўли билан боради. Протопласти диатом сувўтларникига ўхшаш аввал иккита тенг индивидга бўлинниб, кейин совут қийшиқ бўлиб ёрилган жойидан икки паллага ажралади. Бола совутининг етишмайдиган ярим қисми ўсиб тикланади.

Пиррофиталарнинг баъзи турларида тенг гаметаларнинг қўшилишидан иборат бўлган изогам **копуляция** ҳам кузатилган.

Перединеяларнинг ўтроқ ҳаракатсиз ҳаёт кечирувчиларига иссиқ денгизларда учрайдиган, кечалари денгиз сувларда ёруғ-

лик сочиш хусусиятига эга бұлған ноктилука ёки тун шамчаси мисол бўлади<sup>1</sup>. *Ноктилуканинг* (Noctiluca) шарсимон вегетатив ҳужайрасининг диаметри 1 мм бўлиб, хроматофорсиз, хивчинсиз ва рангсиз ёки кўк яшил бўлади. Улар танасидаги воронкасимон чуқурча воситасида қаттиқ овқат парчаларини майдалаш билан ёки диатом ва перидинея сувўтларни ютиш йўли билан овқатланиди. Кўпайиши бўлиниш ва куртаклар чиқариш йўли билан боради. Унинг думалоқ ҳужайрасининг бетида юзлаб куртакчалар ҳосил бўлади. Куртакчалари яланғоч спораларга ўхшайди ва узилиб чиқиб сувда сузади. Уларнинг кўндаланг эгати ва битта хивчини бўлиб, сузганда у орқа томонда бўлади.

---

<sup>1</sup> Денгиз сувларига ёруғлик сочишда ноктилукадан ташқари яна бир қанча микроорганизмлар иштирок этади. Масалан, перидинея турлари бактериялар ва бошқалар. Ноктилука билан ёруғ сочувчи бошқа организмларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, ноктилука йирик бўлгандай ёруғ сочганда кечаси тоят кичик шамчага ўхшаб кўзга ташланади. Бошқалари микроскопик бўлгандан уларниг сочган ёрги сочишган бўлмай, ёпасига яхлит бўлади. Бу ҳодиса ҳужайра ичida ферментлар таъсиридан оксидланиш процесси натижасида рўй беради.

## ЭВГЛЕНАСИМОН СУВҮТЛАР БҮЛИМИ— EUGLENOPHUTA


1 Эвгленасимонлар микроскопик, бир ҳужайрали, 1—2 та (баъзан биринчан) хивчинли вегетатив ҳолатда актив ҳаракат қилиувчи, соғ яшил хроматофорли, асосан, чучук сувларда яшовчи организмлардир. Баъзи ҳолларда хивчинсиз ва колонияли формалари ҳам учрайди. Улар субстратда судралиб ўрмалаб ҳаракатланади. Ҳужайраси ҳар хил, аммо кўпчилигида чўзиқроқ ёки дуксимон, баъзида спиралсимон буралган ҳам бўлади. Эвгленасимонлар ҳужайрасида целлюлозали пўст бўлмайди. Пўст вазифасини протоплазманинг қалинлашган устки қатлами бажаради. Бу қатлам юмшоқ эластик ва рангсиз бўлиб перипласт ёки пелликула деб аталади. Баъзан темир тузлари билан инкрустацияланиш натижасида сарғиш ёки қўнғир тус олади. Пелликулалар ҳаракатланганда шаклларини бемалол ўзгартира оладилар (метаболия), баъзи бир вакилларида қаттиқ совутдан иборат пўст бўлади, масалан, трахеломона шундай.

Эвгленасимонлар ҳужайраси мураккаброқ тузилган. Уларнинг протопласти протоплазма ва ядрога аниқ ажралган. Протопластда битта ёки бир қанча хроматофори бўлиб, унда хлорофил «а» ва «в»дан ташқари яна каротин ва ксантофилл пигментлари бўлади. Коронгида баъзи турларининг хроматофори оқаради, ёргулликка чиқиши билан яна қайтадан тикланиб, яшил тусга киради. Хроматофорлар пиреноидли ва пиреноидсиз бўлиши мумкин. Пиреноидлар рангсиз, тифиз тузилган оқсили — таначалар бўлиб, улар атрофида фотосинтез маҳсулоти тўпланади. Эвгленасимонларда крахмал ҳам вужудга келади.

1 Фотосинтез маҳсулоти сифатида углеводлардан крахмалга яқин, аммо йоддек бинафша тусга кирмайдиган парамилон ва қисман ёғ тўпланади. Ядроси битта бўлиб, кўпинча ҳужайрасининг сст томонида жойлашади.

Эвгленасимонлар мустақил озиқланувчи автотроф ўсимликлардир. Талай турлари миксотроф озиқланади. Уларнинг хлорофиллсизлари сапропит ёки паразитлик билан ҳаёт кечиради. Булар орасида 10 га яқин паразит турлар борлиги маълум. Рангсизлари орасида голозой озиқланувчилари (яъни мураккаб органик моддаларни қабул қиласди) ҳам мавжуд. Булар мураккаб органик моддаларни ҳайвонлар сингари ютиб ҳазм қиласди.

Кўлайиши. Эвгленасимонлар, асосан ҳужайрасининг бўйига қараб иккига бўлиниш йўли билан кўпаяди. Ҳужайраларининг бўлиниши, уларнинг ҳаракатли ва ҳаракатсиз даврларида ҳам содир бўлаверади. Ҳаракатсиз даврида ҳужайра бўлиниш олдиндан хивчинини ташлайди, сўнгра бўлинади. Янги индивидлар тарқалади, думалоқланиб ва чўзилиб хивчин чиқаради. Аксинча, бола ҳужайралари тарқалмай ўз жойида қолса, улардан ҳаракатсиз ва ҳаракатли мураккаб колония вужудга келади. Бўлиниш процесси кечқурун ёки эрталаб ўтади.



14-расм. Эвгленасимонлар:

- 1 — Эвглена (Euglena):
- 2 — фокус (Fucus):
- 3 — Трхеломонас (Trachelomonas)

Хивчиниларнинг баъзилари ноқулай шароитга тушиб ўолгандида қалик пўстли цистага айланади. Эвгленасимонларда жинсий процесс қарийб кузатилмаган. Бўлган тақдирда ҳам у изогамиядан иборат бўлиб, фақат айрим вакиллари учун хосдир.

Эвгленасимонлар ҳужайра тузилиши ва хроматофорининг шакли билан ўзаро фарқ қиласди. Буларга 2 синф, 6 оила, 25 авлод ва 400 га яқин тур киради. Улар кўпинча органик моддаларга бой бўлган ва ифлосланган ариқ сувларида, каналларда, шолипояларда, кичик сув ҳавзаларида, кўл ва дарё қирғоқларнда ҳамда ҳам тупроқларда кенг тарқалган. Шўр сувли кўлларда яшайдиган турлари ҳам бор. Эвгленасимонлар тез кўпаяди, баъзан сувга яшил, қизғиши ёки қўнғир ранг беради.

Эвгленасимонларнинг жуда кенг тарқалган космополит авлодларидан бирин *эвглена* (Euglena) авлоди ҳисобланади. Бу авлодга 150 дан ортиқ тур киради. Буларнинг кўлмак сувларда ва ифлосланган ариқларда кўп учрайдиган вакилларидан бирин яшил *эвглена* (Euglena viridis) дир (14-расм).

Яшил *эвглена* (E. viridis)нинг ҳужайраси дуксимон бўлиб, алоҳида пўсти бўлмайди. Пўсти ҳайвон ҳужайрасига ўхшаш, протоплазманинг энг устки қатлами қалинлашган қисмдан иборат. Шунинг учун шаклини тез ўзгартира олади. Эвглена танасининг ўзгариши метаболия ҳодисасидан иборат бўлиб, амёбасимон ўзгаришдан фарқ қиласди, чунки амёбасимон ўзгаришда тана ўсимталар ҳосил қилиш ҳисобига ўзгаради.

Танасининг олд томонидаги нотўғри «ҳалқум» деб айтиладиган воронкасимон ўйилган жойнинг тагидан битта узун хивчин чиқади. Хивчини ёрдами билан айланма ва илгарилашма ҳарарат қиласди. Яшил эвгленада жуда қисқа яна иккинчи хивчини ҳам бўлади. Хивчинлар чуқурча тагига базал ҳужайралар воситасида бириккан бўлади. Уларда бош вакуола ёнида битта ёки бир неча тебришувчи вакуолалари бор. Эвглена организмининг

бу қисмидә сув түппланади, қисилғанда у ердаги сув ташқарига чиқып кетади. Яшил рангли хилларидә бош вакуолага яқин жойда күзча ёки стигма деб аталаға ярим ой шаклида танаачалар бор. Күзча электрон микроскоп остида күрілса, унинг каротиноидлар билан бўялган, 20—50 га яқин ҳар хил катталикда бўлган донаачалардан иборат эканлигини пайқаш мумкин. Кўзча ёнида яна ўзига хос тузилишга эга бўлган танаача — **фоторецептор** жойлашган. Кўз билан фоторецептор ёруғликни қабул қилиш ва хужайрани ёруғлик томонга қиласидиган ҳаракатини бошқариш органи ҳисобланади. Эвглене ёруғликка жуда сезгир. Унинг ҳаракати ёруғлик томонга бўлса **ижобий фототаксис**, аксинича, ёруғликдан қосса **салбий фототаксис** деб аталади.

Хужайрасининг ост томонида битта иирик ядрои бўлади. Протоплазманинг чеккаларидә сочилик ҳолда ёки пиреноидлар теварагида юлдуз шаклида, пластинкасиз яшил рангли хроматофорлар жойлашади. Эвгленаларининг рангсиз хиллари ҳам учрайди. Уларнинг сапрофит вакилларига *астазия* (*Astazia*), паразитларига *пиронема* (*Pironema*) мисол бўлади. Эвгленасизмонларнинг перипласти қаттиқ бўлиб, метаболия, ҳаракат қиломайдиганларига факус ҳамда трахеломонас авлодлари киради. *Факус* (*Phacus*)нинг танаси ясси юмалоқ ва бўйига қараб сал букилгац, дум томонида эса рангсиз ўсимтаси бўлади.

Трахеломонаснинг (*Traehelomonas*) 120 та тури бўлиб, улар чучук сувларда яшайди. Хужайраси овал шаклда, темир оксиди билан безалган алоҳида қалин совутли бўлиб, олд томонидаги иирик тешикчадан битта хивчин чиқаради. Кўпайиши протопластининг совут ичидаги иккига бўлиниш йўли билан боради. Янги индивидларнинг бириниң қолиб иккинчиси мазкур тешикдан чиқади, унда ҳам совут ва хивчин вужудга келади.

Ҳаракатсиз колонияли хилларига эпифитлик билан сувтларда ва сувда яшовчи майдага ҳайвонлардан дафния, циклоп ва половороткаларда яшайдиган, Урта Осиёдаги сув ҳавзаларида учрайдиган *колоциум* (*Cloocium*) киради.

Эвгленасизмонлар миксотроф озиқланганидан улар сувларнинг табиий йўл билан ўз-ўзидан тозаланишида гоят катта роль йўнайди. Эвгленанинг айрим турлари (*E. viridis*, *E. pisciformis*) сув ҳавзаларининг турли ахлатлар билан ифлосланганлигини кўрсатувчи индикатор ўсимликлардан ҳисобланади. Буларнинг баъзи вакиллари, чуончи, қизил эвгленалар (*E. songuna*, *E. rubra*) кўп бўлиб ўсаётган жойларда сув қизил тусга киради, чунки каротиноидларга мансуб, қизил пигмент — гематохром бўлади.

Эвгленасизмонлар анча мураккаб тузилган бўлиб, тубан ўсимликларнинг бошқа бўлимларидан кескин фарқ қиласиди. Буларнинг қазилма ҳолдаги қолдиқлари жуда сийрак учрайди. Уларнинг энг содда тузилган вакиллари бизнинг давримизга қадар етиб келган эмас. Эвгленасизмон сувтларнинг бошқа бўлимлари билан ҳеч қандай қариндошлиқ аломатлари бўлмагани учун, уларни ўсимликлар дунёси эволюциясининг боши берк бир тармоғи деб айтиш мумкин.

## ЯШИЛ СУВҮТЛАР БҮЛИМИ — CHLOROPHYTA

Сувүтлар орасида бу бүлим турларга бойлиги, рангининг яшиллиги, органлар тузилишининг мураккаблашгани, жинсий кўпайишнинг хилма-хиллиги ва кенг тарқалганлиги билан бош-қа бўлимлардан ажралиб туради.

Ҳозирча бу бўлимнинг 360 авлоди ва 5700 тури маълум. Улар чучук ва шўр сувларда, зах ерларда, баъзи турлари эса ҳатто, ер бетида қуруқ жойларда ҳам яшайди.

Яшил сувүтлар соғ, тиниқ яшил рангли бўлади, чунки хроматофорида қўшимча бўёқлар бўлмайди. Бу бўлимга мансуб ўсимликлар бир ҳужайрали, колонияли ва кўп ҳужайрали бўлиб, баъзилари: *каулерпа* (*Caulerpa*), *вашерия* (*Vauscheria*) кабилар ҳужайрасиз тузилишга эга. Бўларнинг танасини пўст, унинг ичидаги протоплазма ва бир қанча донсимон ядролардан иборат гигант ҳужайра ташкил этади. Яшил сувүтларнинг ҳужайра тузилиши дифференцияланган бўлиб, пўст, протоплазма, ядро ва хроматофорга аниқ ажралган. Умуман, уларнинг ҳужайра тузилиши юксак ўсимликларнинг ҳужайра тузилишига ўхшайди.

Жуда содда тузилган яшил сувүтларнинг ҳужайраси ҳамда гаметалари яланғоч ҳолда, баъзан, ҳужайрасида клетчатка, пектиндан иборат қалин пўст бўлади.

Протоплазма пўстга ёпишган ҳолда бўлиб, унинг ичидаги битта ёки бир неча ядро жойлашган. Хроматофорининг шакли хилма-хил бўлиб, протоплазманинг устки қатламида жойлашади. Ички тузилиши эса юксак ўсимликларнинг хлорофилл доналари тузилишига ўхшайди. Хроматофор таначалари хлорофиллга тўйнинган оқсил ва липоидлардан тузилган бўлиб, ичидаги пиреноидлар ҳам жойлашган. Пиреноидлар юмалоқ таначалар бўлиб, унинг теварагида асосан крахмалдан иборат запас озиқ моддалар тўпландади. Ҳужайра марказини эса рангсиз ҳужайра шираси билан тўлган вакуолалар ташкил этади. Фотосинтез маҳсулоти сифатида асосан крахмал, баъзиларида ёғлар тўпландади.

Кўпайиши. Яшил сувүтларнинг кўпайиши вегетатив жинсиз ва жинсий йўл билан боради. Насллар галланиши эса буларда яхши ифодаланган. Тараққиёт даврида устунлик қилувчи насл гаметофитдан иборат бўлиб, спорофит насли эса кўпинча фақат зиготадан бошланади.

■ Вегетатив күпайиши талломининг бир қанча қисмларга бўлиниши билан боради, жинсиз күпайиши эса зооспоралар воситаси билан содир бўлади. Хивчин, протоплазма хроматофор, битта ёки бир қанча ядроларга эга бўлган ҳаракатчан ноксимон таначалар зооспора деб аталади. /

Зооспоранинг мустақил ҳаракат қилувчи, бошқа бир ҳужайрали організмлардан фарқи зооспорада клетчаткали пўст бўлмайди. Сирти протоплазма пардаси билан ўралган бўлади. Цитоплазманинг органоидларидан ташқари, яна блефаропластга бириккан хивчинлари, қизил кўзчалари, тебранувчи вакуолалири ҳам бўлади. Зооспоралар ҳосил бўладиган жой зооспорангий деб аталади. Зооспорангийда бир ёки бир қанча зооспоралар ҳосил бўлади. Улар зооспорангийдан чиқади, маълум масофага сувзабориб, тўхтаб, пўст ҳосил қиласди ва ўсиб янги индивидга айланади. Зооспоралар фақат сувўтларнинг күпайишигагина эмас, балки янги территорияларга тарқалишига хизмат қиласди.

Яшил сувўтлар бўлимида зооспораларнинг ҳосил бўлиши улар билан хивчинлилар ўртасида қариндошлик муносабати борлигидан дарак беради. Жинсиз күпайишнинг интенсив бориши яшаш шароитига боғлиқ.

Баъзан яшил сувўтлардаги редукцияланган спора, яъни апланоспора ҳаракатсиз споралар воситаси билан ҳам кўпаяди. Апланоспораларда хивчин бўлмай, она ҳужайра ичидаги пўст вужудга келади.

Яшил сувўтларнинг жинсий күпайиши ҳам ҳар хил бўлиб, у асосан 3 типга бўлинади: 1) изогамия; 2) гетерогамия; 3) оогамия.

Изогамияда ўсиши ва тузилиши жиҳатидан зооспораларга ўхшашиб, шаклан бир хилда ва тенг ҳаракатчан гаметалар қўшилади.

Гетерогамияда шакли ҳар хил, яъни бири кичикроқ ва серҳаракат, иккинчиси каттароқ ва суст ҳаракатли гаметалар қўшилади. Буларнинг каттарофини ургочи, кичикрофини эса эркак гамета деб айтиш мумкин.

Оогамияда қўшилишга қатнашувчи гаметаларнинг бири анча иирик ва ҳаракатсиз, иккинчиси жуда кичик ва серҳаракат бўлади. /

Иирик, ҳаракатсиз гамета ургочи гамета ёки тухум ҳужайра деб, кичик ҳаракатчан гамета эркак гамета ёки сперматозоид деб аталади. Гаметалар ҳосил бўладиган ҳужайра гаметангий дейилади.

Оогонийда тухум ҳужайраси антеридийда сперматозоидлар ҳосил бўлади. Сперматозоидлар раигсиз, кўпинча, икки хивчинли бўлади ва шу хивчинлар воситасида ҳаракатланади. Гаметаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган индивид зигота деб аталади.

Зигота тинчлик даврини кечиргандан кейин ўсиб янги индивидга айланади.

Зигота ядросининг редукцион үйл билан бўлиниши натижасида гаплоид хромосомали тўртта ҳаракатчан ёки ҳаракатсиз зооспора ҳосил бўлади, уларнинг ҳаммаси ёки бир қисми янги индивидга айланади.

**Яшил сувўтлар бўлимининг систематикаси.** Яшил сувўтлар бўлими З синфга бўлинади:

*I. Чин яшил сувўтлар ёки тене хивчинлилар* — *Euchlorophyceae* ёки *Isocontae*.

Жинсиз кўпайиши зооспоралар воситасида, жинсий кўпайиши изогамия, гетерогамия ва оогамия йўли билан боради.

*II. Конъюгатлар ёки маташувчилар* — *Conjugatophyceae*. Зооспоралар ҳосил қилмай, жинсий кўпайиши гаметаларга дифференциялашмаган иккита вегетатив ҳужайранинг қўшилиши, яъни конъюгация йўли билан боради.

*III. Харалар* — *Charophyceae*. Булар мураккаб тузилган, ташқи қиёфаси юксак ўсимликларга ўхшайди, жинсий органлари кўп ҳужайралидир. Зооспора ва апланоспора ҳосил қилмайди, жинсий кўпайиши оогамия йўли билан бўлади.

### **I СИНФ. ЧИН ЯШИЛ СУВЎТЛАР ЁКИ ТЕНГ ХИВЧИНЛИЛАР— EUCHLOROPHYCEAE ЁКИ ISOCONTAE**

Бу синф турларга жуда бой бўлиб, яшил сувўтлар бўлимининг асосий қисмини ташкил этади ва тубандаги тартибларга бўлинади: 1) вольвокскабилар — *volvocales*; 2) хлорококкабилар — *chlorococcales* ёки протококкабилар — *Protopococcales*; 3) улотрикскабилар — *Ulothrichales*; 4) сифониллар — *Siphonales*.

#### **Вольвокскабилар тартиби—Volvocales**

Бу тартибга мансуб сувўтлар бир ҳужайрали ёки колонияли организмлар бўлиб, планктон ҳолда яшайди. Улар фақат пальмеллоид ҳолатидагина ҳаракатсиз шилимшиқ колония шаклида бўлади. Бу тартиб З оиласага бўлинади:


1. Хламидомонадашлар — *Chlamidomonadinaeae*
2. Полиблифаридашлар — *Polyblepharidaceae*
3. Вольвокслошлар — *Volvocaceae*

Хламидомонадашлар оиласининг типик вакили сифатида **хламидомонада** (*Chlamidomonas*) билан танишамиз.

Бу ниҳоятда содда тузилган, ҳаракатчан, ноксимон ёки думалоқ чўзиқроқ сувўт бўлиб, табиатда кенг тарқалган (15- расм).

Хламидомонаданинг турлари кўлмак ва ҳалқоб сувларда, ариқларда, хусусан, органик моддаларга бой ҳовузчаларда, баязан, аквариумларнинг деворларида яшайди. Жинсиз йўл билан жуда тез кўпаяди, натижада, у яшаган сув, кўпинча, яшил тус олади.

Хламидомонадалар яшил сувўтларнинг бир ҳужайрали ва ҳаракатчан вакилларига типик мисол бўла олади. Хламидомонада



15-расм. Бир ҳужайралы вольвоксдошлар — volvocaceae:

1 — хламидомонада (*Chlamidomonada*); 2 — унинг жинесиз кўпайиши; 3 — гематакоккниң а) типчлик б) ҳаракатчан даври.


ҳужайраси пўст, протоплазма, хроматофор ва марказда ўрнашган битта ядрога эга.

Ҳужайра пўсти, протоплазмага зич ёпишган пектиндан иборат. Ҳужайрасининг ости томонида йирик косачасимон ва кесик ҳолда тақасимон хроматофори бор.

Хроматофорида пиреноиди бўлади. Пиреноидда ассимиляция маҳсулоти — крахмал тўпланади. Ҳужайрасининг олдинги томонида протоплазма ичидаги иккита тебранувчи вокуола жойлашган. Олд томонида блефаропластга биринчан иккита тенг хивчини, хроматофор учидаги эса *стигма* деб аталувчи кичик қизил кўзча жойлашган.

Хламидомонада жинесиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинсий кўпайиш процесси кўпинча кечаси бўлади. Жинесиз кўпайиш олдидан унинг хивчинлари йўқолади, пўсти ивиб, шилимшиқланади, протопласти бўйинга қараб 2—4 га ёки 8 га бўлинади. Бола ҳужайралар, хивчинлар ҳосил қилиб, она ҳужайра ичидан сувга чиқиб, суза бошлайди. Булар зооспоралар деб аталади.

Зооспоралар ўсиб, пўстга ўралиб, вояга етган хламидомонада индивидига айланади ва бўлинишни давом эттиради. Хламидомонаданинг ҳар қайси зооспораси зооспорангийга айланади.



16 - расм. Хламидо монаданинг жинсий күпайиши:

1 — гаметалар ҳосил бўлиши; 2 — изогаметалар ва уларнинг қўшилиши; 3 — гетерогамия; 4 — оогамия; 5 — зигота.

Ноқулай шароитда, кислород ва намлик етишмаслиги сабабли, хламидомонадалар хивчинларини йўқотиб, ҳаракатдан тўхтайди, пўсти шилимшиқланниб, парда ҳосил қиласди, ҳужайра атрофинни ўрайди. Хламидомонадаларнинг ҳужайра протопласти бўлиниши ва шилимшиқланган бола ҳужайраларнинг ҳаракатланмаслиги натижасида, яшил ҳужайралар уюми ҳосил бўлади. Улардаги бу ҳолатга пальмеллоид ҳолат деб аталади. Пальмеллоид ҳолатида хламидомонада ҳужайралари узоқ муддатгача тушиши билан ҳужайраси ривожланиб, хивчинлар ҳосил қиласди ҳаракатланади, ўсади ва кўпаяди.

Хламидомонада совуқ тушиши ва намлик камайиши билағ жинсий кўпайишга ўтади. Жинсий кўпайиши хламидомонаданинг турларига қараб, ҳар хил: изогамия, гетерогамия ва оогамия типида бўлиши мумкин (16-расм).

Жинсий кўпайишда гаметалар ёки жинсий ҳужайралар ҳосил бўлади. Гаметалар вегетатив ҳужайралардан ёки зооспоралардан фақат ўзининг кичикилиги ва гаметангий деб аталадиган онга ҳужайра ичидаги ҳосил бўлиши билан фарқ қиласди. Гаметангийда 8—16—32—64 гача гамета ҳосил бўлади.

Хламидомонаданинг жинсий кўпайиш процессида сувўтлағ учун хос бўлган жинсий кўпайишнинг ҳамма типини кузатиш мумкин. Унинг баъзи турларида қўшилувчи гаметалар ташқи белгилари билан бир-биридан асло фарқ қилмайди. Бу гаметаларнинг қайсиси эркак ва қайсиси ургочи гамета эканини хеч ажратиб бўлмайди. Ана шунга изогамия дейилади. Баъзи турларида қўшилувчи гаметалар ташқи белгилари билан бир-биридан фарқ қиласди. Шуларнинг кичиги микрогамета, каттаси эса макрограмета дейилади.

Гаметалар хивчинлари билан бир-бирига қўшилади. Протопластларининг қўшилишидан хивчинсиз зигота ҳосил бўлади. У, иккى қаватдан иборат пўстга эга бўлиб, маълум вақтгача ўзидаги запас озиқ моддалар ҳисобига тинчлик даврини кечиради.

Тинчлик давр тугагач, зигота ривожланиб, дастлаб редукцион бўлинади, унинг ҳосилалари, ўз навбатида, иккитага бўлинади, на-тижада, пўст ичидага тўртта зооспора ҳосил бўлади.

Хламидомонада зиготасининг дастлабки редукцион бўлинишидан ҳосил бўлган ҳаракатчан даври доим гаплоид фазада, факат зиготасигина диплоид фазада бўлади. Хламидомонаданинг тараққий этиш тарихи рус олими И. Н. Горожанкин томонидан батафсил ўрганилган.

Хламидомонада дошларнинг қизил рангила вакилига *гематококк* (*Haematooccus*) авлоди киради. Ёмғир *гематококки* (*H. pluvialis*) ҳаракатчан даврида хламидомонадага ўхшайди, аммо пўстининг қалинлиги ва ёғда эрийдиган гематохром пигментидан протопластининг қизил бўлиши билан ундан фарқ этади. Пўстидаги радиал каналчалар орқали протопласт ташқи муҳит билан боғланади: Ёмғир ва кўлмак сувларда яшаб, у сувга қизил тус беради. Қоргематококки (*H. nevalis*). Қутбда ва баланд тоғдаги қорларда тарқалган. Гематококклар қуёшдан тушаётган иссиқлик энергиясини қорга кўра кўпроқ сингитиб, қорни эритади, натижада кўлмак сувлар ҳосил бўлади.


Вольвоксдошлар (*Volvocaceae*) оиласи. Бу бирмунча тараққий этган ва бир оз мураккаброқ тузилган оила бўлиб, колонияли хилларини ўз ичига олади. Ҳужайра пўсти пектиндан иборат. Буларда жинсий процесс юксак даражада дифференциялашган.

Вольвокснинг вегетатив ҳужайралари гаплоид фазада бўлиб, диплоид фазани зиготасигина кечиради.

Оиланинг энг содда тузилган вакили *гониум* (*Gonium*) дир.

Гониум кўпинча 16 баъзан 4 ҳужайранинг бир қатор жойлашидан ҳосил бўлган пластинкасимон колонияли организмдир. Унинг ҳар бир ҳужайраси айрим ҳолда хламидомонадани эслатади. Гониумнинг ҳужайрали ўзаро параллел ҳужайра пўстидан чиққан шилимшиқ моддалар билан қўшилиб, хивчинли томонини пластинканинг сиртига қаратиб жойлашади. Шилимшиқ моддалари ёйилиб кетса, колония ҳужайраси бир-биридан ажрайди. Шароит яхши бўлса улар айрим-айрим ўсишни давом эттиради. Гониум кўпинча, кўлмак сувларда, ариқ ва ҳовузларда учрайди.

Вольвокслар тартибининг кейинги эволюциясида шарсимон колониялар вужудга келади. Бу колонияларда ҳар бир ҳужайра хивчини сирт томонга, пастки (думи) томони эса, марказига томон жойлашиб, усти шилимшиқ моддалар билан ўралади. Бунга *пандорина* (*Pandorina*) ва *эвдорина* (*Eudorina*) мисол бўла флади (17-расм). Булар чучук сувларда яшөвчи сувёт бўлиб, пандорина колонияси бир-бирига зич ёпишган 16 ҳужайрадан, эвдоринанини эркинроқ ёпишган 32 ҳужайрадан иборат. Жинсиз кўпайиши колониясининг ҳаракатдан тўхтаб, ҳужайрасининг бир ҳанча марта бўлинишидан бошланади. Натижада гониумнинг ёш колониясига ўхшаш 16 ёки 32 ҳужайрадан иборат пластинка ҳосил бўлади, сўнгра пластинка букилиб, қирғоқларига ёпишиб она




17-расм. 1—Эвдорина колонияси; 2—унинг ичидаги бола колонияларининг ҳосил бўлиши; 3—оогамия процесси; 4—пандорина.

си ниҳоятда мураккаб тузилган, органик моддаларга бой бўлиб, ёзда илиқ кўлмак ҳамда ҳалқоб сувларда, майдага ҳовузчаларда яшайди (18-расм).

Вольвокснинг колонияси шарсимон ёки эллипссимон бўлиб, диаметри 0,5—2,5 мм. Унинг маркази шилимшиқ суюқлик билан тўлган, уст томонидан хламидомонадага ўхшаш икки хивчини, ядроси, хроматофорли кўзчаси, тебранувчи вакуолалари бўлади. Умуман, битта колониядаги ҳужайралар сони 70—75 мингга етади. Ҳужайра пўсти сершилимшиқ бўлиб, хивчинли томони таш-қарига, дум томони марказга томон бир қатор бўлиб жойлашган.

Вольвокс колониясидаги ҳужайралар ингичка плазмасимон иплар (плазмодесмалар) ёрдамида ўзаро бирлашади. Бу эса вольвокснинг колонияли эмас, балки дастлабки содла, кўп ҳужайрали организм эканлигидан далолат беради.

Вольвокс колонияси доим маълум томонга қараб айланма ва илгариланма ҳаракат қилиб туради. Колония таркибига кирувчи ҳужайралар орасида функциялар тақсимоти борлигини кузатиши мумкин. Ҳужайралараро функциялар тақсимоти уларнинг дифференциацияланишига олиб келади. Колония ҳужайраларининг



колония ичидаги бўш парсимон бола колониялари вужудга келади. Она колонияни ўраган шилимшиқ пардаси ёйилиб парчаланади, ичидаги бола колониялар чиқиб тарқайди. Пандоринанинг жинсий кўпайиши изогамия, эвдоринанини оогамия йўли билан боради.

Вольвоксларнинг типик вакили сифатида вольвокс (*Volvox*) ни оламиз. Унинг колония-

18-расм. Вольвокс — *volvox*:

1 — Вольвокснинг болачаларга эга бўлган колонияси; 2—тухум ҳужайра (я) ли ва сперматозоид (с) ли колонияси.

күпчилиги вегетатив ҳужайралардан иборат бўлиб, улар озиқла-ниш, шарни ҳаракатга келтириш вазифасини бажаради. Колониянинг олд томонида ҳаракатга келтирувчи ҳужайралар жойлашган. Колония ҳужайрасининг бир қисми йирик хивчиниз, орқа томонда (сузишга нисбатан) жойлашиб фақат кўпайиш функциясини бажаради.


Вольвокс жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинссиз кўпайиш колониядаги партеногонидий ҳужайраларининг эниса ва бўйига бир неча марта бўлиниши билан боради. Натижада, гониумникига ўхшаш кўп ҳужайрали пластинка вужудга келиб, унинг четлари букилиб, кичик тешикли бола колонияларига айланади. Улар она колонияси ичida яшаб эркин ҳаракат қилади, ўсади ва хивчин чиқаради. У ерда маълум вақт ўтгач, бола колониялар она колония деворчасини босиб йиртади ва ташқарига чиқиб, мустақил яшай бошлайди. Она колония шу тарзда ҳалок бўлади.

Жинсий кўпайиш оғогамия йўли билан боради. Жинсий кўпайишида вольвокснинг битта колониясида антеридий ва оғогоний деб аталадиган алоҳида жинсий органлар етилади. Оғогонийлар сони 10 га яқин бўлиб, колониянинг орқа томонида тараққий этади; унинг ранги қора-яшил тусда бўлиб, вегетатив ҳужайралардан йириклиги билан фарқ қиласи. Ҳар бир оғогонийда биттадан ҳаракатсиз тухум ҳужайра етилади. Антеридийда икки хивчинли, чўзиқ, сарнқ рангли бир неча сперматозоид ҳосил бўлади. Сперматозоидлар антеридийдан чиқиб, оғогонийга томон сузиб ҳаракат қиласи, тухум билан қўшилиб, зиготани ҳосил қиласи. Зигота қалин пўст ҳосил қиласи ва запас озиқ моддалар тўплайди, қишида тиинчлик даврини кечириб, баҳорда ўса бошлайди. Усиш олдидан аввал редукцион, сўнгра оддий бўлиниш йўли билан кўп ҳужайралар ҳосил қиласи ва қўшилишиб, шарга айланади ва сув бетига чиқади.

Вольвокслардаги вегетатив органларнинг дифференциацияланиши, уларда жинсий процесснинг юксалишига сабаб бўлган. Бу ҳол вольвокслар, хламидомонадалардан бошланган эволюциянинг охирги нуқтаси әканлигини кўрсатади.

### Хлорококабилар—Chlorococcales ёки протококабилар тартиби

Бу тартибга ҳаракатсиз бир ҳужайрали ва колонияли организмлар кириб, уларнинг фақат зооспора ва гаметасигина ҳаракат қиласи. Хлорококабиларнинг ҳужайраси цеплюзоздан иборат бўлиб, ичida пиреноидли косасимон хроматофори, марказида ядро жойлашади. Уларда тебранувчи вакуола ва кўзчалар бўлмайди. Жинссиз кўпайганда она ҳужайра ичida 8, 16, 32 тадан зооспоралар бунёдга келади. Жинсий кўлайиши изогамия, яъни икки хивчинли тенг гаметаларнинг қўшилиш воситаси би-



19-расм. Хлорокок — *Chlorococcum*:

1 — вояга етган ҳужайра; 2 — шилимшиқ билан ұралған ёш ҳужайралар тұдаси; 3 — зооспоранинг қосыл бўлиши; 4 — зооспора.

20-расм. Хлорелла — *Chlorella*:

1 — вояга етгай ҳужайра; 2 — 3 автоспоранинг ҳосил бўлиши; 4 — автоспораларниң она ҳужайра пўстидан чиқиши.


лан боради. Хлорокок биларнинг бир ҳужайрали вакиллари га хлорокок (*Chlorococcum*) ва хлорелла (*Chlorella*) мисол бўлади.

Хлорокок (*Chlorococcum*) турли субстратларда: сувда, тупроқда, тошларда, девор бетларида, эски тупроқли томларда, катта дараҳтлар қобигида, гул тувакларида яшаб, унга оч яшил тус беради. Хлорокок қурғоқчиликда ҳаётини вактинча тұхтатади, намлиқ ва ёмғирдан сўнг, фаолияти қайтадан тикланади (19-расм).

Хлорокок ҳужайраси шарсимон, клетчатка билан үралған. Протопластида хроматофори, битта ядрои ва косачасимон пиреноиди бўлади. Хлорокок жинссиз кўпайганида она ҳужайра ичидаги 8 тадан 32 тагача ҳаракатчан, икки хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади. Зооспоралар хивчинини ташлаб қалин пўстга ўрабиб, ҳаракатсиз ҳужайраларга — хлорококга айланади. Жинсий кўпайиши изогамия йўли билан боради.

Бир ҳужайралиларнинг иккинчи вакили хлорелла (*Chlorella*) дир (20-расм). Хлорелла ҳужайраси шарсимон ёки тухумсимон, хроматофори колбасимон бўлиб, у чучук сувларда ва бошқа субстратларда кўп тарқалған. Баъзан, тубан ҳайвонлардан инфузория, гидроспонгилла плазмасида симбиоз ҳолда яшайди ва замбуруғлар билан қўшилиб, лишайникларни ҳосил қиласади.

Хлорелланинг протококкдан фарқи шундаки, унинг жинссиз кўпайиши даврида ҳаракатчан зооспоралар ўрнига автоспора деб аталадиган ҳаракатсиз ҳужайралар ҳосил бўлади. Унинг вояга етиши зооспоранинг ўхшайди; шу каби турларга *Raphidiium* ҳам киради. Унинг ҳужайраси чўзиқ ёки букилган бўлиб, якка ёки уом бўлиб яшайди. Хлорелла билан бирга *Raphidiium* водопровод сувларидан ҳам учрайди. Шу



21-расм. Сув тўри — *Hydrodictyon*:

1 — колониянинг бир қисми; 2 — она ҳужайра ичидаги янги бола колонияларнинг ҳосил ўзлиши; 3 — полиэдр; 4 — изогаметалар.

сабабли графинда узоқ турган совуқ сувлар ёруғда кўкимтири бўлиб кўринади.

Хлорококкларнинг колонияли вакили сув тўри (*Hydrodictyon*-оп) дир (21-расм).

*Сув тўри* (*H. reticulatum*), зооспорали бўлиб, кўпроқ оқмайдиган ва азотга бой чучук сувларда учрайди.

Сув тўрининг колонияси макроскопик бўлиб, ҳамма томони берк цилиндрга ўхшайди, бўйи 0,5 м га, эни 10—15 см га етади. Колониянинг деворчаси тўр шаклида бўлиб, у йирик, узунлиги 1 см ли ҳужайра учларининг ўзаро 4—5 тасининг қўшилишидан ҳосил бўлган катакчалардан тузилган. Ҳужайраси қалин, клетчаткали пўст бўлиб, унинг остида протоплазма жойлашган. Ҳужайра марказида вакуола бўлиб, протоплазмасида кўп пиреноидли тўрсимион хроматофори ҳамда бир неча юзлаб ядролари бўлади. Ҳужайранинг ўсиши билан ядроси ва пиреноиднинг сони ортади.

Сув тўри жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинссиз кўпайиши икки<sup>н</sup> хивчили зооспоралар воситасида боради. Зооспоралар вегетатив ҳужайралар протопластининг жуда кўп бўлакчаларга — бўлинниш йўли билан бунёдга келади. Ҳужайралар учлари билан ўзаро биришиб, янги тўр ҳосил қиласди. Ёш тўр секин-аста ўсиб бориб, она ҳужайранинг пўсти шилимшиқланиб ёрилиши билан улар сувга чиқади. Бола колониянинг кейинги тараққиёти ҳужайраларнинг бўлинниши ҳисобига эмас, уларнинг

йириклашиши ҳисобига боради. Жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Кўпайиш пайтида вегетатив ҳужайраларнинг проплости жинссиз кўпайишидан ҳам кўпроқ, яъни 30 000 га яқин майдо қисмларга ажралади. Уларнинг ҳар қайси икки хивчинли изогаметаларга айланади. Она ҳужайра пўстида ҳосил бўлган тешикчадан чиқиб, сувда сузиб юриб, жуфт-жуфт бўлиб қўшилади ва хивчинларини йўқотиб, пўст билан ўралган яшил шарчасимон зигота ҳосил қиласди. Талай вақт ўтиши билан зигота ўсиб, редукцион бўлинади, одатда, тўртта икки хивчинли йирик зооспоралар ҳосил бўлади. Зооспоралар хивчинларини йўқотиб ва тараққий этиб полиэдрга айланади. Полиэдр ядролари бўлинаб, унинг ичидаги иккита хивчинли кўп сонли зооспораларга айланади. Зооспоралар хивчинларини йўқотиб, учлари билан ўзаро қўшилиб бола колониялар ҳосил қиласди.

Сув тўрига ўхшаш, аммо колонияси микроскопик бўлган иккинчи вакил сифатида педиаструмни кўриб чиқамиз.

*Педиаструм* (*Pediastrum*) тоза сувларда планктон ёки субстратга ёпишган ҳолда яшайди. Колонияси қалин пўстли, бир қават бўлиб жойлашган 8—32 ҳужайрадан иборат, кўп қиррали ясси баргга ўхшайди.

Колония четидаги текис ҳужайралар пўстидан 1—2 та тиканаксимон ўсимта чиқади. Ҳужайраси кичик бўлиб, протоплазмасида кўпинча яхлит, баъзан эса кесилган бир пиреноидли хроматофори жойлашади. Ҳужайра узоқ вақт бир ядролигида қолиб, кўпайиш олдидан кўп ядролига айланади.

Педиаструмнинг жинсий ва жинссиз кўпайиши сув тўринига ўхшаш, бироқ ҳосил бўлган зооспоралар колонияси ҳужайрадан ташқарида бола колониясига айланади. У тоза ҳовуз ва кўлларда, қамиш ва қўғалар ўсадиган ерларда кўп учрайди.


Вольвокслар тартибининг вакиллари ҳаётининг ҳамма даврини ҳаракатчан ҳолда ўтказсалар, хлорококклар тартибининг вакиллари эса фақат кўпайиш давридагина ҳаракатчан зооспора ва гаметалар ҳосил қиласди. Вегетатив ҳужайраларнинг ҳамиша ҳаракатсизлиги уларнинг вольвокслар тартиби билан ўзаро боғланганлигидан дарак беради.

### Улотриксабилар тартиби—*Ulotrichales*

Бу тартибга субстратга биринчан ёки якка ҳолда яшайдиган, ипсизмон, шохланган, баъзан, ичаксимон ва пластинкасимон бўлган кўп ҳужайрали сувўтлар киради.

Буларнинг характеристли белгиларидан бири шуки, ҳужайраларнинг тўхтовсиз бўлинишдан талломлари тобора ўсиб катталашиб боради. Улотриксларнинг кўпчилигига ҳужайралар бир ядроли бўлиб, баъзиларигина кўп ядролидир.

Улотрикслар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинсий кўпайиши изогамия, гетерогамия ва оогамия процессидан иборат.



22-расм. Улотрикс — *Ulothrichales*:

1 — ён туп; 2 — воняга етган туп; 3 — вегетатив ҳужайралар; 4 — спораларниң ҳосил бўла бошлини; 5 — спораларниң чикиши; 6 — бўшаган ҳужайралар; 7 — гаметаларниң ҳосил бўлиши; 8 — гаметаларниң чикиши; 9 — хроматофорнинг қисмлари; 4 — зооспора; 6 — гамета; 6 — 7 — гаметаларниң қўшилиши; 8 — эзогта.

Улотрикслар яшил ўсимлик эволюциясида асосий босқич ҳи-собланади. Улотрикскабиларнинг жуда тарақкий этган вакиллари жигарсизмон мохларнинг қадимги авлодлари билан боғланиб, тубан ўсимликлар билан юксак ўсимликлар орасидаги ўринни ишғол этиб, ўзаро боғловчи восита бўлиб хизмат қиласди.

Бу тартибнинг типик ипсизон вакили сифатида улотриксдошлар (*Ulothrichaceae*) оиласидан улотрикс (*Ulothrix*)ни олиш мумкин (22-расм). Улотрикс, асосан, тез оқар чучук сувларда субстратга базал танаси билан ёпишиб ўсади, кўпинча сув остида, тошларда, ёғочларда яшил ўтзорлар ҳосил қиласди. Улотрикснинг ипсизон талломи шохланмайди. Субстратга биринкан ҳужайраси рангсиз ва қалин пўстли пона шаклли бўлиб, ризоид деб аталади. Бошқа ҳужайралари яшил, қиска, цилиндрик бўлиб, бир қаторга жойлашади. Ҳужайра пўсти пектин, аралашган юпқа клетчаткадан тузилган. Ичида протоплазма, кўпинча битта ядро, уни бирлашмаган узукка ўхаш пиреноиди, хроматофори бўлади. Ҳужайрасининг ҳаммаси ҳам бўлиниш қобилиятига эга.

Улотрикс жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди.

Жинссиз кўпайишда ҳар бир яшил ҳужайрада тўрт хивчинли, хламидоманадага ўхаш катта ва кичик икки хил зооспора-

лар ҳосил бўлади. Баъзи ҳужайраларда йирикроқ мегазооспоралар ва айримларида кичикроқ микрозооспоралар вужудга келади. Мегазооспораларда 4—8 тадан ва микрозооспораларда 16—32 тадан зооспоралар бўлади. Бу тўрт хивчинли зооспоралар ҳаракатдан тўхтаб сув остидаги нарсаларга ўтиради ва у ерда ўсиб янги улотрикс ишига айланади.

Жинсий кўпайиш изогамия йўли билан боради. Гаметалари зооспоралар каби, вегетатив ҳужайраларнинг ҳаммасида ҳам ҳосил бўла олади ва кўриниши зооспораларга ўхшайди, аммо буларда хивчини иккита бўлади.

Гаметалар гаметангийдан чиқиб сувда сузиб қўшилади. Зигота қалин пўст билан қопланади ва тинчлик даври тугагач, редукцион бўлинниб, тўртта ҳужайррага айланади. Бу ҳужайраларнинг ҳаммаси ўсиб, улотрикснинг янги ишига айланади.

Улотрикснинг жинсий процессида қатнашадиган иккала гамета ҳар хил типда бўлғандагина улар бир-бири билан қўшилиши мумкин, чунки уларнинг гаметалари физиологик жиҳатдан ҳар хил жинслидир. Шунинг учун уларни шартли равишда (+) ва (—) гаметалар деб аталади. Тубан ўсимликларда кенг тарқалган бу гетероталлизм ҳодисаси улотрикслар учун ҳам ҳосдир.

Улотриксдошлар оиласининг иккинчи вакили *гормидиум* (*Hormidium*) дир. Гормидиум ипсимон ёки ипсимон шохланча бошлилаган талломли сувўти бўлиб, турларига қараб улар сувда ёки қуруқда яшайди. Ҳужайрасида битта ядро ва ҳужайра деворчасига ёпишиб жойлашган чўзиқ пластинкасимон хроматофори бўлади.

Улотриксабиларнинг қуруқ шароитда ўсишга мослашган вакиллари *трентеполия* (*Trentepohlia*) дир. Бу трентеполиядошлар (*Trentepohliaceae*) оиласига мансуб бўлиб, турли экологик шароитда: тошларда, дарахт пўстлоқларида, бизнинг шароитда эса кўпроқ зах ерларда ўсади, тупроқ бетини қоплаб олиб, жигарсимон-қизил губорлар ҳосил қилиши билан бошқа сувўтлардан фарқ қиласди.

Шу губорларни микроскоп остида қаралса, талломининг бир қатор бўлиб жойлашган шарсимон ҳужайралардан тузилганлигини ва қийшиқ бўлиб бирмунча шохланганлигини ҳамда ҳужайраларнинг осонлик билан бир-биридан ажралишини кўриш мумкин.

Ҳужайраси қалин пўстли ва пиреноидсиз, кўп дисксимон хроматофори бир ядроли бўлади. Ҳужайранинг ичи ёғ ва гематохром билан тўлгани учун, жигар ранг қизил ёки сарғиш тусда бўлиб кўринади. Фотосинтез процесси секинлашганда узоқ яшаганда запас ёғлари нафас олиш учун сарф бўлиб кетиб, ҳужайраси яшил тусга киради. Трентеполия қуруқ шароитда яшаганда жуда секин кўпаяди ва тинчлик даврини кечиришга уринади.

Трентеполия, асосан, вегетатив йўл билан кўпаяди. Уларнинг талломи осонгина бўлакчаларга ажралади, сув ва шамол воситаси билан атроф муҳитга тарқалади. Жинссиз кўпайганда тўрт

хивчинли зооспоралар ҳо-  
сил бўлади. Жинсий кў-  
пайиши эса изогамия йў-  
ли билан боради. Жинсий  
ва жинссиз кўпайиши  
намликни талаб қиласди,  
бинобарин, ёнили кун-  
ларда процесс яхшироқ  
боради.

Улотриксабиларни г  
ипсимон шохланган хили-  
га *кладофора* (*Cladophora*)  
мисол бўлади. Кладофора  
кладофорадош-  
лар оиласидан бўлиб,  
унинг турлари чучук сув-  
ларда ҳам, дengизларда  
ҳам кенг тарқалган (23-  
расм).


Кладофора талломи-  
нииг остики томонидаги  
ризоидлари ёрдами билан  
субстратларга: лой, тош,  
ғишт, ёғочларга ёпишган  
ҳолда ҳамма вақт сувнинг  
оқиши томон ётиб ўсади.

Кладофора талломининг бўйи баъзан 1 м га етади; ташқи  
кўриниши сувда спирогирага бирмунча ўхшайди; бироқ дихото-  
мик шохланиши қўлга олганда фадир-будур бўлиб сезилади.  
Кладофора спирогирадан шилимшиқ парданияг борлиги билан  
фарқ қиласди.

Кладофоранинг талломи макроскопик ва сершоҳ бўлиб, у  
йирик цилиндрик ҳужайралардан тузилган. Ҳужайраси шилим-  
шиқланмайдиган целялюозали қалин пуст ва протопластдан  
иборат. Протопласти бир қанча ядрога, фалвирсимон пластинка-  
ли ва кўп пиреноидли хроматофорга аниқ ажралган.


Ҳужайранинг ўсиши учидан бошланади. Ҳужайралар кўнда-  
ланг бўлинеш хусусиятига эга бўлиб, агар учидаги ҳужайранинг  
остидагиси бўлинса, бунда ён ўсимта ҳосил бўлиб, кейин шу  
ўсимталаардан ён шохчалар вужудга келади. Шу сабабли, унинг  
таваси сершоҳ, кичик бутачага ўхшайди. Кладофора талломида  
кўпинча, эпифит сувўтлардан диатом сувўтлар яшайди. Кладо-  
фора қалин бўлиб ўсгандага унинг талломи узилиб, сув бетига чи-  
қади ва талай жойни қоплаб, сузуб юрувчи «бақатўн»ларни ҳо-  
сил қиласди.

Кладофора жинссиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди. Жинсий  
кўпайиши икки, тўрт хивчинли зооспоралар воситаси билан  
боради. Жинсий кўпайиши изогамия, яъни икки хивчинли тенг



23-расм. Кладофора — *Cladophora*

1 — тутидан олинган бир қисмнинг умумий кўриниши; 2 — шохчасининг микроскоп остида унча катталашмаган ҳолда кўриниши; 3 — ҳужайрасининг тузилishi (аниқ қалиб кўрсантилган); 4 — зоопорангийсининг катталаштирилгандаги кўриниши.



24-расм. Ульва — Урга;  
1 — умумий күршиши; 2 — талломининг күндаланг кесими.

ва ва энтероморфаларга тұхталиб ұтамиз.

*Ульва* (*Ulva*) сувўт «денгиз салати» номи билан ҳам машхур. Ульва бошқалардан талломининг пластинкасимон тузилиши билан фарқ қиласы (24-расм).

Талломи оч яшил, энсиз юңқа пластинкасимон бўлиб, чети ўйилган баргга үхшайди, ингичка томони билан субстратга ёпишади.

Талломи бошида ипсисимон бўлади, ҳужайраларининг бўйига ҳам, энига ҳам бўлинниши натижасида, катталиги 50 см ли пластинкасимон тана ҳосил бўлади.

Ульванинг жинссиз кўпайиши улотрикснинг кўпайишига үхшаб, тўрт хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади. Жинсий кўпайиши икки хивчинли тенг гаметалар воситасида боради. Ульванинг зооспора ва гаметалари морфологик жиҳатдан фарқ қиласа ҳам физиологик ва цитологик жиҳатдан бир-биридан ажралади ва ҳамиша бошқа-бошқа тупларда ҳосил бўлади. Зооспоралар ҳосил қилувчи туплар диплоид хромосомали насл бўлиб, спорофит деб аталади; геметалар ҳосил қилувчи туплар гаплоид хромосомали насл бўлиб, гаметофит дейилади. Жинссиз, яъни спорофит наслининг барча вегетатив ҳужайралари ҳам бир неча зооспоралар ҳосил қила олади. Зооспора ҳосил бўлиш олдидан, ҳужайра редукцион бўлинади. Гаплоид хромосомали зооспора ўсиб, гаплоид хромосомали жинсий насл — гаметофитга айланади. Гаметофитда зооспораларга үхшаш, аммо, икки хив-

гаметаларининг қўшилиши билан боради.

Кладофора туркуминининг бошқа турларидан *кладофора саутери* (*Cladophora sauteri*) диққатга сазовордир. Бунинг шарсизмон, йирик, тўқ яшил сирти баҳмалсимон талломининг катталиги маклюра мевасидек келади. Шарнинг устки қисмида шохланган, жуда чатишиб кетган ва радиал ҳолда жойлашган тирик ипчалар, ички қисмидаги ўлик ипчалар жойлашади, кўкламда эса сувнинг бетида сузиг юради. Бу сийрак ўсимлик Москва яқинидаги Дубна дарёсининг бошланишида, Сахалин оролида, Шимолий Сибирда учрайди.

Бу тартибининг мураккаброқ тузилган оиласларидан бирин Ульвадошлар (*Ulvaceae*) дир. Бу оиласининг вакилларидан Уль-

чинли гаметалар етилади. Улар ўзаро құшилишидан ҳосил бўлган зигота тинчлик даврини кечирмай ва редукцион бўлинмай, дарҳол ўса бошлаб, тараққий этиб, диплоид хромосомали жинсиз насл спорофитга айланади.

Насллари ташқи кўриниши жиҳатидан ўхашаш, аммо, физиологик ва цитологик жиҳатдан фарқ қиласидан ульвадаги бундай насллар алмашуви **антитетик** галланиш деб аталади. Бу ҳодиса янада мураккаброқ тузилишга эга бўлган қўнғир ва қизил сув-ўтларда кенг тарқалган.

Ульва Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Шимолий денгиз ва Узок Шарқда учрайди. Таркибида 3% ёғ, 5—13% оқсил бўлганидан, овқат сифатида истеъмол қилинади.

*Энтероморфа* (*Entheromorpha*) чучук ва шўр сувларда, кўпинча суст оқадиган тиниқ сувларда яшайди. Унинг талломи сарғиш кўқ ранги, ингичка ичак шаклида бўлади, ингичкароқ томони билан субстратга ёпишган ҳолда ўсади, кейинроқ узилиб чиқиб сув бетида эркин сузиб юради. Ҳужайрасида битта ядро, пиреноид, иккита косасимон хроматофори бор. Энтероморфанинг ривожланиши устида олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдик, унинг талломи ёшлигига ульванники сингари, юпқа икки қават пластинкадан иборат бўлган, кейинчалик бу қаватлар бир-бираидан ажралади, натижада деворчаси бир қатор ҳужайралардан ташкил топиб, ичаксимон ёки найсимон шаклдаги таллом вужудга келади.

Энтероморфанинг вегетатив кўпайиши қуртакланиш, яъни ёнидан бўртиб чиқсан қисмининг ёки шохчаларининг ажралиб чиқиши йўли билан, жинсий кўпайиши эса изогамия йўли билан боради. Гаметангийда кўпинча саккизтадан икки хивчинли гамета ҳосил бўлади, зигота қалин пўстга ўралиб, зигоспорага айланади.

*Эдогоний* (*Oedogonium*). Бу эдогонийдошлардан бўлиб кўпроқ чучук сувли ҳавзаларда тарқалган, талломи улотриксларникига ўхашаш ипсисимон, остидаги (базал) ҳужайрадан ҳосил бўлган, ризоидлари билан ҳар хил субстратга бирнишиб ўсади. Ҳужайраси йирик, бир ядроли, уйилган хроматофорли ва кўп пиреноидидир.


Базал ҳужайраларидан ташқари, ҳамма ҳужайраси бўлинши қобилиятига эга. Уларнинг ўзига хос бўлниши натижасида, ҳужайра пўстида «қалпоқча» деб аталадиган ҳалқасимон илмоқчалар вужудга келади. «Қалпоқчалар» билан эдогонийни бошқа яшил сувўтлардан осон ажратиш мумкин. Жинссиз кўпайиши зооспоралар билан боради. Зооспораси чўзиқроқ шарсимон, йирик, тўқ яшил бўлиб, учидаги рангизи проптозлазмали еридан тоғиси (хивчинлар тўплами) чиқиб туради. Ҳар қайси ҳужайрада биттадан зооспора ҳосил бўлиб, сувга чиқиб бир оз сугзандан сўнг, учи билан субстратга бирикиб, ўсиб янги талломга айланади. Жинсий кўпайиши оғамия йўли билан боради. Оғоний шарсимон, йирик, кўпинча бўртган ҳужайра бўлиб, 1—2 тадан

баъзиларда бир қанчаси тизилган ҳолда жойлашади. Ҳар бир оогонийда биттадан тухум ҳужайра бўлади. Антеридийда иккитадан сперматозоид етишади. Зигота тинчлик даврини кечириб ўса бошлайди. Ўсиш олдидан редукцион бўлиниб, тўртта зооспора ҳосил қиласди.

### Сифонилилар тартиби—Siphonales

Чин яшил сувўтларнинг бу тартиби талломи ўзига хос тизилган, яъни танаси ҳужайраларга бўлинмай, балки ҳужайрасиз яхлит, гўё бир гигант ҳужайрадан иборат. Баъзи мураккаб тизилган вакилларининг талломи юксак ўсимликларникига ўхаш, анча йирик ва «органдарга» дифференциялашган бўлади. Ҳамма жойда, тез ва секин оқар чучук сувларда, зах ерларда, орнжерялардаги гул тувакларда ариқ бўйларида юпқа яшил намат ҳосил қилиб ўсадиган *вощерия* (*Vaucheria*) шу тартибга мисол бўлади (25-расм). Вощериянинг талломи узун, ипсимон шоҳланган бўлиб, остидан чиқсан рангсиз ва сертармоқ ризоидлари ёрдамида субстратга бирикади. Протоплазма или деворчанинг ички томонида юпқа қатлам ҳосил қиласди. Ҳужайра марказини ҳужайра шираси билан ичи лиқ тўлган вакуола ташкил қиласди. Протоплазмасида жуда кўп, майда ядроси ва пиреноидсиз увоқ, тариқсимон хроматофори бўлади. Сифонилиларда ассимиляция процесси натижасида, асосий запас озиқ модда сифатида — ёғ тўпланади.

Вощерия жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинссиз кўпайнши, кўпинча, ипининг учидаги ҳосил бўлган ва тўсиқлар бинади.



25-расм. Вощерия — *Vaucheria*:

1 — вощериянинг умумий кўриниш; *r* — ризоид; *o* — оогоний; *a* — антеридий; 2 — оогоний ва антеридийларнинг катталаштирилганда аги кўриниш; 3 — зооспоранинг чиқиши; 4 — қаулер-павониг умумий кўриниш; 5 — талломнинг яксимидаги ипчаларнинг кўриниш.

лан ажралган зооспорангийларда вужудга келадиган зооспоралар воситасида боради. Ҳар қайси зооспорангийда биттадан зооспора етишади. Зооспораси йирик бўлиб, катталиги 0,5 мм га етади, уни оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин. Зооспоранинг устки томонида ҳар бир ядроидан тенг ва қисқа жуфт-жуфт чиқсан ҳисобсиз хивчинлари бўлиб, шу хивчинлар ёрдамида ҳаракат қиласади. Зооспора бир қанча вақт сувда сузиб сўнгра ҳаракатдан тўхтайди, хивчинини ташлаб, бир неча ўсимталарга айланади. Баъзи турларида зооспоралар ўрнига **апланоспоралар** вужудга келади.

Вошерия зооспораси бошқаларнидан кўп ядролилиги билан фарқ қиласади.

Вошериянинг жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради.

Вошерия ипида бир-бирига яқин бўлиб, оогоний ва антеридийлар жойлашади. Оогоний қийшиқроқ ва думалоқроқ шаклда бўлиб, тагидаги кўндаланг тўсиқ билан ипидан ажралиб туради. Унинг ичидаги модда ривожланиб битта бир ядроли, йирик, ҳаракатсиз тухум ҳужайрага айланади. Антеридий илмоқсимон чўзиқ па буралган шаклда бўлиб, букилган ерида тўсиқ вужудга келади. Тўсиқнинг юқбри қисмидаги антеридий бўлиб, унда ҳисобсиз, жуда майда хроматофорли, иккита тенг хивчинли ва ноксимон сперматозоидлар вужудга келади. Улар етилгандан сўнг, антеридийдан чиқиб, оогоний устидаги тешикча орқали ичига кириб, тухум ҳужайрасини оталантиради. Диплоид хромосомали зигота тинчлик даврини кечиргандан сўнг, редукцион бўлинади ва гаплоид хромосомали янги индивид талломига айланади.

Сифонли сувўтларнинг денгиз сувларида яшовчиларига *каулерпа* (*Caulerpa*) киради (25-расм, 4).

Каулерпанинг бир тури Ўрта денгизда ва бошқа турлари жанубий денгизларда учрайди, узунлиги баъзан 50 см га етади.

Каулерпа ҳужайрасиз тузилган бўлишига қарамай, унинг талломи поя, барг ҳамда илдизсимон органларга ажралган бўлиб, ташки кўринини билан поя, баргли юксак ўсимликларга ўхшайди.

Каулерпанинг вегетатив кўпайиши талломи қисмларининг узилиши билан боради. Кузда каулерпа баргининг устида сўргич шаклидаги кўпайиш органи вужудга келади. Унинг ичидаги редукцион бўлинини натижасида ҳосил бўлган гаметалар бўлиб, сувга чиқиши билан ўзаро қўшилади.

Сифонли сувўтлар силур давридан маълум бўлиб, эволюцион тараққиётда протопластининг ўсиши ҳисобига ҳужайрасиз тузилган сувўтлар вужудга келган.

Яшил сувўтларнинг бу тармоғидан мураккаб тузилишга эга бўлган организмлар келиб чиқсан эмас, чунки ўсимликлар дунёсининг эволюцияси, асосан, мураккаб тузилишга эга бўлган формаларни вужудга келтириш йўли билан ривожланган.

## II СИНФ. КОНЬЮГАТНАМОЛАР ЁКИ МАТАШУВЧИЛАР — CONJGATORNUSCEAE


Бу синф вакилларида зооспора ва гаметалар ҳосил бўлмайди.

Конъюгатнамолар синфида чучук сувларда яшовчи бир ҳужайрали, колонияли ёки шохланмаган, ипсимон талломли яшил сувўтлар киради. Буларнинг мұхим белгилари ҳаётининг ҳамма даврида ҳам ҳаракат қиливчи стадиясининг бўлмаслигидир. Конъюгатлар жинссиз кўпаймаганлигидан, уларда зооспоралар ҳосил бўлмайди. Споралар билан кўпайиш процесси ўрнига уларнинг бир ҳужайрали вакилларида ҳужайрасининг иккига бўлиниши, ипсимон кўп ҳужайралиларида эса талломининг бўлакчаларга ажалиши билан кўпайиш ривожланган.

Жинсий кўпайиши конъюгация, яъни жинсларга дифференциацияланмаган иккита вегетатив ҳужайра моддаларининг қўшилиши билан бўлади. Копуляция пайтида қўшилишга иштирок этаётган ҳужайраларда каналчалар ҳосил бўлиб, бу каналчалар орқали бир ҳужайра моддаси иккинчи ҳужайра моддасига қўйилиб, зигота ҳосил бўлади. У, тинчлик даврини кечиргандан сўнг ўсиб, ривожланаб, янги индивидга айланади.

Бу синф учта тартиб, бир қанча оила ва 4500 турдан иборат. Булардан зигнемадошлар (*Zygnetaceae*) ва десмидиумдошлар (*Desmidaceae*) оиласига мансуб бўлган баъзи вакилларни кўриб ўтамиз.

*Зигнемадошлар оиласи* (*Zygnetaceae*). Бунга кўп ҳужайрали, зиготасидан битта ўсимта ёки майса ҳосил бўладиган турлар киради. Талломи шохланмаган, ипсимон. Бу оиласининг типик вакили сифатида спирогира (*Spirogira*) авлодини олиш мумкин. Спирогирага 275 тур киради. Улар оч яшил, ипсимон талломли бўлиб, оқмайдиган ва секин оқар сувларда кенг тарқалган (26-расм). Шилимшиқ жилди ва ипаксимон талломи юмшоқ бўлади, кўпинча, ариқ, ҳовуз ва ҳовузчаларда кладофоралар билан бирга «бақа тўни»ни ҳосил қиласди. Узун иплари йирик цилиндрик ҳужайралардан ташкил топган. Ҳужайраси клетчаткали пўстга эга бўлиб, унга протоплазма ёпишган. Протоплазмада бир қанча пиреноидли, лентасимон хроматофор спирал бўлиб ўрнашади. Хроматофорнинг сони ва айланмаси спирогиранинг турига қараб ҳар хил бўлади, бу белгилари унинг систематикасида катта рол ўйнайди. Пиреноидлар хроматофорнинг ўрта қисмидаги чизиқлар бўйлаб жойлашади. Ҳужайра марказида ҳужайра ширасига эга бўлган йирик вакуола бўлади. Унинг марказий қисмида ядрочаси бўлган катта ядро бўлади, бу ядро протоплазмадан чиқсан ипларга осилган ҳолда туради. Спирогира талломининг барча ҳужайралари бўлиниш қобилиятига эга. Уларнинг бўлиниши ёз вақтида, қуёш ботишидан 1—2 соат ўтгач бошланади. Ҳужайраларнинг бўлиниши ҳисобига ипи чўзлади.



26 - расм. Спирогира — *Spirogira*:

1 — ялининг туэнилиши; 2 — жинсий кўпайиш процесси; 3 — зиготасининг ўсиши

Жинсий кўпайиши, конъюгация йўли билан боради. Кўпайиш вақтида унинг иккита или параллел туриб, шилимшиқ ёnlари билан бир-бирига яқинлашади. Ёндош ҳужайраларда бир-бирига қараган ўсимта ҳосил бўлади (26-расм, 2).

Ўсимталаrinинг учлари бирлашгандан кейин, ўртадаги парда йўқолади ва каналча ҳосил қилади. Бир ҳужайранинг протопласти иккинчи ҳужайрага ана шу каналча орқали ўтиб бир-бирига қўшилади.

Қўшилиш олдидан, бирининг протопласти суст, иккинчисиники қаттиқ сиқила бошлайди. Кучлироқ сиқилган ҳужайра протопласти бўшроқ сиқилганига оқиб ўтади. Бу қўшилувчи ҳужайралар орасида, фарқ бўлмаса ҳам, қабул қилган ҳужайрани урғочи, протопластни берган ҳужайрани эркак ҳужайра деб аташ мумкин. Урғочи ҳужайралардан ҳосил бўлган қўнғир, шарсимон зиготанинг уч қават пўсти бўлади, ичиди эса запас озиқ моддалар тўпланади. Маълум тинчлик даврини кечиргандан сўнг, у ўсади. Кеч кузда илиқ сувлардан бошқа жойлардаги спирогиранинг талломи ҳалок бўлади. Шу вақтда спирогиранинг вегетатив ҳужайралари батамом нобуд бўлади, зиготалар сув тагига чўкиб, у ерда қишлияди, баҳорда униб, янги туп талломга айланади. Бу процесс олдидан зигота бирин-кетин икки марта бўлинади, биринчи марта редукцион тарзда бўлинishiдан гаплоид хромосомали тўртта ҳужайра ҳосил бўлади. Шулардан уттаси ҳалок бўлади, тўртнчиси ўсиб янги индивидга айланади. Спирогира осонгина ўсади. Шунинг учун ундан умумбиологик экспериментлар қўйилганда, амалий машғулотлар ўtkазилганда кенг фойдаланилади.

Бу оиласа яна, тузилиши жиҳатидан спирогирага жуда ўхшаш бўлган чучук сувларда кенг тарқалган сувўтлардан зигнема (*Zygnetea*) билан мужоция (*Mougeotia*) киради. Зигнемадам, мужоция ҳам спирогирага ўхшаб кенг тарқалган, ипсизмон талломи бор. Зигнеманинг цилиндрик ҳужайраси ўртасида юлдузсимон иккита пиреноидли хроматофори бўлади, ҳужайра марказида протоплазма билан ўралган ядро ва ядроча жойлашади.

Мужоция сарғиш-яшил рангла бўлиб, ариқ ва ҳовузларда кенг тарқалган. Сув бетида «бақа тўни» ҳосил қиласди. Унинг битта пластинкасимон ва бир неча пиреноидли хроматофори бўлиб, ҳужайранинг узунасига жойлашган ягона ядрои ҳужайра марказида ўришган. Хроматофор жойлашишига қараб, кенг, энсиз, тор бўлиб кўринади. Буларнинг кўпайиши спирогиранинг кўпайишига ўхшайди.

*Десмидиумдошлилар оиласи* (Desmidaceae). Бунга ташқи қиёфаси билан турли-туман, бир ҳужайрали, баъзан ипсизмон шаклда бўлган жуда кўп турлар киради. Бу оила ҳужайрасининг симметрик тузилиши билан характерланади. Унинг ҳужайраси гўё иккита тент палладан иборат. Бу оиласининг 20 авлоди ва 3300 тури бор. Улар оқадиган тиниқ, чучук сувларда ва ифлос кўлмак сувларда яшайди. Буларнинг жуда содда тузилган ва ҳамма ерга бирдек тарқалган вакили клостириум.

*Клостириум* (Closterium) авлодига 200 тур киради. Булар ярим ой шаклида бўлган, бир ҳужайрали пўсти зич ва жигар ранг планктои организмлардир. Унинг танаси гўё иккита шоҳ, йўғон томони билан бир-бирига маташиб турганга ўхшайди (27-расм, 1).


Клостириумнинг симметрик танаси эгиклик даражасига қараб ҳар хил бўлади. Ҳужайра пўсти қалин, рангсиз ёки сарғиш, учларида тешикчалари бўлади. У ердан шилимшиқ моддалар чиқаради. Чиқарилган бу шилимшиқ моддалар билан сув остида ҳаракат қиласди. Танасининг ўрта қисмида ҳужайра прогопласти билан хроматофорлар орасида йирик ядро жойлашган.

Ҳужайранинг ҳар қайси ярмини ядросининг иккি томонидан думалоқ пиреноидли хроматофор эгаллайди. Танасининг усти зигатли бўлиб, кўндаланг кесими 6—8 қиррали юлдузга ўхшайди. Пиреноидлар клостириумнинг турларига қараб, бир қатор бўлиб ёки сочилган ҳолда жойлашади. Ҳужайра учларидан бир қанча гипс кристаллари бўлади.

Клостириум вегетатив ва жинсий йўл билан кўпаяди. Вегетатив кўпайиши ҳужайра белбоғидан кўндалангига иккига бўлиниши билан боради. Натижада, шоҳга ўхшаш иккита бола ҳужайра вужудга келади. Уларнинг етишмаган остки томони ўсиб, яна аста-секин ярим ой шаклини қайтадан тиклади.

Жинсий кўпайиши конъюгация йўли билан боради.

Клостириумда зигнемадошлиларнинг аксича, бир ҳужайра протопласти иккинчисига оқиб ўтмай, копуляцион каналда қўшилиб зигота ҳосил қиласди. Қўшилишдан ҳосил бўлган зигота қалин



27- расм. Клостериум — *Closterium*;

1 — а — ядро; о — хроматофор; е — пиреноидлар; в — вакуолалар;

2 — 3 — 4 — кўпайиши (конъюгация).

пўстга ўралиб, тинчлик даврини кечириб, одатда, баҳорда ўсиб чиқади.

Зиготаси, униши олдидан редукцион бўлининшдан тўртта ҳужайра вужудга келиб, ундан иккитаси ҳалок бўлади ва қолган иккитаси янги индивидга айланади.

*Космарциум* (*Cosmarcium*) ясси иккита симметрик қисмдан ташкил топган жуда чиройли, бир ҳужайрали сувўт бўлиб, турларга бой, унинг 800 дан ортиқроқ тури маълум. Бу ҳам клостериум яшаган жойларда учрайди. Ҳужайрасининг ўртасидаги белбоғ танасини иккита ярим доирага ажратса ҳам, аммо, ўзаро энсиз бўйинча билан қўшилиб туради. Ҳар қайси доирада иккитадан пиреноидли пластинкасимон хроматофори жойлашган. Палласининг бир-бирига қўшилган ерида ҳужайра ядроси жойлашади. Ҳужайраси устидан қаралганда эллипс ёки овал шаклида кўринади. Вегетатив кўпайиши клостериумга ўхшаб, бўйинчадан кўндалангига иккига бўлинади, ҳосил бўлган ярим доира шаклидаги бола ҳужайраларнинг ўсиши натижасида танасининг дастлабки шакли тикланади.


### ІІІ СИНФ. ХАРАНАМОЛАР ЕКИ НҮРЛИЛАР—CHARAPHYCEAE

Харалар синфи яшил сувўтлар бўлимнинг бошқа синфларидан ўзининг юксак дараҷада тузилганлиги, жинсий кўпайиш органларининг кўп ҳужайрали ва мураккаблиги билан фарқ қиласи. Бу синфга 200 чамасида тур киради. Улар бир оила ва олти авлодни ташкил этади. Шулардан хара ва нителла авлодлари кенг тарқалган.

*Хара* (*Chara*) ташки кўриниши жиҳатидан юксак ўсимликлардан қирқбўғимга ўхшайди, чучук сувларда, ариқ, ҳовуз ва шолипояларда кенг тарқалган (28-расм). Баъзан, у сув остида ўтзорлар ҳосил қиласи. Бўйи 20—50 см узунликда бўлиб, талломи цилиндрик тузилган бош «поя» ва ён шохчаларга ажралади.

Бош «поя»дан чиқсан шохчаларда ҳалқа бўлиб цилиндрик чўзиқ «барг»лар ва жинсий органлар жойлашади. Ҳалқадаги баргларнинг кўпайишидан шу сингари ён шохчалар чиқади. Поясининг остики қисмидан илдиз вазифасини бажарувчи рангиз бир қанча майда ризоидлар чиқиб, улар воситасида таллом субстратга (тупроққа) мустаҳкамланади.

Ҳар бир «поя»нинг учидаги ёш «барг»ли куртак бўлиб, унинг марказида ўсиш конуси жойлашади. Хара бўғим орасининг узунлиги баъзан 5—10 см келади. Бўғим ораси битта гигант ҳужайрадан иборат бўлиб, усти яна бир қават майда ҳужайралардан ташкил топган пўстлоқ билан қопланади. Ҳужайра пўсти қумтупроқлашганлиги учун ғадир-будур мўрт бўлади. Протоплазмаси ҳужайра пўстининг ости бўйлаб жойлашган, ичида жуда кўп



28-расм. Хара — *Chara*:

1 — поядасининг табият кўриниши; 2 — баргининг бир қисми; юкорида оогоний, тагида антеридий.

майда, тариқсимон пиреноидсиз хроматофорлари ва ядролари жойлашган. Протоплазмаси айланма ҳаракат қиласи.

Хараларнинг кўпайиши фақат вегетатив ва жинсий йўл билан боради. Жинссиз кўпайиш кузатилмайди. Вегетатив кўпайиши илдизнинг поя ҳосил қилишига ўхшайди. Ерга яқин бўлган бўғимида судралма «новда» чалар ҳосил бўлиб, булар ризондлар воситаси билан субстратга ёпишиб, янги «поя»ларга айланади. Бундан ташқари, яна ризондларида ҳам «тугунак»чалар ҳосил бўлиб, унда иккиласи крахмал тўпланади. Шу сингари тугунакчалар ер усти бўғимларида ҳам вужудга келади. Ҳар иккала тугунак ҳам янги «новда» беради.

Жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Хараларнинг оогоний ва антеридийлари кўп ҳужайрали бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам ҳалқа бўлиб жойлашган ён шохчаларининг қўлтиғида туради, уларни оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин.

Одатда, оогоний билан антеридий бирга: «барг» қўлтиғининг устки томонида оогоний, остки томонида антеридий жойлашади.

Оогоний қўнғир рангли бўлиб, унда крахмал ва ёғга ғоят бой битта йирик тухум ҳужайра етишади. Оогоний беш буралми найсимон ҳужайра пўстлоқ иплари билан ўралган Буларнинг учлари тўсиқлар билан «ажралиб, оогоний учидаги «тож» ҳосил қиласи. Бу тузилиш мохларнинг ургочи жинсий органи бўлган архегонийнинг тузилишига ўхшайди. Антеридийси шарсимон, ёшлигига яшил, етилганда олов ранг ёки қизил, «қалқон» деб аталган саккизта ясси парда ҳужайра билан ўралган бўлади. Антеридийда мохларнинг сперматозоидига ўхшаш бир неча минг икки хивчинли, парма сингари буралиган, рангиз сперматозоидлар ҳосил бўлади. Хараларнинг жинсий органлари — оогоний ва антеридийлар одатда, бизнинг шароитда ишонда етилади. Сперматозоид антеридийдан одатда эрталаб чиқиб кечгача сувда сувади. Тухум ҳужайра оталангандан сўнг қалин қўнғир пўст билан ўралиб, ооспорага айланади. Ооспора сувга чўқади, баҳоргача тинчлик даврини кечириб, сўнгра ўса бошлайди. Усиш олдидан редукцион бўлинниб, кичик ипча — протонемага айланади. Протонемадан харанинг йирик талломи ҳосил бўлади.

*Нителла* (Nitella) авлоди 110 турдан иборат. У хара ўсимлигига жуда ўхшаш бўлиб, худди шу шароитда учрайди. Нителланинг бўғимаро ҳужайралари хараникига ўхшаш пўстлоқ билан ўралган бўлмай, фақат битта якка ҳужайрадан иборатлиги билан фарқ қиласи. Тухум ҳужайрасини ўнта спирал найсимон ҳужайралар ўраб олган.

Хара ҳам, нителла ҳам лаборатория шароитида яхши ўсади. Ҳар иккаласининг ҳужайраси пропотплазманинг ҳаракатини кузатиш учун энг қулай объект ҳисобланади.

Хараларнинг келиб чиқиши масаласи ҳануз аниқ ҳал этилмагав. Кўпчилик ботаниклар уни мустақил бўлим деб ҳисоблайдилар, чунки харалар тузилиш жиҳатдан сувўтларнинг бошқа бў-

лимлари билан боғланмайди. Қазилма қолдиқлари девон давридан маълум.

Биз яшил сувўтларнинг бир қанча синф, тартиб ва оиласлари билан танишиб, уларнинг тузилиши, ҳаёти, яшаш шароити ва кўпайиш хиллари турли-туман эканлигини кўрдик, лекин ҳаммаси учун хос шундай умумий белгилар ҳам бор:

1. Ҳужайраси кўпинча целлюлоза, баъзан пектинли пўстдан тузилган, протопласти эса протоплазма, ядро ва пиреноидли хроматофорга ажралади.

2. Яшил сувўтларнинг хроматофори соф яшил рангда бўлади.

3. Яшил сувўтлар автотроф организмлар бўлиб, анерганик моддалардан мустақил равишда дастлабки органик моддаларни ҳосил қиласади.

4. Яшил сувўтларда тубан ўсимликларда учрайдиган жинсий кўпайишнинг барча хиллари учрайди. Жинсий кўпайиши изогамия, гетерогамия, оғогамия ҳамда конъюгация йўли билан боради.

5. Жинссиз кўпайиш хивчинли ҳаракатли зооспоралар ва хивчинсиз апланоспоралар ёрдамида боради.

6. Конъюгатлар ва ҳаралар синфи вакилларида жинссиз кўпайиш учрамайди.

7. Сувўтларнинг тараққиёт даврида рўй берадиган насллар алмашуви, яъни спорофит насл билан гаметофит наслнинг тўғри навбатланиши дастлаб шу яшил сувўтларда учрайди. Сувўтлардаги бу белгилар уларнинг келиб чиқиши аслида бир эканлигини кўрсатади.

## ҲАР ХИЛ ХИВЧИНЛИЛАР ЁКИ САРГИШ-ЯШИЛ СУВҮТЛАР БҮЛИМИ—HETEROCONTAE ЁКИ ХАНТОРНУТА


Бу бўлимнинг вакиллари кўп жиҳатдан яшил сувўтларига ўхшайди, аммо зооспораларида иккита хивчиннинг тенг бўлмаслиги ва жойланиши билан бошқалардан фарқ қиласди. Хивчинлари зооспоранинг учига яқин ёнбошидан чиқади. Хивчинни узун, кўпинча, патсимон олдига қараган, орқа томонга қайрилади. Ҳужайра пўсти икки палладан иборат бўлиб, устини пектин моддаси ўраб туради. Хроматофорида хлорофилдан ташқари каротиноидли саргиш пигмент бўлиб, шакли тариқсимон ёки пластинкасимон, кўпикча пиренойдесиз бўлади. Фотосинтез маҳсулоти ёғ ҳамда лейкозинлардан иборат.

Ҳар хил хивчинлилар сувўтларнинг кичик бир бўлими бўлиб, 60 авлод ва 200 га яқин турни ўз ичига олади. Илгари бу бўлим вакиллари яшил сувўтларга қўшиб ўрганилар эди. Ҳозирда мустақил бўлим сифатида ажратилган. Ҳар хил хивчинлиларга яшил сувўтларга ўхшаш бир ҳужайрали, колонияли пўстсиз ва пўстли ҳамда ипсимон ҳужайрасиз формалар киради. Аммо, ҳар хил хивчинлиларнинг ривожланиши ва юксалиши ипсимон ва сифонли формаларнинг пайдо бўлишини чеклаган. Бу бўлимдаги сувўтлар асосан чучук сувли ҳавзаларда ва денгизларда тарқалган. Ҳар хил хивчинлиларнинг бир ҳужайрали вакили хлорамёбадир.

Хлорамёба (*Chloramæba*) заҳ ерларда ва чучук сувларда яшайди. У вегетатив ҳолатда хламидомонадага ўхшаш, доим ҳаракатда бўлади. Унинг талломи амёбасимон ўзгарувчан яланточ ҳужайрадан иборат. Унинг битта ядроси ва икки — олтида саргиш-яшил хроматофори бўлиб, олд томонида вокуласи, устидида эса иккита узун-қисқа хивчини бор.


Бир ҳужайрали ҳаракатсиз вакилига ботридиопсис (*Botridiopsis*) мисол бўлади. Бу бир ҳужайрали шарсимон сувўт, чучук сувларда тарқалган. Қаттиқ пўсти ичидаги ҳужайра деворчаси бўйлаб ўринашган майдага хроматофори, марказида ядроши бўлади. Ҳужайра протопласти ўн ва ундан ортиқ ҳар хил икки хивчинли зооспоралар ҳосил қилиш билан кўпаяди (29-расм).

Бу бўлимнинг ипсимон вакили конферва (*Conferva*) дир. Бу чучук сувларда кенг тарқалган, кўп ҳужайрали, ипсимон талломли, шохланмаган, овал ҳужайрали бир ядроли ва бир қанча саргиш-яшил хроматофорли улотриксга ўхшаш сувўтлар. Ҳужайра пўсти пектинли, икки палладан иборат. Конферва зооспо-



29-расм. Ҳар хил хивчиниллар — Neterocontae:

1 — хлорамеба; 2 — ботридиопсис;  
3 — конфера, ёнда зооспораси билан



30-расм. Ботридиум — Botrydium:  
1 — умумий күриниши; 2 — зооспораси.

ралар воситасида күпаяди. Зооспоралар ҳосил бўлиш даврида талломли айрим бўлакчаларга ажралади.

Хужайрасиз, яъни найсимон вакилларига ботридиум (Botrydium) мисол бўлади. Ботридиум нам субстратларда, ҳалқоб сувлар теварагида, зах ерларда, экин майдонларида, шу жумладан пахта майдонларида тарқалган бўлиб, қорамтири губор ташкил этади. Ботридиумнинг талломи пуфакчага ўхшайди, диаметри 1—2 мм бўлиб, остидан кетган рангиз ва шохланган ризоидлари ёрдамида субстратга бирикади. Пўсти анча қалин, протоплазмасида минглаб майда яшил хроматофори ва ядролари бўлади, пуфакча марказини ҳужайра шираси билан тўлган йирик вокуола эгаллади (30- расм).

Ботридиумнинг жинсиз кўпайиши субстрат ва ҳавонинг намлигига кўра, протопластнинг бир қанча бўлакларга бўлинниб, улардан зооспоралар ҳосил қилиш йўли билан боради. Зооспорада узун-қисқа иккита хивчин, ядро ва хроматофорлари бўлади. У ҳаракатланиб, бошқа ерларга тарқайди, кейин ҳаракатдан тўхтаб, тинчлик даврини кечириб, хивчинини йўқотади. Қалин пўст ҳосил қиласи, ривожланиб, янги ботридиумга айланади.

Ботридиумда жинсий кўпайиш бўлмайди. Ноқулай шаронтда цисталар (сақловчи споралар) ҳосил қиласи. Бу вақтда пуфакчадаги протопласт ризоидларга тўпланади. У ердаги протопласт бир қанча айрим шарсизмон бўлакчаларга ёки спораларга бўлинади. Уларнинг ҳар қайсиси қалин пўст ҳосил қилувчи спораларга айланади. Қулай шаронтда бу спорадан бир қанча зооспора

ҳосил бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси янги ботридиум индивидига айланади.

Ҳар хил хивчинилар флагеллата бўлимийнг хризофиталарга яқин бўлган ўсимлик турларидан келиб чиқсан бўлиши мумкин. Ҳар хил хивчиниларнинг тараққиёти ва эволюцияси яшил сувўтлар билан параллел борган. Ҳлорамёбанинг тараққиёти вольвоксларга, ботридиопсисники протококкларга, конферваники улотриксларга, ботридиумники сифонли сувўтларга ўхшайди. Бу эса юқоридаги фикрнинг тўғрилигидан далолат беради.

## ДИАТОМСИМОНЛАР ЁКИ КРЕМНЕЗЁМЛИ СУВҮТЛАР БҮЛИМИ—BACILLARIOPHUTA ЁКИ DIATOMEAE

Диатом сувүтлар бир ҳужайрали ёки колонияли, дорзовентрал түзилган, сариқ ёки құнғир, ниҳоятда чиройли микроскопик организмлардир.

Булар қазилма ҳолда топилған турлари билан бирга, 200 га яқин авлод ва 15 мингдан ортиқ түрни ташкил этади. Диатом сувүтлар оқар ва оқмайдыган чучук ва шүр сувларда, күл ва денигизларда, ҳатто тупроқда ҳам күп тарқалған. Құпчилиги планктон ҳолда, баъзи вакиллари қирғоқда, зах ерларда учрайди, шу жой альгофлорасининг құпчилик қисмини ташкил этади.

Бу бўлимнинг бошқалардан асосий фарқи, хроматофорида диатомин пигменти бўлади. Бундан ташқари, ҳужайра пўсти пектин ва қумтупроқдан тузилғанлиги, иккى палладан иборатлиги билан ажralиб туради. Ҳужайра пўстининг қумтупроқли устки қавати совут дейилади. Совут иккى палладан иборат бўлиб, қопқоқли қутичага ўхшаш бири иккинчини ёпиб туради. Остки кичик палла гипотека, уни ўраб турган усткиси эпитека дейилади.

Ҳужайра пўсти қумтупроқ билан минераллашган бўлганидан, кейинчалик ҳам чиримай, сув остида тўпланиб боради. Қадимги геологик даврдаги диатом сувүтларнинг қолдиқларидан диатомит (трепель) ёки тоғ «уни» вужудга келган. Протопласти протоплазма, битта ҳақиқий ядро, иккита хроматофор ва вакуоладан иборат. Хроматофоридаги қўшимча диатомин пигменти бу сувүтларга сариқ ёки құнғирроқ тус беради. Фотосинтез маҳсулоти сифатида ҳужайрасида ёғ ва лейкозин тўпланади.

Диатом сувүтлар ҳужайра формасига қараб, патсимоннамолар (Pennatae) билан центрикнамолар, (Centricaе) синфида бўлиниади.

### І СИНФ. ПАТСИМОННАМОЛАР—PENNATAE


Бу синф вакилларининг палласи чўзиқ, эллипсимон, тўғаничсимон бўлиб, одатда, иккى томони симметрик тузилган. Буларнинг кўп тарқалған ва типик вакили сифатида пиннуллария (Pinnullaria)ни олиш мумкин (31-расм). Пиннуллария эллипс ёки ланцетсимон шаклдаги бир ҳужайрали сувёт бўлиб, чучук сувларда, кўпинча, сув остига чўккан ҳолда яшайди.

Пиннуллариянинг шакли турган вазиятига қараб, ҳар хил бўлади. Агар палласи текис томонидан қаралса, у чўзиқ эллипс


шаклли ва патсимон нақшли бўлиб кўринади. Ён томондан қаралганда, тўрт бурчакли чўзиқ қутичага ўхшайди. Ҳужайра пўсти икки палладан иборат, қопқоқли қутичадек устки каттаси тагидаги кичигини ёпиб туради. Протоплазмаси ҳужайра пўстига ёпишган, ундан марказга томон тарқалган ипларда ядро ўрнашган. Ҳар қайси паллада биттадан иккита пластинкасизон хроматофори бўлади.

✓ Пинуллария микроскопик организм бўлишига қарамай, яшаш даврига қараб, нисбий майдада ва йирик бўлади. Кузатиш учун ҳамма вақт йирикроғи олинади. Палласининг устидан қаратандан бирни марказида, қолгани учларида жойлашган учта тугунчани кўриш мумкин. Тугунчалар пўст остики томонининг қалинлашишдан ҳосил бўлади. Учидаги тугунчалардан марказга қараб бир оз букилган ёриқчалар кетган, бу ёриқчалар чок дейилади. Чок ва тешикчалар пинуллария протопластини ташки муҳит билан боғлайди ва шулар воситасида ҳаракат қиласиди. Протоплазма чиқиб субстратга сурилади, натижада пинуллария протоплазманинг оқаётган томонига қарши илгариланма ҳаракат қиласиди. Чоки бўлмаган диатом сувўтлар ҳаракат қилолмайди.

Пинуллария асосан вегетатив йўл билан кўпаяди. Бўлинниш олдидан ҳужайра моддаси бўкиб, паллага ажралади, протопласти икки қисмга бўлинади. Бола ҳужайраларининг бирида онадан ўтган эпитеқа, бошқасида ўсиб чиқадиган палласи гипотека ҳосил бўлади. Бола ҳужайрада уларнинг етишмаган қисмлари ўсиб, тикланади. Бола ҳужайранинг гавдаси тобора кичрайиб ниҳоят ўсишдан тўхтайди, унинг ўсиб йирикланишига совути имкон бермайди. Фоят кичрайиб, бўлинниш қобилиятини йўқотган бола ҳужайра ауксоспора ёки ўши спораси ҳосил қилиш билан йирик танасиҳи қайтадан тиклайди. Диатом сувўтларининг ауксоспоралар ҳосил қилиш процесси



31-расм. Пинуллария — *Pinularia*:



32-расм: 1 — макулал; 2 — сириелла ядро; 3 — астеронеллинг юлдузсимон колонияси; 4 — табеллариянинг занжирсимон колонияси; 5 — сириеллинг ауккоспора ҳосил қилиши.

пора, яъни ўсувчи спорани ҳосил қиласди. Бу синфининг кенг тарқалган колония ҳосил қилувчи, бир ҳужайрали вакили навикуладир.

*Навикула* (*Navicula*) турли шароитда: сув остида ва тупроқда яшовчи оддий диатом сувёт бўлиб, пиннулариядан палла учларининг ингичкалиги, думалоқлиги, қайиқчага ўхшашлиги ва нақшларининг бошқача бўлиши билан фарқланади (32-расм).

*Плеврасигма* (*Pleurosigma*) зулусимон, «S» ҳарфи шаклида бўлиб, улардан тайёрланган препарат микроскопларнинг шиша қисмлари сифатини аниқлашда ишлатилади. Патсимонлар синфининг баъзи вакиллари, масалан, *гомфонема* (*Gomphonema*) *ликмофора* (*Licmophora*), *синедра* (*Synedra*), *астеронелла* (*Asteronella*), *диатома* (*Diatoma*) ва *табеллариялар* (*Tabellaria*), кўпинча, ҳаракат қилмай, ҳаёт кечириши натижасида ўюмлар: еллигичсимон, юлдузсимон чиройли колониялар ҳосил қиласди.

## II СИНФ. ЦЕНТРИКНАМОЛАР—CENTRICAЕ

Бу сувётларнинг палласи дисксимон, цилиндрисимон шаклларда бўлиб, нақшлари радиал ёки концентрик тузилган. Уларда ҳеч қандай чок, тугунча бўлмагани учун, актив ҳаракат қила олмайди. Хроматофори, кўпинча майда, тарниксимон ёки пластинасимон бўлади.

Центрик диатом сувётлар, патсимонларга ўхшаб, вегетатив тарзда кўпаяди. Ҳужайра протопластида ҳосил бўлган икки хивчинли ноксимон яланғоч зооспоралари ҳужайра пўстини

жинсий кўпайиш бўлиб ҳисобланади. Пиннулария ауккоспора ҳосил қилишдан олдин иккитаси бир-бирига яқинлашиб, совутларини ташлаб шилимшиқланади. Протопластлари қўшилиб зигота ҳосил қиласди, у юнга пўст чиқариб бир оз ўсади, сўнгра қумтупроқлашган палла ҳосил қиласди ва гавдасини илгариги катталигини тиклайди. Қўшилиш олдидан, ҳужайраси редукцион тўртта гаплоид ядро ҳосил бўлади. Тўртта гаплоид ядродан учтаси ҳалок бўлиб, биттаси қолади. Ҳар бир ҳужайранинг қолган битта ядро қўшилиб, диплоид насл бўлган ауккос-


ёриб чиқиб сувда сузиб, хивчинларини йўқотади ва қумтупроқлашган пўст ҳосил қилиб, янги индивидга айланади. Булардаги ауксоспоранинг ҳосил бўлишини типик жинсий процесс деб бўлмайди, чунки қўшиладиган иккита гамета бир ҳужайрада ҳосил бўлади. Ҳужайра ядроси кетма-кет икки марта бўлиниб, тўртта ядро ҳосил қиласди. Ундан 2 таси ҳалок бўлиб, қолган иккитаси ўзаро қўшилади. Бундай ўзидан оталаниш процесси центрик сувўтларнинг денгизларда планктон ҳолда яшашига боғлиқdir.

Бу синф вакиллари бир ҳужайрали ва колонияли сувўтлар бўлиб кўпроқ денгизларда, баъзан чучук сувларда яшайди, улардан бир ҳужайралиларига мисол қилиб чучук сувларда кенг тарқалган циклотелла (*Cyclotella*), мелозира (*Melosira*)ни олиш мумкин. Циклотелла линзага ўхшаёт, палласи радиал нақшли бўлади (33-расм). Мелозира ипсимон колонияли сувўт бўлиб, ҳужайра палласи думалоқ, устидаги нақшлар нуқталар шаклида бўлади. Ҳужайралари шилемшиқ модда билан ўзаро қўшилиб, ипсимон колонияни ҳосил қиласди. Текширишга кўра мелозиранинг ауксоспораси оогамия процессида ҳосил бўлиши аниқланган.

Диатом сувўтлар индивидуал тараққиёт даврида тубандаги стадияларни кечиради ёки наслларни беради: 1) диатом сувўтнинг ўзи; 2) ядро редукцияси; 3) зигота; 4) ауксоспора.

Диатом сувўтнинг диплоид насли фақат унинг зиготаси, яъни вояга етган вегетатив индивидидан иборат.

Диатом сувўтларнинг аниқ турлари дастлаб Юра даври қатламларидан топилган. Учинчи даврдаги диатом сувўтлар панцирлар тўпламидан ҳосил бўлган диатомит ёки тоғ «уни» деб аталадиган тоғ жинслари СССРда Ульяновск ва Свердловск районларida, Германияда, шунингдек, Венгрияда учрайди. Диатомит (трепель) саноатида изоляция материали сифатида, буюмларни тозалаб ялтиратишда, динамит тайёрлашда тўлдирув-



33-расм. Циклотелла —*Cyclotella*:

1 — циклотелланинг палла томонидан кўрниши; 2 — белбог томонидан кўрниши; 3 — мелозиранинг энжир и

чи модда ўрнида ишлатилади. Ундан парҳездаги кишилар учун кондитер саноатида индиғерент (нафи йўқ) овқат тайёрланади.

**Диатом сувўтларнинг келиб чиқиши.** Диатом сувўтларнинг келиб чиқишига оид масала узоқ вақт аниқланмай келинди. Рус олимлари Комаров, Горшиков, Курсанов, Комарницкий ва немис олими Пашернинг олиб борган текширишлари диатом сувўтларни хризофитлардан келиб чиққанлигини кўрсатди. Буни улар рангининг сариқлиги ва пўстининг қумтупроқлашганлиги ҳам тасдиқлайди. Горшиковнинг диатом сувўтлар цитологияси устида олиб борган тадқиқотлари буларни хризомонадалардан келиб чиққанлигини аниқ факт ва далиллар билан исботлаб берди.

Диатом сувўтларнинг баъзи вакилларида тебранувчи вакуолалар борлиги, фотосинтез маҳсулоти сифатида хризомонадалар учун хос бўлган лейкозиннинг ҳосил бўлиши ва бошқалар бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Хулоса қилиб айтганда, диатом сувўтлар келиб чиқиши жиҳатидан хризофита сувўтлар билан боғланган тубан ўсимликларнинг мустақил бўлимиdir.

## ҚҮНФИР СУВҮТЛАР БҮЛИМИ—РНАЕОРНУТАЕ

Бу тип ҳар хил катталиқда ва шаклларда бұлған тузилиши жиҳатдан хийла юқори ўсимликларга ўхшаш күп ҳужайрали сувүтлар бўлиб, асосан субстратларга ёпишган ҳолда денгизларда яшайды, баъзида қирғоқ бўйларида жойларда ўсиб, катта ўтзорлар ҳосил қиласди. Бу сувүтларнинг хроматофорида, хлорофиллдан ташқари, яна каротин, ксантофилл, хусусан, жигар ранг фукоксантин бўёқларининг бўлиши ҳужайрага қўнфир тус беради.<sup>1</sup>

Ҳужайрасида целялюзали пўст бўлиб, сирти пектин ва шилимишқ билан қопланади. Протопластида битта ядро ва ниреноидез тариқсимон хроматофори бор. Фотосинтез маҳсулоти сифатида глюкоза, моносахаридлардан маннит баъзи вакилларида эса, сувда эрувчан полисахаридлардан ламинарин ҳосил бўлади. Ҳужайрасидаги алоҳида майда вакуолаларида күп миқдорда ошловчи моддалар тўпланади. Уларда ҳеч қачон крахмал ҳосил бўлмайди.<sup>1</sup>

Бу бўлим бошқа сувүтлардан тузилиши, тараққиети ва яшаш усуллари билан ҳам фарқ қиласди. Буларнинг ҳамма турлари күп ҳужайрали, бир йиллик ва кўп йиллик, баъзан жуда гигант бўлиб, субстратга бирикиб ўсади. Йирик қўнфир сувүтларнинг талломи морфологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласидиган бўлакларга, мураккаб анатомик тузилишга ва дифференциациялашган тўқималарга эга. Ламинария бунга яққол мисол бўлади. «Ламинария баргия»нинг эт қисми йирик ҳужайралардан, пўсти майда ҳужайралардан тузилган, «поя» ва «барг»лари ўтказувчи механикавий ва ассимиляцион тўқималардан иборат. Баъзиларида «барг» пластинкаси ҳар йили тушиб янгиланиб туради.

Баъзи турларининг талломида ҳаво пуфакчаларининг ҳосил бўлиши уни вертикаль тутишга ёрдам беради. Талломининг катта-кичикилиги ҳар хил, тубан вакилларининг талломи қисқа, илсимон бўлиб, мураккабларини ғора юксак ўсимликларга ўхшаш, бўйи 5 м гача боради Шимолий ва Жанубий Америка нинг ғарбий қирғоқларида, сув бетида катта массалар вужудга келтирадиган, сузиб узоқларга кетадиган *макроцистис пирифера* (*Macrocistes rugifera*) каби баъзи хилларининг бўйи 60—70 м га етади.<sup>1</sup>


<sup>1</sup> Аввалги нашр қилинган адабнётларда талломининг узунлигини 200—300 м га етади деб кўрсатилса ҳам кейинги текширишларга кўра узунлиги 60—70 м дан ошмайди.

Құнғир сувўтларнинг юксак тузилганлигини уларнинг ўсиши қам тасдиқлады. Улар учлари билан ва бўйим ораси билан ўсади. Учлари билан ўсиши талломининг учида жойлашган ва доимо бўлинеш хусусиятига эга бўлган ҳужайралар воситасида, иккичи хили, яъни (интеркаляр) ўсиш шохчалари остидаги ҳужайралар ёрдамида бўлади.

Улар жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинссиз кўпайиши бир ҳужайрали зооспорангийда ҳосил бўладиган ноксимон, қарама-қарши жойлашган, иккита хивчинли зооспоралар ёки ҳаракатсиз апланоспоралар (тетраспора) воситасида боради.

Бу процесс тубан тузилганларида изогамия ва гетерогамия, юксак тузилганларида оогамия йўли билан боради. Гаметалар зооспораларга ўхшаш бўлиб, кўп ҳужайрали гаметангийларда ҳосил бўлади. Қўнғир сувўтларга 240 авлод ва 1500 га яқин тур киради. Шуларнинг тўртта туридан ташқари ҳаммаси денгизларда яшайди. Улар бизда Шимолий денгизлардан Оқ денгизда ва Баренц денгизида Мурманск қирғоқларида, Узоқ Шарқдаги Тинч океан сувларида ва Қора денгизда тарқалган. Қўнғир сувўтларнинг қуйидаги тартиби вакилларига тўхталамиз.

### 1-тартиб. Эктокарпускабилар—Ectocarpales



34-расм. Эктокарпус — *Ectocarpus*:

- умумий кўриниши;
- 2 — зооспорангий;
- 3 — зооспора;
- гаметалари чиқаётган гаметангий.

*Эктокарпус (Ectocarpus)* турлари денгизларда кенг тарқалган ва яхши ўрганилган, талломи сарғиш қўнғир, 10—15 см, кладофорага ўхшаш инсимон шохланган, жуда содда тузилишга эга бўлган сувўт. Шимолий денгизда ва Қора денгиз қирғоқларида субстратга ёпишган ёки эпифит ҳолда яшайди (34-расм).

Эктокарпуснинг жинсиз кўпайиши, кўпинча, иплари учидаги тухумсимон бир уяли зооспорангийлар ичиде этишадиган жуда кўп сонли зооспоралар воситасида боради. Зооспораси протоплазма, ядро, хроматофордан ташқари яна стигма,


қаралма-қарши жойлашган узун-қисқа иккита хивчинга эга. Зооспоралар зооспорангийдан чиқиб, сувда суздади, кейин субстратга ёпишиб ўсади ва янги гаплоид индивидга айланади. Жинсий кўпайиши изогамия йўли билан боради. Гаметалар узун конуссимон, кўп уяли гаметангийларда ҳосил бўлади. Гаметангийнинг ҳар бир уяси ичидаги моддадан одатда биттадан тенг икки хивчинли гамета ҳосил бўлади, сувга чиқиб ўзаро қўшилиб, қалин пўстли зигота ҳосил қиласди, у тинчлик даврини кечирмай дарҳол ўса бошлайди. Гаметаси шаклан бир-биридан фарқ қилмасада, қўшилиш вақтида «урғочи» гамета субстратга ёпишиб, ҳаракатдан тўхтайди. Бошқа бир қанчаси уни ўраб, сузишиб юради, шулардан биттаси ўща урғочи гамета билан қўшилиб зигота ҳосил қиласди. «Эркак» гамета қўшилишгача тўхтовсиз ҳаракат қилиб туради. Бу ҳол эктокарпусларда гетерогамиянинг бошланғич даври мавжуд эканлигидан дарак беради. Вегетатив кўпайиши талломининг узилиши ва парчаланиши йўли билан боради.

## 2- тартиб. Ламинариякабилар—Laminariales

Бу тартибининг вакили сифатида *ламинария* (*Laminaria*) ни оламиз. Эктокарпус жуда содда тузилган ва ипсимон шохланган, лекин ламинария эса ғоят мураккаб тузилган ва турли «тўқима»ларга дифференциацияланган, йирик пластинкасимон талломли сувўтдир. *Ламинария*, Узоқ Шарқдаги Тинч океан қирғоқларида, Баренц денгизи ва Оқ денгиз қирғоқларида, Япония ва Американинг денгиз қирғоқларида кенг тарқалган. *Ламинария* «Денгиз карами» деб аталиб, пластинка қисмида углевод ва оқсиллар кўп бўлганидан, овқатга ишлатилиди.

Кўп йиллик талломи бутун ёки кесилган йирик, баргисимон пластинка «поя»дан ва унинг остидан ўсиб чиқиб, субстратга бириктириб турган ризоидлардан иборат (35-расм).

Ламинарияларда насллар навбатлашиши жуда яхши ифодаланган. Гаметофит насл микроскопик



35-расм. *Ламинария* — *Laminaria*:

1 — умумий кўрниши; 2 — зооспорангийли баргининг кўндалаған кесими; 3 — эркак гаметофит; 4 — антеридий; 5 — урғочи гаметофит, я — тухум хўжайра.

бўлиб, спорофит насл эса улкан бўлади. *Ламинариянинг ўзи жинсиз ёки спорофит насл бўлиб, пластинкасининг устида, ёзнинг иккичи ярмида бир ҳужайрали спорангийлар вужудга келади.* Ҳар бир спорангийнинг протопласти редукцион бўлинниб, 16 тадан — 64 тагача гаплоид хромосомали зооспоралар ҳосил қиласди. Бу зооспоралар ўсиб майда микроскопик эркак ва урғочи (гаметофит) ўсимталарга айланади. Эркак ўсимталар узун ва шохланган бўлиб, унда антеридий ичидаги иккичи хивчинли ҳракатчан сперматозоидлар вужудга келади. Урғочи гаметофитда битта тухум ҳужайрали оогоний ҳосил бўлади. Гаметаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган зигота тез ўсиб, спорофитга айланади.


*Ламинариянинг* жинсиз ва жинсий насллари йилнинг турли фаслларида, ҳар хил шароитда ўсади. Масалан, жинсиз насл — спорофит ламинария ёзда ўса бошласа, жинсий насл — микроскопик гаметофитлар куз ва қишдан бошлаб ўсади. Баҳорда эса унда антеридий ва оогонийлар ҳосил бўлади. *Ламинария* қишини жинсий насл бўлган ўсимталар сифатида ўтказади.

*Ламинария дигитата* (*Laminaria digitata*) талломи 1 м, пластинкаси еллигичсимон ва бўйига томон бир қанча майда лентасимон бўлакларга бўлинган, ризоидлари билан тошларга ёпишган, ҳар йили баргини ташлайдиган кўп йиллик сувўти бўлиб, шимолий денгизларда ўсади.

*Ламинария сахарина* (*Laminaria Saccharina*) нинг пластинкаси лентасимон ва ланцетсимон, «поячаси» узун ва ингичка бўлиб, остидан чиқсан ризоидлари ёрдамида тошларга ёпишади. Бу сувўти Шимолий Муз океанида ва Тинч океанида учрайди. Бу тартибга ламинариялардан ташқари, яна энг йиррик сувўтларидан *макроцистис* (*Macrocystis*), *нереоцистис* (*Nereocystis*) ва *лессония* (*Lessonia*)ла ёрдамида киради. Булар жуда йиррик, сувўтлари океан қирғозларида ўсади, кенг ўтзорлар ташкил этади.

### 3- тартиб. Диктиотакабилар—*Dictyotales*

*Диктиота* (*Dictyota*) талломи 20—30 см, пластинкаси дихомик шохланган бўлиб, Ўрта денгиз ва Кора денгизда ўсади. Жинсиз ва жинсий йўллар билан кўпаяди (36-расм). Талломидида якка-якка, сочилган тетраспорангий ҳосил бўлади. Тетраспорангий диктиотанинг жинсиз кўпайиш органидир, унинг ичидаги протопластининг редукцион бўлиннишидан хивчинисиз гаплоид тўртта ҳаракатсиз спора—*тетраспора* ҳосил бўлади. Тетраспоралар ўсиб, аввалги талломидан ҳеч фарқ қилмайдиган янги иккичи уйли гаметофит индивидига айланади, чунки тетраспоралардан ҳосил бўлган янги талломда, жинсий органлар — цилиндрик шакли антеридий ва иоксимон оогоний ҳосил бўлади. Антеридий бир қанча майда катакчаларга бўлинади, ҳар қайси катакчада биттадан сперматозоид оогонийда биттадан тухум ҳужайра етишади. Етилган сперматозоид ва тухум ҳужайра сувга




36-расм. Диктиота — *Diclyota*:

1 — оогонијлар; 2 — антеридијлар; 3 — тетраспорангийлар.

чиңб, ўзаро қүшилади. Ҳосил бўлган зигота дарҳол унади, талломидаги пластинкада яна тетраспорангий ҳосил бўлади. Демак, зиготасидан келгусида гамета ҳосил қиласидан гаметофит бунёдга келади. Шулардан яқъол кўринадики, диктиоталарда жинсий кўпайиши оогамиядир ва насллар алмашуви янада та-комиллашган ва аниқ ифодаланган.

#### 4- тартиб. Фукусабилар—*Fucales*

Бу тартибга шимолий ва жанубий денгиз қирғоқ бўйларида тарқалган йирик сувўтлар киради. Булардан фукус СССРнинг шимолий денгиз қирғоқларида ва Болтиқ денгизда саргассум эса тропикдаги денгизларда ўсади. *Пуфакчали фукус* (*Fucus vesiculosum*) бу тартибининг энг типик вакилидир (37-расм). Пуфакчали фукуснинг талломи сарғиш-қўнғир, дихотомик шохланган, бўлакчалари эса, лентасимон бўй 0,5—1 м, эни 1—5 см бўлиб, унда жуда кўп ҳаво пуфакчалари бўлади. Пуфакчали фукуснинг узунлиги 1 м ва ундан ҳам ошади, субстратга остки қисми билан ёпишади. Фукусларда жинссиз кўпайиш бўлмайди, жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Талломининг учларида бўшлиқ ҳосил бўлиб, у ерда жинсий органи етишади. Жинсий органлар ҳосил бўладиган жой **скафидий** ёки **концептакулум** деб аталади. Скафидий шарсимон бўлиб, унинг ичидаги оогоний ва антеридијлар етишади. Улар ҳосил бўлиш олдидан редукцион бўлинади. Турларига қараб, антеридий ҳам, оогоний ҳам бир скафидий ичидаги ёки бир тупдаги айрим скафидийларда,



37-расм. Пуфакчали фукс — *Fucus vesiculosus*:

1 — умумий күрініши киңілкешілген; 2 — оғогонийлы скафидийнің күндаланға кесімі; 3 — сперматозоидлар билан ұралған тухум ұхжайра; 4 — антеридийдан сперматозоидтарның чықыши.

баъзан икки уйли бўлиб, айрим туплар скафидийларида жойлашган.

Оғогний тухумсимон, қисқа бандли бўлиб, унинг ичидә саккизтадан тухум ұхжайра вужудга келади. Антеридий чўзиқ бўлиб, унинг ҳар қайсисида 64 тадан икки хивчинли, қизил кўзчали сперматозоидлар ҳосил бўлади.

Сперматозоидлар ва тухум ұхжайра вояга етгандан сўнг скафидий ёриқчасидан чиқиб, сувда ўзаро қўшилиб, зигота ҳосил қиласди. Зигота сув остига чўкиб, субстратга ёпишади ва ўсиб, янги фукс тупига айланади.

*Sargassum* (*Sargassum lafciferum*). Бу тропик денгизларда ўсади, катта ўтзорлар ҳосил қиласди. Атлантика океанининг ғарбидаги Саргассо дегизи шу ўсимлик номи билан аталади. Саргассум ташқи қиёфаси жиҳатидан шохланган бутага ўхшайди (38-расм). Талломи бир метрдан узуироқ ва ости билан субстратга ёпишган, цилиндрик бўлиб, у қуйидаги қисмлардан: а) қисқа поячага ўхшаш «поя»дан; б) унда жойлашган баргсимвон пластинкалардан; в) сершох қисқа новдачаларига жойлашган ва скафидий деб аталган жинсий органлардан; г) қисқа шохларининг учларида ҳосил бўлган ва ташқи кўриниши жиҳатидан резавор мевага ўхшаш пуфакчалардан иборат. Шунинг учун бу резавор мевали ўсимлик — саргассум деб аталган.

Фуксларда спорофит насли гаметофит наслига нисбатан устуник қиласди. Гаметофит насл жуда кичик ва редукцияланган, у фақат жинсий элементлардан иборат бўлиб, ўз ҳаётини споро-

фитда ўтказади. Фукуслар-нинг насллар галланиши уруғли ўсимликларнинг насллар галланишига ўхшайди. Шундай қилиб, қўнғир сувўтларнинг эволюцион тараққиётида гаметофит насл эса юқори ўсимликларнига ўхшаб кучли даражада юксала боради.

Қўнғир сувўтларнинг келиб чиқиши. Қўнғир сувўтлар қадимги сувўтлар гуруҳидан бўлиб, уларнинг ламинарияга ўхашаш вакиллари қазилма ҳолда Силур ва Девон даврининг қатламларидан топилгган. Қўнғир сувўтлар яшил сувўтлар каби, хризофита сувўтлардан келиб чиққанлиги эҳтимол. Қўнғир сувўтларнинг келиб чиқиши хризоманада группаси билан боғланса ҳам, аммо, ҳозирги замон қўнғир сувўтлар орасида бир ҳужайрали формалари йўқлиги, мураккаб тузиљганлиги, талломининг улканлиги масалани бир оз мушкуллаштиради. Бу ҳол уларнинг хризомонадалар группасидан келиб чиқишида қандайдир оралиқ группа борлигидан ва бу группа келажакда топилишидан дарак беради.



38-расм. Саргассум — *Sargassum* нинг жуда кичрайтирилган умумий кўриниши.

Саргассум — *Sargassum* нинг жуда кичрайтирилган умумий кўриниши.


## ҚИЗИЛ СУВҮТЛАР БҮЛИМИ—RHODOPHYTA

■ Қизил сувүтлар юпқа, күп хұжайрали нозик талломли, таңғы қиёфаси билан юқори үсимликтарга үхшайды. Қизил сувүтлар жуда хилма-хил бўлиб, 400 авлод ва 4000 турни ўзачига олади. Қизил сувүтларнинг чучук сувларда учрайдиган бир неча турларидан бошқа деярли ҳаммаси денгизларда тош ва бошқа субстратларга бириккан ҳолда шимолий ва жанубий ҳамда Узоқ Шарқ денгизларида яшайди. Улар яшил ва қўнғир сувүтларнинг аксича, сувнинг чукур (60—200 м ли) қатламларида, яъни спектрнинг фақат кўк ва бинафша нурлари тушадиган жойларида ўсади.

■ Бу бўлимга қизил сувүтлар деган ном берилишининг сабаби, уларнинг хроматофорида хлорофилл каротин ва ксантофиллардан ташқари яна, қўшимча кўк тусдаги фикоциан ва қизил тусдаги фикоэритрин пигментлари бўлади. Бу пигментларнинг турли нисбатларда қўшилишидан қизил сувүтларнинг ранги қизил, пушти ва оч бинафша рангларда бўлади.

Хұжайраси юқори сувүтларнига үхашаш тузилган бўлиб, пўстн бир оз пектин моддаси аралашган целялюзадан иборат. Қизил сувүтлардаги пектин моддаси кўпинча ҳұжайранинг бўкишига, танасининг доимо шилемшиқланishiга олиб келади. Ҳұжайра протопласти протоплазма, битта ёки бир неча ядро ва хроматофорларга ажралган. Кўччилигига хроматофори пластинка ёки тариқсимон шаклда бўлиб, пиреноиди бўлмайди, тубан вакилларида юлдузсимон пиреноиди бўлади. Талломи, асосан, ипларининг учидаги тўпланган ҳұжайраларнинг бўлиниши ҳисобига ўсади. Талломи бир, иккى ёки кўп қатор ҳұжайралардан тузилган оддий ипсимон ёки шохланган пластинка шаклида бўлади. Етук мураккаб вакилларини сершох бутага үхашаш бўлиб, «барглари» чишибарглар каби томирлангандек кўриниб, юқори үсимликларга үхшаб кетади, масалан, делессерия (42-расм, 1).

■ **Кўпайиши.** Булар вегетатив жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Вегетатив кўпайиши жуда кам учрайди. Асосан бу ажралиб чиқувчи куртаклар воситаси билан содир бўлади. Қизил сувүтларнинг характерли белгиларидан бири шуки, улардан актив ҳаракат қўйувчи зооспоралар ҳосил бўлмайди. Жинссиз кўпайишида зооспоралар ўрнига спорангийда биттадан ҳаракатсиз, яланғоч ҳұжайра — моноспора ёки тўрттадан тетраспора ҳосил бўлади. Моноспора тубан, тетраспора эса юксак тузилган бўлиб,



39-расм. Қызил сувўтларининг кўпайиши:

1 — тетраспоралии тетраспорангий; 2 — етилган тетраспорангий; 3 — карпогонли шохча, *тр* — трихогина, *а* — антеридийлар; 4 — оталанган карпогондан цистокарпининг ҳосил бўлиши.

етилгандан сўнг сувга тушади, субстратга ёпишиб қызил сувўтларининг жинсиз кўпайиши учун восита чи бўлиб хизмат қиласди. Тетраспоранинг жойланиши уларнинг систематикасида катта аҳамиятга эга (39- расм).

Жинсий кўпайиши оғогмия бўлиб, бу процесс мураккаб тузилган жинсий органлар орқали бўлади. Қызил сувўтларининг оғонийси **карпогон** деб аталади. У ингичка, чўзиқ бўғизли колбага ўхшаш бўлиб, ости қоринча, бўйни эса **трихогина** дейилади. Қоринча қисмида ядро ва хроматофоралари бўлиб, трихогина рангсиз протоплазма билан тўлган. Антеридийси бир ҳужайрали, рангсиз бўлиб, шохларининг учидаги, кўпинча, карпогон ёнида ёки бошқа тупда тўда-тўда ҳолда ўрнашади ва унинг ичидаги биттадан шарсимон, ҳаракатсиз эркак гамета — **спермаций** ҳосил бўлади.]

Спермаций етилгандан сўнг, сув оқими билан карпогонга етиб, унинг трихогинасига ёпишади ва ўз моддасини қоринчага тўқади. У ерда ядроси тухумҳужайра билан қўшилиб, зигота ҳосил қиласди, кейин трихогина сўлиб қолади. Зигота ривожланиб карпоспорага айланади. Карпоспоралар ўсиб, ундан янги индивид етилади. Карпоспоралар якка жойлашмай, кўпинча, уюм — **цистокарп** ҳосил қиласди. Қызил сувўтларининг кўпчилик турларида насллар навбатланиши такомиллашган бўлиб, спорофит

наслида тетраспора ҳосил бўлади. Ҳосил бўлниш олдидан у редукцион бўлинади. Шунинг учун тетраспоранинг ўсиши натижасида спермаций ва карпогонларни ҳосил қилувчи гаметофит вужудга келади, Жинсий гаметаларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган карпоспоралар диплоид хромосомали бўлади.

Қизил сувўтлар бўлими икки синфга: *Bangiophyseae* ва *Florideophyseae* синфларига бўлинади.,

## I. БАНГИЯНАМОЛАР СИНФИ—*BANGIOPHYSEAE*

Булар содда тузилган ва талломи кўпинча ипсимон ёки пластинкасимон бўлади. Хроматофори юлдузсимон бўлиб, одатда, битта пиреноидли, баъзан эса пиреноидсиз бўлади. Ҳужайралари плазмодесма билан ўзаро боғланмаган. Жинссиз кўпайиши моноспоралар воситасида жинсий кўпайиши эса оогамия йўли билан боради, урғочи жинсий органи — карпогонийсининг трихогинаси яхши тараққий этмаган.

## II. ФЛОРИДЕЯНАМОЛАР СИНФИ—*FLORIDEOPHYSEAE*

Бу синф вакиллари биринчи синф вакилларига қараганда анча мураккаб тузилган. Ҳужайралари ўзаро плазмодесмалар орқали бағланган. Хроматофорлари асосан пластинкасимон пиреноидсиз, фақат содда вакилларида гина юлдузсимон пиреноиди бўлади. Жинссиз кўпайиши тетраспоралар, баъзи содда вакилларида эса моноспоралар ёрдамида боради. Жинсий орган — карпогонининг трихогинаси яхши тараққий қилган.

Бангиянамолар (*Bangiophyseae*) синфининг вакили сифатида бангия ва порфирани оламиз.

*Бангия атропурпуреа* (*Bangio atrorugrigea*). Бунинг талломи шохланмаган, ипсимон, узунлиги 5—10 см бўлиб, субстратга ёпишган ҳолда ўсади. У ҳамма ерда, чучук сувларда, шу жумладан, Ўрта Осиёнинг тоб сойларида, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Андикон, Наманган каналларининг ариқчаларида шаршараларда, баъзан тегирмон новлари остида учрайди. Талломи қизғиши-қўнғир, бинафша, тўқ қизил ва кўкнор рангда бўлиб, тешикчалар орқали бир-бирига бирикмаган бир қатор дисксимон ҳужайралардан иборат. Ҳужайраларнинг кейинчалик бўйига қараб бўлинниши натижасида радиал тўсиқ вужудга келади ва кўп қатлам ҳосил қиласи. Жинссиз кўпайиши моноспоралар воситасида, жинсий кўпайиши эса оогамия йўли билан боради.


*Порфира* (*Rorophyra*). Бу чиройли, тўқ қизил рангли субстратга бириккан, узунлиги 20—30 см ли сувўт бўлиб, бизда шимолий ва жанубий денгизларда яшайди. Порфиранинг талломи жуда содда тузилган, унинг тараққий этиши ульванинг тараққий этишига ўхшайди. Талломи дастлаб ипсимон бўлади, ҳужайрасининг икки томонга қараб бўлиннишидан икки қават ҳужайрали нозик, юпқа пластиника шаклига киради.

**Флоридеялар** (*Florideophyceae*) синфиға **шантрансия** (*Chanttransia*), **немалион** (*Nemalion*), **батрахоспермум** (*Batrachospermum*), **делессерия** (*Delesseria*) лар киради.

**Шантрансия** (*Chanttransia*). Бунинг талломи қизгиш бинафша, кулранг ва кўкиш рангли, талломининг узунлиги 3—10 мм келади ва ипсимон шохланган бўлиб, тошларга ёпишган ёки эпифит сифатида Қора дengизда яшайди, баъзан чучук сувларда ҳам ўсади. Шантрансиянинг айрим тури Фарғона водийсидаги сойларда ва шаршараларда учрайди. Ҳужайралари цилиндрик қўши ҳужайралар билан тешикча орқали ўзаро боғланган.


Жинсиз кўпайиши моноспоралар, жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Жинсий процесс маҳсулоти — карпоспорадан ипсимон сувтларга ўхаш ўсимта вужудга келади ва вояга етгандан кейин моноспора ҳосил қиласди.

**Немалион** (*Nemalion*). Бунинг талломи пушти ранг, шилимшиқ, содда тузилган бўлиб, оддий ёки шохланган, узунлиги 10—



40-расм. Немалион — *Nemalion*:

1 — талломининг умумий кўрининши; 2 — талломининг кўндаланг кесими; 3 — карпогон ва интеридиалия шохчаси; 4 — оталанганди сўнг ҳосил бўлган цистокарп.



41-расм. Батрохоспермум — *Batrachospermum*:

1 — умумий күринши; 2 — ассимиляторларидаги иккита ҳалқа; ц — цастокарп.

20 см, субстратта ёпишган ҳолда жанубий денгизларда, бизда Қора денгизда үсади. Микроскоп остидан қарабанда унинг шохчаларида марказий ўзакни кўриш мумкин. У рангсиз ипчаларнинг тўпланишидан ҳосил бўлиб, улардан сершоҳ, радиал пушти раңгли ён шохчалар чиқкан (40- расм). Немалион, *Calitamnion* сувўтдан талломи ипининг икки хил бўлиши ва ўзаро қўшилиб, бирмунча мураккаб тузилган бутача ҳосил қилиши билан фарқланади.

*Батрохоспермум* (*Batrachospermum*). Бу қўнғир, кўкиш ва шилимшиқсимон, талломининг узунлиги 2—15 см келадиган нозик сувўт бўлиб, кўпинча, тоза, тиниқ, чучук сувларда, хусусача ҳовуз ва булоқларда, сув тагида нарсаларга ёпишган ҳолда яшайди. Ипсимон шохланган (41- расм).

Талломи йирик ҳужайралардан тузилган бош ўзак ипчаларидан ва унда ҳалқа бўлиб жойлашган ён шохчалардан иборат. Кейинги шохчалар мунчиқсимон майда ҳужайралардан тузилган бўлиб, уларда хроматофор ғоят кўп бўлиб, ассимиляция вазифа-



42-расм. 1 — дөлессериянинг умумий кўриниши; 2 — литотамнионнинг умумий кўриниши.

сини бажаради. Шунинг учун булар ассимиляторлар деб аталади.

Бош ўзак ипчалари бўлиниш хусусиятига эга, шуинг учун талломи бўйига қараб ўсади. Бош ўзагида бўғим оралиғидаги ҳужайра пўстида хлорофилл бўлганидац у кўк рангга киради. Шохчаларининг бўғимлараро ҳужайра пўсти ўзича қолади. Ҳужайра протоплазмасида пиреноидсиз пластинкасимон хроматофори бор. Батрахоспермумнинг жинсиз кўпайиши моноспоралар ёрдамида боради. Жинсий кўпайиши оогамия йўли билан боради. Ёзда жинсий орган — антеридий ва карпогонлар ҳосил бўлади. Жинсий элементларнинг қўшилиши натижасида, карпоспоралар уюмидан иборат ва кўриниши жиҳатидан итузумга ўхшашибистокарп пайдо бўлади.

**Дөлессерия (Delesseria).** Бу оч қизил рангли, ташқи қиёфаси жиҳатидан гулли ўсимликларга ўхшашибистокарп, узунлиги 30 см га етадиган «бутача» бўлиб, шимолдаги денгизларнинг чукур жойларида яшайди, Атлантика океанининг шимолий қисмларида ҳам ўсади\* (42-расм).

Талломи шохланган қисқа тана ва унинг учидан кетган лантессимон пластинкалардан иборат. Пластинка ости кичрайиб, барг бандига айланган ва юқори ўсимликларникига ўхшашибистокарп томирларга эга. Бунинг «барги», афтидан чин тўқималарга ўхшаса ҳам, аслида ҳужайра ипларининг ёnlари билан қўшилишидан ҳосил бўлган.

Флоридиялар синфига литотамнион (*Lithothamnion*) ҳам киради (42-расм, 2). Литотамнион шимолий денгизларнинг чукур жойларида яшайди, ҳужайра пўсти орқали кўп миқдорда оҳак ғингдириб олади. Ешлигига пўстлоқ ҳолида бўладиган ва кейинчилик буғи шохларига ўхшашибистокарп бутоқланиб кетадиган чиройли, қизил, қаттиқ талломи маржонга ёки бир бўлак тошга ўшайди,

Шунинг учун у, литотамнион, яъни «тош бутача» деб аталган. *Литотамнион литофиллум* (*Lithophyllum*) авлодга қарашли турлар билан биргаликда денгиз тагида маржон қояларни ҳосил қилишда актив қатишаши.

**Қизил сувўтларнинг келиб чиқиши.** Қизил сувўтлар, асосан, денгиз ва океан сувўтлар бўлиб, уларнинг фақат ўйлабгина турлари: бангна, батрахоспермум, шантрансия, немалион ва бошқалар чучук сувларда яшайди. Булар жуда қадимги сувўтлар бўлиб, қазилма қолдиқлари Юра, ҳатто, Кембрый даврига оид қатламларда топилган.

Қизил сувўтларнинг келиб чиқиши ҳам аниқланган эмас. Буларда зооспоралар бўлмаганилиги учун хивчинилардан келиб чиқсан деб айтиб бўлмайди. Қизил сувўтларда зооспораларнинг бўлмаслиги, хроматофорларида фикоциан ва фикоэритрин бўёқларнинг мавжудлиги бу бўлимнинг кўк яшил сувўтлар билан боғлиқлигидан далолат беради. Аммо, қизил сувўтлар хужайра ва талломининг дифференцияланган тузилишга эга бўлиши билан кўк-яшил сувўтлардан кескин фарқ қиласди. Бу икки бўлим ҳозирча бизга номаълум бўлган оралиқ группалар билан боғланган. Қизил сувўтлар бўлими эволюцион процессда мураккаблашган ва дифференцияланган бўлишига қарамай, улардан сувўтларнинг янги шахобчалари ҳосил бўлган эмас.

### **Сувўтларнинг табиатдаги роли ва кишилар ҳаётидаги аҳамияти**

Сувўтлар табиатда жуда кенг тарқалган. Улар шимолий қутбдан тортиб жанубдаги тропик мамлакатларгача, океан, денгиз, кўлларнинг чуқур тагларидаги-текисликдан тортиб баланд тоғ чўққиларида ҳам учрайди ва турли экологик шароитда сувда, тупроқда, тақир ерларда, қояларда, қор, муз тагларida, иссиқ булоқларда ва дараҳт қобиқларida ўсади.

Сувўтлар яшаётган сув ҳавзаларида ниҳоятда кўп биомасса ҳосил бўлади. Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, океанларда яшайдиган сувўтларнинг фотосинтез қилиши натижасида ҳар бир гектарда вужудга келадиган биомасса миқдори ўрта ҳисоб билан, қуруқликда бир га ердан олинадиган экинлар маҳсулотига қараганда икки ҳисса ортиқ.

Бу «дengiz яйловларидаги» биомассанинг химиявий таркиби ҳар хил бўлиб, кишилар фаолиятида, шунингдек, ҳайвонлар океан, денгиз ҳавзалари ҳаётida катта рол ўйнайди.

Кишилар ва қуруқда яшовчи ҳайвонларнинг ҳаёти кислород ва озиқ-овқат манбани бўлган қуруқликдаги ўсимликлар билан боғлиқ бўлганидек, сув ҳавзаларидаги сон саноқсиз ҳайвон турларининг, жумладан, балиқларнинг ҳаёти ҳам сувўтлар билан чамбарчас боғлиқ. Агар сувўтлар бўлмаса, балиқларгина эмас, сув ҳавзаларидаги барча ҳайвонлар ҳам ҳалок бўлар эди. Ҳайвонларнинг озиқланишида, хусусан, планктон ҳолда, яъни ҳеч

қаерга бирикмасдан, сувда осилган ҳолда яшовчи сувўтлар катта аҳамиятга эга. Планктон организмлар, бундай қаралганда мўл бўлиб кўринмаса ҳам, аслида улар жуда кўп ва сон-саноқсизdir. Масалан, 1 см<sup>3</sup> сувда яшовчи хлорелла сувўтининг сони 40 000 000 га етади. Планктон организмларнинг сони ва таркиби балиқчилик ҳўжалигини тўғри ташкил этишда алоҳида аҳамиятга эга. Балиқларни учрчиши учун сув ҳавзалари танланганда ундаги планктон организмларнинг таркибига қаралади. Ҳамма сув ҳавзаларида планктон сувўтларнинг таркиби йилнинг мавсумларига, ҳатто мавсумнинг ойларига қараб ҳам ўзгарили. Баъзи ҳавзаларнинг планктони баҳорда хризомонадалардан, кейинроқ диатом сувўтлардан, сувнинг илиши билан кўк-яшил сувўтлардан, ёзда эса, бир ҳужайрали яшил сувўтлар, август ва сентябрь ойларида қайтадан диатом сувўтларидан, қиши бошлиниши олдидан яна хризомонадалардан иборат бўлади. Сувўтларнинг бир неча турлари индикаторлик вазифасини бажаради. Усанган сувўтларнинг турларига қараб, сувларнинг ифлос ва тозалик даражаси ҳақида тасаввур қилиш мумкин.

Сувўтлар жуда кўп биомасса ҳосил қиласи. Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, планктон сувўтлардан ҳосил бўлалиган биомассанинг миқдори ҳавзаларнинг хилига қараб турлича бўлади. 1 м<sup>3</sup> сувдаги биомассанинг миқдори Арктика дengizlariда 6—14 г, Каспий дengизи қирғоқларида 100—140 г, Азов дengизida ёз ойларида 270 г гача етади. Баренц дengизида субстратга ёпишган ҳолда яшовчи сувўтлардан ламинария ўзорлари 1 м<sup>3</sup> сатҳда 8 кг, қўнгир сувўтлар 16 кг ҳўл биомасса беради. Бу сувўт турларининг ўзи дengизнинг жанубий қисмида, шу сатҳдан ўрга ҳисоб билан 26 кг, баъзан эса 34 кг гача биомасса ҳосил қиласи. Аммо, чучук сувда яшайдиган сувўтларнинг биомассаси дengизларда ҳаёт кечирувчиларнидан оз бўлади. Масалан, ҳамма ерда энг кўп тарқалган кладофоранинг 1 м<sup>3</sup> сатҳга берадиган биомассасининг миқдори 3 кг ёки қуруқ ҳолда 300 г га боради, холос.

Сувўтлардан ҳосил бўладиган органик моддалар миқдори жуда кўп. Ердаги органик моддаларнинг оғирлиги 1 000 000 млд т чамаланади. Бундан 9/10 қисмини, асосан, ернинг сув қобигида яшаган сувўтлар ва улардан бевосита ёки бавосита ҳосил бўлган бошқа органик моддалар ташкил этади.

Сувўтлардан турли соҳаларда фойдаланилади. Кишилар сувўтлардан овқат, молларга ем-хашак сифатида, дехқончиликда ўғит ўринида ишлатилади. Саноатнинг турли тармоқларида хом ашё базаси бўлиб ҳисобланади.

Сувўтларни овқат сифатида истеъмол қилиш Корея, Хитой ва Японияда кенг расм бўлган. Масалан, дengиз сувўтлардан ламинария, порфира, немалион, ульва, чучук сувларда ва қурғоқ ерларда бўладиган носток, сўнгги йилларда хлорелла пиширилган ҳолда истеъмол қилинади. Сувўтларда ёғ кам бўлса ҳам, оқсил углевод ва витаминлар кўп бўлади. Уларда витамин-

ларнинг кўп бўлиши Арктикада яшовчиларни «С» витамини билан таъминлашда катта роль ўйнайди. Умуман, сувўтлар орасида заҳарли турлари бўлмаганидан, уларнинг жуда бемаза ва дағал турларидан бошқа ҳаммаси ҳам овқатга истеъмол қилиниши мумкин. Сандвич оролларида ўсадиган 115 тур сувўтдан 60 турини, яъни ярмидан кўпроғини аҳоли истеъмол қиласди.

Сувўтлар қишлоқ хўжалигида ўғит сифатида ишлатилишидан ташқари, чорвачиликда ҳам фойдаланилади. Норвегия, Исландия, Шотландия, Ирландия ва Англияning денгиз қирғодаги жойларда, бизда Мурманскда уй ҳайвонлари сувўтларни ейишга ўргатилган. Сувўтлар моллар учун яхшигина ем-харакадир, чунки улар ўзларининг химиявий таркиби жиҳатдан юқори сифатли харакадан қолишмайди, уни қўй ва эчкилар жуда ҳам севиб ейди.

Сувўтлар билан боқилганда, сигирларнинг сути кўпаяди, қўйларнинг гўшти юмшаб, мулоимлашади, чўчқалар тез ва яхши семиради. Сувўтлар кўпинча, молларга терт қилиб берилади. Ўзбекистоннинг талай районларида чорва фермаларида қўй ва чўчқаларни тез семиртириш мақсадида алоҳида жойларда ўстириб кўплайтирилган хлорелла аталаси бериб боқилади. Кўпгина мамлакатларда сувўтлар дуруст ўғит сифатида дехқончиликда ҳам ишлатиласди. Ўғит ўрнида ишлатиладиган сувўтларнинг таркибида фосфор, калий ва азот биринчмаларидан ташқари, сийрак микроэлементлардан йод ва миъяқ ҳам бўлади. Сувўтларнинг талломида, кўпинча, азот тўпловчи бактериялар яшайди. Бу ҳол ўғит сифатини янада яхшилади. Синаш мақсадида ўтказилган тажрибалардан маълумки, кўк-яшил сувўтлар билан ўғитланган ерларда тупроқдаги азот миқдори гектарига 50—205 кг ортган. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Ботаника институтида лойқалар билан ўғитлаш соҳасида қилинган тажриба участкасидаги Ғўзанинг ҳосили контрол участкадагига қараганда 75%, помидорники эса 46% ошганлигини кўрсатди.

Ипсимон яшил сувўт — кладофорадан яхши қофоз, картонлар тайёрланади. Кладофоранинг табиий запаси жуда катта. Масалан, Омск билан Новосибирск ўртасидаги Чан кўли ёз мавсумидаги тўлқинларда 10 минг тонналаб кладофорани қирғоққа чиқарив ташлайди. Булар Новосибирскка яқин қофоз заводида қофоз тайёрлаш учун ишлатиласди.

Саноатда сувўтлардан йод, бром олинади. Сувўтларнинг кулида йод ва бром кўп бўлиб, баъзи сувўтларда йоднинг миқдори 0,5% дан 2,5% гача боради, яъни 1 кг кулдан 5 г дан 20 г гача тоза йод олиш мумкин. Кулнинг  $\frac{1}{3}$  қисмини калий тузлари ташкил этади. Сувўтларни қуруқ ҳайдаш натижасида кўмир, смола, креозит, ёғоч спирти, ацетон олинади. Қорамтир сувўтларнинг баъзиларидан алъгин кислота олинади. Алъгин кислота денгиз сувўтлардан олинадиган маҳсулотнинг энг қимматлисиadir. Алъгин кислотанинг натрийли тузи ўзининг ёпишқоқлик хусусияти жиҳатидан гуммиарабикка нисбатан 37 марта, крахмалга нис-

батан 14 марта ортиқроқ туралди. Альгин кислотада ана шундай хусусият бўлганлигидан, у тўқимачилик саноатида газламаларга ва қофоз саноатида қофозга пардоз бернишда, кучли елим талаб қилувчи саноатда, жумладан, пластмасса саноатида эса асосий хом ашё сифатида ишлатилади.

Қизил сувўтлардан (гелидиум, лауренция, сциносифон, филлофора, анфельциядан) агар-агар олинади. Агар-агар ҳўл ҳолида оқ ёки сарғиши тусли ивиқ моддадир. У қуритилиб, яесси пластинка ёки куб шаклига келтирилган ҳолда сотилади. Қуритилган агар-агар сувда яхши эрийди. 1 л сувга агар-агардан 20 г солингандан ҳам ундан ҳосни бўлган ивиқ қаттиқ бўлади. Бу модда овқат саноатида мармелад, пастила (чалпак), мороженое тайёрлашда кўпроқ ишлатилади. Агар-агар лабораторияларда бактерия, замбуруғ каби ўсимликларни ўстириш учун озиқ сифатида ҳам қўлланилади. Қизил сувўтлардан гигартина ва хондруус, қўнғир сувўтлардан «денгиз карами» медицинада ишлатилади.

Сапропель кўлмак ҳавзалардаги планктон сувўтларнинг ва бошқа микроорганизмларнинг ҳалок бўлиб, ҳавза тагига чўккан чиринди қолдиқлари тўпламидан иборат органик лойқалар бўлиб, Сибирда кўп тарқалган. Сапропель ҳозир чорвачиликда озиқ-овқат маҳсулоти сифатида кўп ишлатилади. Қуруқ ҳайдаш йўли билан ундан смола, газ, кокс олинади. Бу маҳсулотлардан, ўз навбатида, бензин, керосин, оғир мой, лак, органик кислоталар, аммиак ва бошқа нарсалар олинади.

Диатом сувўтлар совутлари тўпламидан ҳосил бўлган ва диатомит ёки «тоғ уни» деб аталадиган чўкма тоғ жинсларидан саноатда изоляция материали сифатида фойдаланилади. У суюқликни ўзига сингдириш хусусиятига эга бўлганидан, динамит тайёрлашда ишлатилади, қурилиш материали сифатида фойдаланилади. Диатомит суюқ шиша тайёрлашда ҳам ишлатилади. Парҳез овқат сифатида фойдаланилади.

Сувўтлардан тўғри фойдаланилганда улар халқ хўжалигига катта фойда келтиради. Улардан келадиган фойданинг қай дараҷада эканлиги ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш учун тубандаги маълумотларни келтирамиз.

Қилинган ҳисобларга кўра 100 000 т сувўтдан тубандаги миқдорда ҳар хил маҳсулотлар олиш мумкин:

альгин кислота — 4000 т

маннит кислота — 1000 т

йод — 20 т

калий тузлари — 1000 т

Сувўтларнинг баязи турлари паразитлик билан яшashi ёки заҳарли бўлиши билан бирмунча зарар ҳам келтиради.

Масалан, шимолий дengizларда яшовчи қизил сувўт — *харвиелла* (*Naguivella*) ўша ерда яшовчи *родомелла* (*Rhodomella*) деб аталадиган қизил сувўтда паразитлик қилиб яшайди. Харвиелланинг паразит ҳолда яшashi натижасида хроматофори

Йүқөлгөн бўлиб, замбуруғларга ўхшаш, бошқалар ҳисобига озиқланади. Бундай паразит турлари бошқа сувўтлар орасида ҳам мавжуд.

Ширик талломли сувўтлар орасида заҳарлилари бўлмайди, аммо, баъзи микроскопик турлари ичидаги заҳарлилари ҳам учрайди. Бундай заҳарли сувўтларга кўк-яшил сувўтлардан *микроцистис токсика* яққол мисол бўлади. Булар ҳайвонларни бевосита заҳарламаса ҳам бавосита таъсир қиласади. Масалан, баъзи хиллари тез кўпайиб сувни жуда кўкартириб юборади, бу эса ҳайвонларга заҳарли таъсир этиши мумкин. Шунингдек, кўкариб кетган сувлар билан сугорилган уй ҳайвонлари ҳалок бўлиши мумкин.


## ШИЛИМШИҚЛАР ЁКИ МИКСОФИТАЛАР БҮЛИМИ— МУХОРНУТА

Шилимшиқлар тубан ўсимликларнинг бир гурӯҳи бўлиб, содда тузилиши билан амёбасимон организмларга ҳам ўхшайди. Бу бўлимга замбуруғлар сингари сапрофит ва паразит озиқланадиган ўзига хос тузилишга эга бўлган 400 дан зиёдроқ тур киради.

Шилимшиқларнинг вегетатив танаси **плазмодий** деб аталади. Плазмодий кўп ядроли, яланғоч цитоплазма ўюмидан иборат бўлиб, у амёбасимон актив ҳаракат қила олиш қобилиятига эга. Плазмодийси ташқи муҳит таъсирини бир бутун ҳолда сезади (43-расм).

Плазмодий ёлғон оёқлар чиқариш ёки ўз моддасини бошқа томонга ҳаракатлантириши билан ёруғликдан қочиб овқат ва нам манбаи томонга ҳаракат қиласди. Шилимшиқларнинг плазмодийси секин оқиб бориб, қаттиқ овқат бўлакчаларини ва органик модда қолдиқларини айланасига ўраб олади ва уларни ютиб ҳазм қиласди. Баъзилари плазмодийининг диаметри бир метрга етади. Плазмодийнинг тузи турли рангларда бўлиб, қаймоқсиз мон аталага ўхшайди. Улар ҳаётининг кўп даврини плазмодий ҳолда ўтказади. Шилимшиқлар плазмодийисида ҳужайра пўсти бўлмаганлигидан, улар протоплазманинг химиявий таркибини ўрганишда энг қулай объект ҳисобланади.

Шилимшиқлар споралар ёрдамида кўпаяди. Споралар ҳосил қилиш олдидан плазмодийси аксинча ёруғ ва намсиз қуруқ ерга қараб силжиб, субстрат сиртига чиқиб, ёлғон оёқларини йиғиштириб олади ҳамда ҳаракатдан тўхтайди. Танасидаги сувини йўқотиб, қуруқ ўумга — **меватана** айланади. Меватана микроскопик споралар етиладиган целлюлоза пўстли спорангийларга айланади. Спорангий периодий



43-расм. Мухорфута:

1 — миксомицет плазмодийининг бир касми;  
2 — спорасининг ўзи; 3 — зооспораси.

деб аталаған қалин, структурасыз тузылған қобиқ ва унинг ичидаги споралардан ҳамда **қапилиций** деб аталаған спирал ипчалардан иборат. Спорангийлар құнғир, пушти сариқ рангли шарсімөн нұхатдек ёки құнғироқдек формаларда бўлиб, якка-якка бўлмай, кўпинча зич тўда ҳосил қиласди. Спорангийнинг тұдаси **эталий** деб айтилади.


Спорангий етилиши билан қобиғи парчаланиб, ичидан қорамтирик микроскопик майдада, чанг-тўзон каби споралар чиқиб тарқайди. Споралар қулай шароитга, яъни сувли, нам ерга тушиши билан бир ёки иккиси хивчинли зооспораларга айланади. Улар оддий бўлинниш йўли билан кўпаяди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин зооспоралар хивчинини йўқотиб, бир ядроли протоплазма уюми **амёбоид** ёки **миксоамёбага** айланади. Миксоамёбаларнинг яланғоч ҳужайралари ёлғон оёқлар чиқариб силжийди ва бир-бiri билан қўшилади. Миксоамёбанинг бўлиннишидан ҳосил бўлган насллар ҳар хил жинслилик хусусиятига эга. Уларнинг гаплоид ядролари жуфт-жуфт бўлиб қўшилади ва диплоид миксоамёба ҳосил бўлади. Шунингдек, миксоамёбалар цитоплазмасининг қўшилиши натижасида кўп ядроли умумий плазмодий ёки вегетатив тана вужудга келади. Вегетатив тана етилгандан сўнг яна споралар ҳосил қилишга ўтади. Бунинг олдида ядролари редукцион бўлинади, чунки вегетатив тана шилемшиқларнинг диплоид фазасини, спора, зооспора, миксоамёба эса гаплоид фазасини ташкил этади. Плазмодийнинг диплоидли ядроси спораларга айланishi олдида редукцион бўлинади.

Шилемшиқларнинг кўпчилиги сапрофит бўлиб, чириётган ўсимлик қолдиқларida, тўнгакларда, эски дараҳт қобиқларida ва заҳ ерларда, ўсимлик пўстлоқларida яшайди.

Шилемшиқларнинг сапрофит турларидан бири — *ер ёғи* (*Fuligoseptica*) дир. Уни кўпинча ёз ва кузларда эски, чириётган тўнкаларда, дараҳт пўстлоқларida ва оранжериялардаги чириндиларда учратиш мумкин. Спорангийси ўзаро қўшилиб оқимтири, кулранг, сариқ, ҳатто қизил рангли ва мурт қобиқли меватана ёки **эталий** деб аталаған массага айланади. Унинг пўсти ёрилиши билан ичидан юмшоқ қорамтири чанг — споралар чиқиб тарқалиб, оранжерия ўсимликларини ҳалок қиласди.

Буларнинг яна бошқа бир вакили сифатида *ликогала* (*Lycogala*)ни олиши мумкин. Бу ҳам тўнгакларда, чириётган дараҳт таналарida, ердаги ўсимлик чириндиларida яшайди. Плазмодийси ва меватанаси қизил рангли бўлиб, намроқ ўсимлик чириндиларда вужудга келади. Тухумсімөн спорангийси — тўда-тўда бўлиб, диаметри 1 см га боради, ёзда тўнгак ва ёғочларда вужудга келади.

Булар орасида паразит ҳолда яшовчилари ҳам бор; бунга *карамкила* (*Plasmodiophora brassicae*) киради. Карамкила плазмодиофороадошлар (*Plasmodiophoraceae*) оиласидан бўлиб, карам ва бутгуллилар оиласининг бошқа вакиллари илдизини касаллантиради. Бу паразит билан касалланган карам нормал



44-расм. Плазмодиофора — *Plasmiodiophora brassicae*:

1 — кила билан заарлганган карамнинг илдиз системаси; 2 — заарлганган илдизнинг кесими кул ранг маддали йирик хужайраларда плазмодий бўлади; 3 — плазмодийнинг спорага бўлганиши.

ўсаётган карамга қараганда нимжон бўлиб, бош ўрамайди. Касаллик бошланishi билан илдизнинг паренхима ҳужайралари кучли ўсади ва қингир-қийшиқ бўлиб йўғонлашади, илдизда эса кила деб аталадиган оқимтири-сарғиш шишлар пайдо бўлади (44-расм).

Шиш пайдо бўлган илдизлар чириб ёрилади. Ичидаги карамкила споралари тупроққа чиқади ва тупроқни ҳам касаллантиради. Бу касаллик даставвал ўтган асрнинг 70-йилларида М. С. Вороний (1836—1922) томонидан биринчи марта тасвирланган ва батафсил ўрганилган. Карам илдизидаги плазмодиофорада икки насл бўлади. Унинг ривожланиши спораларнинг ўсишидан бошланади. Шишлардаги ҳисобсиз споралар ўсиб, бир хивчинли зооспорага айланади. Зооспорал эса илдиз тукчала-



C. Воронин

рини топиб, унинг ичига киради. Хивчинини тортиб амёбоид ёки миксоамёбага айланади. Шу даврда улар чин амёбага ўхшаш бўлганида уларга **амёбоид** ёки **миксоамёба** номи берилган. Миксоамёба хўжайин ўсимликнинг тўқимасидаги моддалар ҳисобига яшайди ва массаси тобора кўпайиб боради. Ядрои ҳам бир неча марта бўлиниб, кўп ядроли плазмодий ҳосил қиласди. Плазмодий массаси кўпайгандан кейин споралар пайдо бўлади. Бунинг олдидан плазмодий битта ядро ва протоплазмадан иборат бўлган бир қанча зооспорангийларга айланади. Ҳар қайси зооспорангийнинг протопласти редукцион бўлиниб, тўртта ёки саккизта зооспора ҳосил қиласди.

Бу зооспоралар илдиз тукчаларидан илдизнинг пўстига ва ҳужайраларнинг интенсив бўлиниш зонасига ўтади. Бу зооспоралар ҳам миксоамёба шаклини олади. Улар ядроининг жуда бўлиниб кетиши натижасида ҳосил бўлган кўп ядроли миксоамёба бир ядроли ва протоплазмали қисмчаларга ажралади. Бу қисмчалар илдизнинг ўсиш зонасидаги ҳужайралар ичига киради. Меристема ҳужайрасида паразитлик билан яшётган миксоамёбалар ҳужайра деворчасининг емирилиши билан ўзаро қўшилади. Буни ўзига хос жинсий процесс деб аташ мумкин. Бу процесс шундан иборатки, ядро хроматинлари протоплазмага чиқиб, у ерда тариқ шаклини олади. Хроматин ўз жойини бирор тарзда алмаштирганидан сўнг яна ядрога ўтади.

Миксоамёба қўшилиши ва хроматинларининг жой алмаштириши вақтида ўзларининг диплоид фазаларини қайтадан тиклайди. Диплоид плазмодийнинг танаси ҳам бир ядроли протоплазмали участкаларга бўлиниб, спорангийга айланади. Спорангий ичидаги зооспора эмас, тинчлик даврини кечирувчи споралар ҳосил бўлади. Бу процесс кузда рўй беради. Агар кила билан касалланган ўсимлик илдизи кузда тупроқда қолган бўлса, эрта баҳорда нам тупроқда илдиз пўстлоқлари парчаланиб, ичидаги споралар тупроқга тушади. Тупроқдаги намликда униб, зооспорага айланади; зооспора сувда ҳаракат қиласди ва ҳар томонга тарқайди.

Рус олимларидан проф. П. А. Генкель 1948 йилда *плазмодиофора brassicae* спорасини сунъий шароитда ундиришга мувафф

фақ бўлди. Тажриба шуни кўрсатдики, спора унгандаги ичидан миксоамёба чиқади. Шунга кўра П. А. Генкель плазмодиофора брассиканинг тараққиётида зооспора даври бўлмайди, деб кўрсатади.

Миксоамёба баҳорда экилган соғ карам илдизларидагина эмас, шолғом, хашаки лавлаги ва шу каби бошқа маданий ўсимликлар илдизига ҳам ўтиши мумкин. Бинобарин, карам киласи билан курашишнинг рационал йўли — карам киласи билан зарарланган карам илдизини баҳоргача, яъни миксоамёбалар пайдо бўлгунча қолдирмай, кузда кавлаб олиб, куйдириб ташлашдан, тупроқни формалин билан дезинфекциялашдан ва алмашлаб экишни тўғри амалга оширишдан иборат бўлиши лозим.

**Шилимшиқларнинг келиб чиқиши.** Миксофитлар озиқланиш жиҳатидан тубан замбурургларга бирмунча ўхшаса ҳам, баъзи ботаникларнинг далил ва фактларига қараганда, уларнинг келиб чиқиши, плазмодий ҳосил этадиган гетеротроф хивчиниллар билан боғлиқ. Ҳозирча бу масала очиқ ҳал этилмаган.

## ЗАМБУРУГЛАР БҮЛİMİ--FYNGI

Замбуруглар тубан ўсимликлар орасида сони жиҳатдан энг катта бўлим ҳисобланиб, 100 мингдан ортиқроқ турни ўз ичига олади ва ўсимликлар систематикасида алоҳида ўрин тутади.

Замбуругларнинг бошқа яшил ўсимликлардан фарқи: 1) пластидлари бўлмайди; 2) хлорофиллсиз организм бўлганидан ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларида ҳамда тирик тўқималарда яшаб, улар ҳисобига сапрофит ёки паразит озиқланади; 3) кўпчилиги аслида сув муҳитидан чиқсан бўлса-да, асосан, қуруқ ерда ҳаёт кечиради.

Замбуругларнинг кичик бир гуруҳи сувўтларга ўхшашиб сувда ҳаёт кечиради, қолганлари эса ер юзида, қуруқ шаронтда яшайди.

Замбуругларнинг вегетатив танаси **мицелий** деб аталади. Мицелий гифа деб аталадиган ингичка ипчалар йигиндисидан иборат. Гифалар қисқа ёки узун, оддий ёки шохланган бўлади ва учларидан шохлайди. Мицелий бир ёки кўп ҳужайрали ҳамда биринки ва кўп ядроли бўлади.

Мицелий гифалари жуда ингичка бўлиб, кўндаланг кесими 1—15, кўпинча 5—6 микрон, узунлиги эса баъзан, бир неча метрга етади.

Мицелий субстратга кириб, у ерда ҳар томонга радиал ўсади, тармоқланади, натижада вегетатив тана сатҳи жуда тез каталашади.

Мицелийлар субстрат ичидаги ривожланса, **эндоген**, аксинча субстрат бетида ўssa, **экзоген** мицелий дейилади.

Замбуруғларнинг кўпчилигига эндоген мицелий бўлади, уларнинг ҳаёти учун қулай бўлиб, озиқ моддалар билан мўл таъминланишга кенг имкон беради ҳамда мицелийни температуранинг кескин ўзгаришидан, совуқда музлаб, иссиқда қуриб қолишдан сақлади.

Мицелий ҳужайралари пўст, протоплазма ва ядродан иборат бўлади. Тубан замбуруғларнинг ҳужайра пўсти клетчаткадан, юқори замбуруғларники эса таркиби жиҳатидан углеводга яқин бўлиб, унга ҳашарот хитинига ўхшашиб азотли моддалар ҳам қўшилган. Протоплазмаси бошқа ўсимликларнига ўхшайди, аммо ичидаги қандай пластидлар бўлмайди.

Замбуруғларнинг ядроси жуда майда бўлади. У тубан замбуруғларда жуда кўп, юқори замбуруғлар ҳужайрасида эса битта

ёки иккита бўлади, баъзан буларда ҳам кўп бўлиши мумкин.



Замбуруғларда запас озиқ модда сифатида химиавий таркиби жиҳатдан крахмалга яқин гликоген тўпланади, уларда ёғ томчилари ҳам бўлади. Булардан ташқари, яна майда таначалар шаклида протоплазмада сочилик ҳолда волютин оқсли ҳам учрайди.

Мицелийсининг тузилиши ва кўпайишига қараб, замбуруғсимонлар тубан ва юқори замбуруғларга бўлинади. Тубан замбуруғлар мицелийсида тўсиқлар бўлмайди, умман, уларниң вегетатив танаси сувўтлардан вошерияга ўхшаб, бир қанча ядрои бор яхлит улкан битта ҳужайрадан тузилган бўлади (45-расм). Жинсий кўпайиши сувўтларникига ўхшайди.

Юқори замбуруғларда мицелий тўсиқли, яъни кўп ҳужайрали бўлади. Ҳужайраси эса, юқорида айтганимиздек, бир, икки ядроли, баъзан кўп ядроли бўлади. Жинсий кўпайиши эса ғоят


ядроли, баъзан кўп ядроли бўлади. Редукциялангандир. Кўпчилик замбуруғларниң вегетатив танаси анча мураккаб тузилган. Уларниң спора ҳосил қилувчи органи бўлган меватана ҳам мицелий гифаларининг ўзаро зичлашиб, биррикаб ўсишидан ҳосил бўлади, бундай тананинг кўндаланг кесими тузилиши жиҳатидан доимий тўқимага ўхшайди. Бу сохта тўқима ёки плектенхима дейилади. Сохта тўқима дейилишига сабаб шуки, уларниң ҳужайраларини ўзаро бириттириб турувчи плазмодесмалар бўлмайди. Ҳужайралари чин тўқималарникига ўхшаш ҳар томонлама бўлинмайди.

Юқори замбуруғларниң плектенхимаси маълум даражада қопловчи, ўтказувчи ва запас озиқ тўпловчи тўқималарга дифференцияланган бўлади.



45-расм. 1 — мукорининг бўғимсиз мицелийси;  
2 — пенициллиумнинг бўғимли ёш мицелийси.

ядроли, баъзан кўп ядроли бўлади. Редукциялангандир.



46-расм. 1 — пивотуруш замбуруғи ҳужайра куртагининг занжири; 2 — опёнокнинг ризоморфаси; 3 — ризоморфадан опёнок мева таасининг тараққий этиши; 4 — шохкуянянг склероцийси.

Үтказувчи түқималарга бაъзи замбуруғларда, шу жумладан опёнок замбуруғида учрайдиган, тасмасимон, ингичка, аммо узунлиги бир неча метрга чўзилган ўсимта — ризоморфа яқол мисол бўлади (46-расм, 2). Унинг сирти параллел кетган қора пўстли гифалардан, ичи эса юпқа оқ пўстли гифалардан тузиленган. Ризоморфалар илдиз вазифасини бажаради (46-расм, 3).

Запас озиқ тўпловчи түқималарга склероций мисол бўла олади. У сувсизланган гифалар йигиндисидан иборат, запас озиқ моддаларга жуда бой шохсимон ўсимтадир. Склероций ноқулай шароитни осонгина үтказишга хизмат қиласди (46-расм, 4).

Кўп замбуруғларнинг мицелийси ноқулай шароитда тинчлик даврини кечиради ва бу даврни кечиришга ўтиш олдидан бир-мунча қурийди. Шу билан унда ферментация процесслари ҳам тўхтайди, қулай шароитга тушиши билан ундан мицелий ёки меватана ҳосил бўлади.

Замбуруғлар ҳаёт циклининг қисқа ва узоқ бўлишига қараб, бир йиллик, икки йиллик ва кўп йилликларга бўлинади.

Бир йиллик замбуруғлар кўп эмас. Уларнинг ҳаёт цикли бир йилга бормай тугайди. Сув замбуруғларидан сапролегия юксак замбуруғлардан бүғдой тошкуяси, арпа тошкуяси ва бошқалар шу хил замбуруғлардан ҳисобланади. Икки йилликларга юқори ўсимликларда паразитлик қилиб яшовчи талсӣ замбуруғлар киради. Улар одатда юқори ўсимликларнинг вегетацион даври бошланиши билан тирик түқималарга ўтиб, у ерда тараққий эта бошлайди. Лекин мицелийси ҳалок бўлмайди, ўсимликнинг ўлик түқималарида сапрофитлик билан баҳоргача яшайди. Кўклиамда шу ўсимликнинг ўзида спораларидан бир хили ривожланади ва ҳаёт циклини тугаллайди. Бунга зант замбуруғи ва шу

сингарилар мисол бўлади. Замбуруғларнинг аксари кўп йиллик бўлиб, дарахтларнинг тирик ёки ўлник ёғоч қисмида ва тўқималарида, ўт ўсимликларнинг тана, илдиз, илдизпоя ва пиёзбошларида паразитлик билан яшайди ва уларни ҳалок қилади Муҳитнинг ўзгариши билан баъзи турлари, паразитликдан сапрофитликка ўтиб, ҳалок бўлган организмнинг органик моддалари ҳисобига озиқланади. Кўп йиллик сапрофитлар тўнгакларда, илдизларнинг ерда қолган қисмларида, тўсинларда, шпалларда, кўпроқ ёғочларда учрайди. Сапрофит замбуруғлар тупроқда, ососан, чириндиси кўп тупроқда ва гўнгларда учрайди. Улар органик моддаларни минераллаштиришда бактериялар билан биргаликда актив иштирок этади.

Замбуруғларнинг озиқланиши осмос йўли билан боради, яъни озиқ моддаларини вегетатив тананинг ҳамма сатҳи билан субстратдан сўриб олади. Ташқи муҳитдан озиқ моддалар олиш, баъзан шу вазифани бажаришга мослашган гифалар, ризоидлар ва сўргичлар ёрдамида ҳам бўлади. Масалан, пўпанак замбуруғ ризоидлари билан, занг, қоракуя замбуруғлари сўргичлари билан сўради.


Замбуруғларда моддалар алмашинуви натижасида турли запас озиқ моддалар, оз бўлса ҳам полисахаридлардан гликоген, споралар таркибида кўпроқ ёғлар тўпланади. Моддалар алмашинуви процессида улар ўзларидан ташқарига смолосимон, кристалланган моддалар ва пигментлар чиқаради.

Замбуруғларнинг қуруқликда яшашга мосланиши уларнинг кўпайиш органларига кучли таъсир кўрсатган. Кўпайиш органлари одатдагича мицелий яшаган субстрат ичидаги содир бўлмасдан, аксинча, сиртида, яъни ҳаво муҳитидаги вужудга келади.

**Замбуруғларнинг кўпайиши.** Замбуруғларнинг кўпайиш йўллари жуда хилма-хилдир, бу ҳол уларнинг ҳар хил экологик шароитда яшашга мосланишидан келиб чиқсан.

Замбуруғлар вегетатив, жинссиз ва жинсий йўллар билан кўпайди. Аммо, уларнинг тараққиётидаги вегетатив ва жинссиз кўпайиши устунлик қилади. Жинсий кўпайиши фақат сув замбуруғларидагина яхши сақланган. Қуруқда яшовчи юқори замбуруғларда эса ниҳоятда редукцияланган.

**Вегетатив кўпайиши.** Замбуруғларда вегетатив кўпайишнинг хиллари ҳам тоят кўп бўлиб, унинг асосийлари қўйидагилардир: ① мицелийсининг узилиб чиқиб, ўсиб мустақил индивидга айланади (47- расм). ② Оидийлар воситаси билан кўпайиши. Бунда мицелий гифасининг учлари бир қанча айрим ҳужайраларга бўлинади (47- расм, 2). Ҳосил бўлган ҳужайра тараққий этиб янги мицелийга айланади; ③ хламидоспоралар билан кўпайиши. Бу оидийга ўхшаш ҳосил бўллади (47- расм, 1). Лекин ҳужайрасидин дастлабки пўсти ичидаги қалин иккиласми пўст ҳосил бўлади. [Хламидоспораларда запас озиқ моддалар кўп бўлиб, ноқулай шароитни осонлик билан ўтказади] Қулай шароитга тушиши билан ўсиб, янги мицелийга ёки спора берувчи органга ай-



47-расм. 1 — хламидоспоралар; 2 — оидийлар; 3 — сапролегниянинг зооспорангийси; 4 — мукориниң ёш спорангийси; 5 — етилий ёрилган спорангий; 6 — пенициллюмининг конидия споралари конидия банди.

ланади; ① куртакланиш йўли билан кўпайиши. Бу ачитувчи замбуруғлар учун характерлиди (46-расм, 1). Аммо бошқа тубан ва юқори замбуруғларда ҳам учрайди. Куртакланиш йўли билан кўпайишида замбуруғ ҳужайрасида ўсимталар ҳосил бўлиб, улар секин ўсиб ривожланиб, она ҳужайрадан ажралиб чиқади ва янги вегетатив танага айланади; ② склероций воситаси билан кўпайиши. Бу гифаларнинг зич күшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. У қорамтири-гунафша рангли, қаттиқ пўстли, запас озиқ моддаларга бой, шохсимон танача бўлиб, иккакчалай шароитни осонгина тупроқда ўтказади (46-расм, 4) ва баҳорда ўсиб бевосита мева-танага айланади.

**Жинсиз кўпайиши.** Бу кўпайиши замбуруғлар ҳаётида катта ахамиятга эга бўлиб, тубандаги хилларга бўлинади: ① зооспоралар билан кўпайиши. Бу тубан замбуруғларга хос бўлиб, гифасининг учida аввало ҳар хил шаклда зооспорангий етишади ва унинг ичida икки хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади. Зооспоралар ташқарига чиқиб, сувда актив сузади, бирорта органик моддага илашиб, у ерда яиги мицелийга айланади; ② спорангийспоралар билан кўпайиши. Бу ҳам зооспорангийга ўхшаш, спорангий деб аталадиган алоҳида шарсимон, хивчинсиз, аммо, кўп миқдорда споралар ҳосил қиласди. Булар спорангийспора деб аталади. Бундай спораларнинг ҳосил бўлиши замбуруғларнинг сув муҳитидан ер бетига чиқиб яшаши билан боғланган. Спорангийспоралар спорангий ичida ҳосил бўлади. Улар жуда майди бўлади ва зооспораларга ўхшаб сувда ҳаракат қилмайди, балки шамол воситасида ёки ҳашаротларга илашиб, ҳамма ерга тарқайди; ③ конидияспоралар ғилан кўпайиши. Бу қуруқ ша-

роитда яшашга мослашган юқори замбуруғлар учун хосдир. Конидияспоралар көнілдіктерге келеді. Конидиябандың шохланышы үшін алоқида гифада (унинг учида) вужуда келеді. Конидиябандың шохланышы үшін алоқида гифада (унинг учида) вужуда келеді. Конидиябандың шохланышы үшін алоқида гифада (унинг учида) вужуда келеді. Конидиябандың шохланышы үшін алоқида гифада (унинг учида) вужуда келеді.

Спорангийспоралар ва конидияспоралардың вужуда келиши замбуруғлардың қорытада яшашга мослашып, олардың шохланышы үшін алоқида гифада (унинг учида) вужуда келеді.

**Жинсий күпайиши.** Замбуруғлардың жинсий күпайиши турва группаларига қараб, ұлар хил бўлади. Жинсий күпайишидан бўлиб, у экзоген, яъни сиртдан ҳосил бўлади. Ҳар бир тур ўзига хос шохланади. Бу хил күпайиш, асосан, қоруқ шоитда яшовчи юқори замбуруғларга хос.


Тубан замбуруғларда жинсий күпайиш сувўтлардаги каби, изогамия, гетерогамия ва оогамия йўли билан боради. Зиготаси қалин пўст ҳосил қилиб, тинчлик даврини кечиради, ўсиш олдидан редукцион бўлинниб, тараққий этиб, спорали спорангийга айланади. Тубан замбуруғлардың зиготаси диплоид ва қолган тараққиёт даври яшил сувўтлардагидек гаплоид фазадан иборат.

Юқори замбуруғлардың жинсий күпайиши органлари жуда редукцияланган, шунинг учун улардың бальзи даврида жинсий күпайиш бор-йўқлигини аниқлаб бўлмайди. Юксак замбуруғлар жинсий процесстан кейин ҳосил бўладиган ва ўзига хос тузилишга эга бўлган споралар беради. Бу спораларни келиб чиқиши характерига қараб, юқори замбуруғлар икки катта гуруҳга: халтачали замбуруғлар ёки аскомицет ва базидияли ёки базидиомицет замбуруғлар гуруҳига бўлинади.

Халтачали замбуруғлардың спораси халтача ичиде, базидияли замбуруғлардың спораси эса конидияспорага үшаш базидия ҳужайралари сиртида ҳосил бўлади.

Ҳар иккала спора берувчи замбуруғларининг тараққий этиши бошида бир-бирига бирмунча үхшайди ва ядрои қўшилмаган икки ҳужайра протопластининг ўзаро қўшилишидан бошланади. Халтача ҳам, базидия ҳам аввал қўш ядроли, яъни дикарционли, ҳужайра ядроларининг қўшилишидан сўнг бир ядроли ва диплоид хромосомали ҳужайраларга айланади, сўнгра редукцион бўлинади. Булар изчиллик билан яна базидияли бўлса, икки марта, халтачали бўлса 3 марта бўлинади. Натижада, тўрт ёки саккизта ҳужайра ядрои ҳосил бўлади. Улардан келгусида споралар етилади (48-расм).

Халтача ва базидия пайдо бўладиган ҳужайрадаги қўшилмаган ядроларниң қўшилиши, унинг кетма-кет редукцион бўлинниши бу ҳужайралар ичиде споранинг ҳосил бўлиши олдидан жинсий процесс бўлиб ўтишидан дарак беради.



48-расм. Халтача ва базидияларнинг тараққий этиш схемаси:

1 — халтачанинг тараққий этиши; 2 — базидиянинг тараққий этиши; с — спора

Бундай споралар халтачали замбуруғларда халтача ичидаги (эндоген) базидияли замбуруғларда базидия ҳужайрасининг сиртида (экзоген) этилади.

Юқсан замбуруғларнинг зиготаси тинчлик даврини кечирмай, дархол үсіб, ривожланиб бўлинади ва гифалар ҳосил қиласди, шу билан тубан замбуруғлардан фарқ қиласди.

Юқсан замбуруғларнинг зиготаси айрим гаметаларга дифференцияланмаган иккита ҳужайранинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бироқ уларнинг ядролари қўшилмай, бир-бирига яқинлашган ва жуфтлашган ҳолда туради, кейин қўш ядронинг иккала ядроси ҳам мустақил бўлина бошлайди. Улар фақат халтача ёки базидия тараққий этиши олдидангина қўшилади. Уларнинг қўшилишига қадар бўлган давр диплоид фаза ҳисобланади. Демак, юқори замбуруғларнинг тараққиётидаги диплоид фаза зиготадан халтача ва базидия пайдо бўлишигача бўлган даврни ўз ичига олиши ва ҳужайрасида чин диплоид ядро эмас, гаплоид бир-бирига қўшилмаган, фақат яқинлашиб турган ядронинг бўлиши билан характерланади.

Жинсий процесс натижасида ҳосил бўлган аскоспора ёки базидий споралар үсіб, биттадан гаплоид ядроли мицелийга айланади.

Замбуруғларнинг мицелийси тузилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди, улар замбуруғ турларини бир-биридан ажратишга имкон бермайди. Лекин замбуруғлар меватана ва спораларининг ниҳоятда хилма-хиллиги билан ўзаро кескин фарқ

қилади. Бу органларнинг хилма-хиллиги уларнинг систематикасида муҳим рол ўйнайди.

Уруғли ўсимликларнинг систематикаси уларнинг гул ва мева тузилишига асосланганидек, замбуруғларнинг классификацияси ҳам меватана ва спораларининг тузилишига асосланади. Бир турга оид замбуруғ тараққёт даврида бир неча хил споралар бериши ҳам мумкин. Масалан, занг замбуруғи беш хил спора: уредоспора, телейтоспора, базидияспора, пикноспора (спермацийспора) ва эцидиоспора беради.

Шу туфайли замбуруғларда ривожланиш даврларига қараб, бир-биридан тубдан фарқ қиласидан бир неча шакллар вужудга келади. Замбуруғларнинг бу шаклларини бир-биридан ажратиш учун уларнинг тараққий этиш даврлари тарихини чуқур ўрганиш керак.

Замбуруғлар ҳосил қиласидан спораларнинг хилларига қараб, тузилишини тубдан ўзгартирин ҳодисаси **племорфизм** ёки **полиморфизм** дейилади.

Замбуруғларнинг жинсий кўпайиши шу кунгача яхши ўрганилмаган ва аниқланмаган. Шунингдек, жинсий кўпайиши вақтинча аниқ бўлган замбуруғлар гурӯҳи такомиллашмаган замбуруғлар деб юргизилади.

Замбуруғлар бўлимни тубандаги беш синфга бўлинади:

I синф. Архимицетнамолар (*Archimycetes*). Буларнинг мицелийси мутлақо бўлмайди ёки фақат бошланғич ҳолда; жинсий кўпайиши тенг гаметаларнинг қўшилиши, яъни изогамия йўли билан боради. Вегетатив танаси, одатда, пустсиз протоплазмадан иборат бўлган қадимий содда замбуруғлардир.

II синф. Фикомицетнамолар (*Phycotysetes*). Буларнинг мицелийси яхши тараққий этган бўлиб, ҳужайрасиз тузилган вегетатив танаси бўғимсиздир. Жинсий кўпайишига қараб, икки синфчага бўлинади: 1) оомицетлар синфчasi (Oomycetidae), буларнинг жинсий кўпайиши оогамия йўли билан бўлади; 2) зигомицетлар синфчasi (Zygomycetidae), буларнинг жинсий кўпайиши зигогамия йўли билан бўлади.

\*III синф. Аскомицетнамолар (*Ascomycetes*). Буларнинг мицелийси бўғимли, яъни кўп ҳужайрали. Жинсий кўпайишидан пайдо бўлган споралар халтачада бўлади.

IV синф. Базидиомицетнамолар (*Basidiomycetes*). Буларнинг ҳам мицелийси бўғимли, яъни ҳужайрали. Жинсий споралари базидий деб аталадиган ҳужайранинг устида ҳосил бўлади.

V синф. Такомиллашмаган замбуруғлар (*Fungi imperfecti* ёки *Deutromycetes*). Буларнинг мицелийси, кўпинча, бўғимли, кўп ҳужайрали бўлиб, жинсий кўпайиши маълум эмас. Улар фақат жинссиз кўпайишдан ҳосил бўлган споралар воситасида кўпаяди.

Бу синфга мицелийсининг тузилиши билан юқори замбуруғларга ўхшаш, аммо жинсий кўпайиши ҳозирча номаълум бўлган замбуруғлар киради.

I ва II синфлар тубан замбуруғлар, III ва IV синфлар эса юксак замбуруғлар гурухини ташкил этади.

## I СИНФ. АРХИМИЦЕТНАМОЛАР—ARCHIMYSETES


Бу синфга жуда содда түзилган мицелийсиз ёки мицелийси бошланғыч қолда ингичка шохланган ұжайрадан иборат әнг қадимги микроскопик организмлар киради. Бу синф вакиллари 300 га яқин турдан иборат бўлиб, кўпинча сувларда тарқалган, улар хивчинилар билан замбуруғлар ўртасидаги оралиқ үринни ишғол этади. Булар сув ости ўсимликларида, баъзида ҳайвонларда, асосан, паразит, камдан-кам сапрофит қолда, баъзилари эса қуруқликда ўсуви ўсимликларда паразитлик қилиб яшайди. Буларнинг жинсий кўпайиши зооспоралар воситасида боради. Зооспораси одатда думалоқ ва бир хивчинли, баъзан амёбасимон бўлади. Уларнинг хивчини ҳаракатланганда, кўпинча, орқа томонга қараган бўлади. Зооспораси зооспорангийларда вужудга келади. Зооспорангийлар эса якка-якка қолда мева-танасида этишади. Буларда жинсий кўпайиш учрайди. Аммо турларига қараб жинсий кўпайиши ҳар хил бўлади.

Бу синф одатда мицелийсининг бор ва йўқлигига қараб ми-сохитрийкабилар ва мигохитрийкабиларга бўлинади.

### 1-тартиб. Миксохитрийкабилар—Mycoschytriales

Бу тартибга 100 га яқин тур киради, уларнинг мицелийси бўлмайди. Вегетатив танаси пўстсиз протоплазмадан иборат бўлиб, яшаётган ўсимликнинг ұжайраси ичида жойлашади.

Бу тартибининг вакилларидан бири *ольпидиум* (*Olpidium brassicae*) дир (49-расм). Бу карам кўчатининг илдиз бўғзига яқин илдиз пўстлори — эпидермис ұжайраси ичида паразит қолда яшаб, «қора оёқ» номли касалликни вужудга келтиради. Ольпидий билан касалланган карам тўқимаси қораяди, сўнг нобуд бўлади. Агар илдиз бўғзи қобигидан олинган кесимни микроскопдан қарабалса, карам ұжайрасида пўстсиз, бир ядроли протоплазмадан иборат паразит тана-чаларни кўриш мумкин. Булар бўлиниш йўли билан кўп ядроли плазмодий ҳосил этади.



49-расм. Ольпидиум — *Olpidium brassicae*:

1 — карам тўқимасидаги спорангийлар; 2 — тинчлик даврини кечираётган спорангийлар; 3 — зооспоралар.

Плазмодий бир оз вақт ўтгач, пўст ҳосил қилиб шарсимон ва

тайсимон ўсимтали зооспорангийларга айланади. Зооспорангий ичидаги бир хивчинли зооспоралар ўсимталари орқали ташқарила чиқади ва тупроқдаги намда ҳаракат қилиб, соғ карам кўчанинг илдиз эпидермисига боради. Илдинзининг эпидермис ҳужайра пўстини тешиб, касалланмаган янги ҳужайра ичига ўз протопластини қўяди. Зооспора ҳужайра ичидаги ўсиб кўпаяди, зегетатив танасининг ҳажми тобора ортиб боради. Натижада, карам протоплазмаси ҳалок бўлади. 2—3 кундан кейин зегетатив ганада янга, янги бир хивчинли зооспорали спорангийлар вужудга келади, унинг тараққий этиш цикли янга янгидан бошланади.


Ольпидийнинг турлари, нўхатда ва қизил шўра илдизида ҳам учрайди.

Ольпидий парниклардаги карамларда яшовчи паразит бўлиб, сенам тупроқда жуда тез кўпаяди. Унга қарши асосий кураш чоралари кўчатларга меъёри билан сув беришдан, парникларни шамоллатниб турнишдан, тупроқни дезинфекция қилишдан иборат.

## 2. тартиб. Микохитридийкабилар—*Mycochytriales*

Буларда бошланғич мицелий ва зегетатив тананинг пўсти ҳам бор. Бу тартибга 150 дан зиёдроқ тур киради. Улар сувттарда, баъзилари сув остида яшовчи содда ҳайвонларда ва юқори ўсимликларда паразит ҳолда яшайди. Кўпайиши ольпидийнинг кўпайишига ўхшашиб, зооспоралар воситасида боради. Содда хилларининг зегетатив танаси бир ядроли, юксак вакилариники эса кўп ядроли, баъзилари ҳатто кўп ҳужайралидир.

Бу тартибга биринчи вакил сифатида қарағайнинг сувга тушган чангигда паразитлик билан яшовчи *Rizopheidium* (*Rhizophidium pollinis*) ни оламиз (50-расм). Бунинг зооспораси қарағай чангига тушиб, у ерда пўст ҳамда ичига томон кетган ўсимта



50-расм. 1 — қарағай чангидаги ризофидиум (*Phizophidium*) мицелийнинг бошланиси; 3 — зооспорангийдан чиқаётган зооспоралар; 2 — эвгленада паразитлик қиласаётган полифаг; 3 — зооспорангийлари; 4 — зооспораси.

ҳосил қиласы. Үсімта бошланғич мицелий воситасида ұжайра моддасы ҳісобиға озиқланады. Зооспораннинг танаси үсады, көтталашиб, күп ядроли зооспорангийларга айланады. Зооспорангийнинг ичидә бир қанча бир хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади.

Улар зооспорангий қобигида ҳосил бўлган тешикчалар орқали сувга чиқиб, бошқа чангларга илашиб, у ерда үсады ва кўпаяди.

Иккинчи вакил сифатида полифагус авлодига мансуб *Polyphagus eugleneae* (Polyphagus eugleneae) ни олиш мумкин (50-расм, 2, 3). Бу ҳаракатсиз ҳолда эвгленаларда паразитлик қилиб яшайди. Йирик, бир хивчинли зооспораси ҳаракатдан тўхтаб, пўст ҳосил қиласы ва эвгленанинг ҳужайраси ичига ипсимон шохланган үсімтасини тарқатади. Унинг бошланғич мицелийси ўнлаб эвгленалар ҳужайрасини ўраб олади.

Бу паразитнинг (зооспораннинг) марказий қисмida йирик ядро жойлашади, кейин цилиндрический үсімта ҳосил қилиб, спорангийга айланади. Ядрои зооспорангийга ўтиб, бир қанча марта бўлинганидан кейин, у ердаги моддалар айрим зооспораларга айланади. Полифагусда жинсий кўпайиш ҳам бўлади ва у хологамия йўли билан боради.

Микохитридиинамоларга картошка ракининг сабабчиси *Synchitrium endobioticum* замбуруғи киради. Зооспорангийлари ғуж бўлиб ривожланади. Синхитриумнинг жинсий кўпайиши изогамиядир. Зиготаси оддий, икки хивчинли бўлади. У картошка тугунаги ичига киради, у ерда қалин пўстли цистага ӯралиб қишини ўтказади. Бу паразит Америка, Фарбий Европа, Жанубий Африка ва Японияда кенг тарқалган бўлиб, картошкада, кўпроқ тугунагида чўтирир ғурра ҳосил қиласы. Картошка тугунагининг ҳужайралари ичидә паразитнинг цистаси жойлашган бўлади. Бу билан касалланган картошка тугунаги чирийди, натижада ҳосилнинг 50% и нобуд бўлади.

Архимицетлар қадимий замбуруғлар бўлиб, систематик мавқеи жиҳатидан ғоят содда тузилган хивчинилар (флагеллата) билан бирмунича мураккаб тузилишга эга бўлган замбуруғлар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди.

## II СИНФ. ФИКОМИЦЕТНАМОЛАР ЁКИ СУВЎТ ЗАМБУРУҒЛАРИ— RHYSOMYCETES

Бу синфга сувда ва қуруқликда яшовчи 1000 га яқин тур киради. Булар тузилиши ва ҳаёт кечириши жиҳатидан сувўтларга ўхшайди. Мицелийси бўғимсиз, тузилиши сифонли сувўтлардан вошерияни эслатади. Мицелийси шохланган кўк ядроли яхлит катта бир ҳужайрадан иборат.

Фикомицетларда пўстнинг бўлиши, бу замбуруғларнинг архимицетларга қараганда анча мураккаб тузилганлигини кўрсатади. Баъзи Фикомицетлар фақат сувда, бошқалари эса қуруқда

яшайди. Сувда яшовчилари жинссиз кўпайиши зооспоралар билан, қуруқда яшовчиларники эса ҳаракатсиз спорангийспора ва конидияспоралар воситасида бўлади. Жинсий кўпайиши баъзи турларида иккита гифа протопластининг оддий қўшилиши билан боради, бошқа турларида эса антеридий ва оогонийлар ҳосил бўлиб, тухумхўжайра билан сперматозоидларнинг қўшилиши натижасида ооспора вужудга келади.

Фикомицетнамолар (сувўт замбуруғлар) жинсий кўпайиши-нинг характеристига қараб, икки синфчага бўлинади:

1. Оомицетнамочалар синфчаси (*Oomycetideae*) Буларнинг жинсий кўпайиши оогамия йўли билан бўлади.

2. Зигомицетнамочалар синфчаси (*Zygomycetideae*). Буларнинг жинсий кўпайиши зигогамия йўли билан бўлади.

### 1- синфча. Оомицетнамочалар— *Oomycetideae*

Бу синфчага, асосан, сувда сапрофит, қуруқла гулли ўсимликларда паразит ҳолда яшовчи 500 га яқин тур киради. Жинсий кўпайиши оогамия йўли билан, жинссиз кўпайиши эса, кўпинча икки хивчинли, баъзан, бир хивчинли зооспоралар билан боради. Оогоний ичидаги тухумхўжайра жуда яхши тарақкий этади. Антеридийдаги эркак гаметаларнинг ривожланиши занф бўлади. Оталаниши натижасида ҳосил бўлган зооспора қалин пўст ҳосил қилиб, оогоний ичидаги эркин ҳолда жойлашади.


Бу синфча бир қанча оиласи оилага бўлинади.

### Сапролегния дошлар оиласи—*Saprolegniaceae*

Бу оиласининг вакили сифатида *saprolegnia* (*Saprolegnia*) ни оламиз. Бу замбуруғ сувдаги ўлик ҳашаротларда, баъзан, тирик балиқларда паразитлик билан яшаб, улар танасининг сиртида пўпанак ҳосил қиласди. Агар бирор сувли стаканга ўлик пащаларни ташлаб, орадан бир неча кун ўтгач, уни кўздан кечирсан, пащшаларнинг сиртида ва теварагида оқ пўпанаклар ҳосил бўлганини кўрамиз. Бу пўпанаклар сапролегниянинг бирмунча шохланган ва тўсиқсиз бир ҳужайрали мицеллийсидан иборат.

Жинссиз кўпайиши зооспоралар воситаси билан боради. Мицеллийсидаги баъзи спораларнинг учи ёғонлашиб, у ердаги протоплазма қўёқлашиб, зооспорангий, ҳосил бўлади.

Зооспорангий протопластининг бўлниши натижасида жуда ўқ ядролар ҳосил бўлади. Бу ядролар озгирия протоплазма билан бирга икки хивчинли тухумсимон зооспораларга айланади. Спорангийсининг учи ёрилиб, ичидаги зооспоралар чиқади ва сувдаги ўлик ҳашаротларнинг оқсилли чириндисига бориб ёпи-



51-расм. Сапролегния — *Saprolegnia*:

*a* — мицелийси суадғын ҳашаротда; *b* — зооспорангийсі; *c* — зооспоралар; *d* — жинсіл органдар — антеридкілар или чапдаги оогонийга кирған.

шади ва ҳаракатдан тұхтайди. Зооспоралар хивчинини йўқотиб, янги мицелийга айланади. Озиқланиш шаропти ёмонлашганда жинсий йўл билан қўпайишга ўтади. Гифасининг учида шарсизмон бўртма ҳосил бўлади. Шу тўсиқ билан мицелийдан ажралади, қалин ва қора пўст ҳосил бўлиб, ургочи жинсий орган оогонийга айланади, оогоний ичиде бир неча (8 тагача) тухум ҳужайра ҳосил бўлади.

Оогоний пайдо бўлган индан пастроқда ён шохча ҳосил бўлади ва юқорига қараб ўсиб, оогонийни ўраб олади. Бу кўп ядроли цилиндрик ҳужайра тўсиқ билан мицелийдан ажралган бўлиб, эркак жинсий ҳужайра — антеридий деб аталади. Антеридий оогонийга етиб, унинг пўстидаги тешикча орқали ҳужайрага қадар етадиган найсимон ўсимта чиқаради.

Антеридий ичиде фақат бир нечтагина сперматозоид ҳосил бўлиб, қолгани оогонийникига ўхшаш ҳалок бўлади. Эркак гаметалардан биттаси тухумҳужайрага бориб уни оталантиради, уларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган зиготадан қалин қўшқават пўстли ооспора пайдо бўлади. Ооспора ўзининг ўсиб чиқиши қобилиятини узоқ вақтгача сақлай олади. Ооспора ўсиб, редукцион бўлинади ва кўп ядроли зооспорангийга айланади. Унинг ичидан чиқкан зооспоралар ўсиб, сапролегниининг янги мицелийсига айланади.

## Пероноспоралар—Peronosporales тартиби


Бу тартиб турлари сувда, аксари қуруқликда яшовчи сапрофит замбуруғлардир.

Тартибининг энг содда авлодларидан бири питиум (*Pythium*) дир. Бу авлодга киругчи замбуруғлар паразит ёки сапрофит бўлиб, сувда ва нам тупроқларда яшайди.

Уларнинг мицелийси бўгимсиз бўлади, субстратнинг ичидаги сиртида ўсади. Субстратнинг сиртидаги мицелий гифаларидан фарқи йўқ конидияндиларнинг учларида зооспорангийлар вужудга келади. Зооспорангийлар конидиялар сингари узилади ва ҳавода тарқайди. Спорангийиси, турларига қараб, сапролегнияникига ўхшаш цилиндр ёки шар шаклида бўртган бўлади. Унинг ичидаги икки хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади, ўсиб, янги мицелийга айланади. Питиумнинг кенг тарқалган тури Де-Барий питиуми (*P. Debarriatum*) ўт ва дараҳтларда паразитлик қилиб уларни ҳалок қиласди.

Бошқа авлодлардан фитофтора (*Phytophthora*) кенг тарқалган. Фитофторага киругчи турлар ҳар турли ўт, бута ва дараҳтлардан нинабарглиларда сапрофит ва паразит ҳолда яшайди. Булар орасида қишлоқ хўжалик экинлари учун энг хавфли бўлган турларига картошка замбуруғи (*Phytophthora infestans*) киради (52-расм). Бу паразит дастлаб Де-Бари томонидан ўрганилди. Де-Барининг картошка замбуруғи турларини текширишга бағишланган асари 1861 йилда нашр этилди. Бу асар картошка замбуруғининг биологиясини ўрганишга, ва унга қарши кураш чораларини белгилаш соҳасидаги ишларни кенгайтиришга зўр туртки бўлди.

Картошка замбуруғи — фитофтора Европага 1845 йилда Америкадан ўтган бўлиб, картошканинг ашаддий душмани ҳисобланади, чунки фитофтора баъзи серёғин йилларда катта-катта картошка майдонларини ёки сақланадиган картошкалар уюмини бутунлай ҳалок қиласди. Бироқ Ўз-



52-расм. Фитофтора — *Phytophthora infestans*:

1 — заараланган картошка баргининг кўндаланг кесими, м — мицелий, с — спорангийлар спорангийлар; 2 ва 4 — спорангий ва унинг ўсиши; 3 — зооспора.

бекистонда ёз мавсумида ёғинли кунлар деярли бўлмаганидан бу замбуруғ учрамайди.

Фитофтора билан касалланган картошка баргларида июлнинг охирларида қорамтири, қўнғир доғчалар вужудга келади, бу фитофторанинг мицелийсидир.

Паразитнинг гифалари, спорангий ва зооспоралари баргдан аста-секин поя ва тугунакларга ўтади, натижада картошка қораяди ва қурийди. Унинг гифалари картошка барги ва тугуна-гининг ҳужайрааро бўшлиғида яшайди. Гифасидан бир қанча қисқа сўрғичлар кетади. Паразит сўрғичлар воситаси билан ҳужайра ичидаги моддаларни осмотик босим ёрдамида ўзига сўриб олади.

Бу паразит замбуруғнинг жинссиз қўпайиши спорангийлар ёки конидиялар воситаси билан боради. Спорангийси бир ҳужайрали, лимон ёки тухум шаклида ва у кўлинча, баргнинг остки томонидаги оғизчалардан чиққан симподиал шохланган, осилиб турган спорангийбандларнинг учларида вужудга келади ва оқ пўпанаклар ҳосил қиласди. Спорангий тўсиқлар билан гифадан ажралади, ичиде 8 тадан 16 тагача икки хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади. У етилгандан сўнг узилиб, шамол оқими билан бошқа баргларга ҳам ўтади. Спорангийбандидан етилган спорангийлар тушиб кетса ҳам спорангий банди ҳалок бўлмайди, тараққий этиб, янги спорангийлар ҳосил қиласди. Спорангий бир томчи сув ёки намлик бўлса ҳам ўса олади. Зооспорангий ичиде етилган 8 дан 16 тагача икки хивчинли буйраксимон зооспоралар ҳосил қиласди. Улар сувда сузиб, соғ барглар этига оғизчалари орқали ўтади ва гифаларга айланади. Зооспорангий нам муҳит бўлмаганда тўғридан-тўғри гифаларга айланади. Бундай ҳолларда спорангий спора шаклини олади. Шундай қилиб, касаллик жуда тез қўпаяди. Шунинг учун картошка замбуруғи спорангийси конидиялар деб ҳам аталади.

Картошка замбуруғининг мицелийиси қишини картошка тугунагида ҳамда унинг чириган баргларида, тупроқда сапрофит ҳолда ўтказади. Картошканинг чириб тушган мицелийларида тинчлик даврини кечирувчи думалоқ споралар ҳосил бўлиши мумкин, жинсий қўпайиши оғогмия йўли билан боради. Антеридий ва оғонийлар йигиб олинган картошка тўпонида ва тупроқда сапрофитлик билан яшаётган мицелийлар ривожланади. Осспора тинчлик даврини кечиргандан сўнг мицелийга ёки учидаги конидияси бор қисқа гифаларга айланаб, касал тарқалишининг янги манбай бўлиб хизмат қиласди. Қасалликка қарши кураш чоралари картошка замбуруғи билан касалланган участкаларга бордо суюқлиги пуркашдан, картошка сақланадиган жойларни картошка қўйиш олдиндан дезинфекциялашдан, ерга соғлом ва касалликка чидамли уруғлар экишдан иборат.

Переноспоракабилар тартибига тузилиши жиҳатидан муракаброқ бўлган *плазмопара* (*Plasmopara*), переноспора (*Регоплорога*) альбуго (*Albugo*) ва бошқалар ҳам киради.

Бу турларнинг ҳаммаси ҳам паразит бўлиб, ер бетида ўсуви ўсимликларда яшайди.

Буларнинг эндофит мицелийси хўжайин ўсимлик тўқимасининг ҳужайра ораларида яшаб, сўргичлари (гаустория) билан озиқланади. Буларнинг жинсиз кўпайиш органлари бир қадар фарқ қиласди.

Плазмопара спорангийси фитофтораникига ўхшашиб барг оғиз-часидан осилган ҳолда чиқиб туради. Спорангий бандлари моноподиал ёки дихотомик шохланган бўлиб, учларида биттадан спорангий ҳосил бўлади.

Плазмоспора туркумига мансуб хавфли паразит замбуруғлардан бизда фақат токда яшайдиган *плазмопара витикола* (*Plasmopara viticola*) учрайди. У токнинг барча яшил қисмларида: баргида, ёш новдаларида, ғунча, гул ва меваларида бўлади ва мильдо касаллигини вужудга келтиради. Бу касалликдан ҳосилнинг 20% и йўқолади. Бошқа турлари капалакгуллилар ва кўкноридашлар оиласида паразитлик қиласди.

*Пероноспора* (*Peronospora*) турларида ҳам спорангий банди дихотомик шохланган. Аммо учидаги спорангийси зооспоралар ҳосил қилмай ўсиб, тўғридан-тўғри мицелийга айланади, чунки пероноспорада зооспорангий конидияга айланган. Бу ҳол уларнинг жуда кўп турни ўз ичига олган қуруқ шароитда яшашга мосланганлигининг яққол ифодасидир.

*Альбуго* (*Albugo*) туркумининг жинсий кўпайиш органи спорангий мунчиқ шаклида эпидермис остидаги қисқа ва шохланмаган спорангий бандида вужудга келади. Эпидермисни ёриб чиққан спорангийлар шамолда тарқалади ва намга тушганлари ўсиб, икки хивчинли зооспораларга, улар ўсиб, мицелийга айланади ва ҳужайин ўсимликнинг ҳужайрасидаги оғизчалари орқали ичкари кириб, паразитлик билан озиқланади.

Бу туркумнинг кенг тарқалган турларидан бири *альбуго кандida* (*A. candida*) ёки *цистопус кандida* (*Cystopus candida*) бутгуллилар оиласининг поясида (хусусан жағ-жағда — *Capsella bursa-pastoris*) ва семизўтда (*Portulaca oleraceae*) яшаб, оқ фуборхосил қиласди. Бу оқ фуборлар спорангий йиғиндиси бўлиб, касаллик эса оқ занг деб ҳам аталади.

Пероноспора вакилларининг жинсий кўпайишида ҳосил бўладиган оғоний ва антеридий ташқи кўриниши жиҳатидан сапролегнияга ўхшайди. Бироқ фарқи шундаки, оғонийсида битта тухумхужайра ҳосил бўлади. Оталаниши антеридийдан тухумхужайрагача ўсиб борган найсимон ўсимтаси орқали бўлади. Антеридийдан тухумхужайрага битта ядро билан бирмунча протоплазма қўйилади. Зигота қалин пўст ҳосил қилиб, ооспорага айланади. Ооспора тинчлик даврини кечиргандан сўнг ўсиб, зооспорангийга айланади. Зооспора ҳосил бўлмай қолган турларида ооспора тараққий этиб, бевосита мицелийга айланади.

## 2- синфча. Зигомицетнамочалар—*Zygomycetibeaе*

Бу синфчага асосан ер бетида, қуруқда оддий пүпанаклар тарзида, ўсимлик чириндиларида, ҳайвон қолдиқларида сапрофит, (баъзи турлари паразит) ҳолда яшовчи 500 тур киради.

Гифаси жуда шохланган бўлиб, тўсиқсиз тузилган. Жинсий кўпайиши зигогамиядир, яъни уларнинг тараққиёт даврида гаметаларга дифференцияламаган иккита деярли тенг ҳужайра мoddаси гаметалар тарзида қонъюгатларга ўхшаб ўзаро қўшилади. Буларда зооспоралар мутлақо ҳосил бўлмайди. Зигомицетнамоларнинг жинссиз кўпайиши спорангийспоралар ёки конидиялар воситаси билан боради. Зигомицетнамолар сув муҳитдан чиқиб қуруқ шароитда ер бетида яшашга мосланганлигидан, улардан зооспоралар ўрнига спорангийспоралар ҳосил бўлади. Зигомицетнамолар шохланган, тўсиқсиз, яхлит ҳужайрали мицелийлари билан сифонли сувўтларга, жинсий кўпайиши билан эса қонъюгатларга ўхшайди.

Бу синф вакиллари тўрт тартиб ва бир неча оиласа бўлинади.

### 1-тартиб. Мукоркабилар—*Mycorales*


#### 1-оила. Мукордошлар—*Micogasae*

Бу оила турларга энг бой бўлиб, тупроқда ўсимлик билан оватланувчи ҳайвон гўнгларида, туриб қолган ҳўл меваларда, оват қолдиқларида сапрофит ҳолда яшайди. Оиланинг кенг тарқалган вакилларидан бири оқ пўпанак (*Micogaeus cedri*) ҳисобланади.

Оқ пўпанак кундалик ҳаётимизда жуда кўп учрайди. Агар намланган юн ёки кесилган ҳўл мева иссиқ ва нам ерда қолдирилса, 2—3 кундан кейин уларни оқ пўпанак босади. Ўргимчак уясига ўхшашиб бўлган бу оқ пўпанак (мукор) замбуруғнинг мицелийсидир.

Оқ пўпанакнинг мицелийси субстратнинг ичидаги ҳам, устида ҳам тараққий этади, у гўё тўсиқсиз, қайта-қайта шохланган улкан бир ҳужайрани ташкил қиласи. Жинссиз кўпайиши спорангийспоралар воситасида боради. Шохланмаган спорағийбандлар мицелийдан тик кўтарилиб чиқади.

Спорангийбанднинг учларида тўсиқлар билан ажралиб турган, шарсимон бўртма — спорангий ҳосил бўлади. Бу тўсиқлар устунча шаклида бўлиб спорангий бўшлиғи ичига киради ва колонка деб аталади. Спорангийнинг ичидаги кўп ядроли моддалар бўлинниб бир қанча бир ядроли, думалоқ ва пўст билан ўралган ҳаракатсиз спораларга айланади. Бу споралар спорангий ичидаги ҳосил бўлганлигидан спорангийспора дейилади. Спорангий вояга етганда қорамтири рангли ва устида кальций оксалат кристали ҳосил бўлади. Спорангий пўсти сув ёки нам ҳавонинг таъсирида осонлик билан ёрилади ва парчаланаади. Ичидан



53-расм. Мукор — Mucor mucedo:

*a* — спорангий банды мицелий, *б* — зигогамиядан кейин зигоспоралар ҳосил бўлиши (1—4), зигоспоранинг ўсиб (5), зигоспоранинг ўсиб (6), эмбрион спорангийга айланади.

чиқсан спорангийспоралар ҳаво оқимида ҳар томонга тарқалади, қулай шароитга тушиши билан ўсиб, янги мицелийга айланади. Унинг спораларги ҳавода ҳам, тупроқда ҳам минглаб бўлади.

Субстратдаги озиқ моддалар камайганда улар жинсий йўл билан кўпайишга ўтади. Жинсий кўпайиши эса зигогамиядир. Аммо бу ларда морфологик томондан фарқ бўлмаса ҳам, физиологик жиҳатдан айрим жинслилик ҳодисаси — гетероталлизм кузатилади. Жинсий кўпайиш процессида ҳар хил тупдан чиқсан гифалар учлари билан бир-бирига қараб ўсади ва уни бўртиб шишиади. Учларининг туташган жойида уларни бир-биридан ажратувчи тўсиқлар пайдо бўлади. Кейин бу тўсиқ эриди, моддалари эса бирлашиб қўшилади. Ҳосил бўлган зигота зигоспора деб аталади. Зигоспора ўсимтали қалин қорамтири пўст билан ўралади. Бир қадар тинчлик даврини кечирганидан сўнг ўсиб, у кўпинча, шохланмаган, қисқа спорангийбанд учида ёш спорангийга айланади. Бу эмбрион спорангий деб аталади (53-расм, а, б (1—4, 5).

Зигота ҳосил қилувчи ҳужайралар ҳамиша кўп ядроли бўлади. Ядролари зигота ҳосил бўлиш процессидагина бирлашади, жуфт-жуфт бўлиб қўшилади.

Бу қўш ядролар зигота ўсган вақтида редукцион бўлинади, натижада гаплоид споралар ҳосил бўлади. Эмбрион спорангий-

сі оддий спорангийдан иккала жинсігә хос бўлган белгилари бўлган спораларнинг борлиги билан фарқ қиласи. Маълумки, оддий спорангийнинг споралари фақат бир хил жинсий белгиларга эга бўлган споралардан ташкил топади.

Мукордошлар оиласи, бошқа замбуруғлар каби, оидий ва хламидоспора ёрдамида кўпаяди. Улар яшаган суюқликларда кислород етишмай қолса, бу ҳолда оидийлар ҳосил бўлади. Оидий ҳужайралари ачитувчи замбуруғларга ўхшаш куртакланади ва шакар әритмасини ачитади. Шунинг учун ҳам уларнинг баъзи хиллари, масалан, *Мукор яваникус* (*M. javanicus*) Шарқда, хусусан, Японияда спиртли ичимликлар тайёрлашда ачитувчи замбуруғ сифатида ишлатилади. Мукор турларининг орасида паразитлари ҳам бор, чунончи, *M. sogumbisera* ва *M. pusilla* ҳайвон ва кишилар органларида яшаб касалликлар туғдиради.

Мукордошларнинг кеңг тарқалган авлодига *Rizopus* (*Rizopus*) ва *Pillibus* (*Pillibus*)лар киради. Ризопус турлари сақланиб кўйилган мева ва сабзавотларни бузиб қорамтири-кул рағанг пўпанаклар ҳосил қиласи. *Rizopus oriza* (*Rhisopus oguzae*) явания мукори сингари крахмални қандга айлантиради. Бу замбуруғ Японияда «Соке» номли арақ тайёрлашда қўлланилади. Пилобус турларидан бири *Pillobus cristallinus* янги от гўнгида сероб бўлади. У бошқа турлардан спорангийсини куч билан бутунлигича 1 м. масофага иргитиб юбориши билан фарқ этади.


**2-оила.** Энтомофторадошлар — Entomophthoraceae. Бу оиласа кўпичча ҳашарот ва капалак қуртларида паразитлик қилиб яшовчи микроскопик замбуруғлар киради. Жинссиз кўпайиши оддий ва шохланган конидиялар билан бўлади; жинсий кўпайиши эса изогамия. Бу оила вакилларига кеңг тарқалган, кузда уй паишшаларини ҳалок қилувчи паразит эмпуза (*Empusa muscae*) замбуруғи яхши мисол бўлади.

Эмпуза ёзниң охирларида паишшаларни шикастлаб, уларни касал қиласи ва ўлдиради.

Ойна ва уй деворларига ёпишиб ётган ўлик паишшалар танасида бу паразитнинг конидиялари ўсиб чиқадиган қисқа конидиябандлар осилиб туради. Конидиялар етилгандан сўнг, конидиябандда рўй берадиган тургор босим билан 1—2 см узоқликка отилади ва бошқа паишшаларга тушади, уларнинг танаси ичига кириб, у ерда ўса бошлайди, бир қанча ҳужайраларга бўлинади ва мицел



1



2

54-расм. Эмпуза — *Empusa*:

1 — эмпуза замбуруғи билан зэрзеланган паишша;  
2 — конидиялар конидиябанд.

лийга айланади. Улардан конидия ҳосил қилувчи шохланмаган конидиябанд вужудга келади. Эмпузанинг конидияси касаллик тарқатувчи асосий воситадир. Эмпуза замбуруғининг жинсий күпайиши аниқланмаган бўлса ҳам, бироқ бу оиласнинг кўпгина бошқа турларида ҳашарот танасидаги мицелийнинг бўлинишидан вужудга келган ҳужайраларнинг жуфт-жуфт (копуляция) бўлиб қўшилиши кузатилган.

Бу оиласнинг бошқа вакилига *энтомофтора радикус* (*Entomophthora radicans*) киради. Бунинг конидиябанди сершоҳ бўлади ва қарам капалаги қуртининг офати ҳисобланади, чунки конидия спораларни капалак қуртига қўяди.

### ІІІ СИНФ. ХАЛТАЧАЛИ ЗАМБУРУҒЛАР ЁКИ АСКОМИЦЕТНОМАЛАР—ASCOMYCETES

Халтачали замбуруғлар юқори замбуруғлар гуруҳидан бўлиб, тубан замбуруғлардан мицелийсининг тўсиқлилиги, яъни кўп ҳужайралилиги, ҳужайрасининг кўп ядролилиги ҳамда жинсиз кўпайиш даврида спорангийлар ва спорангийспоралар мутлақо ҳосил бўлмай, уларнинг конидиялар билан алмашганлиги, қуруқда яшашга тўлиқ мослашганлиги билан фарқ қилади. Жинсий кўпайиши натижасида пайдо бўладиган споралар алоҳида халтача (аск) ичида ҳосил бўлади. Шунга кўра бу синф халтачали замбуруғлар деб аталади. Бу синфга тузилиши ва ҳаёт шароити хилма-хил бўлган 25000 дан ортиқроқ тур киради.

Халтача ичида кўпинча саккизтадан халтача спора, яъни аскоспора этишади. Халтачалар ҳосил бўлиши олдидан жинсий процесс бўлиб ўтади.

Бу синфнинг содда вакилларида халтача бевосита зиготадан тараққий этади. Бу ҳолда мицелийсининг иккита ҳужайра ядроларигина қўшилади, ҳосил бўлган зигота эса дарҳол халтачага айланади. Зиготанинг қўшилган ядролари редукцион бўлинади. Унинг кетма-кет, кўпинча, уч марта бўлинишидан саккизта гаплоид ядро, сўнгра улардан саккизта аскоспора ҳосил бўлади.

Аскомицетномоларнинг кўпчилик турларида халтача доимо ғуж бўлиб гимениал қатлам ҳосил қилган ҳолда меватана (аскорп) ичида ёки унинг сиртида жойлашади.

Гимениал қатламда замбуруғ турларига қараб, ҳар хил шаклдаги мевасиз иплар ҳам бўлади, улар парафиза деб аталади ва буферлик вазифасини бажаради. Гимениал қатлам меватананинг устида ёки ичида вужудга келади. Халтачали замбуруғларнинг меватанаси вегетатив гифаларнинг зич қўшилишидан ҳосил бўлади ва ҳар хил формаларда бўлиб, уларни классификациялашда асосий рол ўйнайди.


Халтачали замбуруғлар меватанасининг шаклларида қараб, қуйидаги хилларга бўлинади:

**1. Клейстокарп, яъни ёпиқ мева тана.** Халтачалар шарсимон думалоқ бўлади, мева тана эса ичидаги жойлашади, меватананинг пўсти чириб парчалангандан кейин ташқарига чиқади.

**2. Перитеций, яъни чала очиқ мева тана.** Бу типдаги мева таналар кўзасимон бўлиб, учи бир қадар очиқ бўлади. Халтачалар меватананинг тагида тўп бўлиб вертикал жойлашади, етилиши билан, споралар тешикча орқали бирин-кетин ташқарига отилиб чиқади.

**3. Апотеций, яъни очиқ мева тана.** Бу хилдаги мева таналар, кўпинча тарелкасимон ёки пиёласимон шаклларда бўлиб, халтачалар бетида кенг қатлам ҳосил қилиб, эркин жойлашади ва осонлик билан тарқала олади.

Халтачали замбуруғларнинг кўпгина вакилларида меватана ва халтачалари пайдо бўлиши олдидан кўпинча, бир неча жуфт жинсий органлар тўда-тўда бўлиб вужудга келади. Бу жинсий органларнинг ҳосил бўлиши меватанинг бошланиши ҳисобла-



55-расм. Мева тана хиллари:

1 — апотеций; Г — гинемиал қатлам; 2 — апотеций бир хисманинг катталаштирилгандағи кўриниші; а — е — ҳар хил тараққиёт давридаги ҳалтача, 3 — перитеций; ж — пафизалар, е — ҳалтачалар, и — мицелий иплари, 4 — клейстокарпий; е — ҳалтачалар, к — пўст.

нади. Машхур рус микологларидан М. С. Воронининг (1833—1903) замбуруғларнинг ўрганишга бағишлиган классик тадқиқотларида бу процесс батафсил баён қилинганды.


Халтачали бевосита мицелийда ҳосил бўладиган замбуруғларга ачитувчи замбуруғлар мисол бўла олади.

Бу синфиңнинг аксари вакилларида халтачали меватананинг ҳосил бўлиши олдидан тўда-тўда бўлиб жойлашган бир неча жуфт жинсий органлар етишади (55-расм).

Халтачали замбуруғларнинг урочи жинсий органи — архикарп, эркак жинсий органи эса антеридий деб аталади. Архикарп иккни ҳужайрадан иборат бўлиб, уларнинг остки шарсизмон шакидагиси аскоген, устки цилиндрсимони эса трихогина деб аталади.

Антеридий битта цилиндрик ҳужайрадан иборат. Бу эркак ва урочи жинсий органларнинг ҳужайралари кўп ядроли бўлиб, ичидаги моддаси зигомицетларнига ўхшаш, айрим гаметаларга дифференциацияланган эмас. Буларнинг оталаниш процесси тубандагича бўлади: антеридий трихогинанинг уни билан қўшилиб, ичидаги моддасини унга қўяди. Трихогинанинг тагидаги тешикчадан антеридий ядролари аскогенга ўтиб, у ердаги аскоген ядроси билан жуфтлашади-ю, аммо ўзаро қўшилмай турди, фақат уларнинг цитоплазмаларигина бирлашади, холос. Бу, қўш ядро ёки дикарион деб аталади. Дикарион вояга етиши билан аскогендан аскоген гифалари деб аталадиган шохланган ўсимтачалар ҳосил бўлади. У ерда уларнинг жуфтлашган ядролари бир вақтда баравар ва тенг бўлина бошлиди, чунки бола дикариондаги ядроларнинг бири эркак, иккинчиси урочи бўлиши лозим. Кейин дикарионлар аскоген ипларига ўтиб, шохчаларининг учida тараққий этади ва халтачага айланади. Ҳар бир халтача ичидаги 8 тадан халтачали споралар ҳосил бўлади. Демак, оталанган битта аскогендан аскоген иплари орқали бир қанча халтачали споралар вужудга келади.

Шу билан бирга, жинсий органларни ҳосил қилган мицелий гифалари халтачалар атрофида ўралиб, жинсий органларга ва ундан ҳосил бўлган



55-расм. Пиронема — Гуролепта замбуруғи жинсий органларнинг тузилиши:  
1 — бир тода жинсий органлар; 2 — оталаниши; 3 — қўш ядроли аскоген ипларининг тараққий этасин; 4 — аскоген иплари учida халтачаларнинг вояга етиши; а — антеридий — трихогина, ас — аскоген, аг — аскоген гифалари; с — халтачи она ҳужайрасининг досил бўлиши.

аскоген ипларига эга меватанасининг наматсимон тўқимасини ҳосил қиласди.

Халтачали замбуруғларнинг кўпчилик турларида жинсий органларнинг қўшилиши редукцияланган. Баъзан эркак жинсий органи бўлмайди ёки урғочи жинсий орган ўсмай қолади. Кейинги тараққиёт эса апогамия<sup>1</sup> йўли билан бўлиб, аскоген иплари тараққий этиб, унинг иплари учидаги халтачалар ҳосил бўлади.

Ичидаги ядролар қўшилади, сўнгра диплоид ядро изчиллик билан уч марта бўлинади, лекин биринчиси редукцион бўлинади. Натижада саккизта гаплоид ядро ҳосил бўлади. Булар ривожланиб саккизта халтачали спорага айланади.

Халтачали замбуруғларда меватана бўлиши ва бўлмаслигига караб, улар икки кенжасинфга: 1 — ялангоч халтачалилар — *Gymnoascomycetidae* ва 2 — мева халтачалилар — *Cryptoascoscytidae* кенжасинфига бўлинади.

### 1-синфча. Ялангоч халтачалилар — *Gymnoascoscytidae*

Бу синфча меватана йўқлиги ва халтачалар бевосита мицелийда ёки айрим ҳужайраларда вужудга келиши билан характерланади. Бу синфчага тахминан 400 та тур киради ва икки тартибга бўлинади.

#### 1-тартиб. Дастлабки халтачалилар — *Protoascales*


Дастлабки халтачалилар тартибига 300 га яқин тур киради, деярли ҳаммаси сапропит ҳолда яшайди. Бу тартибининг вакиллари баъзи белгиларига қараганда фикомицетлар билан халтачали замбуруғлар ўртасидаги ўринда туради.

Халтачалари эса бевосита мицелийда аскоген иплари иштирок этмагай ҳолда, зиготадан вужудга келади ёки жинссиз йўл билан ҳосил бўлади.

Вегетатив танаси кўпинча оидийларга ажраладиган кўп ҳужайралари мицелийлардан ёки куртакланиб, шохланган занжирлар ҳосил қилувчи айрим ҳужайралардан иборат бўлади. Дастлабки халтачалилар орасида ачитувчи замбуруғлар группасидан ачитқи замбуруғлар оиласи *Saccharomyces cerevisiae* диққатга сазовордир.

Бу оиласининг вакили сифатида пиво ёки нон турушининг ачитқиси (*Saccharomyces cerevisiae*)ни олиш мумкин (57-расм). Бунинг ҳужайраси бир ядроли, одатда якка-якка, думалоқроқ ёки овал шаклда бўлади. Куртакланиши натижасида ҳосил бўлган бола ҳужайралар баъзан узилиб кетмай занжир ҳосил қиласди. Протопластида протоплазмадан ташқари сувли вакуола ва гликоген бўлади. Баъзан унинг ҳужайралари тоғ бўйига жуда чўзи-

<sup>1</sup> Апогамия тараққий этганда, кўпинча, аскоген ядролари яқинлашиб қўши ядрога айланади.



58-расм. Тафринадошлар (Tafrinaceae). А. тафрина билан заарланган шафтоли шохининг умумий кўриниши; а — спорали сумкаси; Б. тафрина билан заарланган ва соғ мевали тоголча шохининг умумий кўриниши; б — спорали мевасининг уст қисмдан қилинган кесими

**Терак тафринаси** (*T. aigaea*). Бу паразит терак дарахтининг ҳамма турларида учрайди. Баргининг усти томонидан олтин рангли сарғиш ёки жигар ранг думалоқ бўртмачалар досил қиласди. Натижада барг кўринишини ўзгартади ва ўсишдан қолади. Баргнинг остида, бўртма тагида спора ва спорахалтачалари жойлашади. Нок баргларининг устки томонида ҳам шу сингари бўртмалар учрайди. Бу *T. bullata* замбуруфининг фаолиятидир.

Бунга қарши курашиб учун ўсимликнинг заарланган шохчалари кесилади, касалланган барг ва мевалари узиб олинади, куйдирилади. Куздаги хазонлари ҳам йигилиб шу йўсинда йўқотилади.

## 2- синфча. Меваҳалтачалилар — Сагроасомту-setideae

Бу синфчага 20000 дан зиёдроқ тур киради. Бу синфчага ки рувчиларнинг характерли белгиси шуки, уларда меватана бўлиб, унинг ичидаги ёки сиртида жуда кўп халтачалар вужудга келади.


Бу синфча меватанасининг тузилишига ва шаклига қараб, ту бандаги олти тартибга бўлинади.

## 1-тартыб. Плектаскалескабилар—Plectascales


Бу тартиб меватанали ва халтачали замбуруғларнің энг соддаси бўлиб, меватанаси ёпиқ, баъзи турларида эса бошланғич ҳолда бўлади, аммо ҳеч қачон гимениал қатлам ҳосил қиласайди.

Аспергиллдошлар оиласи (*Aspergillaceae*). Бу плектаскалес-нинг асосий оилаларидан бўлиб, 200 дан ортиқроқ турни ўз ичига олади. Бу оила меватанасининг жуда майда ва қалин пўстли бўлиши ҳамда кўпчилик турларининг конидия орқали кўпайиши билан характерланади. Оиланинг энг кўп тарқалган муҳим вакилларига *аспергилл* (*Aspergillus*) ва *пеницилл* (*Penicillium*) авлодларига мансуб замбуруғлар киради.

Бу авлодларнинг турлари кўк, сариқ, қорамтири пўпанак тарзида ҳар хил ҳўл меваларда, ўсимлик, ҳайвон қолдиқларида ва тупроқда яшайди. Уларда меватана камдан-кам ҳосил бўлиб, асосан конидиялар воситаси билан кўпаяди. Кўпчилик турларининг халтача споралар ҳосил этишин номаълум. *Пеницилл* (*Penicillium*) ёки кўк мөгор кенг тарқалган бўлиб, мураббо ва ҳўл меваларда кўп учрайди. Конидиябандлари кўп ҳужайрали бўлиб, учи икки-уч марта шохлайди. Кейинги шохчаси конидия занжирларига айланади. *Пеницилл*нинг конидиялари микроскоп остида панжача шаклида кўринади. Шунинг учун у (латинча — *Penicillium*) панжача ёки шингилча деб ном олган.



69. расм. Пеницилл — *Penicillium*:  
а — конидиябанди; б — конидиялар;



60-расм. Аспергилл — *Aspergillus*:

а — горизонтал кеттав тиққасига чиққан конидиябанди; б — етилган конидия; в — конидиянинг ўсиши; д — клейстокарпий.

*Аспергилл* (*Aspergillus*) нинг мицелийси сершох ва кўп ҳужайрали, ҳужайраси кўп ядроли, кўп конидиялар беради. Конидиябанди бир ҳужайрали, шохланмаган, учи шар шаклида, қавариб чиққан бўлади. Қаварган жойининг сиртида юлдузсимон тарқалган цилиндрик ҳужайралар бўлиб, учларида конидия занжирлари вужудга келади. Конидия занжирларининг жойланиши лейка жўмрагидан сочилиб тушаётган сувга ўхшайди (60-расм). Шунинг учун у, лейка замбуруғи деб ҳам аталади.

Бу замбуруғларнинг меватанаси субстрат ичидаги мицелийда тараққий этади ва шарсимон, тўрларига қараб ҳар хил рангда бўлиб, катталиги 1 мм дан ошмайди. Шарсимон халтачалар меватана ичida тартибсиз жойлашади. Аспергилл ва пенициллар катта аҳамиятга эга. Булар ферментларга жуда бой. Аспергилл (нигер)дан лимон кислотаси олинади. Японияда (*Aspergill ogyzae*) гуручдан ароқ тайёрлашда ишлатилади.

Пенициллнинг баъзи турларидан саноатда (*Penicillum notatum*, *P. chrysogenum* ва бошқалар) кўпдан ҳаммага маълум бўлган антибиотик дори — пенициллин олинади. Баъзи турлари одам ва ҳайвонларда аспергиллез касалини вужудга келтиради.

Бизда бир қанча илмий муассасалар пеницилл замбуруғи турларини ўрганиш ва пенициллининг янги хилларини олиш устида тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

## 2- тартиб. Периспориалескабилар—Perisporiales

Бу тартибга киравчилар плектаскалесга ўхшаш, ёпиқ мева танаси бўлиб халтачаларининг меватанаси ичидан пастдан юқорига томон тартибли, параллел жойлашганлиги билан улардан фарқ қиласди.


Бу тартибининг асосий оиласидан бири ун-шудрингдошлар оиласи (*Erysiphaceae*) дир. Бу замбуруғлар паразит ҳолда яшайди, улар ёввойи ҳамда маданий ўсимликларда кўп тарқалган бўлиб, экинларга катта зарап келтиради.

Ун-шудринг замбуруғ тушган барг, поя ва меваларнинг усти аввал оқиш ёки кул ранг, кейинроқ қўнғир тус олувчи губорлар билан қопланади. Бу губорлар замбуруғ мицелийси ва унда вертикал жойлашган конидиялардан иборат. Мицелийси хўжайин ўсимлик органларининг сиртида бўлиб, ҳужайралари эпидермисга зич ёпишиб, ичига томон ўсади ва сўргич — гаустория ҳосил қиласди. Бу сўргич воситаси билан хўжайнин ўсимликдан озиқ моддаларни олади.

Бу замбуруғларнинг кўпайиши, асосан, конидиялар воситаси билан боради. Конидияси шохланмаган қисқа конидиябандларда ҳосил бўлиб, шамол билан бошқа соғ ўсимликларга тарқайди.

Конидияларнинг бир қисми хўжайнин ўсимлик органининг устини қоплаб олади ва оқинш губорга ўхшаб кўринади. Шунинг учун ҳам у, ун-шудринг замбуруғ деб аталади. Унинг оқиш ранги кейинроқ жигар ранг тусга айланади; бу давр унинг меватана ҳосил қилиш пайти бўлади. Меватанаси шарсимон, жигар ранг ва клейстокарп бўлиб, баъзан уни оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин.

Клейстокарпий ичидан тухумсимон халтачалар бўлиб, халтача ичидан саккизтадан спора жойлашади. Клейстокарпий пўстидан ҳар хил.шаклдаги ипсимон ўсимталар чиқади. Клейстокар-



61-рasm. Ун-шудринг замбуруғлари:


1 — еризифе (*Erysiphe*) нинг мицелийси. Ў барг бетидага конидия занжирлари ҳосил ҳалтаги. 2 — сферотека — *Sphaerotheca* — клейстокарпийсининг ёрилиши.

пий жинсий процессдан кейин ҳосил бўлади. У вояга етгандан сўнг ерга тўкилади ва қишилайди, баҳорга чиқиб ёрилади, ичидан чиқсан аскоспоралар шамол билан тарқаб, бошқа ёш ва соғ ўсимликларга ўтади ва уларни заарлайди.

Ун-шудриндошларнинг энг кўп тарқалган авлодларига *Сферотека* (*Sphaeroteca*), *эризифе* (*Erysiphe*), *унцинула* (*Uncinula*) киради.

*Сферотека* (*Sphaeroteca*) нинг клейстокарпийси бир халтачали, ўсимталари ипсизон бўлиб, мицелийга бирлашиб ўсади; бу авлодга мансуб турлар паразит бўлиб, беда атиргул, бодом, шафтоли, маймунжон, ошқовоқ, бодринг, қовун ва бошқа бир қанча ўсимликларни заарлайди.

*Галла эризифеси* (*E. graminis*) нинг клейстокарпийсидан чиқсан ўсимталар сферотеканикига ўхшаш мицелийга аралашган



62-расм. — *Oidium*

1 — оидиум билан заарланган ток йовдаси; 2 — оидиум билак заарланган ток барги; 3 — оидиум билан заарланган узум боши; 4 — оидиумнинг конидиялари.

30 гача строма деб аталаған қызил, диаметри 1—3 мм ли шарсимон бошчали тәйекталарга айланади. Строманинг бошча қисміда, чүккан ұлда тухумсимон перитецийлар жойлашған бўлади. Перитецийнинг тагидан узунасига жойлашған бир неча парафизасиз халтачалар бўлиб, улар ичида 8 тадан ипсимон аскоспоралар вужудга келади.

Етилган халтачалар перитеций оғзида осилиб туриб ёрлади. Ичидан куч билан отилиб ҳавога чиққан аскоспоралар шамолда тарқалиб, гуллаб турган ғалла ўсимликларнинг оғизчасига тушиди. У ерда спора ўсиб, мицелийга айланиб тугунча ичига киради. Мицелийда бир ҳужайрали рангсиз конидияли конидия-бандлар қатлами ҳосил бўлади ва «бол-шудринг» шира чиқариб яна соғ тупларни касаллайди. Шох-куя склероцийси жуда заҳарлидир, чунки унинг таркибида бир қанча алкалойдлар мавжуд. Масалан: эрготамин, эргомитрин, эрготоксин ва бошқалар. Склероций аралашған ундан тайёрланган нон организм учун хавфлидир. 0,06% шох-куя кукуни аралашған ундан тайёрланган нонни еган киши эрготизм деган касалга йўлиқади.

Лекин шох-куяning склероцийси геникология практикасида туғишини енгиллаштирувчи ва бачадондан кетган қонни тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Шох-куяга қарши кураш чораси, асосан, ғаллани шох-куядан яхшилаб тозалашдир.

Пиреномицеткабиларнинг юқоридаги сингари паразит вакиларидан *вентурия* (*Venturia naeguelin*) олма дараҳтида ва бошқа тури (*V. pyrini*) нокда «қўтири» касаллигини, *гинъядия* (*Gignardia bidwelli*) эса токнинг барча органларида, хусусан, меваси — узумда «қора чириш» касаллигини вужудга келтиради.


Вентурия мева дараҳтларидан кўпроқ олма ва нокда яшаб, уларни нимжон қилиб қўяди ва меванинг сифатини пасайтиради. Гинъядия узум ҳосилининг тахминан 30% ини пасайтиради. Бу касаллик Ўрта Осиё республикаларининг ҳамма жойида учрайди.

#### 4-тариб. Дискомицеткабилар—*Discomysetales*

Бу тартибга сапрофит ва паразит ҳолда яшовчи 6000 та туркиради, дискомицетларнинг меватанаси апотеций — очиқ бўлиб, тарелкасимон, пиёласимон шаклларда бўлади. Унинг чуқур цилиндрик халтачалар билан парафизаларнинг навбатлашиб жойланишидан ҳосил бўлган гимений қатлами бор. Меватанасининг диаметри 1 мм дан бир неча сантиметрга боради, ёшлигига бавзан ёпиқ бўлиб, фақат етилгандагина очилади.

Бу тартибининг типик вакили чиринди кўп ва захроқ жойларда, ариқ бўйларида учрайдиган *пецицаадир* (*Peziza*) (64-расм).

Пецизанинг меватанаси воронкасимон, этли, диаметри бир неча см бўлиб, остидан чиққан бир тўда гифалар билан субстратга бириккан ҳолда, сапрофитлик билан яшайди. Уларнинг



64-расм. Кўзиқоринлар:


1 — ейилдиган қўзиқорин; 2 — унинг халтачалари билан парофизаларни г' наебатланиши;  
3 — хевелла; 4 — пецица; 5 — пецица халтачасининг парофизалар билан наебатланиши;  
6 — верпа.

сирти, турларига қараб, сариқ, жигар ранг, оч сариқ рангларда бўлиши мумкин.

Иккинчи вакили сифатида ҳамма жойларда учрайдиган қўзиқорин (*Morchella*) ни олиш мумкин. Қўзиқориннинг меватанаси йирик, бўйи 10—20 см, ичи бўш бўлиб, у қалпоқча ва банддан иборат. Қалпоқчасининг устки томони қориннинг ички томонига ўхшайди ва четлари эса банди билан бирлашган ҳолда ўсади. Қалпоқчасининг катакчаларида гимений қатламлари жойлашиб, етишган халтачалар ичидаги саккизтадан спора ҳосил бўлади. Узбекистонда ва, шунингдек, Урта Осиёнинг бошқа республикаларида конуссимон қўзиқорин (*M. copica*) ва гигант кул ранг қўзиқорин (*M. grisea* — *gigantea*) ҳам кўп учрайди.

Қўзиқориннинг кўкламдаги меватанаси овқат сифатида кўп истеъмол қилинади.

Қўзиқоринлар чириндига бой, тупроқда яшовчи сапрофит замбуруғлар бўлиб, уларнинг кўп йиллик мицелийсидаги ёз фаслида запас озиқ моддалар тўпланади, куздан бошлаб, меватанача ҳо-



65-расм. Склеротиния — *Sclerotinia*:

1 — конидиялар түплемининг бўйига кесими; 2 — склероциблашгэн олмада апотецийнинг ҳосил бўлиши; 3 — айрим халтаси.

сил бўлади. У фақат келгуси йилнинг кўкламида ердаги намлар кетмасдан ўсиб, йўғонлашиб, катталашади, сўнгра баҳорнинг ёнили ва иссиқ кунларида ер бетига чиқади ва спораларини сочади. .

Бу тартибининг паразит вакиллари қаторига склеротиния авлодининг турлари (*Sclerotinia*) киради (65-расм).

Склеротиниянинг характерли белгиларидан бири, шох-куя замбуруғига ўхшаш склероций ҳосил қиласи. Склеротиния турлари кўп тарқалган зарарли замбуруғлардан бўлиб маданий ҳамда ёввойи ўсимликларда яшаб уларга катта зиён етказади. Масалан, склеротиния фруктигена (*Sclerotinia fructigena*—*Monilia fructigena*) олма, нок, беҳида склеротиния синера (*S. Sipergaea*) олча, тоголча, шафтоли, ўрикларнинг мевасида яшаб, «чириган мева» ҳосил қиласи.

Склеротиния замбуруғининг конидияси ёки аскоспораси ёш олмага ёки данакли бошқа меваларга тушиб, у ерда ўсиб, мицелийга айланади. Сўнгра мицелийси меванинг чуқур эт қисмiga тарқайди. Бу билан, одатда, фақат эпидермиси шикастланган мевалар заарланади, шикастланмаганлари эса бу билан ҳеч касалланмайди. Узунбурун қўнғизчалардан казарка кўпинча мева эпидермисини шикастлайди.

Қўнғизчалар мева эпидермисини кемириб, эт қисмiga тухум кўяди, тешикчаларни замбуруғ конидияси бор экскрементлари (ахлати) билан беркитади. Бу ҳол олма казаркаси билан бу паразит ўртасида биологик боғланиш борлигини кўрсатади. Замбуруғнинг мицелийси мева этида тезлик билан ўсиб унга қўнғир тус беради, юмшатади ва бетида концентрик дорилар ясад, кул



66-расм. Трюфель — *Tuber*:  
а — етилган меватана; б — споралии халтаса.

ранг ёстиқчалар ҳосил қиласди. Бу склеротинияни конидияспоралариридир. Конидияспоралар шамол ва ҳашаротлар воситаси билан тез тарқайди.


Эти касалланган мевалар қорайиб, чириб тўкиласди. Тўкилган мевада ҳам замбуруғнинг ўсиши давом этади. Заарланган меванинг усти кузда қорайиб, мумга ўхшаб қолади. Шундай олманинг ичи замбуруғнинг тинчлик даврини кечириувчи гифаларидан, сирти склероцийсидан иборат бўлади (66-расм). Склероцийиси қорамтири-кўк рангда бўлади ва шу ҳолда замбуруғ қишидан чиқади. Баҳорда склероцийиси тараққий этиб, ундан янги конидиялар тўплами ёки узунгина бандли апотецийлар ҳосил бўлади.

Склеротиния замбуруғига қарши курашнинг асосий йўли боғларни тоза тутиш, касаллик майбанин тугатиш, тўкилган олмаларни йўқотиш, казаркага қарши кураш, кўкламда мева дарахтларига барг чиқаришидан олдин темир купороси, ёзда эса Бордо суюклиги пуркаш лозим.

### 5-тартиб. Трюфелкабилар—*Tuberales*

Бу тартибининг вакиллари тупроқда ёки юқори ўсимлик илдизларида симбиоз ҳаёт кечирадиган сапропит замбуруғларидир. Мицелийси субстратга чўйкан ҳолда бўлиб, тупроқ остидаги чириндилар ҳисобига озиқланиб, 1 кг гача етадиган тугунаксимон, думалоқ меватана ҳосил қиласди. Меватанаси бошида аптеций бўлса ҳам кейинчалик клейстокарп меватанага айланади.

Бу тартибининг типик вакилларидан бири *трюфель* (*Tuber*) ҳисобланади. Етилган трюфель меватанасининг усти қорамтири, кўп қатламили пўст — перидий билан қопланган. Ичи эса навбатлашиб жойлашган оч ва қорамтири рангли, мармар гулли, этли тўқималардан иборат. Оч рангли қисми ички, тўқ рангли қисми ташқи вена деб айтилади. Трюфелнинг мицелийси дарахтларнинг илдиз учларини ўраб олиб, улар билан симбиоз ҳолда



67-расм. Базидия хиллари;  
1—2 — холобазидия; 3 — 4 — фрагмобазидия.

яшайди ва микориза (замбуруғ илдиз) ҳосил қиласи (67-расм). Замбуруғ дараҳтдан углеводларни, дараҳт эса замбуруғдан азотли моддаларни олади. Унинг ер остида бўладиган қорамтири, картошкасимон меватанасининг диаметри 8 см га боради. Меватанасининг усти сохта паренхиматик тўқималардан иборат қалин қобиқ билан ўралган, ичи эса жуда кўп қийшиқ, катакча ёки уячаларга бўлинган, деворчалари гимений қаватлари билан қопланган. Гименийдаги халтачалар ичиди, кўпинча, тўртта ёки иккита спора ҳосил бўлади. Спораси чўзиқ ва усти тиканакчали бўлиб, фақат меватана чириб майдалангандан кейингина ташқарига чиқади. Спораларининг тарқалишида унияг меватанаси билан озиқланувчи тупроқ ости ҳайвон организмлари катта рол ўйнайди.

Трюфелларнинг меватанаси лаззатли ва хушбўй бўлганидан, овқат сифатида истеъмол қилинади. Ўзбекистонда бу замбуруғнинг ўсиши маълум эмас. Аммо ёз трюфели (*Tuber aestivum*) СССРнинг ўрта минтақасидаги ўрмонларда, Украинада, Кавказда учрайди. Франция ва Италияning дубзорларида сунъий равишда меватанаси муштдек келадиган қора трюфель (*T. melanosporum*) ўстирилади.

СССРнинг Марказий областларида Москва теваракларидағи ўрмонларда оқ трюфель (*Choigomutes meandriformis*) учрайди. Яна трюфелларга қарашли овқатга ишлатса бўладиган замбуруғга терфеция (*Terfezia leonis*) киради. Бу Ўрта Осиё ва Закавказъеда ўсади.

#### 6-тартиб. Лабульбениякабиллар—*Laboulbeniales*

Бу тартибга 1500 га яқин тур киради, улар асосан тропик мамлакатларда тарқалган бўлиб, баъзи турларигина Европада

Учрайди. Буларнинг кўлчилигига мицелий бўлмайди. Баъзиларининг гифасимон ўсимтаси бўлади.

Лабульбениякабилар эктопаразит бўлиб ҳашаротларда, хусусан, кўнғизларда яшайди. Уларнинг озиқланиш органи ҳужайраси остидан ўсиб чиқсан учли ўсимта бўлиб ана шу ўсимта во-ситади билан ҳашаротнинг хитинига санчилиб олади. Санчилган ўсимтаси ҳашаротнинг ички қисмигача етмайди. Бироқ баъзи турларида озиқланувчи органи ичкарига ўтади ва у ерда ўсиб, узун шохланган ризоидларга айланади. Микроскопик вегетатив танаси ҳақиқий тўқималардан ташкил топган бўлиб, у рецепта-кулум деб аталади.

Рецептакулумда чала очиқ мева-тана — перитеций ҳосил бўлади. Меватана ичиди халтачали замбуруғларга хос споралар ҳосил бўлади.

Бу тартибга Европадаги баъзан уй пашшаларида учрайди-  
ган стигматомицес (*Stigmatomycetes bargsi*) мисол бўлади.

Стигматомицеснинг рецептакулуми (танаси) бир неча қават пўстли ҳужайралардан иборат бўлиб, остидаги учли ҳужайрадан чиқсан ўсимтасини ҳашаротларнинг хитин қобиғига санчилб, эк-  
топаразитлик билан озиқланади.

Лабульбениякабилар жинсий органларининг тузилиши билан бир томондан, қизил сувўтларга, халтачалар ҳосил қилиши билан эса халтачали замбуруғларга ўхшайди. Шунинг учун баъзи систематиклар лабульбенияларни қизил сувўтлардан, бош-  
қалар эса халтачали замбуруғлардан келиб чиқсан дейдилар. Чала очиқ меватана ҳосил қилиши эътиборга олинса, улар пире-  
номицетес тартибига яқин туради дейиш мумкин.

#### IV СИНФ. БАЗИДИЯЛИ ЗАМБУРУҒЛАР—BASIDIOMYCETES

Базидияли замбуруғлар юқори замбуруғларнинг иккинчи катта синфи бўлиб, бунга 25000 дан зиёдроқ турлар киради. Булар орасида фойдали ёки қишлоқ ҳўжалигига катта зиён етказадиган паразит ва заҳарли турлари ҳам бор.

Базидияли замбуруғларнинг мицелийси халтачали замбуруғларнига ўхшаш кўп ҳужайрали ва тўсиқли бўлади. Аммо халтачали замбуруғлардан базидияли замбуруғлар мицелийсининг диплоид фазада бўлиши, алоҳида, жинсий органлар ҳосил қиласлиги, бундай органлар бўлганда ҳам унинг редукцияланган бўлиши билан фарқ қиласди. Базидияли замбуруғларда жинсий спора берувчи орган сифатида она ҳужайра базидия вужудга келади. Базидиянинг тараққий этиши халтачанинг тараққий этишига ўхшайди. Халтача споралар халтача ичиди эндоген йўл билан вужудга келса, базидияспоралар экзоген йўл билан базидиянинг сиртида ҳосил бўлади.

Халтача ҳам, базидия ҳам такомиллашмаган жинсий про-  
цесснинг ҳосиласи бўлган қўш ядро — дикариондан келиб чиқа-

ди. Уларнинг ядроси қўшилиши билан мураккаб тараққий этиш даври бошланади. Одатда халтачали замбуруғлар дикариондан ҳосил бўлган зигота кетма-кет уч марта бўлинади. Базидияли замбуруғларда зигота икки марта бўлинади, холос. Ҳар иккаласида ҳам дастлабки бўлиниш редукцион тарзда бўлади. Ҳосил бўлган бола ҳужайра ўсиб, йўғонлашади ва чўзиқ шаклий олади. У базидия деб аталади. Базидиянинг учида ёки ён томонида иайчасимон тўртта ўсимта ҳосил бўлиб, бу ўсимтанинг учи баъзан шарга ўхшаб кетади. Базидиянинг учида базидияспора деб аталадиган тўртта спора вужудга келади. Базидияспоралар базидия учидан чиқсан ингичка ўсимта — стеригмада бўлади. Етилган базидияспоралар стеригмадан отилиб чиқади ёки узилиб ерга тушиб, у ерда ўсиб мицелийга айланади.

Базидияспоралар ҳамиша бир ҳужайрали, кўпинча бир ядроли, думалоқ ёки ипсимон чўзилган бўлади. Базидияда споралар доим тўрттадан бўлмай, иккита, саккизта ва биттадан бўлиши ҳам мумкин. Базидияларнинг тузилиши ҳар хил бўлади. Масалан, базидияли замбуруғларнинг кўпчилигига базидия ҳужайра, яъни спора ҳосил қиливчи она ҳужайра қисмларга бўлмай, бутунлигича қолади. Шу хилдагилари **холобазидия** деб аталади. Бошқа ҳолларда базидиянинг диплоид ядроси бўлинishi билан базидия ҳам энига ёки бўйига қараб тўртта ҳужайрага ажралади. Булар **фрагмобазидия** дейилади (68-расм).



68-расм. Экзобазидиум вакцинина *Exobasidium vaccinii*:

1 — 2 — табиий кўриниши; 3 — гименийининг 620 марта катталаштирилгандаги кўриниши.

Базидияспора ўсиб, гаплоид мицелийга айланади. Базидияли замбуруғларда базидиялар ҳосил бўлиш олдидан жинсий органлар вужудга келмаса ҳам, гетероталлизм хусусиятига эга бўлган мицелий тараққий қилиб, ҳар хил жинсли мицеллйлар беради. Икки хил мицелий ўсиши билан бирининг ҳужайра ядроси иккимисининг ҳужайра ядроси билан қўшилиб, дикарион ҳосил қиласди. Дикарион тараққий этиб базидияга айланади. Халтачали замбуруғларда дикарион даври ғоят қисқа бўлади, фақат мева танасининг аскоген гифаларигина қўш ядроли бўлади, шу туфайли уларда гаплоид фаза устунлик қиласди. Аммо базидияли замбуруғлар меватанасининг гифалари қўш ядроли ҳужайралардан тузилган бўлиб, унинг ҳаётида диплоид фаза устунлик қиласди.

Бу синфнинг қоракуя замбуруғларига ўхаш баъзи турларида базидияспора базидиядан ажралмаган ҳолда ўзаро бирлашади. Бундай зигота тўғридан-тўғри мицелийга айланади. Бу процесс улардаги жинсий кўпайиш ҳодисаси ҳисобланади. Меватана базидияли замбуруғларнинг баъзиларида бўлмайди ҳам, бошқаларида вужудга келмайди. Меватанаси этили ёки ёғочланган бўлиб, шакллари эса ниҳоятда хилма-хилдир.

Халтачали замбуруғларнинг меватанаси гаплоид гифалардан, базидияли замбуруғларнинг меватанаси ҳужайрасининг ҳаммаси икки ядроли ҳужайралардан тузилган диплоид гифалардан иборат. Базидияли замбуруғларда меватана ҳосил бўлмаган пайтда базидия тўғридан-тўғри мицелийда ҳосил бўлади. Меватана юмшоқ гифалардан — паренхиматик тўқималардан тузилган бўлиб, халтачали замбуруғларнига ўхаш очиқ ва ёниқ бўлади. Шакли ҳам ҳар хил: қўзидумбада қалпоқсимон, пўкакларда түёқсимон, уй замбуруғида пардасимон бўлади ва ҳоказо. Бу синфнинг баъзи вакиллари базидияспоралар ҳамда конидиялар ва хламидоспора воситаси билан кўпаяди.

Базидияли замбуруғлар икки кенжা синфа: холобазидиомицетнамолар ва фрагмобазидномицетнамолар синфчага бўлинади.

### 1-СИНФ. ХОЛОБАЗИДИЯНАМОЛАР—HOLOBASIDIOMYCETIDAE

Холобазидиянамоларга мансуб замбуруғларнинг базидияси бир ҳужайрали бўлиб, бунга тубандаги тартиблар киради:

- 1- тартиб. *Дакриомицеткабилар* — *Dacryomycetales*.
- 2- тартиб. *Экзобазидиякабилар* — *Ecsobasidiales*.
- 3- тартиб. *Гименомицеткабилар* — *Hymenomycetales*.
- 4- тартиб. *Гастеромицеткабилар* — *Gasteromycetales*.

Фрагмобазидиянамолар синфчаси — *Rhagmobiasediomycetidae*.

Буларнинг базидияси кўп ҳужайрали, кўпинча, тўрт ҳужайрали бўлиб, тубандаги тартибларга бўлинади:

- 5- тартиб. *Аурикуляриякабилар* — *Auriculariales*.

6- тартиб. Тремиллакабилар — *Tremillales*

7- тартиб. Қоракуякаби замбуруғлар — *Ustilaginales*.

8- тартиб. Зангкаби замбуруғлар — *Uredinales*.

## 1- тартиб. Экзобазидиякабилар—*Exobasidiales*

Бу тартибга 30 га яқин түрни ўз ичига олган экзобазидлум (*Exobasidium*) авлоди киради. Буларнинг ҳамма турни ҳам паразит ҳолда яшайди. Меватанаси бўлмайди. Базидияси бевосита мицелийда ҳосил бўлади.

Бу тартибга кирадиган ва биринчи марта руё альгологи М. С. Воронин томонидан тўлиқ тасвирланган ва батафсил ўрганилган бруслика, черника ва чой ўсимликларида паразит ҳолда яшайдиган (*Exobasidium vaccinii*) киради.

Бу паразит бруслика ва черниканинг барғ ва ёш пояларида яшаб, уларни жароҳатлаб баргининг устида қизил, пушти, остида сутдек оқ ғуррачалар вужудга келади. Бу ғуррача ичидаги паразитнинг оқиш мицелийси тараққий этиб, базидиялар ҳосил қиласди. Базидиялар эпидермис ҳужайра оралиғидан ташқарига осилиб, устида тўрттадан базидия спора ҳосил бўлади (68- расм).

Баъзан, базидия ядросининг изчилиллик билан уч марта бўлинниши натижасида халтачали замбуруғларга ўхшаш, саккизта спора ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Базидиядан узилган споралар бошқа тупларга тарқайди. У янги хўжайнин ўсимликларда ўсиб, конидия ҳосил қиласди. Конидия поя ва баргларда тараққий этиб, сўнгра жароҳатловчи мицелийга айланади. (*Exobasidium*) чой ўсимлиги баргига яшайди. Бу паразит Ҳиндистондаги чойзорларда учраб, уларга катта зарап келтиради. (*E. laurii*) лавр ўсимлигини зараплайди, баргларида тараққий этиб, сўнгра жароҳатловчи мицелийга айланади.

## 2-тартиб. Гименомицеткабилар—*Gymnopomycetales*

Бу тартиб базидияли замбуруғлар орасида ҳажм жиҳатдан энг каттаси ҳисобланниб, ўз ичига 16 мингга яқин турни олади. Бу тартибининг кўпчилик вакиллари сапрофит бўлиб, асосан тўпроқда, ўсимлик чиринди ва қолдиқларида яшайди, баъзилари дарахтлар танасида паразитлик қиласди. Буларнинг аксари микоризали бўлади тупроқ бетида ранги ва катталиги жиҳатидан ҳар хил бўлган меватаналар ҳосил қиласди. Содда вакилларида меватана ривожланмайди ёки пўстлоқ шаклида бўлиб, сиртидаги гимениал қатламда базидиялар жойлашади. Аҳоли ўртасида замбуруғ деб, одатда ана шу гименомицет замбуруғларига мансуб турларнинг меватанасига айтилади.

Гименомицет замбуруғларининг кўпайиш вақтида шакли ҳар хил бўлган меватаналар вужудга келади. Меватанада базидия ва парафизалардан иборат гимений қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам кўпчилик турларида эса ривожланган меватананинг ост-

ки томонидан ёки ички сатҳидан чиққан турли тиканакли ўсим-талар, бурмачалар, пластинкалар ва найчалар ичида жойлашган гименийларда вужудга келади. Тузилиши шу хилда бўлган меватаналарда спораларнинг жуда кўп бўлиши, шубҳасиз, уларнинг ҳосил қиласиган сатҳининг катталигига боғлиқ.

Меватананинг гимениял қатлам жойлашган сатҳи гименофор деб аталади. Гименофор муҳит систематик аҳамиятга эга, чунки гименияли замбуруғлар оиласарга бўлингандага гименофорнинг тузилиши асос қилиб олинади.

Бу тартибнинг асосий оиласари клавариядошлар (*Clavariaceae*), пўкақдошлар (*Polyporaceae*) ва пластинкалилар (*Agaricaceae*) ҳисобланади.


### Клавариядошлар оиласи—*Clavariaceae*

Бу оиласа меватанаси ернинг бетида бўлган бир неча сапропфит баъзи бир паразит замбуруғ турлари киради. Уларнинг меватанаси ер бетига тикка чиққан, бирмунча этли, оқимтири ва сарғиш, тўқмоқсизмон ёки маржонсизмон шохланган бутача шаклида бўлади. Булар тоғларда, ўрмонларда ва, айниқса, нина баргли ва аралаш ўрмонларда кўп учрайди (*Clavaria boletitis*, *C. flava*, *Sparassis ramosa*) ва бошқалар шулар жумласига киради. Клавария ва спарассис турларини ёшлигига овқатга ишлатиш мумкин.

### Пўкақдошлар оиласи—*Polyporaceae*

Бу тартибнинг йирик оиласаридан бўлиб, дараҳтларнинг ҳўлтирик ва қуриб қолган ўлик ёғоч қисмida яшайди ҳамда меватанаси ер бетида субстратдан кўтарилиган ҳолда чириндига бой тупроқда ўсади. Бу оиласа 2000 га яқин паразит ва сапропфит замбуруғлар киради. Уларнинг меватанаси бир йиллик ёки кўп йиллик, тузилиши жиҳатидан, юмшоқ этли ёки ёғочланган бўлади. Меватанаси, баъзан жуда катта бўлиб, диаметри 1 м га етади. Шакли ҳар хил, ёйиқ пластинкасизмон, туёқсизмон, кўпинча қалпоқсизмон бўлади. Қалпоқсизмон шаклдагиларининг банди қалпоқча марказидан ёки унинг қирғоғидан чиқади. Гимений жойлашган гименофор найча шаклида бўлиб, меватананинг остики томонида бир-бираға зич жойлашади. Гименофорларнинг кўндаланг кесими найча ёки катакча шаклида кўринади. Мицелийси эндоген бўлиб, улар, одатда, дараҳтнинг ёғоч қисмини чиритиб куқун қилиб юборади. Баъзан, қуримаган тирик дараҳтларда ҳам паразитлик қиласиди. Споралари етилгандан сўнг, найча бўшлигига тушиб, у ердан шамол воситасида теварак-атрофга тарқайди. Бу оиласа мансуб бўлган турлардан мерулиус, фомес, полипорус ва болетус авлодлари катта аҳамиятга эга.

*Мерулиус лакриманс* (*Merulius lacrimans*). Буни кишилар уй замбуруғи номи билан юритадилар. Улар энг зарарли сап-



69-расм. 1 — болетус; 2 — мерулиус лакриманснинг меватанаси.

рофит замбуруғлардан бўлиб, кўприк ёғочларида, иморатларнинг намиқсан синч, тўсин, хариларида яшайди ва уларни ишдан чиқаради. Уй замбуруғи таъсирида чириган, ёғочлар қўнғир рангга киради, пахтага ўхшаш юмшаб қолади ва осонлик билан увалиниб кетади (69- расм).

Уй замбуруғининг меватанаси оч пушти ёки сарғиш рангда ва илон изи бурма бўлиб, субстратга ёпишиб ёйилган ҳолда ўсади. Унинг сиртидагичувалчангисимон бурмали катақчаларида гименофорлар жойлашади.

Ҳаво нам бўлган вақтда бу замбуруғнинг мицелийси ҳам, меватанаси ҳам ўзидан сув томчилари чиқариб туради. Шунинг учун ҳам бу замбуруғ турининг номи фанда «лакриманс» сўзи билан юритилади. Бу сўз латинча бўлиб, маъноси «кўз ёши» демакдир. Уй замбуруғи теварак-атрофга споралари ва мицелийлари ёрдами билан тарқалади. Қалин пўстли, узун канопсисмон гифалари ёрдамида бир субстратдан иккинчисига ўтади. Бу канопсисмон гифаларнинг йўғонлиги қаламдек бўлиб, узунилиги бир неча метрга боради. Уй замбуруғи хўжаликка катта зиён етказади, чунки у иморат ва кўприкларнинг қаттиқ ёғочларини кезин-келгандা шпалларни бир йилдаёқ чиритиб ишдан чиқаради. Бунга қарши кураш чоралари; аввало, уйларга фақат қуруқ ёғоч ишлатиш ва уларни қуруқ ҳолда сақлашдан, у билан зарарланган ёғочларни ёқиб юборишдан ва зарарланган ёғочга яқин тур-

тан тоза ёғочларни яхши сақлаш мақсадида, уларга натрий фториднинг 3% ли иссиқ эритмасини суркашдан иборат.


**Фомес (Fomes).** Бу авлодга паразитлик билан турли дараҳтларда яшовчи жуда кўп турлар киради. Уларнинг меватанаси кўп йиллик ва йирик бўлади. Гименофори найча шаклида бўлиб, меватанасининг остида жойлашади (70-расм). Меватанасининг шакли, кўпинча, туёқсимон бўлиб, йиллик ўсиш ҳисобига катталашиб боради ва кўлгина дараҳтларга анча зарар етказади.

**Чин пўқак (F. fomentarius).** Бизда ёнгоқ, тол, бошка ерларда эса оқ қайнин, дуб каби дараҳтларда ўсади. Меватанаси туёқсимон, кўп йиллик ва баъзан анча йирик бўлади. Танаси конуссимон, усти кул ранг, қават-қават, силлиқ, ичи сариқ-жигар ранг кукун ҳолида бўлади.

**Илдиз булут (F. apposus)** дараҳтларнинг ўзаги ичидаги яшовчи замбуруғ бўлиб, дараҳт сирғидаги ҳеч қандай губор ҳосил қилмайди. Кўп дараҳтларнинг ичини чиритади. Кўп йиллик меватанасининг пластинкасимон қирралари, кўпинча, кўтарилган бўлади. Илдиз булутнинг усти жигар ранг, ост қисмида жойлашган гимениал қатлами эса оқимтириб бўлади. Бу замбуруғлар таъсиридан чириган ўзаклар сарғиш, сўнгра оқ доғли қизғиши-қорамтири тусга киради.

**Пўқак (Polyporus).** Бу авлод пўқаклар авлодидан меватанасининг бир йиллиги билан ажралади. Меватанаси аввал юмшоқ бўлиб, кейин ёғочланади. Кўпинча, дараҳтларда паразит ҳолда яшайди.

**Тут пўқак (Polyporus)** нинг мицеллийси дараҳт танасининг ичидаги, кўпроқ тутда яшаб, спора бериш даврида пўстлоқнинг устида, сирти сарғиш-жигар ранг, баҳмалга ўхшаш юмшоқ мевата-



70-расм. Чин пўқак — *Fomes fomentarius*:

1 — меватана; 2 — гименофор найчалари бир қисмининг кўндадланг ҳесими.

на ҳосил қиласи. У қалпоқчадан ва ён оёқдан иборат бўлиб, пўстлоққа қаттиқ ёпишиб ўсади. Кишилар тут пўкагидан сариқ бўёқ оладилар.

*Қайин пўкаги* (*P. betulinus*) қайнинда яшайди. Меватанаси оқ, шакли конуссимон бўлиб қайнининг танасида қизил рангли чиррик ҳосил қиласи.

Пўкакдошлар оиласига овқат сифатида истеъмол қилинадиган хушхўр замбуруғ *болетус* (*Botelus*) авлоди ҳам киради. Бу авлод вакилларининг мицелийси кўп йиллик бўлиб, худди ўргимчак пўканагига ўхшайди ва тупроқда субстрат ичидаги ўсади. Булар ҳам турли дараҳтларнинг илдизи билан бирга ўсиб, микориза ҳосил қиласи. Меватанаси бир йиллик бўлиб қалпоқча ва марказий оёқчадан иборат. У жуда этли ҳамда юмшоқ бўлиб узоқ сақланмайди. Гименофори найча шаклида бўлиб, қалпоқ остида ўриашади.

Бу авлодга истеъмол қилинадиган оқ замбуруғ, яъни *боровик* (*Boletus edulis*), қизил замбуруғ, яъни *подосиновик* (*B. vespipellis*), *подберезовик* (*B. scaber*), *масленок* (*B. luteus*) ва бошқалар киради.

Бу сапрофит замбуруғлар ўрмонларда кўп тарқалган. Бунинг сабаби уларнинг баъзи турли дараҳтлар билан симбиоз ҳаёт кечиришидир. Уларнинг боровик, подосиновик, подберезовик деб аталиши ҳам ҳаётининг шу дараҳтлар билан боғлиқ эканлигини яққол кўрсатади.


### Пластинкалилар оиласи — *Agaricaceae*

Бу оиласага 10 000 га яқин турли киради, асосан, сапрофит замбуруғлар бўлиб, чириндинга тоят бой тупроқларда ва тўнгакларда яшайди, кўпгина турлари дараҳтлар билан микориза ҳосил қиласи. Меватанаси кўпинча юмшоқ, қалпоқ ва марказий банддан иборат, гименофори радиал кетгани пластинкачалар шаклида, қалпоқ остида тик ҳолда осилиб туради.

Пластинкасимон гименофорнинг иккала томони ҳам гимений билан қопланган. Агар бандидан кесиб олинган қалпоқчани оқ қоғозга ости билан қўйсанак, маълум вақт ўтгач ундан чиқсан споралар тўкилиб зонтиксимон из ҳосил қиласи, бу ҳол қалпоқча остидаги пластинкаларнинг банддан ҳар томонга қараб радиал жойлашганини кўрсатади. Олдин ҳосил бўлган пластинкалар узунроқ кейин ҳосил бўлганлари эса қисқа бўлади. Ёш меватана субстрат ичидаги мицелийда кичкина бўртма шаклида вужудга келиб, тез ўсиб тупроқ бетига чиқади.

Бу оиласанинг деярли ҳамма турларида, дастлаб тараққий этиш даврида, оқ пардасимон умумий ўрама ҳосил бўлади. Кейинроқ бу ўрама йиртилиб парчаланади, шундан сўнг, базидиялардан споралар чиқиб тарқала бошлайди.

Бу оиласага истеъмол қилинадиган замбуруғлардан *шампиньон* (*Agaricus* ёки *Psalliota*) *сироежка* (*Russula*), *лактариус*



71-расм. Оддий шампиньон — *Psalliota campestris*: а — замбууруг мицелийсіда меватананың ривожланышы; е — э — пластинкассынның ұар хил түзилиші да көттәлікда күрниси.

(*Lactarius*), гүнгларда ўсувчи сиёҳ замбууруғи (*Caprinus*) киради.

**Оддий шампиньон ёки құздумба** (*Psalliota campestris*). Бұнның қалпоқчаси оқ, қалин этли, аввал шар шаклида, кейинроқ эса ясси бүртма шаклида бўлиб, майда, ингичка, қорамтири таңгачалар билан қопланган. Пластинкаси ёшлигига пушти рангда, вояга етгандан кейин қораяди. Банди қисқа, қалин этли бўлиб, юқори қисмидә гардишсимон ҳалқа ҳосил қиласади (71-расм).

\* Құздумба овқатга кўп ишлатиладиган замбууруғлардан бўлиб, парникларда ҳам ўстирилади, спораси унгандан сўнг, қирқ кунда етилади, микориза ҳосил қилмайди. Шампиньон Ўрта Осиё республикаларининг боғларида, ариқ бўйларида, тўқайларида ва тоғли районларида кенг тарқалган.

**Сироежка** (*Russula*) авлодига, юзлаб, тур киради. Овқатга истеъмол қилинадиган сироежка (*R. vesca*), қизил сироежка (*R. berida*) да пушти сироежка (*R. rosaceae*) шулар жумласидандир.

Сироежка авлодининг мицелийсі, асосан, озиқ тўпловчи орган бўлиб, меватанаси ер бетида бўлганлигидан, унинг спораси ҳавода кенг тарқалади. Уларнинг қалпоқчаси қизил бўлади, аммо, пушти, кул ранг, оқ ва бошқа ранглардагиси ҳам учрайди. Меватанаси июль-сентябрь ойларида етилади.

*Лактариус* (*Lactarius*) авлоди турларининг меватаналарида оқ-сарғиши, қовоқ ранг ёки рангиз сут ширалари — гифалари бор. Меватанаси синдирилганда сут шираларининг ранги ўзгариб, кўкиш, сарғиши тус олади.

Бу авлодга *рижик* (*L. deliciosus*), *груэдь* (*L. piperatus*) ва бошқалар киради.

*Капринус* ёки *сиёҳ замбуруғи* (*caprinus*). Капринус турлари, одатда, гўнгда ёки сергўнг ерларда, тўнгаклар теварагида яшайди. Меватанасининг бўйи 4—20 см, қалпоқчаси тухум ва цилиндр шаклларида, ранги эса оқ, кул ранг ва сарғиши бўлади. Капринус замбуруғининг умри жуда қисқа, баъзи турлари фақат бир неча соатгина яшайди. Пластинкаси аввал оқ бўлиб, кейин қорайди, споралари етилгандан сўнг, қалпоқчаси юмшаб, ёйлади ва қора сиёҳга ўхшаш суюқликка айланади. Шунинг учун ҳам у сиёҳ замбуруғи деб аталади. Баъзи турлари овқатга ишлатилади.


*Кузги опёнок* (*Armellaria mellea*), бунинг меватанаси истеъмол қилинади. У пўкакларта ўхшаш, дарахтларда паразит ҳолда яшайди ва уларга зарар етказади. У тўнгакларда ва ўсаётган дарахтлар танасида ҳам яшайди. Меватанаси қалпоқча ва бандчадан иборат бўлиб, бир-биридан ажралмайди. Мицелийси илдизининг ёғоч қисми билан пўстлоқ ўртасида ўсиб, ўзидан субстратга қорамтириш ва зич, майда иплар чиқаради. Булар *ризоморф* деб аталади. Ризоморфлар илдиздан юқорига кўтарилиб, танани чиритади ва оқ чириндилар ҳосил қиласади. Натижада дарахт аста-секин қурийди. Ёғоч қисмидаги мицелий гифалари қоронғида ёруғ сочиш хусусиятига эга.

Пластинкали замбуруғларнинг заҳарли вакилларига қизил мухомор киради. *Қизил мухомор* (*Amanita muscaria*) нинг қалпоқчаси аввал шарсимон, кейин ясси бўлиб, оч қизил, сарғиши рагли, ўраманинг қолдиқлари эса оқ, майда сочишган ҳолда бўлади. Меватанасининг ичи оқ, ҳидсиз бирмунча ширин ва ўзига хос таъми бўлади. Шунингдек заҳарли замбуруғларга *оқимтириш поганка* (*A. phalloides*) ҳам киради. Бундай заҳарли замбуруғлар асосан ўрмон зонасида кўп ўсади.

### З-тартиб. Гастеромицеткабилар—Gasteromycetales

Бу тартибга 1000 дан зиёдроқ тур киради. Уларнинг характерли белгиси, меватанаси клейстокарп, яъни ёпиқ бўлади. Булар сапрофит замбуруғлар бўлиб, чириндиси кўп тупроқларда, баъзан, кесилган ва чириган ёғочларда яшайди. Меватанаси тупроқ остида тараққий этиб, етилгандан сўнг, ер бетига чиқади. Улар, одатда, думалоқ, катталиги гоҳо йирик тарвуздек бўлади, унинг қалин этли пўсти *перидий* деб, спора ҳосил қилувчи тўқималардан иборат ич қисми эса *глеба* деб аталади.

Глеба, дастлаб, яъни ўшлигида оқ, юмшоқ ва бир хил моддалардан иборат бўлади. У ҳар хил шаклдаги катақчаларга ёки



72-расм. Гастеромицетлар — Gasteromycetes:

1 — ликопердоннинг меватанаси; 2 — гимений қатламининг бир қисми; 3 — бовиста;

бўшлиқларга — трама деб аталадиган мевасиз тўқималар қатламига ажралади. Бу қатламдан капилиций ҳосил бўлади, катакчалардаги тўқималардан базидиялар вужудга келади.

Етилган меватана ичи қўнғир, сариқ ва жигар ранг ҳисобсиз базидияспоралар ва капилицийларга тўлган бўлади. Капилиций спораларнинг мева ичидан сочилиб чиқиб, тарқалишига ёрдам беради. Споралари меватананинг пўсти босилиб янчилгандан ёки чириб парчалангандагина ташқарига чиқиб атрофга тарқалади. Бовиста, ликопердон, фаллуслар гастеромицетларнинг асосий авлодлари бўлиб ҳисобланади.

Бир-бираига хийла ўхшаш бўлган бовиста билан ликопердон замбуруғлари маҳаллий халқ ўртасида «ер хина» ёки «шайтон тамаки» номи билан машҳурдир. Бовиста глебасининг ҳамма қисми, ликопердон глебасининг фақат бир қисми спораларга айланаб, остки мевасиз қисми банд ҳосил қиласди. Бовиста (*Bovista*) ёки ер хина. Бунинг меватанаси думалоқроқ турларига қараб ёнгоқдек, олмадек баъзан эса баҳайбат катта тарвуздек бўлиб, оғирлиги 6 кг га боради, банди бўлмайди, меватанаси ерга туашган ҳолда ўсади (72-расм). Бовистанинг меватанаси ёшлигига оқ бўлади, этилгандан кейин қораяди, перидийс зичланаб, қаттиқлашади; сўнг, пўсти парчаланиб, ичидан қаттиқ тукчали қорамтири жигар ранг споралар чиқади. Бовистанинг турлари Узбекистоннинг адир ва тоғли районларида учрайди. Бовистанинг ёш меватанаси хушхўр овқат сифатида истеъмол қилинади. Етилган спораси халқ медицинасида яхши қон тўхтатувчи ҳамда от, эшак яғирлари яра бўлганда қотириб тездан тузатувчи дори сифатида ишлатилади.

*Ликопердон* (*Lycoperdon*) бунинг меватанаси ғудда-ғудда бўлиб чиқсан сўғали бор пиёз шаклида бўлади, остки қисми эса ингичкаланиб спора бермайдиган бандга айланади. Меватанаси



73-расм. Фаллус — *Phallus*:

вояга етгандан сўнг, учида кичик тешикча пайдо бўлади. Меватана ичидаги капилиций ёрдамида қўнгир рангли споралар ҳавога чиқиб тарқайди.

Бовиста ҳам, ликопердон ҳам бенихоя кўп спора беради. Маълумки, гигант ликопердон (*L. giganteum*) спорасининг сони 7,5 триллионга етади. Бу ер хина илгари энг кўп спора берувчи замбуруғ ҳисобланарди. Америкада гастеромицетларга мансуб яна бир тур (*Calvatia maxima*) тошилган; унинг меватанаси ликопердоннига ўхшайди, бўйи 160 см, эни 135 см, қалинлиги 24 см бўлиб, ҳисоблашларга кўра у 160 триллион спора беради. Ликопердон турларининг ҳам меватанасини ёшлигига овқат сифатида истеъмол қилиш мумкин.

**Фаллус (Phallus).** Бунинг меватанаси ёшлигига шарсимон ёки тухумсимон бўлиб, сиртидан оқ парда билан, ичидан эса қорамтири шилимшиқ пўст билан ўралган. Пўсти вояга етиши билан меватанаси ёрилади. Сўнг спора берувчи шилимшиқ тўқима базидия споралари билан бирга бўйига чўзилиб, яшил устунча шаклида, ердан кўтарилиб чиқади (73-расм). Шу даврда замбуруғ ўзидан ўткир қўланса ҳид чиқариб ҳашаротларни ўзига жалб этади. Фаллусга қўнгган ҳашаротларнинг хусусан пащаларнинг оёқларига суюқлик ичидаги майдо сариқ базидияспоралар ёпищади, шу тарзда ҳамма ерга тарқалади.

Фаллуснинг ички шилимшиқ пўсти халқ медицинасида «ер ёғи» деб аталади ва дори сифатида ишлатилади.

## 2-кенжак синф. *Фрагмобазидиянамолар* — *Phragmobasidiomycetidae*

Фрагмобазидиянамоларга мансуб тўрт тартибдан иккитасининг (аврикулариалес ва тремеллалес тартибларнинг) муҳим бир аҳамияти йўқ. Уларнинг вакиллари асосан тўнгакларда, дарахтларнинг қуриган тана ва шохларида яшаб, аста-секин уларни бузиб чиритади. Буларнинг характерли белгиларидан бири меватанасининг содда тузилганилиги, унинг бамисоли қотиб қолган аталадек бўлишидир.

Базидиялари эса меватана сиртида гимений қатламидек, бир текисда ёйилган ва шилимшиқлар билан ўралган бўлади, қуригандан кейин кўзга илинмайдиган қобиқчага айланади.

Асосий тартибга кирувчилари қоракуя замбуруғлари билан занг замбуруғларидир.

## 1-тартыб. Қоракуяқаби замбуруғлар—Ustilaginales


Бу тартибга 900 га яқин түр киради, улар гулли ўсимликларда, хусусан ғалласимонлардан: бұғдой, арпа, тарық, маккажүхри, құноқ, шоли ҳамда бошқа маданий ва ёввойи ўсимликларда паразит қолда яшаб, уларнинг ҳосилига катта зиён келтиради. Буларда меватана вужуда келмайди. У мицелий, базидия, базидияспора, хламидоспора ва ондийлардан иборат.

Барча түр қоракуя замбуруғларнинг умумий белгиси, улар билан заарланған ғалласимонларнинг түргули (рұвак, бошоқ, мардак, сұта, сұлтон) етилғандан сұнг дон бериш үрнига қора ва маҳсулотни ифлослайдиган чанглар ҳосил қиласади. Бу қора рангли қаттиқ ёки күкүн моддалар қоракуя замбуруғининг тинчлик даврини кечируди хламидоспоралари бўлиб, түргулга қора тус беради. Шунинг учун бу замбуруғлар халқ ўртасида қоракуя деб ном олган.

Споралари эркин бўлиб, бир-биридан осон ажралиб сочилиб тушадиган бўлса, бу чанг қоракуя замбуруғи деб аталади. Агар споралари зичлашиб, туж ва тошдек қаттиқ бўлиб, сельд балифидан чиққан сув ҳидига ўхшаш ҳид ҳосил қиласа, бу тошкуя замбуруғи деб юритилади.

Қоракуя замбуруғлари, асосан, ғалла ўсимликларига заар етказади. Уларнинг заар келтириши күпинчә ғалла ўсимлигининг униб чиқиши давридан бошланади, чунки паразитнинг уруққа илашган спораси у билан бир вақтда ўсиб мицелийга айланади; мицелийси ғалла майсасининг ичига кириб, у билан бирга ўсади. Шунинг учун ўсимлик ташқаридан соғ бўлиб кўринса ҳам, аслида касалланған бўлади, чунки унинг пояси ичиде хусусан, ўсиш нуқтасида ҳамиша паразитнинг мицелийси бўлади.

Қоракуя замбуруғининг ривожланиш даврида, базидияспорадан ташқари, яна хламидоспоралар ҳосил бўлади. Хламидоспоралар микроскопик, қалин пўстли ва қўш ядроли бўлиб, мицелийдан чиққан сершох гифаларнинг калта бўлакчаларга ажралиш йўли билан ҳосил бўлади, куруқ ерда бўлганда, униш хусусиятини саккиз йилгача, баъзан 25 йилгача йўқотмайди.



74-рас. Қоракуя замбуруғлари спорасининг ўсими:

- 1—*Ustiladoscabiosae*
- 2—*Ustilago maudis*
- 3—*Tilletia tritici*
- 4—*Ustilago nuda*

Хламидоспора ўсиб, базидияспоралар ҳосил қилувчи бўғимли базидияга айланади (74-расм). Қоракуя замбуруглари маълум ўсимлик турида ўсишга мослашади. Шунинг учун яшаган ўсимлигига қараб ном олади. Масалан, буғдой тошкуяси, арпа, шоли, қўноқ, жавдар қоракуяси ва бошқалар.

**Буғдой тошкуяси** — *Tilletia tritici*. Бу кеңт тарқалган замбуруғлардан бўлиб, кўпроқ кузги буғдойни заарлайди. Буғдой йиғилиб хирмонда янчилган вақтда касалланган буғдой бошоғидаги тошкуя споралари соғ донларга ўтиб унга ёпишиб қолади. Шундай заарланган буғдой уруғи экилганда уруғ билан бирга хламидоспора ҳам ўсади. Олдин хламидоспоранинг қўш ядроси бирлашади, диплоид ядро вужудга келади. Дарҳол бу диплоид ядро редукцион бўлиниб, фрагмобазидия ўрнига, бўғимсиз бир ҳужайрадан иборат найчалар ҳосил қиласди. Улардан ипсизон 8 та базидияспора вужудга келади (74-расм, 3).

Базидияспоралар ҳар хил жинсли бўлади, улар базидияда турган вақтдаёқ ўзаро жуфтлашиб қўшилади. Натижада «Н» шаклига ўхаш дикарионли тўртта ҳужайра ҳосил бўлади. Бу ҳужайралар шамолда тарқалиб, ёш майсага тушиб гифа чиқарди. Оғизчалар орқали майса тўқимасига кириб, мицелийга айланади. Мицелий тўқима ичидаги поя бўйлаб ўсиб, бошоққа ўтади. Аммо бошоқ гуллагунча унда касалликнинг бирор аломати сезилмайди. Бошоқнинг гуллаши даврида тугунчадаги замбуруғ мицелийси тез ривожланиб, шохлайди. Мицелий пўсти ивиб шилмишиққа айланади. Протопласти бўғимлар орқали ҳужайраларга бўлинади. Бу ҳужайралар шар шаклида бўлиб, мустаҳкам пўст ҳосил қилиб, хламидоспорага айланади. Хламидоспора дикарионидаги қўш ядролар бирлашиб, ягона ядрога айланади. Хламидоспора етилганида ундан кўлансан сельд балифи сувининг ҳидига ўхаш триметиламин ҳиди келади. Баъзан тошкуянинг сассиқ куя деб аталишининг боиси ҳам шу. Тошкуя деб аталишига сабаб спорали тугунча деворчасининг тошдек қаттиқ бўлиб туришидир.


Буғдой тошкуясининг иккинчи турига (*Tilletia levis*) киради. Қоракуянинг бу тури биологик хусусияти билан (*Tilletia tritici*) га ўхшайди, асосан, Ўрта Осиё республикаларида ва Шимолий Қавказда тарқалган, баъзан бир тур юқоридаги тур билан бирга, ҳам учрайди. Булар орасидаги фарқ шундаки, биринчиси бизда кўпроқ тоғли районларда тарқалган бўлиб, спораси думалоқ пўсти қалинроқ ва оч жигар ранг ҳамда сирти беш бурчакли тўр билан қопланган. Кейингисининг спораси эса чўзиқроқ ёки эллипссимон, пўсти силлиқ бўлади.

Тошкуя билан заарланган буғдой донларининг қобиги қагтиқ бўлганидан, қоракуя споралари фақат хирмонда янчилаетганда майдаланиб, соғ донларга ўтади. Улар тинчлик даврини донлар сиртида ёки тупроқда ўтказади.

**Буғдой чанг қоракуяси** (*Ustilago tritici*). Бу замбуруғ ҳам ғалла экинларидаги паразитлик қилиб яшайди, одатда бундан кўпроқ

баҳори буғдой заарланади. Ўсимликларнинг буғдой қоракуяси билан касалланиши тошкуя билан касалланишига қараганда тубдан фарқ қиласди. Чанг қоракуяси билан касалланганилиги буғдойнинг фақат бош тортиш пайтидагина сезилади. Бошоқда дон ўринига қора тўзондек чанг қоракуя споралари хламидоспоралар вужудга келади. Касал ўсимликларнинг бошоқча ва гуллари ҳамда гул тангача барглари бузилиб парчаланиб чанг қоракуя спораларига айланади. Фақат бошоқнинг ўзигина ўзгармаган ҳолда шаклини сақлаб қолади. Бу споралар қўш ядроли мицелийнинг айрим ҳужайраларга бўлинниш йўли билан пайдо бўлади ва хламидоспоралар деб айтилади. Хламидоспоралар диплондли мицелийдан иборат бўлганидан аввал қўш ядролари қўшилади. Шу ҳолда улар тинчлик даврини кечиради.

Буғдой гуллагани вақтда унинг хламидоспоралари шамол во-ситасида касал тупдан соғ гулга ўтиб, оналик оғизчасида ту-гунча ичига киради. У ерда ўсиб тугунчани касаллантиради. Хла-мидоспора ўсиш олдидан редукцион бўлиниб тўрт ҳужайрали фрагмобазидияга айланади. Базидия ҳужайралари базидияспо-ралар ҳосил қилмасдан, қисмларигина жуфт-жуфт бўлиб ўзаро қўшилади. Бу копуляцияланган ҳужайралар, яъни зиготалар ўсиб, қўш ядроли мицелий беради. Мицелий ўсиб тугунчадан уруғ куртакка ўтади ва дон ичидаги қишилайди. Бундай донларнинг кўринини соғ донлардан ҳеч фарқ қилмайди; овқатга ишлатил-



75-расм. Қоракуя замбуруклари билан касалланган галлаларнинг ташки кўрининиши;

1 — Буғдой чанг қоракуяси — *Ustilago tritici*; 2 — сули чанг қоракуяси (*U. zeae*); 3 — мақкажӯхорининг бўрган қоракуяси; (У. zoeae); 4 — буғдойнинг соғом бошоги; 5 — буғдой тош қуяси (*Tilletia tritici*) билан касалланган буғдой бошоги; 6 — 8 қоракуянинг ҳар хил хламидоспоралари.

са ҳам бўлаверади. Аммо касалланган донларнинг тўқималари ичидаги хусусан муртагида, уруғ пўстида чанг куясининг мицелий гифаси бўлади. Шу сингари касалланган донлар экилганда улар ҳам соғ уруғлар билан баравар униб чиқади, бироқ ундан чанг қоракуя билан касалланган ўсимлик бунёдга келади. Майсанинг ўсиши билан унинг мицелийси ҳам бошоқ томонга ўтади. Бошоқ ҳосил қилиш пайтида мицелий тез ўсиб, айрим қисмларга бўлиниб, яна кукусимон чанг қоракуя споралари, яъни хламиdosпоралар ҳосил қиласди (75-расм).

*Арпа чанг қоракуяси* (*Ystidago huda*). Бу қоракуя хламидоспорасининг ўсиши, ривожланиши умуман биологик хусусияти ва хўжайин ўсимликка зарар келтириши жиҳатидан буғдой чанг қоракуясига ўхшайди. Бошқа белгилари билан ҳам ундан фарқ қилмайди. У фақат арпа учун хос замбуруғ бўлиб, ҳосилига пуртуп етказади.

### Маккажўхорининг бўртган қоракуяси—У. Йеае

Бу замбуруғ маккажўхорининг тўп гулида, кўпроқ сўтасида, поя бўғимларида, барг ва бошқа қисмларида яшаб дастлаб оқимтири кумуш рангли ёки пушти, кейинча жигар ранг қора тулага кирадиган бўртмалар ҳосил қиласди. У етилиб қуриб ёрилади, ичидан маккажўхори қоракуялари, яъни хламиdosпоралар юми чиқиб атрофга тарқайди ва тупроқни ифлослайди. Тупроқдаги споралар ўсиб кўпинча тўртта ҳужайрали фрагмобазидияга айланади. Базидияспоралар базидиядан ажралмаган ҳолда куртакланиш йўли билан кўпайиб бир ядроли куртакланувчи конидияларга айланади. Булар шамолда тарқаб маккажўхорининг ёш қотмаган тўқимасига тушиб, у ерда ўсиб бир ядроли гаплоид мицелийга айланади. Шунингдек, иккита мицелий қисмлари ўзаро қўшилади. Бу копуляцияланган қўш ядроли мицелийлар ёш тўқималар ичига кириб у жойда тез ўсиб, фуррасимон бўртмалар вужудга келтиради. Бўртмаларнинг катталиги баъзан муштдек, ҳатто ҳандалакдек бўлади. Бўртма ичидаги мицелийлардан яна хламиdosпоралар етилади.

Қоракуя замбуруғларига қарши асосий кураш чоралари ўз вақтида олиб борилмаса, улар қишлоқ хўжалиги экинларига жуда катта зарар келтиради. Қоракуя замбуруғларига қарши кураш уларнинг биологик хусусиятини ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил йўллар билан олиб борилади.

Маълумки, қоракуя касаллигининг тарқалиши кўпинча қоракуя хламиdosпораларининг уруғлик билан бирга тупроқга тушишидан бошланади. Шунинг учун, қоракуяга қарши курашнинг асосий усули — уруғликни зарарсизлантиришдан, алмашлаб экишини тўғри амалга оширишдан иборат.

Тошкуяга қарши курашиш учун, экиладиган уруғлик тоза касалланмаган жойдан олинган бўлиши ҳамда уни формалиннинг кучсиз (1:300) эритмаси билан ювилиб, 2 соат димлашдан ёки

мишьякли, симболи ва олтингугуртли органик препаратлар пуркаш керак. Қоракуя сингари замбуруғ гифаси дон ичидә бұлганды, кураш йүллари қийинлашади, одатда, уларға қарши курашишда термик усулларни құллаш, агротехника қоидаларига риоя қилиш, асосан, чанг қоракуясига чидамли навлар яратыладан иборат.

Маккажұхори күясига қарши кураш, уннан уруғини экішдан олдин гранозан билан (тоннасига 1—1,5 кг ұисобидан) дорилашдан, маккажұхоридаги қоракуя бүртмаларини ёрілмасдан, териб олиб күйдіриб ташлашдан иборат.


## 2-тартыб. Зангкаби замбуруғлари—*Uredinales*

Бу тартибга асосан юқори үсимликларда паразит ҳолда яшовчи 500 дан зиёд түр киради. Маданий үсимликларнинг күплари хусусан ғалла экинлари қоракуя замбуруғидагидек бу замбуруғдан ҳам күп заарланади. Бу тартибга мансуб турлар ўзининг биологик хусусияти билан қоракуя замбуруғларидан кескин фарқ қиласы. Занг замбуруғларининг бир гурұғи ўзининг бутун тараққиёт даврини паразиттик билан битта хұжайин үсимликда ўтказади. Бундай турларни **бір хұжайинлик турлар** деб аталади. Иккінчи гурұғи эса тараққиётини иккита ва үндап ортиқ хұжайин үсимликда ўтказади. Бу гурұғи күп хұжайинлик турлар деб аталади. Занг замбуруғларининг күпчилік турлари шу гурұға мансуб.

Тұлық тараққиёт даврини иккі хұжайин үсимликда ўтказувчиларға ғалла занг замбуруғи (*Russinia graminis*) яққол мисол бўлади. Бу занг замбуруғининг энг күп тарқалғанларидан бири бўлиб экиладиган ва өввойи ҳолда үсадиган ғалла үсимликларининг жуда күп турларда учрайди (76-расм).

Ғалла занг замбуруғи тараққиёт даврига қараб бир-биридан фарқ қиласыдиган шу билан биргә, ўзаро аниқ боғланған бир неча хил споралар ҳосил қиласы. Ез пайтларидан бизнинг шароитда эса баҳордан бошлаб күп ғалла үсимликларининг барғ қинида, поясида, барғ пластинкасида чизилиб, йўл-йўл бўлиб жойлашга очиқ сариқ кейинроқ зангга ўхшашиб тус оладиган доғларни кўриш мумкин. Бу доғлар паразиттинг эпидермис остидаги споралари бўлиб, улар ёзги спора ёки **уредоспора** деб аталади, чунки булар ёзғаслида күп ҳосил бўлади.

Уредоспоралар бир хұжайирали ва қўш ядроли, сариқ рангли ва ёғсимон моддаларга бой бўлиб, юпқа пўст билан ўралган. Етилган споралар бандидан узилиб щамол воситаси билан шу тупнинг касалланмаган қисмiga ва бошқа соғ тупларга ўтади. Уредоспора дарҳол у ерда ўса бошлайди ва ўсиш тешикчаларидан битта ёки бир неча гифалар чиқаради, шуларнинг бирига споранинг иккى ядроси ўтади. Шу гифа ўсиб оғизча орқали тўқима ичига киради ва 5—6 кундан сўнг булар ҳам уредоспоралар ҳосил қиласы. Бу процесс ёзги мавсумда бир неча бор такрорлади.



76-расм. Фалла занг замбуруғы — *Puccinia graminis*:

1 — занг замбуруғы билан заразланған жаңдар барғыннан остиң томонидан күрініши; 2 — эпіх барғыннан күнделілг кесімі устыда спермагони; остида еса эцидийлернің жобланыши; 3 — уредиспоралар (а) ва телейспора (б); 4 — телейтоспорадар; 5 — телейтоспораның үсіб, базидиялар ұсқыл қылыш; 6 — пиквидий пикноспоралары билан; 7 — пикноспоралар.

Кейинроқ вегетация даврларыннан охирларида, яъни моддалар алмашувининг секинлашуви туфайли касалланған фалла үсимликлардаги сарық ёки жигар ранг доғларыннан түк жигар ранг ёки қорамтири туғанини кузатиш мүмкін. Булар телейтоспоралар ёки қышки споралар деб аталади. Бу споралар чүзік, қалин пүстілі ва икки ұжайрали бўлиб. Юқорида айтганимиздек хўжайин үсимлиқда органик моддаларыннан ұсқыл бўлиши тўхтаб, үсиш даврининг тугаш пайтида пайдо бўлади.

Телейтоспора бандидан узилмай ҳәёти тугаган ўсимлик танаси билан ерга тушади, дарҳол ўсмай қор тагида қишлайди, шунинг учун буларни қишики спора деб аталади.

Телейтоспора тинчлик даврини ерда ўтказади, кўкламда эса ўсади. Унинг ҳар қайси ҳужайрасидан биттадан тўрт ҳужайрали фрагмобазидия вужудга келади. Базидияспоралар ҳосил бўлиш олдидан телейтоспоранинг ҳар қайси ҳужайраси биттадан найча ҳосил қиласди. Диплоид ядросини кетма-кет икки марта редукцион ғўлиниши натижасида ҳосил бўлган гаплоид тўрт ядро найчага ўтади. Найчада кўндаланг тўсиқлар ҳосил бўлиб, фрагмобазидиялар вужудга келади. Фрагмобазидиянинг ҳар қайси ҳужайрасидан биттадан базидияспори ҳосил бўлади. Базидияспори юпқа пўстли микроскопик ҳужайра бўлиб у базидия банди — стеригманинг шарсимион бўртган уч қисмида жойлашади.

Базидияспоралар шамол воситасида тарқалади. Улар зиркнинг ёш баргига бориб тушгандагина, ўз тараққиётини давом эттиради, аks ҳолда ҳалок бўлади. Кўкламда зиркнинг янги чиққан нозик ёш баргига тушган базидияспори гифага айланади. Ўғизчадан эмас, балки эпидермисни тешиб барг тўқимасининг ичига кириб ҳужайра оралиғи бўйлаб тарқаб, у ерда ўса бошлайди ва бир ядроли гаплоид мицелийларга айланади. Шу мицелийлардан споралар берувчи органлар — **спермагоний** (ёки пикнидия) ҳамда **эцидийлар** ҳосил бўлади. Спермагоний баргнинг уст томонида, эцидий эса ост томонида вужудга келади. Бошланғич даврида ҳар иккаласи ҳам барг этининг ҳужайра оралиғидаги думалоқ шаклли мицелийлар тўпламидан иборат бўлиб, ўзаро фарқ қиласмайди. Кейинроқ спермагоний колбасимон ичи бўш таначага айланади. Ичидаги бўшлиқ деворчасидан радиал бўлиб чиққан думалоқ майда спораларга ажралувчи **спорачи поячалар** билан қопланади. Спермагонийда шу спорали поячалардан бир ядроли, сариқ споралар ҳосил бўлади. Булар спермаций ёки **пикниоспора** деб аталади.

Спермацийлар етилиши билан эпидермисни пастидан юқорига босиб йиртади. Ҳосил бўлган тор тешикчадан спермагонийнинг паррафиза деб аталадиган, мевасиз кокилга ўхшаш ўсимта, ингичка оғизчали учун туртиб чиқади. Спермагонийнинг чиқарган хушбўй суюқ ширални моддаси билан унинг ичидаги бўлган спермацийлар ташқарига чиқади ва ширага келган майда ҳашаротлар ёрдами билан атрофга тарқалади. Аммо улар янги касаллик туғдирмайди, шу хусусияти билан фалла занг замбуруғининг бошқа хил спораларидан фарқ қиласди.

Спермаций ҳосил бўлган баргнинг ост томонидаги говак тўқималарда коса шаклида эцидий вужудга келади. Бу эцидий ҳам спермагонийга келади. Ухшаш ҳужайраси бир ядроли гаплоид мицелийлардан пайдо бўлади ва мураккаб ривожланиш даврини кечиради. Эцидий тагида устма-уст жойлашган икки ядроли ҳужайралар тўдаси ҳосил бўлади. Бу тўдалар эцидий тагида чатишиб ётган гаплоид гифалар бир ядроли ҳужайралари-

нинг жуфт-жуфт бўлиб қўшилишидан келиб чиқади ва базал ҳужайралар деб аталади. Булар мицелийдан параллел чиқсан найчасимон ҳужайралар бўлиб эцидий тагида қатlam ҳосил қиласди. Бу ҳужайралардан учидан пастга қараб изчилик билан занжир бўлиб жойлашган икки ядроли баҳорги споралар ёки **эцидиоспора** қаторлари ҳосил бўлади. Эцидиоспоралар уюми бир қатор қалин пўстли ҳужайралардан тузилган парда билан қопланади. Бу парда **перидий** деб аталади. Эцидиоспораларнинг етилиши билан эцидий ёрилади перидий пардаси йиртилиб ичидан икки ядроли эцидиоспоралар чиқиб тарқайди. У фақат галла ўсимлигига тараққий этади. Эцидиоспора кўкламда шамол ёрдамида ғаллаларнинг барг ва ёш поясининг пўстига тушади ва ўсиб гифа беради. Гифалар оғизча орқали ўсимлик тўқимаси ичига кириб ҳужайра оралиғига ўсиб кўпайиб икки ядроли мицелийларга айланади. Мицелийлардан юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ғаллаларнинг ҳосилига катта зиён келтирувчи икки ядроли уредоспоралар пайдо бўлиб, шамол ва ҳашаротлар воситасида ҳамма ерга тарқалади.

Занг замбуруғи базидиямицетнамоларнинг бошқа кўп вакиллари қаби **гетероталлизм** хусусиятига эта. Ғалла занг замбуруғининг базидияспораси ўзаро морфологик жиҳатдан фарқ қиласа ҳам, аммо ўстанда (+) ёки (—) белгили мицелийлар беради. Зирк баргига базидияспораларнинг ўсишидан чиқсан бир ядроли гифалар қўшилиб икки ядроли ҳижайралар ҳосил қилиши учун улар ҳар хил белгили бўлиши шарт.

Маълумки, ёш эцидийдаги бир ядроли ҳужайралар жуфт-жуфт бўлиб қўшилиб икки ядроли ҳужайрага айланади. Бу процесс бир-бирига яқин турган ҳар хил белгили мицелийларнинг қўшилиб ўсиб кетиш ёки бир хил спермацийларнинг пикноспораларнинг ҳашаротлар воситасида бошқа белгили мицелийга келиб тушиши билан бўлади.

Занг замбуруғининг ҳаётидан, биологиясининг жуда мураккаб эканлиги яққол кўринади. Ғалла занг замбуруғининг ривожланиши базидияспораларнинг ўсишидан бошланади ва биринкетни ҳосил бўладиган беш хил спора ҳосил қиласди. Бу споралар тубандагилардан иборат: 1. Базидияспора; 2. Спермаций ёки пикноспора; 3. Эцидиоспора ёки баҳорги спора; 4. Уредоспора ёки ёзги спора; 5. Телейтоспора, кузги ёки қишлоғчи спора. Булардан базидияспора ердаги телейтоспоракининг унишидан пайдо бўлади, кейинги ривожланишини фақат зирк дараҳтида давом эттиради. Спермаций ва эцидиоспоралар ҳам зирк ўсимлигига, уредоспора билан телейтоспоралар ғалла ўсимлигига тараққий этади.

*Бүғдойнинг қўнгир занг замбуруғи* (*Russinia trificina*), жавадар занг замбуруғи (*P. dispersa*) ва дўлана занг замбуруғи (*Gymnosporungium confusum*) ўзининг биологияси билан ғалла занг замбуруғига ўхшайди, чунки улар ҳам икки хўжайнли паразит ҳисобланади. Шу билан бирга булар орасида тараққиётли.

нинг ҳамма даврини битта ўсимликда ўтказувчи бир хўжайнилари ҳам мавжуд, масалан, *кунгабоқар зане замбуруғи* (*P. Neilianhi*) ва *зигир зане замбуруғи* (*Melampsora lini*) ва бошқалар шулар жумласига киради.

Занг замбуруғлар тартиби одатда икки оиласа: пукцииядошлар билан меламспорадошларга бўлиниади.

### Пукцииядошлар оиласи—*Russiniaceae*

Бу оиласа мансуб турларнинг телейтоспораси бандли, бир, икки ва кўп ҳужайрали бўлиб, асосан ёпиқ уругли ўсимликларда паразитлик қиласди.

Бу оиласанинг икки хўжайнили ва ҳажми жиҳатдан энг каттаси *пукциия* (*Russinia*) авлодидир. Бу авлодга 2000 га яқин тур киради, шулардан 560 дан зиёдраги СССРла тарқалган. Телейтоспораси икки ҳужайрали бўлиб, галладошлардан ташқари, бардиошлар, пиёздошлар, соябонгуллилар ва мураккаб гуллиларда ҳам учрайди. Пукцииядошларнинг бошқа авлодларидан бири *уромицес* (*Uromyces*) дир. Бу авлод 600 тacha турни ўз ичига олади. Телейтоспораси бир ҳужайрали ҳамда бир ва икки хўжайнини бўлиб, эцидийси перидийга эга.

Асосан капалакгуллилар, ҳамда сутламадошлар оиласида учрайди. Кенг тарқалган вакили (*Uromyces pisi*). Бу икки уйли паразит бўлиб, уредо ва телейтоспоралари нўхатда, эцидиоспораси сутламадошларнинг ҳар хил турларида ривожланади. *Фрагмидиум* (*Phragmidium*) авлоди ҳам пукцииядошларга киради. Телейтоспораси уч ёки ундан ортиқ ҳужайрали бўлиб, устма-уст жойлашади. Эцидийси перидийсиз бўлади. Бу авлод вакиллари бир хўжайнили паразитлар бўлиб, атиргулдошлар оиласида яшайди. Масалан, (*Phragmidium dicissilorum*) атиргулида ва итбурунда паразитлик қиласди. *Гимноспорангийум* (*Gymnosporangium*). Бу авлоднинг телейтоспораси икки ҳужайрали узун ва шилимшиқланадиган бандлидир. Гимноспорангийумнинг деярли барча турлари икки хўжайнили паразит бўлиб, уредоспора ҳосил қилмайди. Масалан, олма зане замбуруғи (*Gymnosporangium tremelloides*). Бунинг эцидий ва эцидиоспораси олманинг баргинда ёки ёш новдасида ривожланади. Телейтоспораси арча турларида яшайди. *Дўлана зане замбуруғи* (*Gymnosporangium confusum*). Эцидиоспораси дўлана баргининг ост томонида ривожланади, телейтоспораси эса арчалар шохида ҳосил бўлади. Уредоспораси йўқ.

### Меламспорадошлар оиласи—*Melampsoraceae*

Бу оиласа киравчи замбуруғларнинг телейтоспораси бандсиз бўлади. Баъзи бир турларидан ташқари, ҳаммаси, асосан, икки хўжайнили паразит ҳисобланади. Кўпчилик турларининг эцидийси яланғоч уруғлиларда, уредоспора ва телейтоспоралари папоротникларда, толдошларда баъзан, икки паллалиларнинг бошқа оиласаларининг вакилларида яшайди. Бу оиласанинг кенг тарқал-

ган авлодларига меламспора (*Melampsora*), кронарциум (*Cronarcium*), колеоспориум (*Coleosporium*), хризомикса (*Chrysomyxa*) ва бошқалар киради.

*Меламспора* (*Melampsora*) авлодига 90 та тур киради. Улар нинг ярмидан кўпі СССР да учрайди. Бир ҳужайрали телейтоспоралари қўшилиб, зичланиб, эпидермис ёки кутикула остида ясси қобиқча ҳосил қиласди. Кўп тарқалган вакили *зифир занги* (*Melampsora lini*) дир. Бу ривожланиш циклининг ҳаммасига эга бир ҳўжайинли паразит бўлиб зифирда яшайди, маҳсулотнинг сифатини бузилишига сабаб бўлади.

Занг замбуруғига қарши курашнинг энг рационал усули ғалла ўсимликларининг шу касалликка энг бардошли навларини экиш, касалликни олдини олиш учун, касалланган ўсимликларни ва зирк каби оралиқ ҳўжайин ўсимликларни йўқотиш, далани бегона ўтлардан тозалаш ва агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ғаллаларни ўз вақтида экиб, ҳосилни ҳам белгиланган муддатдан кечиктирмай йиғиб-териб олишдан иборат.

#### V СИНФ. ТАКОМИЛЛАШМАГАН ЗАМБУРУҒЛАР—FILNGI UMPERFECTI ЁКИ DEUTEROMYCETES

Такомиллашмаган замбуруғлар синфига табиати ҳар хил бўлган 30 000 дан зиёд тур киради. Такомиллашмаган замбуруғларнинг мицелйиси юқори замбуруғларнига ўхшашиб бўғимли, яъни кўп ҳужайрали бўлади. Бироқ булярнинг ривожланиш даврида жинсий процесс ҳамда халтача ёки базидияларнинг ҳосил бўлиши кузатилмаган. Кўпайиши фақат жинссиз йўл билан, яъни конидиялар воситасида боради.

**Такомиллашмаган замбуруғлар синфининг сунъийлиги** шубҳасиз, бу синфга биологияси ва келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган иккита мустақил синф вакиллари кирганилигидир. Кейинги йилларда бу синфга мансуб бир қанча турларда халтача ва базидиялар борлиги аниқланди. Жинсий кўпайиши аниқланган турлари ажратилиб ўзига мос бўлган бошқа синфларга ўтказилди.

Такомиллашмаган замбуруғларнинг вакиллари табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, улар орасида сапрофит, қишлоқ ҳўжалик экинларида ҳамда ҳайвон ва одамларда ҳар хил касалликларни тугдирувчи паразит турлари кўп.

Шу билан бирга улар орасида фойдали турлари ҳам мавжуд. Моддалар алмашинувида актив қатнашувчи тупроқ сапрофитлари, нематодларни тутишга қобилиятли йиртқич замбуруғлар, ўзидан ҳар хил ферментлар, антибиотиклар, токсинлар чиқарувчи замбуруғлар шулар жумласига киради.

Такомиллашмаган замбуруғларнинг классификацияси конидияларининг ҳосил бўлишига, конидияспора ва конидиябандларининг рангига ва уларнинг тузилишига асосланниб тузилади. Та-

комиллашмаган замбуруғлар синфи тубандаги учта асосий тартиба бўлинади:

1. *Гифомицеткабилар* (*Hymotycetales*). Конидиябандлари вегетатив мицелийда биттадан жойлашади ёки улар қўшилиб энзиз боғлам (коремия) ташкил этади;

2. *Меланкониумкабилар* (*Melanconiales*). Буларнинг конидиябандлари чувалган гифаларнинг устида зич қатлам ҳосил қиласди (строма);

3. *Сферопсидкабилар* (*Sphaeropsidales*). Конидиябандлари кўпинча учи ингичка тешикли ичї бўш думалоқ ёки тухмсимон танача — пикнидияда ривожланади.

Гифомицеткабилар орасида маданий ўсимликларга катта зарар етказадиган турларни жуда кўп.

*Фузариум* (*Fusarium*). Конидиябанди қисқа, пушти рангли, конидияси ўроқсимон, кўпинча ёйсимон букилган бўлиб, одатда, бир қанча ҳужайраларга бўлинади.


Фузариум сапрофит ва паразит турларга бой авлод бўлиб, паразит турлари маданий ўсимликларда фузариоз деган ғоят хавфли касалликни туғдиради. (*Fusarium visifectum*) ғўзада, (*Fusarium lini*) зинфирда, (*Fusarium oxysporum*) картошкада сўлиш касалини вужудга келишига сабабчи бўлади.

*Вертициллиум* (*Verticillium*). Бунинг конидиябанди ҳалқа шаклида етилиб, унинг учидаги якка-якка ёки ғуж конидиялар вужудга келади. Бу жуда хавфли паразит бўлиб, қишлоқ ҳужалиги экинларининг поя ва илдиз ўзакларини чиритади; (*Verticillium dahliae*) ғўза экиладиган ҳамма районларда учрайди, ғўзада вилт ёки вертициллез касаллигини пайдо бўлишига сабаб бўлади.

*Кладоспориум* (*Cladosporium*). Бунинг конидиябанди кўкишсариқ бўлиб, шохчаларнинг учидаги биттадан икки ҳужайрални конидия ҳосил бўлади. Сапрофит ёки паразит ҳолда яшайди. (*Cladosporium Herbarium*) кўпинча нам харакаларда қорамтири, кўкишсариқ пўпанаклар ҳосил қиласди. Ғўза кладоспориуми (*Cladosporium gossypini*) пахта толасининг сифатини бузади.

Меланкониумкабиларнинг кенг тарқалган авлоди глеоспориум ҳисобланади. *Глеоспориум* (*Gleosporium*) туркуми бир неча юз турдан иборат, асосан, паразит замбуруғлар бўлиб, улардан глеоспориум ампелинум (*G. ampelinum*) токнинг барг, поя ва мевасида; глеоспориум линдамутзианум (*G. Lindemuthianum*) ловияда; глеоспориум лагенариум (*G. lagenarium*) ошқовоқдошлар вакилларида, яна бир қанча бешқа ўсимликларда паразитлик қиласди, уларда доғ касали — антрагноэни вужудга келтиради.

*Церкоспора* (*Cercospora*). Бу авлодга 900 га яқин тур киради. Буларнинг деярли ҳаммаси ички паразит бўлиб церкоспороз касаллигини вужудга келтиради. Конидиябанди рангли, қисқа, одатда оғизчасидан тўда бўлиб, чиқиб туради. Церкоспоралар маданий ўсимликларнинг асосан баргидаги, баъзан поя ва мева-



77-расм. Такомиллашмаган замбуурулар—Devteromyceseteae.


1 — фузариум; 2 — глеоспориум; 3 — септория.

лариды паразитлик қиласы да церкоспороз касаллигини вужуда келтирады. Булардан (*C. Bolleana*) аңжирга, (*C. beticola*) лавлагига, (*C. vitis*) узумга катта зиён етказады. Айниңса бундан ток күпроқ заарланады.

**Графиум (Graphium).** Бу замбууруларда графиоз касалини пайдо қиласы. Қайраоччаларда сүнгра қары шохлари қурийди, барглари сүлиб, қуриб буришади, лекин рангини яхши сақлаб қолади. Қуриган шох да танасининг күндаланг кесимида йиллик ҳалқаларнинг чеккасида энсиз, доира шаклида дөглар ҳосил бўлади.

**Триходерма (Trichoderma).** Бу замбуурулар гифомицетларнинг сапропит вакили бўлиб, ўсимлик қолдиги сифатида тупроқда бўлган целлюлоза да лигнинларни тез парчалайди да тупроқни паразит замбуурлардан тозалайди.

Сферопсидкабилар тартибига септория, фома, аскохита да бошқа авлодлар киради. Септория (*Septoria*) нинг пикноспораси ингичка да чўзиқ бўлиб, пикнидия ичида ривожланади (77-расм). Септорияга ҳар хил экологик шароитларда яшайдиган 1500 чамасида тур киради. Булар ёввойи да маданий ўсимликларда паразит ҳолда яшайди. Уларнинг 500 таси СССРда уч-



78-расм. Нұхат аскохитаси — (*Ascochyta pisi*) А — барг ва дуккагидаги деңгелар, Б — пикнида, В — конидиялари.

райди: помидорда, бошқа турлари нокда, нашада, канопда, лупада паразиттік қилади.

**Фома (Phoma).** Бу сапрофит ва паразит замбуруғларни үз ичига олиб, паразит турлари үсімлікларнинг ҳар хил органлары тұқимасыда яшайды ва фомоз касалини ҳосил қилади. (*Phoma uvicola*) токда бўлиб узумни чиритади. (*Phoma betae*) лавлаги-ни нобуд қилади.

**Аскохита (Ascochyta).** Бир неча юз турдан иборат паразитлар бўлиб, ёввойи ва маданий үсімлікларнинг поя, барг ва меваларида яшаб, аскохитоз деган касалликни келтиради. Булардан айниқса дуккаклилар заараланади. (*Ascochyta inperfecta*) бедада, (*A. trifolii*) себаргада, (*A. pisi*) (78- расм) нұхатда паразиттік қилади.

Такомиллашмаган замбуруғлар синфи вакилларининг биологиясини ва тур таркибини батафсил үрганиш муҳим назарий ва катта амалий аҳамиятга эга.

### ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Тубан замбуруғларнинг сув шароитида яшаши, уларнинг сув-үтлар билан шубҳасиз боғлиқ эканлигини ва дастлаб сув муҳитидан келиб чиққанлыгини күрсатади. Замбуруғларнинг гифалари, зооспорангий, зооспора, оогоний ва антеридий каби органларининг тузилиши уларнинг сув-үтлар билан қариндош эканлигини күрсатади. Сув замбуруғлари қазилма ҳолда кембрийгача бўлган даврнинг қатламларида силур ва девон чўқмаларидан то-пилғанлиги маълум.

Замбуруғлар келиб чиқиши масаласида иккى хил назария бўлиб, биринутофилитик, иккичиси эса полифилитик назария деб айтилади.

Монофилитик назария тарафдорларидан бир гуруҳининг фикрича, замбуруғлар хлорофилини йўқотиб, сапрофитлик ёки паразитлик билан озиқланишга мослашган ипсимон яшил сувўтлардан, бошқа иккичи гуруҳ вакилларининг кўрсатишича улар хивчинларга ўхшаш жуда содда бир ҳужайрали организмлардан келиб чиқкан.

Полифилитик назария вакилларининг талқинига кўра замбуруғларининг ҳар қайси синфи сувўтларининг турли бўлим ва синфларидан, кўпроқ яшил ва қизил сувўтлардан мустақил ривожланган. Бу нуқтаи назардан олганда, замбуруғ синфларининг ҳар қайсиси мустақил ва ўзаро параллел ривожланган. Биринчи назария асос қилиб олинганда архимицетлар синфини энг қадимги ва содда тузилган замбуруғлар деб айтишга тўғри келди. Чунки бу синфга мансуб бўлган турларда мицелий йўқ ёки бўлганда ҳам бошланғич ҳолда бўлади. Архимицетларининг ривожланишидан мицелийли кўпайиш органлари ҳар хил бўлган фикомицетлар синфи келиб чиқкан. Бу синфининг ономицетлар синфчаси сув шароитда яшашга мослашган, дастлабки ҳаёт кешириш усулини сақлаб қолган. Аммо, унинг юқори оиласи бўлган пероноспорадошлар ер бетида яшашга мувофиқлашиб, зооспоралар ўринга спора ва конидиялар билан кўпаяди.

Зигомицетлар кенжа синфи фикомицетларининг эволюцион тараққиётидаги иккичи тармоғи бўлиб, зооспорасини йўқотган, бутунлай қуруқ ерда, ҳаво мұхитида яшашга мослашган. Зигомицетларининг ривожланган хилларида гифалар тўсиқли, яъни кўп ҳужайрали бўлган.

Аскомицетлар синфи дастлабки халтачалилар тартиби орқали зигомицетларга боғланади, чунки буларнинг жинсий процесслари ҳам бир-бирига ўхшайди. Аскомицетларининг кейинги эволюцияси спора ҳосил қилувчи органи халтачадек меватаналарининг тараққий этиши билан боғланган (масалан: ёпиқ, чала очиқ, очиқ меватаналар).

Базидиямицетларининг келиб чиқиши ҳозиргача ноаниқ. Баъзилар зигомицетлардан келиб чиқкан деб фикр қиласалар, бошқалар аскомицетлардан келиб чиқкан деб тахмин қиласалар. Базидияли замбуруғлар синфи аскомицетлардан келиб чиқкан бўлиши мумкин. Бироқ ўзининг эволюцион тараққиётида улардан узоқлашган, чунки бу икки синф орасидаги боғланишни авиқ пайкаш қийин.

Аскомицетларда жинсий органлар қисман, базидиямицетларда эса бутунлай йўқолган. Базидиямицетларининг жинсий процесси иккى вегетатив ҳужайранинг қўшилишидан иборат апогамия билан алмашган. Ҳужайраларининг апогамия қўшилиши натижасида қўш ядроли диплоид мицелий пайдо бўлади. Бу аскоген ўринини босади. Аммо, базидиямицетларининг диплоид мицелийси

мустақил яшашы ва эволюцион тараққиёт даврида устун бўлиши билан аскотен гифадан фарқ қиласди. Базидияли замбуруғларнинг эволюцион тараққиётида икки тармоқ: соддароқ тузилган холбазидиямицетлар ва мураккаб тузилган фрагмобазидиямицет тармоқлари вужудга келган. Фрагмобазидиямицетларнинг энг содда тартиби — аврикуляриякабилардан меватанасиз қоракуя ва занг замбуруғлари тартиби келиб чиқсан.

Такомиллашмаган замбуруғларнинг кўпчилиги халтачали замбуруғлардан келиб чиқсан бўлиши мумкин. Ҳозирча уларнинг филогенези тўла ишланилган эмас, шунинг учун улар келиб чиқинши жиҳатидан ҳар хил синфга мансуб бўлган турларни ўз ичига оловчи сунъий синфлигича қолади.

## ЗАМБУРУҒЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Замбуруғлар сапрофит ёки паразит организмлар бўлиб табиатда жуда кенг тарқалганлиги, ҳаёт кечиришининг хилмажиллиги, турларнинг ниҳоятда кўплиги билан тубан ўсимликларнинг бошқа бўлимларидан фарқ қиласди. Уларнинг 1 г тупроқ ичидаги эмбрион сони 1000000 га, актиномицетларники эса миллионга етади. Замбуруғлар, бактериялар билан бирга, органик моддаларни анорганик моддаларга айлантиришда катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан олганда, тупроқда яшовчи мукор замбуруғлари, аспергиллар ва такомиллашмаган замбуруғлардан сапрофит турларнинг аҳамияти бениҳоя катта. Тупроқдаги органик қолдиқларнинг минерал моддаларга айланниши, тупроқ унумдорлигининг ошиши бактериялар билан ана шу замбуруғлар фаолиятига боғлиқ. Замбуруғларнинг аҳамиятларидан яна бири шуки, улар микориза ҳосил қиласди. Бу ҳодиса дастлаб 1881 йилда рус олимл Ф. М. Каменский томонидан кашф этилган эди. Микоризанинг лугавий маъноси «замбуруғ илдиз» демакдир. Микориза — замбуруғларнинг юқори ўсимликлар илдизи. Ӯлан бирга яшаб, симбиоз ҳаёт кечиришдан иборатдир. Микориза икки хил: ташқи — эктотроф ва ички — эндотроф бўлади. Эктотроф микоризада замбуруғ гифалари фақат илдиз учларининг сиртидан ўраб олиб у ҳужайра оралиқларига кирмайди ва илдиз тукчаларини вазифасини бажаради. Бу ҳодиса дуб, қайнин, бук, қарағай каби бир қанча дарахтларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди, улар микоризасиз ўса олмайди ва ривожланмайди, чунки микориза ҳодисаси минерал элементлар ва азот билан озиқланиш шароитини яхшилайди. Эктотроф микоризм қишлоқ ҳужалиги ўсимликларидан буғдой, тарниқ мойли зиғир ва бошқаларда ҳам учрайди. Ички — эндотроф микоризда замбуруғ гифалари илдиз ҳужайраларнинг ичига киради.

Замбуруғ хушхўр овқат маҳсулоти ҳисобланади, чунки улар таркибida турли хил фойдали моддалар кўп. Қўзиқорин, гигант қўзиқорин, қалпоқчали замбуруғлардан — қўзидумба, тунғуш

сингари бошқа баъзи турлари кишилар томонидан овқат сифатида истеъмол қилинади.

Ейиладиган замбуруғларниг овқатлик сифати қандай эканлигини тубандаги химиявий анализдан кўриш мумкин. Янги замбуруғ таркибида ўрта ҳисоб билан 90% сув бўлиб, қолган қуруқ қисмининг 30—40% и оқсил, 10—15% и углеводлар, 1—2% и ёғдан иборат. Овқатга ишлатиладиган замбуруғларниг сони жиҳатидан Совет Иттифоқи биринчи ўринда туради.

Ачитувчи замбуруғлар спиртли ичимликлар тайёрлашда, нон ёпишда ишлатилади. Кейинги вақтларда замбуруғлар медицинада ҳам кенг қўлланилмоқда. Антибиотик моддалардан *pенициллин* (*Penicillium chresogenum*, *P. notatum*, *Aspergillus lavus*, *A. giganteum*) каби замбуруғлардан олинади. Масалан, пенициллин йирингли яраларни ва илгари даволаш мумкин бўлмаган оғир касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Пеницилл ва аспергилл замбуруғларининг шифобахш хусусиятини биринчи бўлиб XIX асрнинг 70- йилларида рус врачларидан А. Г. Полотебнов ва В. А. Манассеинлар аниқлаган эдилар. Улар пеницилл замбуруғ экстрактини йирингли яраларга қўйдилар ва бу экстрактда бактерияларнинг ҳалок бўлганингизни кузатдилар. Уларнинг пенициллинда бактерияларни ўлдириш хусусияти борлигига бағишлиланган илмий асари 1869—71 йилларда нашр этилди. Сил касаллигини даволашда қўлланадиган *стрептомицин* (*Actinomyces glabiosporus streptomycinum*) замбуруғидан олинади. Шуннингдек, суюк ва тери силини даволашда муҳим антибиотиклардан *мицетин* эса (*Actinomyces violaceus*) замбуруғидан олинади. *Шох-куя* (*Claviceps purpurea*) қадимдан бери бачадондан кетган қонни тўхтатиш учун ишлатилади. Пўпанак замбуруғларда 40 га яқин ферментлар борлиги аниқланган. Шуларнинг 15 хили ҳозирги вақтда енгил ва озиқ-овқат саноатининг 25 тармоғида фойдаланилмоқда.

Замбуруғлар хилма-хил витаминларга ҳам ғоят бой. Масалан, ачитувчи замбуруғдан поливитаминалар тайёрланади.

Замбуруғлар табнатда ва инсон ҳаётида ижобий рол ўйнаш билан бирга, уларнинг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, баъзи сапропит замбуруғлар сақланиб қўйилган овқат маҳсулотларини бузади, ўй замбуруғлари (*Merilius laevis*) иморат, кўприк ёғочларини чиритиб, уларни ишдан чиқаради. Дараҳтлар танасида ўсган пўқаклар аста-секин уларни қуритади ва ҳалок қиласиди. Замбуруғлар одам ва ҳайвонларда юқумли касалликларни туғдиради. Қал, темиратки ва бошқа касалликлар замбуруғлар орқали тарқалади. Замбуруғлар кўпроқ ўсимликларни касаллантириб уларнинг ҳосилига ғоят катта зиён етказади. Масалан, қоракуя, занг замбуруғлари ғалла ўсимликларни касаллантиради; картошка замбуруғи (*Phytophthora infestans*) картошка касаллиги, *плазмопара замбуруғи* (*Plasmopara viticola*) токда мильдю (кул) касаллигини, *вертициллиум* (*Verticillium*) гўзада вилт касаллигини, *олидиум* (*Oidium brassicae*) карам-

нинг илдиз бўғзида чириш касаллигини вужудга келтиради. *Уншудринг замбуруғи* (*Spherotheca*) меваларда, полиз экинларида манзарали ўсимлик сифатида экилган ўт ва буталар ва бошқа ёввойи ўсимликларда бўртмалар ҳосил қиласди.

Замбуруғлар орасида заҳарли турлари ҳам бор. Куз ёмон келган йиллари кечикиб терилган ва яхши қуритилмаган пахта толасида пўпанак ҳосил қилувчи заҳарли *дендродохиум токсинум* (*Dendrodochium toxicum*) стахиботрис *салтернанс* (*Stachybotrys salternans*), *аспергиллус нигер* (*Aspergillus niger*) замбуруғлари ва бошқалар пайдо бўлади. Булар тўқимачилик саноатида катта зарар келтиради. Шу билан бирга нурли замбуруғларнинг баъзи турлари ҳайвонда ва одамларда микоз ва микотоксикоз касалликларини пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Булардан ташқари *шох-куя замбуруғи* (*Claviceps purpurea*), *галласимонлардан* мастакда паразитлик қилувчи *галла фузариуми* (*Fusarium graminarum*), ўрмонзорда ўсуви мухомор турлари (*Amonita*) жуда заҳарлидир, улар аралашган маҳсулотни еган ҳайвон ва одамлар заҳарланиши мумкин. Замбуруғларнинг 10 000 дан зиёдроги турли ўсимликларда, ҳайвонларда паразитлик қиласди. Қишлоқ хўжалиги экинлари замбуруғлар туфайли турли касалликларга чалинади. Бунинг натижасида ҳар йили улар ҳосилининг 10% и йўқолади. Замбуруғларнинг салбий фаолияти натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг касалланиши овқат маҳсулотларининг бузилиш ва турли буюмларнинг ишдан чиқиши туфайли келтириладиган зарарларнинг жаҳон бўйича умумий миқдори бир неча миллиард сўм ҳисобланади.

## ЛИШАЙНИКСИМОНЛАР БҮЛИМИ—ZISHENOPHUTA

Лишайниксимонлар ўсимликлар дүнёсінинг оригинал тузилган, табиий бир группаси бўлиб, тубан ўсимликлар орасида алоҳида ўрин тутади. Лишайниксимонларнинг ҳозирча 400 авлоди ва 20000 га яқин тури тасвирланган ва аниқланган. Лишайниклар аслида ёлғиз ўсимлик эмас, улар ҳар хил ўсимлик турларининг қўшилиб яшашидан пайдо бўлган, ўзига хос тузилган симбиоз организмлардир. Улар замбуруғ ва сувўтларнинг қўшилишидан вужудга келган. Лишайникларнинг симбиоз бўлиб яшаши натижасида пайдо бўлган организмлар эканлигини даставал 1867 йилда рус олимларидан академик А. С. Фаминцан ва О. В. Баранецкийлар аниқлаган.

Замбуруғлар билан сувўтларнинг қўшилиб тараққий этиш даврида улардаги моддалар алмашуви шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, оқибатда, бир бутун организм деб ҳисобланадиган лишайниклар вужудга келган.

Янги сифатларни ўзида мужассамлаштирган лишайниклар тирик табнатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишининг яқъол мисолидир.

Лишайник таркибиға замбуруғлардан, асосан, халтачали замбуруғлар, сувўтлардан яшил ва кўк-яшил сувўтлар киради. Яшил сувўтлардан кўпроқ цистококк (*Cistococc*), хлорелла (*Chlorella*) плеурококк (*Pleurococc*); кладофора (*Cladophora*), трентеполия (*Trentepolia*); кўк-яшил сувўтлардан носток (*Nostoc*) яна хроококк (*Choococc*), глеокапса (*Gleocapsa*) ва бошқалар киради.

Замбуруғ ўзининг гифалари билан сувўтни ўраб олиб, у билан бирга ўсади ва бир бутун организмни ташкил қиласди. Лишайникларнинг сувўтлар билан занбуруғлардан таркиб топганлигига аниқ ишонч ҳосил қилиш учун лишайник майдаланиб бир стакандаги сувга ташланади. Орадан маълум вақт ўтгач, замбуруғ гифалари сувда чирий бошлайди, сувўтнинг ҳужайраси эса аксинча ривожланиб бўлиниб кўпайишга киришади.

Лишайниксимонлар автотроф ўсимликлардир, чунки сувўтларда хлорофилл бўлганидан, фотосинтез процессида анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил бўлади. Замбуруғлар эса ҳосил бўлган органик модданинг бир қисмини озиқ сифатида истеъмол қиласди ўз навбатида сувўтни сув ва унда эриган минерал моддалар билан таъминлаб туради.

Лишайникларнинг химиявий таркиби полисахарид лихениндан иборат. Лихенин кўпроқ ҳужайра пўстини ташкил этади, осонгина глюкозага айланади. Лишайникларнинг баъзиларида лихенин бўлмайди, у гемицеллюлоза билан алмашади. Кул элементлари кўп, аммо, оқсил ва ёғлар жуда кам.

Лишайникларнинг танаси бошқа тубан ўсимликларни сингари, таллом ёки қаттана деб аталади. Лишайникларни турли белгилариға қараб, ҳар хил гуруҳларга бўлиш мумкин. Ташки шаклига қараб, улар З груплага: 1) ёпишқоқ ёки қобиқсимон лишайниклар; 2) баргсимон лишайниклар; 3) бутасимон лишайникларга бўлинади.


1. Ёпишқоқ лишайниклар. Булар энг содда тузилган ва ҳамма ерда тарқалган лишайниклардан бўлиб, талломи юпқа, кукунсимон, тариқсимон ёки юпқа қобиқсимон бўлади ва субстратга жуда маҳкам бирикади. Уларни субстратдан бутунлигича ажратиб олиб бўлмайди. Маълум лишайник турларининг 80% и шу гуруҳга киради. Қояларда, тошларда ва дараҳт қобиқларида ўсадиган тош хина, ит хина ва бошқалар шулар жумласига киради (79-расм, 1).

2. Баргсимон лишайниклар. Буларнинг тэлломи пластинкасимон бўлиб, субстратга остидан чиқсан ингичка ризоидсимон ўсимтаси билан бирикади. Субстратдан уни бутунлигича ажратиб олса бўлади. Бунга адирларда, тоғларда ўсадиган пармелия (*Rarmelia*) ва арчазорлардаги моҳларда ўсадиган пелтигера (*Peltigera*) (79-расм, 2) ва бошқалар киради.

3. Бутасимон лишайниклар. Буларнинг талломи бирмунча мураккаб тузилган бўлиб, тик ўсади, бутага ўхшаш шохлайди ва субстратга ризоидлари билан бирикib субстратдан юқорига тик кўтарилади. Бизда тоғларда учрайдиган кладония *фимбриата* (*Cladonia fimbriata*), кладония *хлорофеа* (*C. chlorophcea*), мамлакатимизнинг шимолида қалин бўлиб ўсадиган буғу лишайниги (*C. Gongjericina*, *C. alpestris*) ва бошқалар ёки дараҳтларнинг шохларини ўраб олиб, паства осилган ҳолда шимолий ўрмонларда ўсадиган ёlli лишайник (*Usnea barbata*) ва бошқалар ана шулар жумласига киради (79-расм, 3).

Лишайникнинг анатомик тузилиши. Лишайникларнинг узоқ тарихий тараққиёти натижасида замбурурглар билан сувўтларнинг симбиоз яшидан ҳосил бўлган организм эканлиги уларнинг анатомик тузилишида ҳам акс этган. Лишайниклар анатомик тузилишига ҳамда сувўтларнинг замбуруғ тўқимасида жойланганига қараб иккى гуруҳга: гомеомер ва гетеромер лишайникларга бўлинади (80-расм). Гомеомер тузилган лишайниклар гуруҳига тоғт содда тузилган лишайниклар киради. Бунга бизда тошли ерларда, текисликда ва адирларда учрайдиган коллема (*Collema*) мисол бўлади.

Коллема талломининг кўндаланг кесими микроскопда қаралганда унинг, асосан, бир қатор ҳужайралардан тузилганлиги,



79-расм. Лишайниксемондар — *Zichenophyta*:

1 — ёпишқоқ лишайниклар; 2 — баргсимон лишайниклар; 3 — бутасимон лишайниклар.

устки ва ости пүстлоғи борлиги, улар ўртасида жойлашган ва ҳар томонға кетған гифалар орасида бир текисде тенг носток ұжайраларининг ёки ипларининг тарқалғанлыгини күриш мүмкін.


Гетеромер лишайниклар анча мураккаб тузилған. Үннің күндаланғ кесими микроскопда қаралса, тубандагиларни күриш мүмкін (80-расм, 2).

1. Устки пүстлоқ қатlam — битта ёки бир неча қатор паренхиматик ұжайралардан тузилгандек бўлиб кўринса ҳам, аслида чувалган замбуруғ гифаларининг зичланишидан ҳосил бўлган.


2. Гонидиал қатlam сувўтларининг устки пүстлоғ остида жойлашган энсиз яшил қатламдир. Гонидиал қатlam сувўтларининг турларига қараб, бир-биридан шаклан анча фарқ қилиши мүмкін.

3. Ұзак қатлами — чувалган ва ғовак замбуруғ гифаларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, гонидий қатлами остида жойлашади.


4. Остки пүстлоқ қатлами. Бу ҳам устки қатлами сингари тузилган, остидан гифасимон ўсимталар тўплами чиқкан бўлиб лишайник талломини субстратга биректиради сув, ва унда эриган озиқа моддаларни олиши учун хизмат қиласи.



2



Б



1



А

80-раси. Лишайникларнинг анатомик тузилиши:

1 — гомеомер лишайниклардан коллема талломининг кўндаланг кесими; 2 — гетеромер лишайниклар талломининг кесилган ҳолдаги куриниши; 3 — сув ўтлари; 4 — устки ва остики пўстлоқ; 5 — а — таллом учининг бўйига кесилган ҳолдаги куриниши; 6 — талломи.

Лишайникларнинг кўпчилик турлари ана шундай гетеромер тузилишга эга бўлган грухга киради. Кўп лишайникларнинг устки пўстлоқ қатламида, баъзан остики тўқималарида ҳам, сувда эримайдиган фақат шу грух ўсимликлар учун хос бўлган лишайник кислотаси тўпланади. Кислоталарнинг ранги ҳар хил бўлади шунга қараб, лишайникнинг талломи кул ранг, оч сариқ, қизил, қўнғир ва бошқа рангларда бўлади.

Гонидиал қатламидаги замбуруғ гифалари, кўпинча, сувўт ҳужайрасига зич ёпишиб олади. Афтидан у, сувўтдан озиқ модда — углевод олади. Лишайникнинг ички қисми сувўтларни қўёш нурида қуриб қолишдан сақлайди. Сувўт ерда бемалол кўпаяверади. Сувўт учининг кўндаланг кесими симбиоз муҳит-

тан авлодларига меламспора (*Melampsora*), кронарциум (*Cronarcium*), колеоспориум (*Coleosporium*), хризомикса (*Chrysomyxa*) ва бошқалар киради.

*Melampsora* (*Melampsora*) авлодига 90 та тур киради. Улар нинг ярмидан кўпи СССР да учрайди. Бир ҳужайрали телейтоспоралари қўшилиб, зичланиб, эпидермис ёки кутикула остида ясси қобиқча ҳосил қиласди. Кўп тарқалган вакили зигир занги (*Melampsora lini*) дир. Бу ривожланиш циклининг ҳаммасига эга бир ҳўжайнли паразит бўлиб зигирда яшайди, маҳсулотнинг сифатини бузилишига сабаб бўлади.

Занг замбуруғига қарши курашнинг энг рационал усули ғалла ўсимликларининг шу касалликка энг бардошли навларини экиш, касалликни олдини олиш учун, касалланган ўсимликларни ва зирк каби оралик ҳўжайин ўсимликларни йўқотиш, далани бегона ўтлардан тозалаш ва агротехника қондаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ғаллаларни ўз вақтида экиб, ҳосилни ҳам белгиланган муддатдан кечиктирмай йиғиб-териб олишдан иборат.

#### V СИНФ. ТАКОМИЛЛАШМАГАН ЗАМБУРУҒЛАР—FILNGI UMPE- RFECTI ЁКИ DEUTEROMYCETES

Такомиллашмаган замбуруғлар синфига табиати ҳар хил бўлган 30 000 дан зиёд тур киради. Такомиллашмаган замбуруғларнинг мицелийси юқори замбуруғларнига ўхшаш бўримли, яъни кўп ҳужайрали бўлади. Бироқ бу ларнинг ривожланиш даврида жинсий процесс ҳамда халтача ёки базидияларнинг ҳосил бўлиши кузатилмаган. Кўпайиши фақат жинссиз йўл билан, яъни конидиялар воситасида боради.

**Такомиллашмаган замбуруғлар синфининг сунъийлиги** шубҳасиз, бу синфга биологияси ва келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил бўлган иккита мустақил синф вакиллари кирганлигидир. Кейинги йилларда бу синфга мансуб бир қанча турларда халтача ва базидиялар борлиги аниқланди. Жинсий кўпайиши аниқланган турлари ажратилиб ўзига мос бўлган бошқа синфларга ўтказилди.

Такомиллашмаган замбуруғларнинг вакиллари табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, улар орасида сапропит, қишлоқ ҳўжаллик экинларида ҳамда ҳайвон ва одамларда ҳар хил касалликларни туғдирувчи паразит турлари кўп.

Шу билан бирга улар орасида фойдали турлари ҳам мавжуд. Моддалар алмашинуvida актив қатнашувчи тупроқ сапропитлари, нематодларни тутишга қобилиятли йиртқич замбуруғлар, ўзидан ҳар хил ферментлар, антибиотиклар, токсинлар чиқарувчи замбуруғлар шулар жумласига киради.

Такомиллашмаган замбуруғларнинг классификацияси конидияларининг ҳосил бўлишига, конидияспора ва конидиябандларининг рангига ва уларнинг тузилишига асосланиб тузилади. Та-

комиллашмаган замбуруғлар синфи тубандаги учта асосий тартибга бўлинади:

1. *Гифомицеткабилар* (*Hymotusceales*). Конидиябандлари вегетатив мицелийда биттадан жойлашади ёки улар қўшилиб энзиз боғлам (коремия) ташкил этади;

2. *Меланкониумкабилар* (*Melanconiales*). Буларнинг конидиябандлари чувалган гифаларнинг устида зич қатлам ҳосил қиласи (строма);

3. *Сферопсидкабилар* (*Sphaeropsidales*). Конидиябандлари кўпинча учи ингичка тешикли ичи бўш думалоқ ёки тухумсимон танача — пикнидияда ривожланади.

Гифомицеткабилар орасида маданий ўсимликларга катта зарар етказадиган турлари жуда кўп.

*Фузариум* (*Fusarium*). Конидиябанди қисқа, пушти рангли, конидияси ўроқсимон, кўпинча ёйсимон букилган бўлиб, одатда, бир қанча ҳужайраларга бўлинади.


Фузариум сапрофит ва паразит турларга бой авлод бўлиб, паразит турлари маданий ўсимликларда фузариоз деган ғоят хавфли касалликни туғдиради. (*Fusarium visifectum*) ғўзада, (*Fusarium lini*) зигирда, (*Fusarium oxysporum*) картошкада сўлиш касалини вужудга келишига сабабчи бўлади.

*Вертициллиум* (*Verticillium*). Бунинг конидиябанди ҳалқа шаклида етилиб, унинг учидаги якка-якка ёки фуж конидиялар вужудга келади. Бу жуда хавфли паразит бўлиб, қишлоқ ҳужалиги экинларининг поя ва илдиз ўзакларини чиритади; (*Verticillium dahliae*) ғўза экиладиган ҳамма районларда учрайди, ғўзада вилт ёки вертициллез касаллигини пайдо бўлишига сабаб бўлади.

*Кладоспориум* (*Cladosporium*). Бунинг конидиябанди кўкишсариқ бўлиб, шохчаларининг учидаги икки ҳужайрали конидия ҳосил қиласи бўлади. Сапрофит ёки паразит ҳолда яшайди. (*Cladosporium Herbarium*) кўпинча нам хашакларда қорамтири, кўкиш-сариқ пўпанаклар ҳосил қиласи. Ғўза кладоспориуми (*Cladosporium gossypinum*) пахта толасининг сифатини бузади.

Меланкониумкабиларнинг кенг тарқалган авлоди глеоспориум ҳисобланади. *Глеоспориум* (*Gleosporium*) туркуми бир неча юз турдан иборат, асосан, паразит замбуруғлар бўлиб, улардан глеоспориум ампелинум (*G. ampelinum*) токининг барг, поя ва мевасида; глеоспориум линдамутианум (*G. lindemuthianum*) ловияда; глеоспориум лагенариум (*G. lagenarium*) ошқовоқдошлар вакилларида, яна бир қанча бошқа ўсимликларда паразитик қиласи, уларда доғ касали — антрагнозни вужудга келтиради.

*Церкоспора* (*Cercospora*). Бу авлодга 900 га яқин тур киради. Буларнинг деярли ҳаммаси ички паразит бўлиб церкоспороз касаллигини вужудга келтиради. Конидиябанди рангли, қисқа, одатда оғизчасидан тўда бўлиб, чиқиб туради. Церкоспоралар маданий ўсимликларнинг асосан баргида, баъзан поя ва мева-



77-расм. Такомиллашмаган замбуруғлар—Deuteromyceteae.


1 — фузариум; 2 — глеоспориум; 3 — септория.

ларда паразитлик қиласы да церкоспороз касаллигини вужуда келтирады. Булардан (*C. Bolleana*) анжирга, (*C. beticola*) лавлагига, (*C. vitis*) узумга катта зиён етказади. Айниқса бундан ток күпроқ заарланаади.

**Графиум (Graphium).** Бу замбуруғ қайрағочларда графиоз касалинин пайдо қиласы да. Қайрағочнинг аввал ёш, сұнгра қары шохлари қурийди, барглари сұлиб, қуриб буришади, лекин рангини яхши сақлад қолади. Қуриган шох ва танасининг күндаланг кесимида йиллик ұалқаларнинг чеккасида энсиз, донра шаклида доғлар ҳосил бўлади.

**Триходерма (Trichoderma).** Бу замбуруғ гифомицетларнинг сапрофит вакили бўлиб, ўсимлик қолдиги сифатида тупроқда бўлган целялюоза ва лигнинларни тез парчалайди ва тупроқни паразит замбуруғлардан тозалайди.

Сферопсидкабилар тартибиға септория, фома, аскохита ва бошқа авлодлар киради. **Септория (Septoria)** нинг пикноспораси ингичка ва чўзиқ бўлиб, пикнидия ичидаги ривожланади (77-расм). Септорияяга ҳар хил экологик шароитларда яшайдиган 1500 чамасида тур киради. Булар ёввойи ва маданий ўсимликларда паразит ҳолда яшайди. Уларнинг 500 таси СССРда уч-



78-расм. Нұхат аскохитаси — (*Ascochyta pisi*) А — барғ өнімдегі докторлар, Б — никпиде, С — конидиялары.

райди: помидорда, бошқа турлари нокда, нашада, канопда, лупада паразитлик қиласы.

**Фома (Phoma).** Бу сапрофит ва паразит замбуруғларни үз ичига олиб, паразит турлари үсімліктернің ұзак хил органларын тұқымасыда яшайды да фомоз касалының қосыл қиласы. (*Phoma unicolor*) токда бўлиб узумни чиритади. (*Phoma betae*) лавлагини нобуд қиласы.

**Аскохита (Ascochyta).** Бир неча юз турдан иборат паразитлар бўлиб, ёввойи өнімдегі үсімліктернің поя, барғ өнімдерде яшаб, аскохитоз леган касаллукни келтиради. Булардан айниқса дуккаклилар заарланади. (*Ascochyta inperferta*) бедада, (*A. trifolii*) себаргада, (*A. pisi*) (78-расм) нұхатда паразитлик қиласы.

Такомиллашмаган замбуруғлар синфи вакилларнинг биологиясини да таркибини батафсил үрганиш мұхим назарий да катта амалий аҳамиятта эга.

### ЗАМБУРУҒЛАРНИҢ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Тубан замбуруғларнинг сув шароитида яшаши, уларнинг сув-үтлар билан шубҳасиз боғлиқ эканлигини да дастлаб сув муҳитидан келиб чиққанлыгини күрсатади. Замбуруғларнинг гифалари, зооспорангий, зооспора, оогоний да антеридий каби органларнинг тузилиши уларнинг сув-үтлар билан қариндош эканлигини күрсатади. Сув замбуруғлари қазилма ҳолда кембрийгача бўлган даврининг қатламларида силур да девон чўқмаларидан тоғилғанлыги маълум.

Замбуруғлар келиб чиқиши масаласида икки хил назария бўлиб, бирни монофилитик, иккинчиси эса полифилитик назария деб айтилади.

Монофилитик назария тарафдорларидан бир гуруҳининг фикрича, замбуруғлар хлорофилини йўқотиб, сапрофитлик ёки паразитлик билан озиқланишга мослашган ипсизон яшил сувўтлардан, бошқа иккичи гуруҳ вакилларининг кўрсатишича улар хивчинларга ўхаш жуда содда бир ҳужайрали организмлардан келиб чиқкан.

Полифилитик назария вакилларининг талқинига кўра замбуруғларнинг ҳар қайси синфи сувўтларнинг тури бўлим ва синфларидан, кўпроқ яшил ва қизил сувўтлардан мустақил ривожланган. Бу нуқтаи назардан олганда, замбуруғ синфларининг ҳар қайсиси мустақил ва ўзаро параллел ривожланган. Биринчи назария асос қилиб олинганда архимицетлар синфини энг қадимги ва содда тузилган замбуруғлар деб айтишга тўғри келди. Чунки бу синфа мансуб бўлган турларда мицелий йўқ ёки бўлгандан ҳам бошланғич ҳолда бўлади. Архимицетларнинг ривожланишидан мицелийли кўпайиш органлари ҳар хил бўлган фикомицетлар синфи келиб чиқкан. Бу синфнинг оомицетлар синфчаси сув шароитда яшашга мослашган, дастлабки ҳаёт кечириш усулини сақлаб қолган. Аммо, унинг юқори оиласи бўлган пероноспорадошлар ер бетида яшашга мувофиқлашиб, зооспоралар ўрнига спора ва конидиялар билан кўпаяди.

Зигомицетлар кенжা синфи фикомицетларнинг эволюцион тараққиётидаги иккичи тармоғи бўлиб, зооспорасини йўқотган, бутунлай қуруқ ерда, ҳаво муҳитида яшашга мослашган. Зигомицетларнинг ривожланган хилларида гифалар тўсиқли, яъни кўп ҳужайрали бўлган.

Аскомицетлар синфи дастлабки халтачалилар тартиби орқали зигомицетларга боғланади, чунки буларнинг жинсий процесслари ҳам бир-бирига ўхшайди. Аскомицетларнинг кейиниги эволюцияси спора ҳосил қилувчи органи халтачадек меватаналарнинг тараққий этиши билан боғланган (масалан: ёпиқ, чала очиқ, очиқ меватаналар).

Базидиямицетларнинг келиб чиқниши ҳозиргача ноаниқ. Баъзилар зигомицетлардан келиб чиқкан деб фикр қилсалар, бошқалар аскомицетлардан келиб чиқкан деб тахмин қиладилар. Базидияли замбуруғлар синфи аскомицетлардан келиб чиқкан бўлиши мумкин. Бироқ ўзининг эволюцион тараққиётида улардан узоқлашган, чунки бу икки синф орасидаги боғланишини аниқ пайкаш қийин.

Аскомицетларда жинсий органлар қисман, базидиямицетларда эса бутунлай йўқолган. Базидиямицетларнинг жинсий процесси икки вегетатив ҳужайранинг қўшилишидан иборат апогамия билан алмашган. Ҳужайраларнинг апогамия қўшилиши натижасида қўш ядроли диплоид мицелий пайдо бўлади. Бу аскоген ўрнини босади. Аммо, базидиямицетларнинг диплоид мицелийси

мустақил яшаши ва эволюцион тараққиёт даврида устук бўлиши билан аскоген гифадан фарқ қиласди. Базидияли замбуругларнинг эволюцион тараққиётида икки тармоқ: соддароқ тузилган холобазидиямицетлар ва мураккаб тузилган фрагмобазидиямицет тармоқлари вужудга келган. Фрагмобазидиямицетларнинг эиг содда тартиби — аврикуляриякабилардан меватаасиз қоракуя ва занг замбуруглари тартиби келиб чиққан.

Такомиллашмаган замбуругларнинг кўпчилиги халтачали замбуруглардан келиб чиққан бўлиши мумкин. Ҳозирча уларнинг филогенези тўла ишланилган эмас, шунинг учун улар келиб чиққиши жиҳатидан ҳар хил синфга мансуб бўлган турларни ўз ичига олувчи сунъий синфлигича қолади.

## ЗАМБУРУГЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Замбуруғлар сапрофит ёки паразит организмлар бўлиб табиатда жуда кенг тарқалганилиги, ҳаёт кечиришининг хилмажиллиги, турларининг ниҳоятда кўплиги билан тубан ўсимликларнинг бошқа бўлимларидан фарқ қиласди. Уларнинг I г турроқ ичидаги эмбрион сони 1000000 га, актиномицетларники эса миллионга етади. Замбуруғлар, бактериялар билан бирга, органик моддаларни анорганик моддаларга айлантиришда катта рол ўйнайди. Бу жиҳатдан олганда, тупроқда яшовчи мукор замбуруғлари, аспергиллар ва такомиллашмаган замбуруглардан сапрофит турларининг аҳамияти бениҳоя катта. Тупроқдаги органик қолдиқларнинг минерал моддаларга айланниши, тупроқ унумдорлигининг ошиши бактериялар билан ана шу замбуруғлар фаолиятига боғлиқ. Замбуруғларнинг аҳамиятларидан яна бири шуки, улар микориза ҳосил қиласди. Бу ҳодиса дастлаб 1881 йилда рус олими Ф. М. Каменский томонидан кашф этилган эди. Микоризанинг луғавий маъноси «замбуруғ илдиз» демакдир. Микориза — замбуругларнинг юқори ўсимликлар илдизи билан бирга яшаб, симбиоз ҳаёт кечиришдан иборатдир. Микориза икки хил: ташқи — эктотроф ва ички — эндотроф бўлади. Эктотроф микоризада замбуруғ гифалари фақат илдиз учларининг сиртидан ўраб олиб у ҳужайра оралиқларига кирмайди ва илдиз тукчалари вазифасини бажаради. Бу ҳодиса дуб, қайнин, бук, қарағай каби бир қанча дарахтларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди, улар микоризасиз ўса олмайди ва ривожланмайди, чунки микориза ҳодисаси минерал элементлар ва азот билан озиқланиш шароитини яхшилайди. Эктотроф микоризм қишлоқ ҳужалиги ўсимликларидан буғдой, тариқ мойли зиғир ва бошқаларда ҳам учрайди. Ички — эндотроф микоризмда замбуруғ гифалари илдиз ҳужайраларнинг ичига киради.

Замбуруғ хушхўр овқат маҳсулоти ҳисобланади, чунки улар таркибида турли хил фойдали моддалар кўп. Қўзиқорин, гигант қўзиқорин, қалпоқчали замбуруғлардан — қўзидумба, гунфуш

сингари бошқа баъзи турлари кишилар томонидан овқат сифатида истеъмол қилинади.

Ейиладиган замбуруғларнинг овқатлик сифати қандай эканлигини тубандаги химиявий анализдан кўриш мумкин. Янги замбуруғ таркибида ўрта ҳисоб билан 90% сув бўлиб, қолган куруқ қисмининг 30—40% и оқсили, 10—15% и углеводлар, 1—2% и ёғдан иборат. Овқатга ишлатиладиган замбуруғларнинг сони жиҳатидан Совет Йттифоқи биринчи ўринда туради.

Ачитувчи замбуруғлар спиртли ичимликлар тайёрлашда, нон ёпишда ишлатилади. Кейинги вақтларда замбуруғлар медицинада ҳам кенг қўлланилмоқда. Антибиотик моддалардан *пенициллин* (*Penicillium chrysogenum*, *P. notatum*, *Aspergillus lavus*, *A. giganteum*) каби замбуруғлардан олиниади. Масалан, пенициллин йирингли яраларни ва илгари даволаш мумкин бўлмаган оғир касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Пеницилла аспергилл замбуруғларнинг шифобахш хусусиятини биринчи бўлиб XIX асрнинг 70-йилларида рус врачуаридан А. Г. Полотебнов ва В. А. Манассеинлар аниқлаган эдилар. Улар пеницилл замбуруғ экстрактини йирингли яраларга қўйдилар ва бу экстрактда бактерияларнинг ҳалок бўлганилигини кузатдилар. Уларнинг пенициллинда бактерияларни ўлдириш хусусияти борлигига бағишлиган илмий асари 1869—71 йилларда нашр этилди. Сил касаллигини даволашда қўлланадиган *стрептомицин* (*Actinomyces glabiosporus streptomycini*) замбуруғидан олиниади Шунингдек, суюк ва тери силини даволашда муҳим антибиотиклардан *мицетин* эса (*Actinomyces violaceus*) замбуруғидан олиниади. *Шох-куя* (*Claviceps purpurea*) қадимдан бери бачадондан кетган қонни тўхтатиш учун ишлатилади. Пўпанак замбуруғларда 40 га яқин ферментлар борлиги аниқланган. Шуларнинг 15 хили ҳозирги вақтда енгил ва озиқ-овқат саноатининг 25 тармоғида фойдаланилмоқда.

Замбуруғлар хилма-хил витаминаларга ҳам фоят бой. Масалан, ачитувчи замбуруғдан поливитаминалар тайёрланади.

Замбуруғлар табиатда ва инсон ҳаётида ижобий рол ўйнаш билан бирга, уларнинг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, баъзи сапрофит замбуруғлар сақланиб қўйилган овқат маҳсулотларни бузади, ўй замбуруғлари (*Merilius lacrimans*) иморат, кўприк ёғочларини чиритиб, уларни ишдан чиқаради. Даражатлар танасида ўсган пўқаклар аста-секин уларни қуритади ва ҳалок қиласиди. Замбуруғлар одам ва ҳайвонларда юқумли касалликларни туғдиради. Кал, темиратки ва бошқа касалликлар замбуруғлар орқали тарқалади. Замбуруғлар кўпроқ ўсимликларни касаллантириб уларнинг ҳосилига фоят катта зиён етказади. Масалан, қоракуя, занг замбуруғлари фалла ўсимликларини касаллантиради; картошка замбуруғи (*Phytophthora infestans*) картошка касаллиги, плазмопара замбуруғи (*Plasmopara viticola*) токда мильдю (кул) касаллигини, вертициллюм (*Verticillium*) гўзада вилт касаллигини, олпидиум (*Olpidium brassicae*) карам-

нинг илдиз бўғзидаги чириш касаллигини вужудга келтиради. *Уншудринг замбуруғи* (*Spherotheca*) меваларда, полиз экинларида манзарали ўсимлик сифатида экилган ўт ва буталар ва бошқа ёввойи ўсимликларда бўртмалар ҳосил қиласди.

Замбуруғлар орасида заҳарли турлари ҳам бор. Куз ёмон келган йиллари кечикиб терилган ва яхши қуритилмаган пахта толасида пўпанак ҳосил қилувчи заҳарли *дендродохиум токсикум* (*Dendrodochium toxicum*) стахиботрис *салтернанс* (*Stachybotrys salternans*), *аспергиллус нигер* (*Aspergillus niger*) замбуруғлари ва бошқалар пайдо бўлади. Булар тўқимачилик саноатида катта зарар келтиради. Шу билан бирга нурли замбуруғларниң бъязи турлари ҳайвонда ва одамларда микоз ва микотоксикоз касалликларини пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Булардан ташқари *шох-куя замбуруғи* (*Claviceps rigrigaea*), фалласимонлардан мастакда паразитлик қилувчи *фузариум* (*Fusarium graminiarum*), ўрмонзорда ўсувлари муҳомор турлари (*Amopita*) жуда заҳарлидир, улар аралашган маҳсулотни еган ҳайвон ва одамлар заҳарланиши мумкин. Замбуруғларниң 10 000 дан зиёдори турли ўсимликларда, ҳайвонларда паразитлик қиласди. Қишлоқ хўжалиги экинлари замбуруғлар туфайли турли касалликларга чалинади. Бунинг натижасида ҳар йили улар ҳосилининг 10% ийёлолади. Замбуруғларниң салбий фаолияти натижасида ўсимлик ва ҳайвонларниң касалланиши овқат маҳсулотларининг бузилиш ва турли буюмларниң ишдан чиқиши туфайли келтириладиган зарарларниң жаҳон бўйича умумий миқдори бир неча миллиард сўм ҳисобланади.

## ЛИШАЙНИКСИМОНЛАР БҮЛИМИ—ZISHENOPHUTA

Лишайниксимонлар ўсимликлар дунёсининг оригинал тузилган, табиий бир группаси бўлиб, тубан ўсимликлар орасида алоҳида ўрин тутади. Лишайниксимонларнинг ҳозирча 400 авлоди ва 20000 га яқин тури тасвирланган ва аниқланган. Лишайниклар аслида ёлғиз ўсимлик эмас, улар ҳар хил ўсимлик турларининг қўшилиб яшашидан пайдо бўлган, ўзига хос тузилган симбиоз организмлардир. Улар замбуруғ ва сувўтларнинг қўшилишидан вужудга келган. Лишайникларнинг симбиоз бўлиб яшаши натижасида пайдо бўлган организмлар эканлигини даставал 1867 йилда рус олимларидан академик А. С. Фаминцан ва О. В. Баранецкийлар аниқлаган.

Замбуруғлар билан сувўтларнинг қўшилиб тараққий этиш даврида улардаги моддалар алмашуви шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, оқибатда, бир бутун организм деб ҳисобланадиган лишайниклар вужудга келган.

Янги сифатларни ўзида мужассамлаштирган лишайниклар тирик табнатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишининг яққол мисолидир.

Лишайник таркибига замбуруғлардан, асосан, халтачали замбуруғлар, сувўтлардан яшил ва кўк-яшил сувўтлар киради. Яшил сувўтлардан кўпроқ цистококк (*Cistococc*), хлорелла (*Chlorella*) плеурококк (*Pleurococc*); кладофора (*Cladophora*), трентеполия (*Trentepolia*); кўк-яшил сувўтлардан носток (*Nostoc*) яна хроококк (*Chroococc*), глеокапса (*Gleocapsa*) ва бошқалар киради.

Замбуруғ ўзининг гифалари билан сувўтини ўраб олиб, у билан бирга ўсади ва бир бутун организмни ташкил қиласди. Лишайникларнинг сувўтлар билан занбуруғлардан таркиб топганлигига аниқ ишонч ҳосил қилиш учун лишайник майдаланиб бир стакандаги сувга ташланади. Орадан маълум вақт ўтгач, замбуруғ гифалари сувда чирий бошлайди, сувўтининг ҳужайраси эса аксинча ривожланиб бўлиниб кўпайишга киришади.

Лишайниксимонлар автотроф ўсимликлардир, чунки сувўтларда хлорофилл бўлганидан, фотосинтез процессида анерганик моддалардан органик моддалар ҳосил бўлади. Замбуруғлар эса ҳосил бўлган органик модданинг бир қисмини озиқ сифатида истеъмол қиласди ўз навбатида сувўтини сув ва унда эриган минерал моддалар билан таъминлаб туради.

Лишайникларниг химиявий таркиби полисахарид лихениндан иборат. Лихенин кўпроқ ҳужайра пўстини ташкил этади, осонгина глюкозага айланади. Лишайникларниг баъзиларида лихенин бўлмайди, у гемицеллюлоза билан алмашади. Кул элементлари кўп, аммо, оқсил ва ёғлар жуда кам.

Лишайникларниг танаси бошқа тубан ўсимликларники сингари, таллом ёки қаттана деб аталади. Лишайникларни турли белгиларига қараб, ҳар хил гуруҳларга бўлиш мумкин. Ташқи шаклига қараб, улар З группага: 1) ёпишқоқ ёки қобиқсимон лишайниклар; 2) баргсимон лишайниклар; 3) бутасимон лишайникларга бўлинади.


1. Ёпишқоқ лишайниклар. Булар энг содда тузилган ва ҳамма ерда тарқалган лишайниклардан бўлиб, талломи юпқа, кукунсимон, тариқсимон ёки юпқа қобиқсимон бўлади ва субстратга жуда маҳкам бирикади. Уларни субстратдан бутунилигича ажратиб олиб бўлмайди. Маълум лишайник турларининг 80% и шу гуруҳга киради. Қояларда, тошларда ва дараҳт қобиқларida ўсадиган тош хина, ит хина ва бошқалар шулар жумласига киради (79-расм, 1).

2. Баргсимон лишайниклар. Буларниг талломи пластинкасимон бўлиб, субстратга остидан чиқсан ингичка ризоидсимон ўсимтаси билан бирикади. Субстратдан уни бутунилигича ажратиб олса бўлади. Бунга адирларда, тоғларда ўсадиган пармелия (*Parmelia*) ва арчазорлардаги мохларда ўсадиган пелтигера (*Peltigera*) (79-расм, 2) ва бошқалар киради.

3. Бутасимон лишайниклар. Буларниг талломи бирмунча мураккаб тузилган бўлиб, тик ўсади, бутага ўхшашибохлайди ва субстратга ризоидлари билан бирикаб субстратдан юқорига тик кўтарилади. Бизда тоғларда учрайдиган кладония фимбриата (*Cladonia fimbriata*), кладония хлорофеа (*C. chlorophcea*), мамлакатимизнинг шимолида қалин бўлиб ўсадиган буғу лишайниги (*C. Gongifera*, *C. alpestris*) ва бошқалар ёки дараҳтларининг шохларини ўраб олиб, пастга осилган ҳолда шимолий ўрмюнларда ўсадиган ёlli лишайник (*Usnea barbata*) ва бошқалар ана шулар жумласига киради (79-расм, 3).

Лишайникнинг анатомик тузилиши. Лишайникларниг узоқ тарихий тараққиёти натижасида замбуруулар билан сувўтларниг симбиоз яшашидан ҳосил бўлган организм эканлиги уларниг анатомик тузилишида ҳам акс этган. Лишайниклар анатомик тузилишига ҳамда сувўтларининг замбурур тўқимасида жойланганинга қараб икки гуруҳга: гомеомер ва гетеромер лишайникларга бўлинади (80-расм). Гомеомер тузилган лишайниклар гуруҳига тоғат содда тузилган лишайниклар киради. Бунга бизда тошли ерларда, текисликда ва адирларда учрайдиган коллема (*Collema*) мисол бўлади.

Коллема талломининг кўндаланг кесими микроскопда қарагандиа унинг, асосан, бир қатор ҳужайралардан тузилганлиги,



79-расм. Лишайниксимволар — Zichenophyta:

1 — ёникоқ лишайниклар; 2 — баргимои лишайниклар; 3 — бутасимои лишайниклар.

устки ва остки пўстлоғи борлиги, улар ўртасида жойлашган ва ҳар томонга кетган гифалар орасида бир текисда тенг носток ҳужайраларининг ёки ипларининг тарқалганилигини кўриш мумкин.


Гетеромер лишайниклар анча мураккаб тузилган. Унинг кўндаланг кесими микроскопда қаралса, тубандагиларни кўриш мумкин (80-расм, 2).

1. Устки пўстлоқ қатлам — битта ёки бир неча қатор паренхиматик ҳужайралардан тузилгандек бўлиб кўринса ҳам, аслида чувалган замбуруғ гифаларининг зичланишидан ҳосил бўлган.

2. Гонидиал қатлам сувўтларининг устки пўстлоғ остида жойлашган энсиз яшил қатламдир. Гонидиал қатлам сувўтларининг турларига қараб, бир-биридан шаклан анча фарқ қилиши мумкин.

3. Узак қатлами — чувалган ва ғовак замбуруғ гифаларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, гонидий қатлами остида жойлашади.

4. Остки пўстлоқ қатлами. Бу ҳам устки қатлами сингари тузиленган, остидан гифасимон ўсимталар тўплами чиқсан бўлиб лишайник талломини субстратга бириттиради сув, ва унда эриган озиқа моддаларни олиши учун хизмат қилади.



80-раси. Лишайникларнинг анатомик тузилиши:

1 — гомеомер лишайниклардан коллема талломининг күндаланг кесими; 2 — гетеромер лишайниклар талломининг кесилган ҳолдаги кўрниши; ө — сув ўтлари; к — устки ва остки пўстлоқ; 3 — а — таллом учининг бўйнга кесилган ҳолдаги кўрниши; 6 — талломи.

Лишайникларнинг кўлчилик турлари ана шундай гетеромер тузилишга эга бўлган гуруҳга киради. Кўп лишайникларнинг устки пўстлоқ қатламида, баъзан остки тўқималарида ҳам, сувда эримайдиган фақат шу гуруҳ ўсимликлар учун хос бўлган лишайник кислотаси тўпланади. Кислоталарнинг ранги ҳар хил бўлади шунга қараб, лишайникнинг талломи кул ранг, оч сарик, қизил, қўнғир ва бошқа рангларда бўлади.

Гонидиал қатламидаги замбуруғ гифалари, кўпинча, сувўт ҳужайрасига зич ёпишиб олади. Афтидан у, сувўтдан озиқ модда — углевод олади. Лишайникнинг ички қисми сувўтларни қўёш нурида қуриб қолишдан сақлайди. Сувўт ерда бемалол қўпаяверади. Сувўт учининг кўндаланг кесими симбиоз мухит-

да замбуруғдан сув ва минерал моддалар олади деб ўйлаш мүмкін.

Баъзан, лишайник компонентларидан замбуруғнинг кучсизланган ва ҳалок бўлган сувўтлар ҳисобига озиқланиш ҳодисасини ҳам кузатиш мүмкін. Бу эса лишайник талломининг бир қисми замбуруғнинг паразитликка ўтганлигидан дарак беради, аммо бу ҳол жуда кам учрайди. Лишайниклар замбуруғлар компонентининг кўпчилик қисмини ташкил этса ҳам, лекин мустақил озиқланиш имкониятига эга эмас. Умуман, лишайниклар таркибидаги замбуруғнинг ҳаёти кўпроқ сувўт билан боғлиқ.

Рус ботаниги П. А. Генкелнинг кейинги тадқиқотларига кўра, лишайниклар таркибига замбуруғ ва сувўтлардан ташқари, учинчи компонент сифатида азот тўпловчи бактериялар (азотобактер) ҳам киради. Азотобактерлар фаолияти натижасида ҳосил бўлган аминокислоталардан замбуруғ ва сувўтлар овқат сифатида фойдаланади.

Шундай қилиб, лишайниклар келиб чиқиши ва озиқланиши жиҳатидан ҳар хил организмлардан ташкил топган шу билан бирга, муҳит шароити ёмонлашган ҳолда ҳам яшашга мослашган симбиоз организмлардир.

Лишайникларнинг кўпайиши турли йўллар билан бўлади. Табиий шароитда улар, асосан, вегетатив йўл билан кўпаяди. Лишайникларнинг мўрт талломлари қуриб осон уваланади. Увоқ зарралари шамол ва ҳайвонлар воситасида узоқ ерларга тарқалади, тушган ерида янги талломга айланади.

Лишайниклар бир бутун организм бўлганлигидан, улар маҳсус вегетатив кўпайиш органи — **соридий** ва **изидийлар** воситасида ҳам кўпаяди.

**Соридий** роят кичик ўсимта бўлиб, гонидиал қатламда етилади. У замбуруғ гифалари билан ўралган, бир-икки ёки бир неча сувўт ҳужайрасидан иборат бўлиб, кўпроқ баргсимон ва бутасимон лишайникларда вужудга келади. Соридий талломининг пўстлоқ қатламини ёриб чиқади ва унияг бетини чангдек қоплаб олади, сўнгра ҳаво ва ёмғир сувлари билан ҳамма ерга тарқалади. Қулай шароитга тушиши билан секин-аста ўсиб, янги талломга айланади.

Баъзан, лишайник талломининг ҳамма қисми ҳам соридийлардан иборат кукунсимон массага айланаб кетади.

**Изидийлар** оддий ёки маржонсимон шохланган ўсимта бўлиб, талломининг устида ҳосил бўлади. У ҳам сувўт билан замбуруғдан иборат. Изидийнинг узилган ва синган қисмлари ажрабиб чиқади ва ўсиб, янги талломга айланади.

Лишайникнинг компоненти бўлган сувўт фақат бўлинниш йўли билан замбуруғ эса вегетатив кўпайишидан ташқари жиннесиз, жинсий йўллар билан ҳам кўпаяди.

Лишайниклар тартибиага кирган замбуруғларнинг қандай споралар ҳосил қилиши, уларнинг систематикасида катта аҳамиятга эга, чунки лишайникларнинг классификацияси замбуруғ спораларининг хилига асосланган.

Лишайниксимонлар таркибидаги замбуруғларнинг қайси тартиба мансуб эканлигига қараб, аввал улар иккى синфга: 1—халтачали лишайниклар ва 2— базидияли лишайникларга бўлинади.

### I СИНФ. ХАЛТАЧАЛИ ЛИШАЙНИКЛАР—ASCOLICHENES

Лишайниксимонларнинг қарниб барча турлари шу синфга киради.

Бу синфга мансуб, лишайник турларининг вужудга келишида сув ўтнинг компоненти сифатида халтачали замбуруғ вакиллари иштирок этади. Бу синф ўз навбатида, иккى тартиба: *дискомицетли лишайниклар* (*Discolichenes*) ва *пиреномицетли лишайниклар* (*Rugelolichenes*) тартибига бўлинади.


Дискомицетли лишайникларнинг таркибидаги замбуруғлар очиқ меватана ҳосил қиласди; улар турларга жуда бой бўлиб, табиатда кенг тарқалган. 1500 турдан иборат *лецидия* (*Lecidzia*), 1100 дан ортиқ *лекопора* (*Lecopora*), 810 турдан зиёд *пармелия* (*Parmelia*), 300 дан кўпроқ *кладония* (*Cladonia*) 70 га етадиган *цетрагия* (*Cetraria*) турлари шудар жумласидандир.

Пиреномицетли лишайникларнинг таркибидаги замбуруғлар ёпиқ меватанали бўлади. Қояларда ўсуви ёпишқоқ лишайниклардан *веррукария* (*Verricaria*) авлодига мансуб турлар бунга мисол бўлади.

### II СИНФ. БАЗИДИЯЛИ ЛИШАЙНИКЛАР—BASIDIOLICHENES

Бу синфининг вакиллари базидияспора берувчи базидиямицетларга мансуб, асосан, гименомицетларнинг телефора авлодининг турлари билан кўк-яшил сувўтларнинг симбиоз яшашидан вужудга келган бўлиб, фақат тропикларда тарқалган. Бу синфга тегишли лишайник турларининг сони 150 дан ошмайди.

Лишайникларда ҳосил бўлган аскоспора ва базидияспоралар ташқарига чиқиб ўсади ва гифаларга айланади. У ўзига яқин



81-расм. Лишайникнинг аскоспоралар ўсаётган пайти: 1 — Аскоспора ўсиб, гифа чиқариб, сувўт хужайрасини ўраб олиши. 2 — лишайник талломи ҳосил бўлишининг бошланниши.

турган сув ўти билан учрашиб, уни ўраб олади ва ривожланиб, лишайникнинг янги талломига айланади (81-расм).

Ҳар бир жойдаги лишайник турларини яхши ва аниқ билиш учун, уларни системали равишда йигиб бориш зарур. Бу биринчидан, мактабларда кўрсатма материалларнинг бойишига хизмат қилса, иккинчидан, шу районнинг лишайник флораси ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Лишайникларни йигиши техникаси жуда содда. Епишқоқ лишайниклар бўлса, улар субстрати билан бирга олинниб, олдиндан тайёрланыб қўйилган қофозларга ўралади; бутасимон лишайниклар бўлса, қофоз қутичаларга солинади; ҳаммасига ҳам ўсаётган жойи ва олинган вақти ёзиб қўйилади.

Лишайникларни ҳаво намроқ вақтда йигиши тавсия қилинади, чунки улар ёмғирдан сўнг жуда яшнайди ва кўзга яққол ташланади.

## ЛИШАЙНИҚЛАРНИНГ ҲАЁТИ

Лишайниклар қурғоқчиликка ҳам, совукқа ҳам чидамли, ноқулай шароитда ўсишга мослашган автотроф ўсимликлардир. Лишайниклар талломларининг бутун сатҳи билан ёмғир, шудринг, буғ каби намликни жуда тез шимиб олади, чунки улар учун субстратдан олинадиган сувнинг аҳамияти унча катта эмас. Ёмғирдан сўнг, лишайниклар бўртиб, кўзга яхши кўриниб туришининг сабаби ҳам ўзу. Коллема лишайниги сингари, шишимшиқ лишайниклар ҳам намни осон шимади, натижада лишайник бўкиб, юмшайди. Ҳўлланиб, сувга тўйган лишайник талломи кўкишёки кўк тус олади, чунки, талломи ичидаги ҳаво сув билан алмасиб, гонидий қатлами ям-яшил бўлиб кўринади. Шуни ҳам айтиш керакки, лишайниклар ўз намини жуда тез йўқотади. Натижада, бир оз вақт ўтмасдан улар яна қуриб, мўрт бўлиб қолади. Улар шу ҳолда узоқ вақт яшай олади, озроқ нам тегиши билан тезда қайтадан яшнаб тирилиб кетади.

Лишайникларда фотосинтез процесси кучсиз бўлганлигидан, органик моддаларнинг тўпланиши жуда секин боради. Бу ҳол уларнинг ўсишига салбий таъсир этиб, у энг секин ўсадиган ўсимликлардан ҳисобланади. Масалан, диаметри 1 мм бўлган ксантория лишайнигининг талломи 6 йилдан кейин 3 см га етади. Буғу лишайнигининг бўйига қараб ўсиши бир йилда 1—8 мм дан ошмайди. Епишқоқ лишайниклар талломининг энига қараб ўсиши бир йилда 1—3 мм дан ошмайди. Баргсимон ва бутасимон лишайниклар бирмунча тез ўсади. Уларнинг йиллик ўсиши, ўрта ҳисоб билан дастлабки оғирлигининг 8—15 дан бир қисмича бўлади.

## ЛИШАЙНИҚЛАРНИНГ ТАРҶАЛИШИ

Лишайниклар табиатда жуда кенг тарқалган организмлар бўлиб, қутбдан бошлаб экваторгача, денгиз қирғоқларидан тортиб, баланд тоғ чўққиларигача бўлган ерларда ўсади. Аммо тропик зонада жуда кам учрайди.

Лишайниклар тундра ва шимолий ўрмон зонасида, баланд тоғларда асосий үсімлік сифатида үсіб, у ерда чиройли манзара (ландшафтлар) ҳосил қиласы.

Лишайникларнинг күпчилиги ёруғсевар үсімлікклардир.

Лишайниклар ҳар қандай мұхит ва экологик шароитда ҳам, чунончы қояларда, тошларда, унумсиз ерларда, дараҳт қобиқларидан да шунингдек, субстратларда үсуви үзүншінде жүргізеді. Лишайникларнинг үсінши учун замин тайёрловчы пионер үсімлікклардир.

### ЛИШАЙНИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Лишайниклар турлы субстратларда үсады ва у ерда астасекин органик моддалар түплаб, юқори үсімліккларнинг үсіншига замин тайёрлады. Иккінчидан, лишайниклар тупроқ ҳосил қылувчилар бўлиб ҳисобланади, чунки уларниг фаралияти натижасида вужудга келадиган кислота ҳар қандай тошларни ва тоғ жинсларини нуратиб, майдалаб тупроққа айлантиради.

Буғу лишайнигининг ҳам катта аҳамияти бор. Буғу лишайникларидан кладония рагиферина, кладония альпестрис ва цетрария авлодларига мансуб бўлган бир қанча турлар тундрада катта майдонларни қоплаган бўлиб, шимолдаги буғучиликнинг асосий ем-хашаги ҳисобланади.

Цетрария исландика лишайнигининг таркибида крахмалга ўхшаш углеводлар түпланади. Шунинг учун уни овқатга истеъмол қылса ҳам бўлади. Бу лишайник овқат тайёрлашдан олдин иссиқ сув билан ювилади, чунки ювилганда унинг таркибидаги кислоталар кетиб, тозаланади ва аччиғи йўқолади.

Истеъмол қилинадиган лишайникларга «лишайник маннаси» ҳам киради. Масалан, *асплицилия эскулента* (*Asplicilia esculenta* ёки *Secanora esculenta*) *асплицилия альпино* — дезерторум (*Asplicinia alpinodes* *ergotum* ёки *Leconora desertorum*) ва бошқалар. Уларниг талломи эркін, майда, шарсизон бўлаклардан иборат бўлиб, ҳаво қуруқ вақтларда шамол билан бир ердан иккинчи ерга кўчичиб ўтиб ва тарқалиб, ер бетини босади. Булар қатламининг қалинлиги ернинг баъзи чуқур жойларидан 10—15 см га етади. Бу лишайник СССРининг шарқи-жанубидаги чўл ва даштларда ҳамда Осиённинг гарбида Африканинг гарби-шимолида учрайди.



82-расм. — *Evernia prunastri*

*Цетрария исландика* (*Cetraria islandica*) лишайниги медицинада ҳам ишлатилади. Доривор хусусиятли лишайникларга пармелия ва пелтигериялар ҳам киради. Шимолий тундрада ўсуви четрария кукулатадан (*Cetraria ciscula*) «С» витамини олиниади. «Дуб мохи» деб аталадиган эверния прунастрий (*Evernia prunastri*) лишайнингидан хушбўй моддалар кўп бўлғанлигидан, у парфюмерия саноатида эфир мой олиш учун хом ашё сифатида ишлатилади ва ундан «Шипр» атири ва одеколони тайёрланади. Бу лишайник Туркия ва Мисрда нонни хушбўй қилувчи восита сифатида ҳам фойдаланилади.

А. Л. Курсанов, Н. Н. Дьячков кейинги йилларда кладония, цетрариядан, алектория ва шунга ўхшаш бошқа лишайник турларидан саноат аҳамиятiga эга бўлган глюкоза олиш усулларни ишлаб чиқдилар. Бу глюкоза кондитер саноатидагина эмас, медицинада ҳам катта аҳамиятга эга. Бир қуруқ цетрария исландика лишайнингидан таркибида 65—75% глюкоза бўлган патока, ундан эса 70 кг га яқин глюкоза кристали олиниади.

Кладония ва цетрария лишайниги турларидан 80—85° ли спирт олиш мумкин.

Урта денгизга яқин Азор ва Канара оролларида кўп тарқалган ҳамда Урта денгиз қояларида ҳам учрайдиган роччела (*Roscella*) лишайниги турларидан лакмус ва орсейль бўёқлари олиниади. Лакмус олиш учун йигилган лишайниклар майдаланиб, сувга қорилади ва унга озроқ аммиак қўшилади. Махсус бактериялар ёрдамида ачитилиди, ачиган қоришма тўқ қизил туsgа киради; агар ишқор қўшилса, у кўк рангла киради. СССРда лакмус тайёрлаш учун тундрада кўп тарқалган *охролеҳия тартареа* (*Ochrolechia tartarea*) лишайнингидан фойдаланилади.

Лишайниклар орасида заҳарли турлари ҳам бор. Булардан шимолда ўсуви четрария вульпина (*Lataria vulpina*) лишайниги овчилар томонидан бўриларни заҳарлаш учун ишлатилади.

Лишайниклар орасида одамларга зарар келтирадиган ҳеч қандай турлари йўқ. Лишайниклар дараҳт пўстлоқларида яшаб, улар ҳисобига озиқланади.

Дараҳт сиртини бирмунча беркитиб кўпайиши мумкин. Бунинг натижасида дараҳт танасида ҳаво алмашинуви бир оз оғирлашади. Лишайникларнинг дараҳт қобигида яшши баъзи заҳарли ҳашаротлар қишлови учун қулай бошпана бўлади. Сўнг ҳашаротлар дараҳтга ва унинг пўстига уя қўяди, шунинг учун, бундай дараҳт танасидаги лишайникларни йўқотиш тавсия этилади.

## АДАБИЕТ

1. Богданов П. Л. Ботаника. Гослесбумиздат, М.—Л., 1952.
2. Бурыгин В. А., Жонгуразов Ф. Х. Ботаника, УзССР «Урта ва Олий мактаб» Үқувпеддавнашр, Тошкент, 1962.
3. Проф. Буш Н. А. Курс систематики высших растений. Учпедгиз, Москва, 1944.
4. Варнинг Е. А. Систематика растений (перевод с немецкого Голенкина и Ростовцева), Москва, 1893.
5. Веттштейн Р. Систематика растений (перевод с немецкого), 1912.
6. Генкель П. А., Кудряшов Л. В. Ботаника. Изд. «Просвещение», Москва, 1964.
7. Голенкин М. И. Курс высших растений. Биомедгиз, М—Л., 1937.
8. Гордеева Т. Н., Груберг, Ю. К., Письякунова В. В. Практический курс систематики растений. Изд. «Просвещение», Москва, 1971 (издание второе).
9. Гросгейм А. А. К вопросу о графическом изображении цветковых растений. «Ботанический журнал СССР», № 1, 1944.
10. Жуковский П. М. Ботаника. Изд. «Высшая школа», Москва, 1964.
11. Коэз-Полянский Б. М. Введение в филогенетическую систематику высших растений. Воронеж, 1922.
12. Комаринский Н. А., Кудряшов Л. В., Уранов А. А. Систематика растений, Учпедгиз, Москва, 1962.
13. Комаров В. Л., акад. Типы растений. Москва, 1935.
14. Коровин Е. П. Растительность Средней Азии. 1 и 2 часть. Изд. АН УзССР, Ташкент, 1962.
15. Кречетович Л. А. Вопросы эволюции растительного мира. М., 1952.
16. Криштофович А. Н. Палеоботаника. 4-е издание, Л., 1957.
17. Кузнецов Н. И. Введение в систематику цветковых растений, Огиз, Л., 1934.
18. Культиасов М. В. Ботаника, ч. II, Учпедгиз, Москва, 1955.
19. Любименко В. Н. Курс общей ботаники. Госиздат, 1932.
20. Мейер К. И. Морфогенез высших растений. Москва, 1948.
21. Сахобиддинов С. С. Словарь местных и научных названий полезных и вредных растений Средней Азии. Изд. АН УзССР, Ташкент, 1953.
22. Сахобиддинов С. С. Систематик категорияларнинг терминологияси ҳақида. Ж. «Совет мактаби», № 5, 1966.
23. Серебряков И. Г. Морфология вегетативных органов. Изд. «Советская наука», Москва, 1952.
24. Тарасов О. А. Введение в изучение систематики высших растений. Изд. Саратовского университета, 1963.
25. Тахтаджян А. Л. Высшие растения. ч. II, Изд. АН СССР, М—Л., 1956.
26. Тахтаджян А. Л. Происхождение цветковых растений. Изд. «Советская наука», Москва, 1954.
27. Флора СССР. том I—XXX (1934—1964). Изд. АН СССР, М—Л.
28. Флора Узбекистана. Том I—VI, 1941—1962, Изд. АН УзССР, Ташкент.
29. Фурсаев А. Д., Тарасов А. О. Высшие растения. Изд. Саратовского университета, 1961.
30. Хряновский В. Г. Основы ботаники. Изд. «Высшая школа», Москва, 1969.
31. Хряновский В. Г., Прянишников и др: Практический курс ботаники. Москва, 1963, «Высшая школа».
32. Худойкулов С. М., Назаренко Л. Н. Усмиликлар систематикасидан амалий машгулотлар. Тошкент, 1964.
33. Шалыков Г. Н. Интродукция и акклиматизация растений. Изд. «Сельхозгиз», Москва, 1963.
34. Шостаковский С. А. Об упорядочении номенклатуры в систематике высших растений. «Ботанический журнал» № 2, 1962.
35. Шостаковский С. А. Систематика высших растений. Изд. «Высшая школа», Москва, 1971.

## ЎСИМЛИК ЎЗБЕКЧА НОМЛАРИНИНГ КҮРСАТКИЧИ

(Юлдузчаси бор рақамлар ўсимлик расми бор бетни кўрсатади)

### А

- Авикуляриякабилар 177  
Азотбактер 58  
Айнқотовондошлар 36  
Активомицес 66  
Активомицет 66  
Активомицетнамолар 64  
Албуга кандида 153  
Анабена 69, 70  
Анфельциза 131  
Арпа тошкуяси 140  
Арпа чанг қоракуяси 190  
Архегонийли ўсимликлар 22, 23  
Архимицетнамолар 145, 146  
Аскомицетес 157  
Аскомицетнамолар 145, 157  
Аскохита 199  
Аспергилл 164  
Аспергиллус цигер 164  
Аспергиллоидлар 164  
Аспицилия альпино-дезерторум 211  
Аспицилия экуселента 211  
Астазия 80  
Астеронелла 112

### Б

- Базидиомицетес 175  
Базидиомицетнамолар 145, 146  
Бактериофаг 61  
Бактериофита 45, 46  
Бактерия 6, 44  
Бактериянамолар 62  
Бактериасимонлар 44  
Бангидевона 36  
Бангия атропурпуреа 124  
Бағиянамолар 124  
Батрахоспермум 125, 126  
Башыла 47, 51  
Вахмалгул  
Баҳори 49, 53, 58  
Бегнатоа 153, 58  
Беда аскохитаси 199  
Биота 16  
Бир палладилар 18  
Бир уруғбаргилар 15  
Бовиста 185, 186  
Бойчекак 37  
Болетус 180, 182  
Болетусдошлар 182  
Боровик 182  
Боррелия букитис 64  
Боррелия рекулантис 64  
Ботридиопсис 107  
Бүғдой 37

- Ботридиум 108  
Бүғдой тошкуяси 188, 140, 188  
Бүғдой чанг қоракуяси 188, 140, 188  
Бүғдой қўнгир занг замбуруги 194  
Бўзчи-бўзчи 38

### В

- Вентурия 170  
Вертициллиум 197  
Веррукария 208  
Виню ачитқиси 162  
Вольвокс 8, 88, 89  
Вольвокскабилар 84  
Вольвоксдошлар 87  
Вошерия 82, 98

### Г

- Гастеромицетлар 177, 184, 185  
Гематакок 85, 87  
Гигант кул ранг қўзиқорин 171  
Гигант ликопердон 186  
Гидрурус 74  
Гелидиум 129  
Гименомицетлар 177, 178  
Гимноспорангум 195  
Гинкгодошлар 36  
Гифомицеткабилар 97  
Глеокапса 69  
Глеоспориум ампелинум 197  
Глеоспориум лагенариум 197  
Глеоспориум линдемутинум 197  
Гомфонема 112  
Гониум 187, 87  
Графиум 198  
Груздъ 184  
Гули ўсимликлар  
Гули қатма-қат 35

### Д

- Дакрномицетес 177  
Дастлабки халтачалилар 160  
Делессерия 122, 125, 127  
Десмидиумдошлар 100  
Диатома 112  
Диатом сувўтлар 45  
Диатомсимонлар 45, 110  
Диктиота 112, 118  
Диктиоталар 118  
Динобрион 73, 74  
Дуккаклилар 36, 37  
Дўлана занг замбуруги 194

**Е**

Ёввойи гултожихүрөс 38  
 Елли лишайник 205  
 Емгир гематококки 87  
 Епік уруғылар 17, 18  
 Ез трюфели 174

**Ж**

Жавдар занг замбууруғи 194  
 Жаг-жағ 153

**З**

Замия 45  
 Замбууруғлар 39, 45, 138  
 Зангкаби замбууруғлар 178, 191  
 Зигнема 102  
 Зигнемадошлар 100  
 Зигомицетес 154, 149  
 Зиркдошлар 36  
 Зигир занг замбууруғи 195, 196  
 Зубтурум 37

**И**

Илдиз булут 181  
 Илютили 37  
 Итазум 36  
 Иккى паллалилар 18, 37  
 Иккى уруғ баргыллар 15, 37

**К**

Казуаринлар 15  
 Калитамнион 126  
 Карамкила 134  
 Картошка 35  
 Картошкагүл 35  
 Каулерпа 82, 99, 98  
 Клавариядошлар 179  
 Кладония хлорофеа 205  
 Кладония фимбриата 205  
 Кладоспориум 197  
 Кладотрикс 48, 63  
 Кладофора 95  
 Кладофороадошлар 95  
 Клостериум 102, 103  
 Клостридиум ботиликум, 60  
 Конколитофора 74  
 Колоциум 8  
 Колеоспориум 196  
 Коллема 205  
 Конуссимон күзиқорин 171  
 Конферва 107  
 Коньюгатлар 100  
 Коньюгатнамолар 100  
 Космарнум 103  
 Кренотрикс 63

Кронарциум 196  
 Ксантофита 107  
 Күнгабоқар занг замбууруғи 194  
 Күп мевалилар 36  
 Күк-яшия сувүтлар 45, 68

**Л**

Лабгулиллар 30  
 Лабульбениякабилар 174  
 Лактариус 184, 182  
 Лактобактериум 55  
 Ламинария 117  
 Ламинария сахарина 118  
 Ламинария дигитата 118  
 Ламинариядошлар 117  
 Лауренция 131  
 Лекапора 208  
 Лептотрикс 53, 59  
 Лессония 118  
 Лицмофора 112  
 Ликогала 134  
 Ликопердон 185  
 Лингбия 69, 70  
 Литотамион 127, 128  
 Лишайник 15, 203  
 Лишайниксимвонлар 203  
 Ловия 37  
 Лофотрикс 53

**М**

Магнолиядошлар 36  
 Маккажүхори 37  
 Маккажүхорининг бўрган  
 қоракуяси 190, 191  
 Макроцистис 43, 115, 118  
 Малломонада 73  
 Малломонас 73  
 Маслёнок 182  
 Маташувчилар 84, 100  
 Мачин 38  
 Мачитак 38  
 Мева халтачалилар 162, 163  
 Меламспориа 196  
 Меламспорадошлар 195  
 Меланкониумкабилар 197  
 Мелозира 113  
 Мерулиус 179  
 Микобактериум 63  
 Микобактериякабилар 63  
 Микрококк 62  
 Микроцистис 132  
 Миксофита 133, 138  
 Миксохитрийкабилар 146  
 Миксобактерия 64  
 Миксобактериянамолар 63  
 Миш 37  
 Мужоция 102  
 Мукор 139, 154, 155  
 Мукордошлар 154

**М**  
Мукоркабилар 154  
Мураккабуллар 36  
**Н**  
Навикула 112  
Немалион 125  
Нероцистис 118  
Нинабарглилар 15  
Нитрозомонас 53, 58  
Нителла 104, 105  
Нитробактер 53  
Ноктилука 77  
Нон түрүн замбуруғы 160  
Носток 71  
Нұхота аскохитаси 199

**О**  
Оддий шамлийон 183  
Оидиум 168  
Олча тафринаси 162  
Олма 195  
Олма заң замбуруғы 195  
Ольпидиум 146  
Оомицетес 149  
Осциллярия 69  
Осциллатория 69, 70  
Ошқовоқдошлар 37  
Оқимтір поганка 184  
Оқгулхайры 35  
Оқ замбуруғы 182  
Оқ лұпанақ 154  
Оқ тол 38  
Оқ трюфель 174  
Оқ тут 38  
**П**  
Пальмадошлар 37  
Пандорна 87  
Папоротник 15, 16  
Пармелия 204  
Патсимоннамолар 110  
Пақ-пақ 36  
Пелиаструм 92  
Пельтигера 204  
Пеницилл 164  
Перидинея 76  
Перидинии 75  
Пероноспоракабилар 152  
Печакдошлар 37  
Пецица 170  
Пиво түрүні замбуруғы 160  
Пиёз 37  
Пиёздошлар 37  
Пиллобус 156  
Пинуллария 110  
Пиреномицетлар 168  
Пиррофита 45, 75  
Пиронема 80, 159

Питиум 151  
Плазмодиофора 134, 135  
Плазмодиофороадошлар 134  
Плазмопара 152  
Пластинкалилар 179, 182  
Плаун 16  
Плаунсимоилар 18  
Плевросистма 112  
Плектаскалес 164  
Подберезовик 182  
Подосиновик 182  
Поляянгум  
Полиблефаридаошлар 84  
Полипорус 181  
Полипорусдошлар 181  
Полифагус 148  
Порфира 124  
Поя барғыл мөхлар 18  
Протококкабилар 84  
Пукшиния 192  
Пукчиниядошлар 195  
Пушти сироежка 183  
Пұқак 181  
Пұқакдошлар 179

**Р**  
Рафидиум 90  
Рижкия 184  
Ризобиум 53  
Ризофидиум 53, 147  
Ризопус ориза  
Родомелла 131  
Родофита 122

**С**  
Саговник 15  
Сапролегния 149, 150  
Сапролегниядошлар 149, 140  
Саргассум 120  
Сарғыш яшил сувұттар 45, 107  
Сахаромицес 160  
Себарга аскохитаси 199  
Семизүт 153  
Септория 198  
Сиәх замбуруғы 183, 184  
Синедра 112  
Синура 73  
Синихитриум эндобиотикум 148  
Сироежка 182  
Сифонилар 84  
Склеротиния 172, 173  
Сорангум 64  
Спирогира 100  
Спирохета 64, 100  
Спирохетанамолар 64  
Стигматомицес 175  
Стахибатрис алтернанс 203  
Стрентомицес грицеус 202  
Строносток 71  
Сув түрі 91

Сфацелия 169  
Сферотека 167  
Сферопсидкабилар 197  
Ситосифон 131

## Т

Табеллярия 112  
Такомиллашмаган замбуруғлар 145,  
    196  
Тамаки 36  
Тарвуз 37  
Тафрина 162  
Тафринадошлар 162  
Тафринанамолар 162  
Тенг хивчиниллар 84  
Терак тафринаси 163  
Тол 38  
Толдошлар 38  
Тоголча экзоаскуси 162  
Трахеломонас 80  
Трахеломонаса 80  
Тремалакабилар 178  
Трентеполия 94  
Трентеполиядошлар 94  
Триходерма 198  
Триофель 173  
Трюфелкабилар 173  
Тубан ўсимликлар 41, 42  
Тут пүкак 181

## У

Увоқлилар 24  
Улотрикс 93  
Улотрикскабилар 84, 92  
Улоктриксдошлар 93  
Ульва 96  
Ульвадошлар 96  
Унцинула спиралис 168  
Ун-шудрингдошлар 166  
Ун-шудринг замбуруғи 166  
Уромицес 195  
Устилаго 187  
Устилагодошлар 187

## Ф

Факус 80  
Фаллус 186  
Фикомицетес 145, 148  
Фикомицетнамолар 145, 148  
Филлофора 131  
Фитофтора 151  
Флагеллата 148  
Флоридея 125  
Флоридеянамолар 124  
Фрагмобазидиянамолар 186, 177  
Фома 199  
Фомес 181

Фрагмидиум 195  
Фрагмобазидиомицетес 186  
Фузариум 197  
Фукус 119  
Фукускабилар 119  
Фулиго 134

## Х

Холобазидиомицетес 177  
Халтачали замбуруғлар 144, 157  
Халтачали лишайниклар 208  
Хара 104  
Харалошлар 104  
Харанамолар 104  
Харвиелла 131  
Харофита 104  
Хар хил хивчиниллар 45, 107  
Хельвелла 171  
Хламидомонада 84, 85  
Хламидомонадошлар 84  
Хламидомонас 84  
Хлорамёба 107  
Хлорелла 90, 129  
Хлорокок 90  
Хлорококкабилар 84, 89  
Хондромицес 48  
Хондрус 129  
Хризомикса 196  
Хризомонадасимонлар 45, 72  
Хризофита 72, 109  
Хромобактер 59  
Хромулина 73  
Хроокок 69, 70

## Ц

Целлвибрио 60  
Центринамолар 112  
Церациум 75  
Церкоспора 197  
Цетрария 208  
Циклотелла 113  
Цимбелла 113  
Цистококк 204  
Цистопус 153  
Цитофаза 64

## Ч

Черкас 30  
Чин бактериякабилар 62  
Чин пүкак 181  
Чин яшил сүв ўтлар 84  
Чучмұма 37

## Ш

Шампиньон 182  
Шантранция 125

Шафтоли экзоаскусы 162  
Шилимшиңлар 133  
Шоли 35  
Шотут 38  
Шох-куя 168  
Шох-куя замбуруғы 168

### Ә

Әвглена 79  
Әвгленадошлар 78  
Әвгленасимонлар 45, 78  
Әвгленофита 78  
Әвдорина 87  
Әверния 211  
Әдогониум 97  
Әдогониумдошлар 97  
Әкзобазидиум 176, 178  
Әкзобазидиумкабилар 116, 177, 178  
Әктокарпус 116  
Әмпүза 156  
Әнтероморфа 97  
Әнтомофтора 157  
Әнтомофторадошлар 156  
Әризиғе 167  
Әфедра 30  
Әфедрадошлар 30  
Әшакшұра 38  
Юмшоқ бүгдөй 35

Яланғоч уруғлайлар 17  
Яланғоч халтачалилар 160  
Яшил сувұтлар бұлымы 45, 82  
Яшил әвглена 79

### Қ

Қайин пүкагы 182  
Қалампир 36  
Қизил замбуруғ 182  
Қизил мухомор 184  
Қизил сироежка 133  
Қизил сувұтлар 45, 122  
Қизил әвглена 81  
Қирқбұғым 16  
Қирқбұғымдошлар 36  
Қовун 37  
Қор гематококки 87  
Қора ғулхайри 35  
Қоракүякабилар 187, 178  
Қора трюфель 174  
Қуяничқұ үт 36  
Құзидумба 183, 201  
Құзиқорни 171  
Құнғыр сувұтлар 45, 115

### Ғ

Ғалладошлар 37  
Ғалла занг замбуруғы 191, 192  
Ғалла фузарнуми 203  
Ғалла әризиғесі 167  
Ғұза 37

# ЎСИМЛИК ЛАТИНЧА НОМЛАРИНИНГ КҮРСАТКИЧИ

(Олдузаси бор рақамлар ўсимлик расми бор бетни күрсатады)

## A

- Acetobacter aceti* 56
- Acetobacter xylinum* 56
- Actinodones* 15
- Actinomyces scabies* 66
- Agaricaceae* 179, 182
- Agaricus* 182
- Albugo candida* 153
- Althaea nudiflora* 35
- Althaea officinalis* 35
- Althaea rosea* 36
- Amanita* 184
- Amanita muscaria* 184
- Amanita Palloides* 184
- Anabaena azollae* 69, 70
- Angiospermae* 18
- Anthophyta* 18
- Archegonitae* 22
- Archimycetes* 145, 146
- Armillaria mellea* 184
- Ascochyta* 199
- Ascomycetes* 145, 157
- Ascolichenes* 206
- Aspergillus* 164
- Aspergillus giganteum* 202
- Aspergillus glavis* 202
- Aspergillaceae* 164
- Aspergillus nigra* 174
- Aspergillus oryzae* 165
- Asplenium bulbosum* 221
- Astasia* 80
- Asterionella* 112
- Auriculariales* 177
- Azotobacter chroococcum* 58

## B

- Bacillariophyta* 22, 210
- Bacteriophyta* 44, 46
- Bacterium aceti* 56
- Bacterium radicola* 57
- Bacterium pradictorum* 48
- Bangia atropurpurea* 124
- Bangiphyceae* 124
- Basidiomycetes* 145, 175
- Batrachospermum* 125, 126
- Baggiatoa* 48, 53
- Berberidaceae* 36
- Boletus* 181, 182
- Boletus edulis* 183
- Boletus luteus* 183
- Boletus scaber* 183
- Borrelia buccalis* 64
- Borrelia recurrentis* 64

- Botriodiopsis* 107
- Botridium* 107, 108
- Bryophyta* 17, 18

## C

- Calvatia maxima* 186
- Caprinus* 183, 184
- Capsicum* 36
- Capsulla burapastoris* 153
- Carpoascomycetidae* 160, 1 63
- Caulerpa* 82, 98
- Cellvibrio* 64
- Ceratium* 197
- Cetraria cinnulata* 211
- Cetraria islandica* 211
- Chamtransia* 125
- Chara* 104
- Charophyceae* 22, 84, 109
- Chlamydomonadinaeae* 84
- Chlamydomonas* 84, 75
- Chloramoeba* 107
- Chlorella* 90
- Chlorococcales* 84
- Chlorophyta* 22, 45
- Chlorococcum* 90
- Chloromyces meandriformis* 174
- Chondromyces* 174
- Chromatium* 63
- Chromulina* 73
- Chroococcaceae* 69
- Chlorococcum* 69
- Chroococcus* 204
- Chrysomyxa* 196
- Chrysophyta* 45, 72
- Cistococc* 203
- Cladonia fimbriata* 205
- Cladonja* 205
- Cladonia alpestris* 205
- Cladonia chlorocea* 205
- Cladonia rongiferina* 205
- Cladonia verticillata* 205
- Cladoniaceae* 205
- Cladophora glomerata* 95
- Cladophora sauteria* 96
- Cladosporium* 197
- Cladosporium gossypii* 197
- Cladothrix dichotoma* 48
- Clavaria* 179
- Clavaraceae* 179
- Claviceps purpurea* 168, 169
- Closterium* 102, 103
- Clostridium botulinum* 60

## L

- Laboulbeniales 174  
*Lactarius* 183  
*Lactarius deliciosus* 184  
*Lactobacterium acidophilum* 55  
*Lactobacterium bulgaricum* 55  
*Lactobacterium lactis* 55  
*Laminariales* 117  
*Laminaria* 117  
*Laminaria digitata* 118  
*Laminaria japonica* 118  
*Laminaria saccharina* 18  
*Laurentia* 131  
*Lancanora alpino-desertorum* 206  
*Lancanora esculenta* 206  
*Lataria vulpina* 212  
*Leptothrix* 53  
*Leguminosae* 36, 37  
*Lessonia* 118  
*Lichenes* 203  
*Lichenophyta* 203  
*Liliaceae* 36, 37, 38  
*Lithothamnion* 127, 128  
*Lycogala* 134  
*Lycoperdon giganteum* 186  
*Lyngbya* 69, 70

## M

- Macrocystis* 43, 118  
*Macrocystis pyrifera* 115  
*Mallomonas* 3  
*Mallomonada* 73  
*Melampsora* 196  
*Melampsora Lini* 196  
*Melampsotaceae* 195  
*Melosira* 113  
*Merulius lacrymans* 179  
*Mucopococcyc* 62  
*Microcystis* 132  
*Monocotyledones* 15  
*Morchella connica* 171  
*Morchella esculenta* 171  
*Morchella griseo-gigantia* 171  
*Morina* 30  
*Morinaceae* 30  
*Morus alba* 38  
*Mougeotia* 102  
*Mucor* 139  
*Mucor corymbifera* 156  
*Mucor javanicus* 156  
*Mucor mucedo* 154, 155  
*Mucor pusilla* 156  
*Mucorales* 154  
*Musci* 18  
*Myxochytridiales* 146, 174  
*Mycophyta* 45  
*Myxophyta* 22, 45, 133, 138

## N

- Navicula* 112  
*Nemalion* 125, 126  
*Nereocystis* 118  
*Nicotiana* 36  
*Nitella* 104, 105  
*Nitrobacter* 53, 57, 58  
*Nitrosomonas* 53, 57

## O

- Oedogonium* 97  
*Oedogoniaceae* 97  
*Oidium tuckeri* 163  
*Olipidium brassicae* 146  
*Oomycetes* 149  
*Oomycetidae* 149  
*Oryza sativa* 35  
*Oscillaria* 69  
*Oscillatoria* 69

## P

- Palmae* 37  
*Pandorina* 87  
*Parmelia* 204  
*Peltigera* 204  
*Penicillium chrysogenum* 165  
*Penicillium notatum* 165  
*Pennatae* 102  
*Parmelia* 208  
*Peridineae* 75  
*Peridinium* 75  
*Perisporiales* 166  
*Peronospora* 152  
*Peronosporales* 151  
*Peziza* 170, 171  
*Phacis* 89  
*Phaeophyta* 45, 115  
*Phallus* 185  
*Phoma uvicola* 199  
*Phisalis* 36  
*Phragmidium* 195  
*Phragmobasidiomycetales* 177, 186  
*Phycomyctes* 145, 148  
*Phyllophora* 131  
*Phaeophyceae* 22, 115  
*Phytophthora* 151  
*Pinnularia* 110, 111  
*Plasmodiophora brassicae* 134, 135  
*Plasmodiophoraceae* 134  
*Plasmopara Viticola* 152  
*Pleurosigma* 112  
*Poliangium* 64  
*Polyblepharidaceae* 84  
*Clostridium felsinum* 56  
*Clostridium Pasteurianum* 56, 57  
*Clostridium Pectinovorum* 56

Coccolithophora 74  
Coloccyum 80  
Collema 205  
Compositae 36  
Conferva 107  
Conjugatophyta 22  
Conjugatophyceae 84, 100  
Cormobionta 40  
Cormophyta 18  
Cosmarium 103  
Cronartium 196  
Cucurbitaceae 37  
Cyanophyta 45, 68  
Cyclotella 113

#### A

Dacryomycetales 177  
Dahlia Variabilis 35  
Datura 35  
Delesseria 122, 125, 125  
Desmidiaceae 100  
Desmidium 100  
Dendrodochium toxicum 203  
Diatoma 112  
Diatomeae 100  
Dicotyledoneae 18, 37  
Dicotyledones 15, 18  
Discolichenes 208  
Dictyota 118  
Dictyotales 118  
Dinobrion 73, 74  
Dipsacus 30  
Dipsacaceae 30  
Discomycetales 171  
Dinoflagellatae 22  
Drava verna 35

#### E

Ectocarpales 116  
Ectocarpus 116  
Embriophyta 22  
Empusa muscae 156  
Entheromorpha 97  
Entomophthora 156  
Entomophthoraceae 156  
Equisetaceae 36  
Erysiphaceae 166  
Erysipha 166  
Euchlorophyceae 84  
Eudorina 87  
Euglenophyta 78  
Euglena pisciformis 80  
Euglena rubra 82  
Euglena viridis 80  
Exobasidium vaccinea 176, 178  
Exobasidiomycetales 177

#### F

Flagellatae 22, 148  
Florideophyceae 124, 125

Fomes annosus 181  
Fomes fomentarius 181  
Fomes igniarius 181  
Fucales 119  
Fucus vesiculosum 119  
Fulicales 134  
Fuligo septica 134  
Fungi 23, 45, 138  
Fusarium 197  
Fusarium vasinfectum 197

#### G

Gasteromycetales 177, 184  
Gelidium 131  
Ginkgo aceae 36  
Gleocapsa 69, 203  
Gleosporium 197  
Gleosporium Langenarium 197  
Gleosporium Lendumuthianum 197  
Gomphrena 112  
Gonium 87  
Gramineae 37  
Graphium ulmi 198  
Gymnoascomycetidae 160  
Gymnosporangium tremelloides 195  
Gymnospermae 18, 21  
Gymnosporangium confusus 194, 195.  
Gyneceatae 22

#### H

Haematococcus 87  
Haematococcus nevales 87  
Haematococcus pluviales  
Harveyella 131  
Helvella 171  
Heteronctae 45, 107  
Holobasidiomycetidae 177  
Hormidium 94  
Hydrodictyon 91  
Hydrurus 73, 74  
Hymenomycetales 177, 178

Isocontae 84

#### J

Juniperus zerayschanica 38  
Polycarpicace 36  
Polyphagus euglena 148  
Polyporaceae 179  
Porporus 181  
Portulace oliraceae 153  
Porphyra 124  
Protococcales 84, 89  
Protozoa 43  
Psalliota 182  
Psalliota campestris 183  
Pseudomonas fluorescens 59

Pterophyta 18, 19  
Puccinia 195  
Puccinia dispersa 194  
Puccinia graminis 191, 192  
Puccinia Helianti 194  
Puccinia triticina 194  
Pucciniaceae 195  
Pyrenlichenes 208  
Pyrenomyctales 168  
Pyronema 80, 159  
Pyrophysa 45, 75  
Pythium debaryanum 151

## R

Ranuculaceae 36  
Raphidium 90  
Rhizobium 53  
Rhizobium radicicola 57  
Rhizophidium pollinis 147  
Rhodomella 131  
Rhodophyceae 22  
Rhodophyta 22, 45, 122  
Rivularia 67  
Roccella fucoides 212  
Roccella tinctoria 212  
Rosaceae 38  
Russula 182  
Russula Vesca 183

## S

Saccharomyces cerevisiae 160, 161  
Saccharomyces ellipsoideus 160, 162  
Salicaceae 38  
Salix alba 38  
Saprolegnia 149  
Saprolegniaceae 150  
Sargassum baccifirum 120, 121  
Schizophyta 22  
Sclerotinia sinerea 172  
Sclerotinia fructigena 172  
Septoria 198  
Siphonales 84, 98  
Solanum 36  
Solanum tuberosum 35  
Solanaceae 36, 38  
Sorangium 64  
Sphaerotilus 167, 203  
Sphaerostoc pruniforme 71  
Spirogyra 100  
Stachybotrys alternans 203  
Stigmatomyces Bacri 175  
Stranostoc commune 71  
Streptococcus 55  
Streptococcus lactis 55  
Surirella 112  
Synchitrium endobioticum 148  
Synedra 112  
Synura 73

T  
Tabillaria 112  
Taphrinia aurea 163  
Taphrinia cerasi 162  
Taphrinia deformans 162  
Taphrinia pruni 162  
Taphrinaceae 162, 163  
Taphrinales 162  
Terfezia leonis 174  
Terfezia melanoporum 174  
Thallobionta 40  
Tilletia levis 188  
Tilletia tritici 188  
Trachelomomas 80  
Tremellales 178  
Trentepohlia 94, 203  
Trentepohleaceae 94  
Trichoderma 198  
Triticum aestivum 35  
Triticum vulgare 35  
Tuber 173  
Tubermelonosporum 174  
Tuber aestivum 174  
Tuberales 173

## U

Ulothrichaceae 93  
Ulotrichales 84  
Ulothrix 93  
Ulva 96  
Ulvaceae 96  
Uncinula spiralis 167  
Uredinales 178, 187, 191  
Uromyces 195  
Uromyces pisi 195  
Usnea barbata 205  
Ustilaginaceae 187  
Ustilaginales 187  
Ustilago avenae 189  
Ustilago maudis 187, 190  
Ustilago nuda 187, 190  
Ustilago scabiosae 187  
Ustilago tritici 187, 188, 189

## V

Vauscheria 82, 98  
Vauscheriaceae 82  
Verrucaria 208  
Venturia inegalialis 170  
Verticillium 197  
Volvocaceae 84, 75, 87  
Volvocales 84  
Volvox 8, 88, 89

## X

Xanthophyta 45, 107  
Z  
Zygnemaceae 100  
Zygomycetes 149, 154

## МУНДАРИЖА

|   |          |
|---|----------|
| <b>Автордан . . . . .</b>   | <b>3</b> |
| <b>Учиччи нашрига сүзбөши . . . . .</b>   | <b>4</b> |
| <b>Кириш . . . . .</b>  | <b>5</b> |
| <b>Үсімліклар систематикасынның қысқача ривожланиш тарихи . . . . .</b>                                   | <b>7</b> |
| Хозирғы замон үсімліклар систематикасынның методлари . . . . .  | 27       |
| Систематик бирліктер (таксондар) ва үсімліклар номенклатурасы . . . . .                                   | 32       |
| Üсімліктардың номдасы . . . . .   | 37       |
| Тубан ва тоқсау үсімліклар . . . . .  | 39       |
| Тубан үсімліклар . . . . .  | 41       |
| Бактериясімоналар бўлими <i>Bacteriophyta</i> . . . . .   | 46       |
| Бактериялар класификацияси . . . . .  | 62       |
| I синф. Типик бактериянамолар — <i>Eubacteriomycetes</i> . . . . .  | 62       |
| 1 — тартиб. Чин бактериякабилалар — <i>Bacteriales</i> . . . . .  | 62       |
| 2 — тартиб. Хламидобактериякабилалар — <i>Chlamidobacteriales</i> . . . . .                               | 63       |
| 3 — тартиб. Тиобактериякабилалар — <i>Thiobacteriales</i> . . . . .                                       | 63       |
| 4 — тартиб. Микобактериякабилалар — <i>Mycobacteriales</i> . . . . .                                      | 63       |
| II синф. Миксобактериянамолар — <i>Myxobacteriomycetes</i> . . . . .                                      | 63       |
| III синф. Спирохетанамолар — <i>Spirochaetomyces</i> . . . . .  | 64       |
| IV синф. Актиномицетнамолар — <i>Actinomycetes</i> . . . . .  | 64       |
| Яшил сувўтлар бўлими — <i>Cyanophyta</i> . . . . .  | 68       |
| Язомонадасимоналар ёки тилла ранг сувўтлар бўлими — <i>Chrysophyta</i> . . . . .                          | 72       |
| Профитасимоналар бўлими — <i>Rugophyta</i> . . . . .  | 75       |
| Гленасимон сувўтлар бўлими — <i>Euglenophyta</i> . . . . .  | 78       |
| Зил сувўтлар бўлими — <i>Chlorophyta</i> . . . . .  | 82       |
| I синф. Чин яшил сувўтлар ёки тенг хивчиниллар — <i>Euchlorophyceae</i> . . . . .                         | 84       |
| Ёки <i>Isocontae</i> . . . . .  | 84       |
| Вольвокслар тартиби — <i>Volvocales</i> . . . . .   | 84       |
| Хлорококкабилалар — <i>Chlorococcales</i> ёки протококкабилалар тартиби . . . . .                         | 89       |
| Улотриксабилалар тартиби — <i>Ulothrichales</i> . . . . .   | 92       |
| Сифониллар тартиби — <i>Siphonales</i> . . . . .  | 98       |
| II синф. Конъогатнамолар ёки маташувчилар — <i>Conjugatophyceae</i> . . . . .                             | 100      |
| III синф. Харанамолар ёки нурлилар — <i>Charaphyceae</i> . . . . .  | 104      |
| Р. хил хивчиниллар ёки сарғыш яшил сувўтлар бўлими — <i>Heterokontae</i> ёки <i>Xanthophyta</i> . . . . . | 107      |
| Атомсимоналар ёки кремнеземли сувўтлар бўлими — <i>Bacillartophyta</i> ёки <i>Diatomeae</i> . . . . .     | 110      |
| I синф. Патсимоннамолар — <i>Pennatae</i> . . . . .   | 110      |
| II синф. Центрикнамолар — <i>Centricae</i> . . . . .  | 112      |
| Ингир сувўтлар бўлими — <i>Phaeophyta</i> . . . . .   | 115      |
| 1 — тартиб. Эктокарпускабилалар — <i>Ectocarpales</i> . . . . .   | 116      |
| 2 — тартиб. Ламинариякабилалар — <i>Laminariales</i> . . . . .  | 117      |
| 3 — тартиб. Диктиоталар — <i>Dictyotales</i> . . . . .  | 118      |
| 4 — тартиб. Фукускабилалар — <i>Fucales</i> . . . . .   | 119      |
| Вил сувўтлар бўлими — <i>Rhodophyta</i> . . . . .   | 122      |
| I. Бангиянамолар синфи — <i>Bangiophyceae</i> . . . . .   | 124      |
|   | 223      |

|   |     |
|---|-----|
| <b>II. Флориденамолар синфи — Fungi</b>   | 124 |
| Сувутларнинг табиатдаги роли ва кинилар ҳаётидаги аҳамияти                      | 128 |
| Шиглишиклар ёки миксофиглар бўлими — Myxophyta                                  | 133 |
| Замбуруғлар бўлими — Fungi  | 138 |
| <b>I синф. Архимицетнамолар — Archimycetes</b>                                  | 146 |
| 1 — тартиб. Миксохитрийкабилар — Myxochytridiales                               | 146 |
| 2 — тартиб. Микохитрийкабилар — Mycochytridiales                                | 147 |
| <b>II синф. Фикомицетнамолар ёки сувўт замбуруғлари — Phycotomycetes</b>        | 148 |
| 1 — кенжак синиф. Оомицетнамочалар — Oomycetidae                                | 149 |
| Сапролегниядошлар оиласи — Saprolegniaceae                                      | 149 |
| Пероноспоралар — Peronosporales тартиби   | 151 |
| 2 — кенжак синиф. Зигомицетнамолар — Zygomycetidae                              | 154 |
| 1 — тартиб. Мукоркабилар — Mucorales  | 154 |
| 1 — оила. Мукордошлар — Mucoraceae  | 154 |
| <b>III синф. Халтачали замбуруғлар ёки аскомицетнамолар — Ascomycetes</b>       | 157 |
| 1 — кенжак синиф. Яланғоч халтачалилар — Gymnoascomycetidae                     | 160 |
| 1 — тартиб. Дастрлабки халтачалилар — Protoascales                              | 160 |
| 2 — тартиб. Тафринанамолар — Taphrinales ёки Экзоаскуснамолар — Exoascales      | 16  |
| 2 — кенжак синиф. Меваҳалтачалилар — Cargaoascomycetidae                        | 16  |
| 1 — тартиб. Плектаскалескабилар — Plectascales                                  | 16  |
| 2 — тартиб. Периспориалескабилар — Perisporiales                                | 16  |
| 3 — тартиб. Пиреномицеткабилар — Pyrenopycetales                                | 16  |
| 4 — тартиб. Дискомицеткабилар — Discomycetales                                  | 17  |
| 5 — тартиб. Трофелкабилар — Tuberales   | 17  |
| 6 — тартиб. Лабульбениякабилар — Laboulbeniales                                 | 17  |
| <b>IV синф. Базидияли замбуруғлар — Basidiomycetes</b>                          | 1   |
| <b>I синф. Холобазидиянамолар — Holobasidiomycetidae</b>                        | 1   |
| 1 — тартиб. Экзабазидиумкабилар — Exobasidiales                                 | 1   |
| 2 — тартиб. Гименомицеткабилар — Hymenomycetales                                | 1   |
| Клаварияядошлар оиласи — Clavariaceae   | 1   |
| Пўқакдошлар оиласи — Polyporaceae   | 1   |
| Пластиникалар оиласи — Agaricaceae  | 1   |
| 3 — тартиб. Гастеромицеткабилар — Gasteromycetales                              | 1   |
| 2 — кенжак синиф. Фрагмобазидиянамолар — Pragmobasidiomycetidae                 | 1   |
| 1 — тартиб. Қорзукякаби замбуруғлар — Ustilaginales                             | 1   |
| <b>Маккажўхорининг бўрган қоракуяси — U. Zeae</b>                               | 1   |
| 2 — тартиб. Зангкаби замбуруғлари — Uredinales                                  | 1   |
| Пуккиниядошлар оиласи — Russinaceae   | 1   |
| Меламспорадошлар оиласи — Melampsoraceae  | 1   |
| <b>V синф. Такомицетмаган замбуруғлар — Fungi imperfecti ёки Deuteromycetes</b> | 1   |
| Замбуруғларнинг келиб чиқиши  | 1   |
| Замбуруғларнинг аҳамияти  | 1   |
| <b>Лишайниксизмолар бўлими — Lichenophyta</b>                                   | 1   |
| Лишайникларнинг анатомик тузилиши   | 1   |
| I синф. Халтачали лишайниклар — Ascolichenes                                    | 1   |
| II синф. Базидияли лишайниклар — Basidiolichenes                                | 1   |
| <b>Лишайникларнинг ҳаёти</b>  | 1   |
| Лишайникларнинг тарқалиши   | 1   |
| Лишайникларнинг аҳамияти  | 1   |
| <b>Адабиёт</b>  | 1   |
| Ўсимлик ўзбекча номларининг кўрсаткичи  | 1   |
| Ўсимлик латинча номларининг кўрсаткичи  | 1   |